


67



и (инд)  
Б 99

Б. БҲАТТАЧАРИЯ

# ОҶАРҶУНЛИК

РОМАН

Русчадан  
СУЛТОН МУҲАММАДЖОНОВ  
таржимаси

ЎзССР-ИИ — ИТ

Фарғона обл. Кўнград  
26 Баку Кўнград  
10 1072 1072

Средняя школа № 10  
им. 26 Бакинского комиссара  
г. Коканд, Ферганской обл.

87

БИБЛИОТЕКА КГПИ  
Инв. № 168167

№ 304 60.

ЎЗССР ДАВЛАТ БАДИИИ АДАБИЕТ НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ — 1980

## СУЗ БОШИ

1958 йил 4 август кечаси биз, Жаҳон тинчлик тарафдорлари Стокгольм конгрессига борган Ҳиндистон делегацияси аъзолари ватанимизга қайтаётган эдик. Москва аэропортида биз каттакон реактив самолётга чиқдик. Юракларимиз гуп-гуп урар, ҳаммамиз жуда хурсанд эдик, негаки бу унутилмас онлар эди. Биз Тошкентда қисқа муддат тўхтаб ўтадиган янги очилган махсус Москва—Деҳли маршрутнинг биринчи йўловчилари эдик.

Гарчи, самолётда овқатланиб олган бўлсак ҳам, Тошкент аэропортида бизга, яна бир марта овқатланиб олинглар, деб таклиф қилишди. ТУ — 104 самолётига яна чиқиб, жой-жойимизга ўтирганимизда ҳаммамиз ҳам бир оз ҳаяжонландик: ахир, биз ҳозир янги, ҳали очилмаган маршрут билан доимий музлик тоғ чўққилари оша ўқдек учиб ўтишимиз керак эди. Заррин тонг шафағини бирпас томоша қилиб ўтирдик, кейин қаршимизда бепоеъ тоғ тизмалари кўринди. Минг йиллардан бери Ҳиндистонни шимолий қўшниларида ажратиб турган бепоеъ девор энди йўқ эди.

Сафаримиз уч соатга чўзилди, холос. Биз вақтнинг ўтганини ҳам сезмай қолдик, чунки тоғларнинг сирли гўзаллигини томоша қилиб қолибмиз.

— Белбоғларингизни ечиб қўяверинглар,— деди стюардесса, хаёлимизни жойига келтириб,— ўн беш минутдан кейин Деҳлида бўламиз.

Мен ўзимнинг Тошкентга бундан олдин, 1951 йилда келганимни эсладим. Унда мен Совет Иттифоқига Ҳиндистон маданият арбоблари делегацияси билан келган эдим. У вақтда, бундан етти йил муқаддам, Пешавор билан Қобил ўртасида ҳаво йўли йўқ эди. Биз Деҳлидан Лоҳурга учдик, кейин Лоҳурдан Пешаворга кечаси билан поезд-

бўласан. Дурдонамиз қандай чинқиритини эшитиб ҳам қоласан.

Яна ярим соат-а! Бунча кўп! Лекин изтиробга солаётган ваҳмни яхши хаёллар билан тарқатиб, ўзини босиб олди.

— Қизим туғилиши биланоқ, биғиллаб йиғлайдими?— деб сўради у. Овозидан тоқатсизланаётгани сезилиб турарди. У ҳали туғилмаган қизининг кичкинагина қўлчаларини сиқиб мушт қилиб олганини, онасининг қорнида ўрганиб қолганидек оёқларини йиғиб ётганини, юзини буриштириб, биринчи марта ингалаб йиғлаганини аллақачон кўриб турарди.

Она ўғлининг болалигидан кулиб қўйди.

— Йиғлаганда қандоқ, овозининг борича чинқираб беради. Лекин, болам манавай вайсақининг овозини ўчирмасанг, чақалоқнинг йиғлаганини эшитмай қоласан.

Роҳулнинг назари яна приёмникка тушди, кенг пешонасини тириштириб, бир неча секунд унга қулоқ солиб турди.

— Қизим дунёга келиб кўзини очади-ю, урушни кўради. Эшитдингизми, ойи?— деб онасига ўғирилди, овози билинар-билинемас титраб, сўзлари чалкашиб кета бошлади.— Асрлардан бери куч-қувват йиғиб келаётган халқларни уруш ўз қаърига тортади. Кураш бениҳоя зўр, чексиз азоб-уқубат. Керакми шу нарса? Агар бутун маданий инсониятга хавф солиб турган вўравонликка чек қўя олса, ҳақиқатан ҳам керак. Қизим худди мана шундай бир пайтда,— дер экан овози ҳаяжондан бўғилиб қолаёзди,— худди шундай бир пайтда дунёга келадиган бўлиб турибди!

Онасини ваҳм босди.

— Уруш дейсанми? Ростдан ҳам уруш бошландими? Бўлмаса, боққол билмасдан туриб, ярим йилга етадиган гуруч билан хантал мойи ғамлаб қўйиш керак. Ахир нарх-наво кўтарилиб кетади-ку.— Ёдига бир нарса тушиб, она тўхтаб қолди.— Қизиқ! Ўзинг ҳам уруш вақтида туғилган эдинг, Роҳул. Ушанда Катта қирғин<sup>2</sup> энди бошланган эди. Эсимда...

— Йўқ, ойи мен ҳар ҳолда сал кечроқ туғилганмач,— деб онасининг гапини бўлди Роҳул.— Ахир мен сентябрнинг ўртасида туғилганман-ку. Бир неча ҳафта кеч қолганман. Қизим бўлса, худди уруш бошланган кунни туғилади!

Онаси кулиб қўйди-да, яна ўз дардини бошлади:

— Кейин яна қанд, газмол ғамлаб қўйиш керак. Отанга, сен билан Қуналга инглизларнинг оқ тикидан олиб қўйиш керак. Ундан кейин консерва, ёғ, балиқ олиб қўйиш ҳам зарур. Сиз болаларнинг дидингизга ҳайрон бўламан. Бангол дарёларида йирик десанг йирик, майда десанг майда балиқ ачиб-бижиб ётибди-ю, иккаланг ҳам йиллаб тунука банкада ётган сассиқ балиқ ейсан. Ҳидининг ўзидан кўнглинг кетади киши!

Аммо, тиран фикрлар билан банд бўлган ўғлини онанинг рўзгор ташвишлари қизиқтирмади ҳам. Унинг қулоғи приёмникда эди. Қалин кўзойнак остидаги кўзлар приёмникка шавқ ва диққат билан тикилганди. Онаси коридорга чиқиб, шарпа қилмай, секин-аста юриб кетди.

«Бир авлод умри ичида Англия Германия билан иккинчи марта урушяпти. . .»

Приёмник ғидир-ғидир қилиб нотиқнинг сўзи эшитилмай қолди, Роҳул эфирдан берилаётган музыкаларга, дикторларнинг узук-юлуқ сўзларига эътибор бермай, то немис радиостанциясининг эшиттириши илингунча приёмникни паришонлик билан бурайверди. Фашист чийиллаган овозини барала қўйиб, бутун дунёга дўқ урарди. Роҳул нафрат билан лабини буриштирди. Гангстерлар услуби билан шундай буюк миллатни дунёни хароб қилиш йўлини тутишга мажбур этдилар. Мағлубият остида эзилган бу миллатнинг яшаш шарт-шаронти уруш бўлиб қолди, бу миллат қонга ботирилган Еврoпа далаларида ўз мартабасини яна тикламоқчи умид қиларди. Нақадар зўр хато! Германияни фақат янги мағлубият сақлаб қолиши мумкин. Англия реакцион кучлари немис нацистларини қириб ташласинлар, майли. Ўшанда Германия яна омон қолади.

Англия ҳам омон қолади. Қалтафаҳм сиёсатдонлар қоқшол этиб қўйган Англия кўзини очади: у янги, прогрессив раҳбарлик ғайрати билан маънавий улуғворликка кўтарилади. . .

Дунё ҳалокат ёқасида турган шу дамда Роҳулнинг хаёлидан шу фикрлар кечарди.

Аллақаерда эшик қарсиллаб очиб ёпилди. Роҳул оёқ-қўли қалтираб приёмникни ўчирди. Йўқ, кўча эшик экан. Ҳаяжондан ўзини йўқотиб коридорга чопиб чиққанида, эркак кишининг

— Тўхтанг!— деган овози келди.

Оқ фланелдан кийим кийган, баланд бўйли, қадди-қомати келишган, пишиқ гавдали Қунал қўлида теннис ракеткаси ушлаганча унга томон келарди. У ўзига ўзи:

— Салют!— деб команда берди-да, товонларини бири-бирига қарсиллатиб уриб, ўнг қўлини чаккаси ёнига келтирганча ғоз қотди.

— Рухсат этинг, ўзимни танитай, дада<sup>3</sup>: жаноб олийлари қуроли кучларининг офицери бўламан. Хизмат қиладиган қисмим — кавалерия.— Қўлини пастга тушириб секинроқ сўзлай бошлади.— Ё ҳали хабарингиз йўқми? Сиздек фан ўчоғида юрадиган одам дунёвий ишлардан...

Роҳул кулди:

— Биаламан. Ундан ташқари, Қунал, бугунги кун бош қаҳрамонларининг аслини кўришга муваффақ бўлдим. Ҳиндистон тўғрисидаги масала муҳокама қилинаётганда бош министрнинг депутатлар палатасида сўзлаган нутқини эшитдим. Берлин радиосидан, инсониятнинг энг биринчи душмани сўзидан ҳам бир шингил эшитиб қолдим...

Қунал бўлди дегандек қўл силтаб қўйди.

— Бу жиҳатдан сизга тенглашиб бўлмайди. Европада тўрт, йўқ, беш йил турдингиз. Лордникида крикет, Уимблдонда теннис ўйнадингиз. Берлинда олимпиадада иштирок этдингиз. Ҳаётнинг барча завқини сурдингиз. Омадингиз келган! Энди менинг навбатим. Капитан Басу бронетанк қўшинлари бошида Зигфрид истеҳкомларини ёриб ўтишга толпинади, душманни бартараф қилади, унинг исми қўмондонликка юборилган хабарларда тилга олинади...

— Назаримда лейтенант Басу отлиқ қисмларда хизмат қиларди шекилли.

— Ахборингиз учун, капитан Басу. Қўлидан иш келадиган одам амалининг ошишини узоқ кутмайди. Шундай қилиб, капитан Басу механикалаштирилган қисмларда хизмат қилади. Қадим замонлар бўлганда от миниб чавандозлик қилиб юрган бўлар эди. Ҳозирги кунда эса, у ўттиз тоннали танкда юради. Йўқ; ҳазили йўқ. Университетимиз ўқув-машқ корпусининг командири майор Бердга учрашмоқчиман. Эҳтимол менга офицерлик даражасини беришар. Ҳар ҳолда таълим

олганман-ку. Кичик командирлар составиданман десам бўлади.

Роҳул ўйланганча қовоғини солиб турарди. Ҳар ишни ҳам амалда қилиб кўришни одат қилган Қунал ундай қилса яхши-ю. бундай қилса ёмон, деб бош қотириб ўтирмай, масалани шартта ҳал қилиб, бир қарорга келган-қўйган. Уруш унга катта бир саргузашт. Урушдан мақсад нима эканлиги уни қизиқтирмайди. Демократия томонида туриб урушда иштирок этиши бир тасодиф, холос. Лекин энг абстракт нарсалар устида фикрлашни ўрганган Роҳул ҳам ҳозир демократиянинг фашист агрессиясига қарши олиб бораётган кўрашида иштирок этишни жуда-жуда истарди — ахир, у авваллари ҳам шунини орзу қилмасмиди?

— Эҳтимол, мен ҳам борарман...— деб қолди ёлворган бир оҳангда.

— Сиз-а?— деб ҳайронликдан Қунал кўзларини катта очди.— Йўғ-э, бўлмайди! Сиз, ахир, машҳур астрофизика профессорисиз. Кембриж университетининг докторисиз-а. Сизнинг ишингиз ҳали бизга маълум бўлмаган қуёш нурларини... ёки юлдузлар нурини очиш-ку.— Акасига ачиниб гапирганидан унинг ғайрат барқ уриб турган, мармардан ясалгандек оппоқ юзида меҳр ифодалари кўринди. У акасига яқин келди. Бўйи акаси-дан икки дюйм баландроқ эди.— Йўқ, дада. Сиз боролмайсиз. Кенайим ҳам сизни ҳеч қаерга юбормайди. Қийин-қистоққа олиш, тез ҳаракат қилиш каби ишлар менинг кўнглимдаги нарсалардир. Умр бўйи бирор идорада қимир этмай ўтирадиган хизматчи бўлиб қолишимга сал қолди-я, ўйлаб қарасам, юрагим орқамга тортиб кетади. Отам роса ҳаракат қилди-да,— Қунал бир нарсага қулоқ солиб, бирпас жим қолди.— Ўзи ҳам ҳозир келиб қолади. Велосипед билан қувиб, муюлишда ундан ўтиб кетдим. Бундай шошиб юрганини биринчи кўришим. Ҳар ҳолда у ҳам мени таниб қолгандир. Тезроқ қочиб қолмасам бўлмайди.— У яна бирпас жим қолди, қадама зинага бир кўз ташлаб олиб, овозини пасайтириб:— Дунёга келганидан кейин ўғилчангизни мен учун ҳам ўпиб қўйинг,— деб қўйди.

— Қиз у...— деб унинг сўзини тўғрилади Роҳул, беихтиёр.

Уруш тўғрисидаги фикрлар бўлинди. Фикри-зикрини яна Монжу эгаллади. У инграб ётар, кўзларига ёш тўл-

ган эди. Бугун эрталаб бўғилиб, эрининг қўлларига ёпишиб: «Сиз айбдорсиз-да! Нега менга маслаҳат бермадингиз? Болани нима қиламан?»— деб таъна қилган эди, у. Аммо, унга бола керак эди. Унда оналик туйғуси кучли эди.

— Қиз дейсизми?!— деб ҳайратдан қотиб қолди Кунал. Кейин хурсандликдан ўзини йўқотиб:— Дада!— деб қичқирди. Сўнг акасининг елкасидан ушлаб, силки-та-силкита:— Нега шу вақтгача индамайсиз? Қиз туғди денг? Анавини қаранг-а! Мен бўлсам хавотир олиб юрибман! Бечора кенайим...— деб шанғиллай бошлади.

Роҳулнинг қалби укасига нисбатан меҳр билан тўлди. Кунал бундай нарсалар тўғрисида ўйлар, ташвиш тортар деб ким ўйлабди дейсиз! Одатда у кuni билан беҳисоб қизиқ-қизиқ ишлари кетидан югуриб-елар, уйда нималар бўлаётганини ўйлашга ҳам вақти йўқ эди. Стадионда қўлга киритилган зўр ғалабалар олдида уйдаги арзимас ишлар нима деган нарса!

— Йўқ, бола ҳали туғилгани йўқ. Нима учундир қиз туғилади, дейдиган бўлиб қолибман.— У Куналнинг қошлари учганини кўриб, ҳайронликдан хижолат тортиб жилмайди.— Ҳозир ойим шу ерда эдилар. Кўзи ёришига оз қолди, дедилар.— Роҳулнинг лабларидаги табассум ғойиб бўлди.— Монжу дош беради. У ишончли қўлларда. Лекин оғриқдан жуда азоб чекади-да...

— Оғриқни кўргани кўзим йўқ,— деб қолди тўсатдан қизишиб Кунал, —айниқса аёл кишининг азоб чекканига чидаб туролмайман. Эркаклар азоб чекса, бу бир нав: улар кучлироқ. Лекин аёллар — оналар, опа-сингиллар, хотинлар оғриқдан азоб тортмаслиги керак.— Ўзининг бунчалик қизишиб кетганидан ҳайрон қолиб, бирпас жим қолди. — Ана, отам ҳам келиб қолди. Менга яна бирор маслаҳат топиб келган бўлса керак,— деди-да ракеткасини ўйнатганича орқасига қарамай қочиб қолди.

Отаси элликларга борган; паст бўйли, кенг яғринли, от жағли, калта қилиб қирқтирилган оқ сочли ва кичкина айёр кўзли одам бўлиб, ҳеч қаери ўғилларига ўхшамасди. Эғнида ўзига ярашмаган европача кийим-бош— альпагадан тикилган ярқироқ қора пиджак, бабочка қилиб тақилган қора галстук ва қорнига ёпишиб турган, почаси тўпигига бир дюйм етмайдиган оқ тик шим. Кўкрагида ён соатини йўғон олтин занжири ярқирайди.

— Хўш, демак, уруш бошланибди-да?— деб у битта-битта қадам ташлаб коридорнинг охирига борди-да, шартта бурилиб, орқасига қайтди.— Сен қандай ўйлайсан, Роҳул, узоққа чўзилармикан-а?

— Янги даврга кирмагунимизча...— деб жавоб берди Роҳул, гўё овоз чиқариб ўйлаётгандек.— Империалистик уруш ғоялар урушига, маънавий бойликлар урушига айланади. Қалтафаҳм сиёсатдонлар ўзлари ёмон кўрадиган шиорларни майдонга ташлашга, ҳамма нарсадан ҳам ўзлари учун кўпроқ қўрқинчли бўлган кучларни ўз майлига қўйиб беришга мажбур бўладилар.

— Тилламин, пўлатми?— деб унинг сўзини бўлди Самарендро, ташвиш билан кўзларини қисиб. У ҳам овоз чиқариб фикр юритмоқда эди.

Роҳул ҳайрон бўлиб қолди.

— Униси ҳам, буниси ҳам — ҳарбий материал. Урушга иккаласи ҳам даркор.

Самарендро жаҳл билан бош силтади:

— Нега тушуна қолмайсан-а! Нима олсам экан деб бошим қотяпти — қуйма олтин олиб қўяйми ё пўлат акцияларидан олганим яхшими?— У секин ва мулоҳаза билан гапирар эди.— Эртага биржада тўс-тўполон бошланади. Буқалар\* ҳамма нарсани йиғиб олишади, айиқлар\*\* икки қўлларини бурунларига тикиб қолаверишади. Пўлатнинг баҳоси ошиб кетади, олтиннинг баҳоси ҳам. Қай бирини танласам экан? Бундай вазият умрда бир бўлади.

Уруш бошланганига Қунал ўзича, отаси ўзича хурсанд эди. «Хўш, сен-чи?— деб ўзидан ўзи сўрар эди Роҳул.— Қунал солдатликка кетяпти; отам акция ғамлайди, онам эса, гуруч билан ёғ. Хўш, сен-чи?»

Ярим соат тугай деб қолди — бу фикр миядан бошқа ўйларни суриб чиқарди: икки жон—оғир юк ингичка ипда осилиб турган он яқинлашиб қолди. Монжуга бирон нарса бўлиб қолса-я... Йўқ! Бирга умр кечирган сўнгги йилларда у билан бир тан-бир жон бўлиб кетган. Ўзи тирик юрса-ю, у йўқ бўлиб қолса. Буни кўз олдига келтиролмайди ҳам. Дарвоқе, хотинига доим парво қила олдимми? Ўз иши билан овора бўлиб кетиб, уни кўпгина хурсанд-

---

\* *Буқалар* — биржа жаргонига — биржа акцияларининг баҳосини оширишга ҳаракат қилувчи олиб сотарлар.

\*\* *Айиқлар* — биржа акцияларининг баҳосини камайтиришга уринувчи олиб сотарлар.

чиликлардан маҳрум қилиб қўймадими? Энди, ҳеч ундай қилмайди! Энди қўлидан келган ҳамма нарсани қиладди,— ҳамма нарсани! Ишқилиб, она бўлганидан хурсанд бўлиб, бахтиёр яшаса бас!

Денгиз чиғаноғининг ёқимли овозини эшитиб, Роҳул чўчиб тушди. Зина тепасида онаси турарди.

— Иккалангиз ҳам бери келинг. Эшик олдидан чақалоқни кўрсаларинг бўлади—ҳозиргина чўмилтириб олдик. Кўзлари катта-катта, ўзи сутга чайқаб олгандек — онасининг худди ўзи.

— Онасига ўхшаган бўлса, бахти,— деди Самарендро оғзи қулоғига етиб.— Куёв қидириб овора бўлиб юрмаймиз!— деб ўзида йўқ хурсанд, хохолаб кулиб юборди.— Бор, Роҳул, қизчангни олдин ўзинг кўр. Кетингдан мен ҳам чиқаман. Аввал биржа даллолига телефон қилишим керак. Ўзинг тушунасан-ку...— Гапини тугатмай, елкасини қисиб қўя-қолди: дунёда уруш бошланган, уйда жажжи неvara туғилган бир пайтда пулдорлар Наполеони бўлиш керак. Ўзинг тушунасан-ку!

— Монжу қалай, ойи?

Онаси мулоим кулди.

— Ҳадемай кўрасан. Жуда чарчади-ю, аммо, ўзи хурсанд. Доктор хотин ишини тугатсин, бир оз сабр қил.

Чинқириқ! Ҳозиргина туғилган чақалоқнинг чўзиб-чўзиб чинқирган инга-ингаси! Роҳулнинг оёқлари полга ёпишиб қолган эди. Суюнганидан юраги гурсиллаб урарди. Кузнинг бугунги кунида ҳаётида иккита катта воқиа юз берди. Бош министр свастикага уруш эълон қилди. Монжу қиз туғди. Бу воқиаларнинг ҳар бири, гўё Роҳулнинг ўзи бирор мардонавор иш қилгандек, бутун ҳис-ҳаяжони қўзғалишига кифоя қиларди. Эски, чириган усул-идора тарафдори бўлган сиёсат арбоби истаристамас худди ўша усул-идорага, гўё ўз гўрини ўзи қазиси тўғрисида буйруқ берган кун фарзанд кўргани Роҳулнинг назарида ажойиб бир воқиадек эди.

Ҳа! Бу қонли урушда фақат свастика эмас, бошқа кўп нарсалар ҳам ҳалок бўлади. Миллионлаб йигит-ялангларнинг умри беҳуда хазон бўлмайди.

## ИККИНЧИ БОБ

Янги давр яқинлашиб келганидан дарак бериб, янги серқуёш кун деразалардан ичкари кирди ва ҳали уйқуси

ўчмаган кишилар миясига энди нима бўлишини кутишдек оғир юк юклади.

Кечаги ташвиш ва хавотирликлардан кейин у тинч ухлади. Кеча кечаси Монжу оғриқдан то тонг отгунча азоб чекиб чиқди; катта-катта очилган шахло кўзларида қўрқув акс этарди — бунинг устига-устак кечаси билан кўча эшик тагида мушук миёвлаб чиқди: бу хосият Монжуни, энди боламни кўрмасдан ўлар эканман, деган фикрга олиб келди. Шундай ёшлик чоғида дунёдан кўз юмиб кетишни сира-сира истамас эди — ёши энди йигирмага тўлган, бу дунёда аёл киши орзу қилиши мумкин бўлган ҳамма нарсаси муҳайё эди. Ҳар оғриқ турганда эрининг қўлига тобора маҳкамроқ ёпишар, гўё дардидан озроғини эрига ўтказиб юбормоқчи бўлаётгандек, унинг қўлини кўкрагига босарди, шунда хотинининг юрагини ёраётган даҳшат ростдан ҳам Роҳулнинг қалбида акс садо бергандек бўлар ва у тобора хотинига яқин сурилар, қўлини хотинининг боши тагига қўйиб ардоқлар, уни гўё қилич яланғочлаб келаётган ўлимдан ҳимоя қилмоқчи бўлгандек маҳкам бағрига босарди. У гўё ўлим худоси Яманинг ўзи одамларнинг иссиқ жонини олиб, йиғиб юрадиган кўвачани кўтариб, оғир-оғир қадам ташлаб келганини кўргандек қўрқиб, кўзларини катта-катта очиб, жавдираётган хотинига қараб турарди.

Тўлғоқ азоблари ўтиб кетди. Монжу энди она, бола — уйнинг қувончи. Кўнгил тинч!

Иттифоқчи давлатлар ниҳоят свастикага уруш эълон қилишга мажбур бўлишди. Бутун маданий оламнинг мададига таяниб, улар жигар ранг вабони таг-томири билан тугатадилар, Германияни рейхнинг темир чангалидан қутқарадилар. Ишонган қалъалар қулайди, қулаганда ҳам фақат Германияда қулаб қўя қолмайди. Иттифоқчи давлатлар душманга қарши кўтарган кучлар чириган заминни ҳар ерда ҳам қулатиб ташлайдиган қўш тигли қилич бўлиб чиқади. Ҳамма ишлар жойида бўлади.

Ҳиндистонда ҳам ишлар яхши бўладими? Ҳа, учи қайрилган крест яратаётган балони Ҳиндистон ҳам жуда ёмон кўради. Ҳиндистон ҳам курашда қатнашади. Бу уруш Ҳиндистоннинг ҳам уруши.

Роҳул ўрнидан ирғиб туриб кетди. Хурсандликдан овозининг борица қичқиргиси, ашула айтгиси келди-ю,

аллақандай куйни ҳуштак қилиб чалиш билан чекланди. Тинчлик кучлари унинг ҳуштагига жўр бўлиб, рақс туша бошладилар. Хаёлида у неча-неча марталаб озодлик курашчиларининг халқаро армиясини тўплаган ва фашист галаларига қарши уруш эълон қилган эди. Роҳул шошиб-пишиб соқолини қириб, ювинди. У томирларининг уришида Ҳиндистон товушини эшитиб турарди.

Мана шундай фикрларни четга суриб, Монжу тўғрисидаги фикр бутун хаёлини қамраб олди. Роҳул зинадан чопганича юқори чиқди. Урф-одат янги туққан хотинни ўғил туққан бўлса, уч ҳафта; қиз туққан бўлса, бир ой-гача бола туғилган хонадан чиқмаслигини талаб қиларди. Бечора Монжу! Шу бир ой ичида унинг дунёси қандай тор бўлади. Аммо қадимий Ҳиндистоннинг бундай қараганда эскириб кетган ва бемаъни кўринган расм-русумларини дурустроқ ўйлаб кўрилса, ўзига ярашур яхши жиҳатлари бор. Ахир шундай бўлгани Монжунинг ўзига яхши. Узоқ дам олиши ўзига фойда. Тезроқ куч-қувватга киради.

Чақалоқнинг инга-ингаси! У эса, энди кичкинагина қизча, жажжи қизалоғи борлигини ёдидан чиқариб қўяёзибди-я! Ичкаридан яна аёллар овози эшитилди... Онаси алдаб-сулдаб келинини кўндирыпти. Монжу оғри-япти, деб шикоят қиляпти. Чақалоқ эса, овозининг бори-ча биғиллаб йиғлаяпти — кечагина туғилган боланинг овозини қаранг-а! Монжуга яна нима азоб бериши мумкин? Бирдан чақалоқнинг йиғиси тинди. Ичкари жим бўлиб қолди. Бунга қизиқиб қолган Роҳул эшикни сал очиб, тирқишидан мўралади. У овоз чиқармай, табассум билан дарҳол эшикни ёпди. Ёш оналик латофати! Қиз бола онага айланган эди!

Секин-аста у ўз кабинетига қайтиб тушди. Хизматкор чой билан газеталарни келтирди. У газетани бирпасда кўздан кечириб чиқди. Кейин ўйланганча паришонлик билан чойни ковлади. Ҳа, масала равшан. Ҳиндистон жамоатчилиги дунёнинг прогрессив кучлари тарафида. Лекин гўё демократик озодликлар йўлида олиб борилаётган урушга ўша демократик озодликлардан маҳрум бўлган халқ қандай қилиб киришаркин? Занжирбанд қилиб ташланган Ҳиндистонни дунё озодлиги учун курашга чақирмоқда эдилар!

Бироқ, Роҳулнинг орзулар билан бир оз хиралашган кўзлари ҳозиргидек улуғ бир онда ўша занжирларнинг

парчаланаётганини кўриб турарди. Озодлик шамоли Европа чегаралари оша, денгизлардан ўтиб Осиё мамлакатларига етиб келади. Уруш суронларида инсон қалби тозаланади. Урушдан инсоният бутунлай бошқа бўлиб чиқади.

Эшик очилиб, ичкарига шарпа чиқармай онаси кириб келди. Роҳул ўгирилиб қаради-ю, онасининг юзида ташвиш аломатини кўриб:

— Тинчликми? Монжуга бир гап бўлдимизми?— деб қичқирди. Онаси бош чайқади.

— Тинчлик. Қизинг кечаси бир оз йиғлади, холос.— У бирпас жим турди. Кейин Роҳулнинг пиёласини ушлаб кўрди:— Чойинг совуб қолибди,—она тўкиб ташлади-да, иссиқ чой қуйиб берди.— Ич, бўлмаса яна совуб қолади.

Кейин уҳ тортиб, диванга ўтирди.

— Бир нарсадан хафа кўринасиз ойи?— деб Роҳул креслосини онасига яқинроқ сурди.

Она бош ирғаб қўйди.

— Ҳа. Кунални кўрмайсанми,— деб бирпас жим қолди, кейин тагин давом этди:— Кечаси Кунал чақалоқ туғилган хона эшигини тақиллатди, чиқсам, шивирлаб: «Хўш, Монжунинг аҳволи қалай? Қизалоқ яхшими?» деб сўради. Кетидан эса: «Ойи, сизга бир гапим бор», деб қолди. Юзи бир айб иш қилиб қўйган одамдек қизариб-бўзариб кетган, ўт бўлиб ёнарди. Мени ўз хонасига бошлаб кириб, креслога ўтқазди-да, ерга ўтириб, тиззамга бошини қўйди. «Ойи, урушга кетяпман. Розилик берсангиз», деб қолди. Анграйдим қолдим. «Мен ўлганимдан кейин қаёққа борсанг борарсан, Кунал. Унда мен бўлмайман ҳам, қаршилиқ ҳам қилмайман. Улгунимча ҳеч қаерга кетмай тур», дедим. Шундай десам, ярқ этиб менга қаради-да: «Ойи, мени пахтага ўраб, қутичага солиб қўймоқчимисиз? Бу ишингиз билан менга озор берасиз, холос», деди. «Немислар сенга нима ёмонлик қилди?» десам. «Урушга аллақандай дабдабали шнорлар учун кетаётганим йўқ, ойи. Ўз хоҳишим билан кетяпман, кўнглим шуни истайди десаммикин сизга», деди. Шундай деди-ю, ирғиб ўрнидан туриб, хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади, шунда бир кўрсанг эди уни, гўё кўнглидаги жўшқин хаёллар юзига ёзиб қўйилгандек эди. Унга тўсиқ бўлмаслигим, дилини оғритмаслигим кераклигини сездим. «Билганингни қил, Кунал. Мингдан минг розиман. Оқ йўл бўлсин,

ўғлим», дедим. У ҳайратда қолгандек таққа тўхтади, кейин оёқларим остига тиз чўкди, қўлларимни олиб, юзига суртди, кўз ёшларини тиёлмаяпти-ку, шунда ҳам: «Ойи, менга ҳеч нарса бўлмайди. Сира хавотир олманг», деди. Кейин яна бошини кўтариб: «Ўзингиз ўйлаб кўринг, ахир, ҳозир бутун дунёда миллионлаб оналар ўғилларини урушга узатяптилар», деди.

Роҳул онасининг ғамга ботганига ачиниб, оббо, Кунал-эй, ахир айтганини қилибди-я, деб ўйлар эди. Ҳамма вақт ҳам бир ишни шартта қилади-қўяди. Иккиланиб юрадиган табиатли йигитлардан эмас, у. Унинг кучи ҳам, заиф жиҳати ҳам худди ана шунда; фалокат босиб, но-тўғри йўлга кириб қолса, орқасига қайтмайди; ўшанда ҳам олдига қўйган мақсади сари сира иккиланмай интилаверади.

Хўш, мен-чи?— деган саволни Роҳул ўзига ўн марталаб берарди. Фан кутиб тура туради. Шу кунда инсоният бошига келган буюк курашда унга ҳам яраша ўрин топиларди. Газеталар тўғри ёзишяпти. Аммо, инглиз халқи—инглиз сиёсатчиларидан кўра улуғ нарса. Сиёсатчилар фақат тилда тез-тез такрор қилиб турган нарсаларни халқ чиндан ҳам ўйлайди. Халқ ўзи учун ҳам, бошқалар учун ҳам озодликнинг қадрига етишни ўрганмоқда. Энди у бунга яна ҳам тезроқ ўрганади. Шундай экан, олий мақсадлар йўлида жонини фидо қилаётган халқ наҳотки ўша мақсадларнинг оёқ ости қилинишига индамай қараб турса?

— Отанг укангнинг фронтга боришига қарши, ўзи шундай деди. У Куналга конторадан жой ҳам топиб қўйганмиш. Лекин болам хурсанд бўлмагандан кейин, нима кераги бор?—У ғамгинлик билан секин-аста бош чайқаб қўйди.—Она деган боланинг орзусига қарши туролмайди.

Ҳар ҳолда онаси шундай қилолмасди, Роҳул бунни биларди, лекин ғам-аламининг чеки бўлмайди. Кенжа ўғли онасининг суюкли ўғли эди; онаси бунни очиқ айтмаган бўлса ҳам, Роҳул онаси Кунални ундан кўра кўпроқ яхши кўришини сезиб юарди. Мана Кунал урушга кетадиган бўлиб қолди. Бунга розилик берган онанинг мардлигига тасанно!

— Отанг бир хил бўлиб юрибди. Кечаси билан мижжа қоқмади. Кечаси вақт ярим кечадан ўтиб, алламаҳал бўлганда, полиция қоровули ўғриларни огоҳланти-

риб ҳуштак чалиб ўтгандан кейин, унинг олдига кирдим — қарасам, иш столи олдида ўтириб, қанчадан-қанча қоғозларни аллақандай рақамлар билан тўлдириб ётибди. Акциялар! Ўзи қандайдир муҳим воқиаларни кутаётгандек ҳаяжонда,— деб она дивандан турди.— Хотининг боласини эмизиб бўлгандир, Роҳул. Кира қол олдига. Мен қизчангни чўмилтиргани сув иситаман.

Онаси ошхонага кетди. Роҳул юқорига ошиқди.

Монжунинг ёқаси очиқ тунлик оқ бурма кўйлаги қопқора учиди бир томчи оппоқ сут қотиб қолган тўла, оппоқ кўкрагини кўриш имконини берарди. Унинг кўкраги ҳозир аллақандай пишиб етилган мевани эслатиб турарди. Эри қараб турган ерга кўзи тушиб, Монжу қип-қизариб кетди, кўрпа устида бўш ётган қўли очиқ кўкрагини беркитмоқчи бўлган эди, Роҳул бу қўлни ушлаб олиб, маҳкам қисди. Монжу янада қизариб кўзларини юмди-да, эрига бўйсунди. Хотинининг бўйсунганлигини сезгач, Роҳул ҳам ён берди; унинг қўлини қўйиб юборди-да, меҳр билан ич кўйлаги ёқаларини ёпиб қўйди. Аммо, бояги қотиб қолган бир томчи оппоқ сут уни ҳаяжонга солиб, кўзига анчагача кўриниб турди, Роҳул бу ҳаяжонини босолмасди; Монжу назарида энди илгариги ўзи билган ва севган Монжу эмасдек, энди у илгариги Монжудан бир жиҳатдан ортиқроқ, айтилиш вақтида яна бир жиҳатдан камроқ, аллақандай узоқроқ ва бегонароқ бўлиб қолгандек эди.

— Қизлик бўлди,— деди у, секингина.— Доим қиз туғасан деб юрардим-а, эсингдами, Монжу?— деб каравотнинг бир четига ўтирди-да, қизчаси устига эгилди.

— Авлиёлигингизни қаранг-а! Мана энди муродингизга етдингиз. Мен ўғил бўлишини хоҳлар эдим.

— Хафамисан дейман, Монжу?

Жавоб бериш ўрнига у Роҳулдан юзини ўгириб, ёнида йўргакда ётган иссиққина ва юмшоққина чақалоқнинг бошидан то оёғигача пайпаслаб чиқди. Шу вақтда юзидан бутунлай янги, шу вақтгача кўринмаган мамнунлик ифодалари кўринди.

— Ўзингизга ўхшайди. Қаранг, лаблари ҳам, бурни ҳам худди ўзингизники-я...

— Кўзлари ҳамми?— деб кулди Роҳул. Унинг ўзи пайваста қош, сарғишга мойил, қийик кўз йиғит эди.— Демак, чиройли қиз бўлади.

— Бўлмасамчи, ҳозир ҳам чиройли. Уни масхара қилиб кулишга қандай оғзингиз борди? Бир қаранг, қандай кўҳлик қиз! Мағрурланишингиз керак! Қўлингизга олиб кўрасизми?

Роҳул энгашиб, ҳали ўзи яхши билмаган сирли чақалоқнинг тагига қўл юбориб, кўзларини ғил-ғилт қилиб ётган қизчасини ноқулай кўтариб олди. Эҳ-ҳе, бунча ҳам кичкина-я! (Бўйинини тутмаган боланинг бошини ушлаб туриш қанчалик мушкул иш!) Чақалоқ йиғлаб юборди, бирор жойини оғритиб қўймадиммикин деб қўрқиб, Роҳул уни дарров жойига ётқизиб қўйди. Чақалоқнинг кичкинагина қизғиш юзи буришиб-тиришар, хавотирга тушиб қолган онаси эса, бағрига босиб:

— Ҳой-ҳой, ойингга кела қол-а. Аа-а, аа-а... — деб уни овутмоқчи бўларди.

Кейин эрини хижолатдан чиқармоқчи бўлиб, унга ширингина кулиб боқди.

— У ҳали сизни танимайди-да. Ҳозирча фақат онасини танийди. Бу киши даданг бўладилар, жоним, даданг. Да-да... — деб боласини эркалатарди у.

Монжу энди илгариги Монжу эмасдек, энди у илгариги Монжудан бир жиҳатдан ортиқроқ, айни вақтда бир жиҳатдан камроқ, аллақандай узоқроқ ва бегонароқ бўлиб қолгандек — боя келиб босган ғалати ҳис, уни тарк этмас эди.

— Имкон бўлди дегунча, Қунал фронтга жўнаб кетмоқчи.

Монжу эшитдим дегандек бош силкиди.

— Ойим айтган эдилар. Бечора ойим! Ҳаяжондан кечаси билан кўз юммадилар.— У қизига ғалати қилиб, алоҳида бир диққат билан қаради ва уни маҳкам бағрига босди.— Бунинг қиз бўлиб туғилганидан жуда ҳам хурсандман. Жуда бўлмаса урушга кетмай юради-ку. Бечора ойим!

— Монжу, бўғиб қўясан! — деб чўчиб қичқирди Роҳул.

Монжу кулиб юборди, инжу тишлари ялтираб кетди. Боласини ҳамон маҳкам қучар экан:

— Онаси кўзининг оқу қорасига азоб берармиди? — деб унинг устига эгилди. — Ҳа, бундай қиммат баҳо хазинани асрашни биз билмас эканмиз-да? — деб қизчасининг митти қўлчаларидан, юмалоқ қорнидан ўпди.— Болага қарашни билмас эканмиз-да, а?!

Монжунинг ўзи билан ўзи овора бўлиб қолгани жуда соз бўлибди-да. Энди у Монжуга у қадар керак ҳам эмас. Шундай деб ўйлаб, овозини чиқариб:

— Борди-ю, мен ҳам кетсам-чи? — деб сўради.

Монжу чўчиб тушди.

— Сиз-а? — деярли овози чиқмай сўради, у.

— Ҳа, мен.

— Фронтга-я? — деб ҳайратдан кўзларини катта очди.

У ҳа деб, бош силкиди ва бирдан аллақандай узоқ-узоқларга кетиб қолгандек бўлди. Гўё ўзи билан қандайдир эски ҳисоб-китобларни тугатмоқда эди.

— Англиядан жўнаб кетишимдан ярим йил бурун фашист исёнчилари халқ сайлаган Испания ҳукуматига ҳужум бошладилар. Мадрид қамалда қолиб, бўғилиб ётарди. Ўшанда озодликни ҳимоя қилиш учун кўп мамлакатлардан кўнгиллилар Испанияга отландилар. Мен ҳам озодлик армияси сафига қўшилмоқчи бўлдим. Ральф Фокс жўнаб кетди. Мен билганлардан кўплар жўнаб кетишди. Мен қолдим. Чунки баҳонам бор эди: фан дердим. Назаримда, бу соҳада инсониятга кўпроқ фойда тегадигандек эди. Шунинг учун уйга, ватанимга қайтиб келдим. Аммо, юрагимда армон қолди, ҳали-ҳали аламдан чиқмайман. Мана энди янги, яна ҳам каттароқ озодлик уруши бошланди. Бу сафар қандай иш тутишим керак?

Монжу оғзини сал очиб, эридан кўз узмай, унинг хиралашган кўзига кўзи тушмагунча хавотирлик билан тикилиб турди; бир лаҳзадан кейин у кўзлардан бегоналик тумани кўтарилгандек бўлди ва у эрининг шивирлаб: «Тез орада бўладиган иш эмас бу, Монжу. Сафарбарлик ҳали эълон қилинганича йўқ», деганини эшитди.

Монжу эрига томон интилди. Муштчасини унинг қўлига қўйди. Уни ҳеч қаерга юбормайди. Йўқ, сира ҳам юбормайди. Ундан ажралмайди. Бир кунга ҳам ажралмайди!

— Ҳамма одамлар ҳам бир хил қилиб яратилган эмас,— эс-ҳушини йиғиб олаёзган Монжу деярли шўх гапирарди.— Сизнинг ҳақиқий ўрнингиз — китоблар, математик формулалар, лабораториянгизда тўлиб ётган фақат сизга гапирадиган приборлар орасида. Эсингиздами, мени бир олиб бориб кўрсатган эдингиз? Сизнинг юлдузларингиз бор. Сиз ўшаларникисиз. Улар эса, сиз-

ники. Сиз юлдузлар ва кўзга кўринмас нурларга мансуб одамсиз. Сиз мана бу қизчамиз сингари ер юзининг одами эмассиз, у ҳам ҳали ер фарзанди бўлганича йўқ,— деяр экан овози меҳр билан тўла эди.

Роҳул бирпас жим ўтиргач, иккиланиб:

— Бир маслаҳатлашиб кўришим керак...— деб қўйди.

— Ҳа, тўғри, дадамдан сўраб кўринг, маслаҳат қилинг,— деди, мулойим, дилкаш овоз.— Нима қилиш кераклигини у киши биладилар. Албатта бир сўраб кўринг.

Роҳул лабини тишлаб, бошини чайқади.

— Дадамдан-а? Улар бунга тушунмайдилар.— Отага бундай ҳурматсизлик қилганидан уялиб, шошиб қўшимча қилди.— Ўзларининг ишларидан бошқа ҳеч нарсани билмайдилар. Дунёда нималар бўлаётгани билан ишлари йўқ. Улар бошқа ҳаётга, ўтиб кетган даврга мансуб одамлар.

Монжунинг кўзларида яна қўрқув кўринди. Ингичка бармоқлари титраб кетди. У эрининг ким билан маслаҳатлашиб кўрмоқчи бўлаётганини биларди. У киши — бобоси, ақлини еб қўйган чол. Доим ғалати фикрлар кўзгаб юрадиган одам. Шаҳар мактабида ўқитувчилик қилишни ташлаб юборганидан бери денгиз яқинидаги қишлоқлардан бирига кўчиб бориб, оддий деҳқонлардек ҳаёт кечирарди. Бундан бир неча йил бурун конгресс ҳукуматга гражданларча бўйсунмасликка чақирганда, чол шу ишга бутунлай берилиб кетди; деҳқон ва балиқчилардан отряд тузиб, уларни қўлтиққа бошлаб борди ва туз қонунларини бузиб, денгиз сувидан туз ажратиб олишга киришди. Турган гапки, қамоққа тушди. Ўшанда Ҳиндистонда бир ой ичида юз мингга яқин одамни қамашди — хотинларни ҳам аяшмади. У вақтда Роҳул ҳали студент эди. У ҳам бирор тентаклик қилиб қўйган бўларди-ю,— оёқлари ҳам қамоққа тортиб турган эди!— аммо отаси уни зимдан кузатиб юриб, жуда вақтида Англияга жўнатиб юборди. Буларнинг ҳаммасини қайнатаси тўйдан бир оз кейин Монжуга гапириб берган эди; беақл ўғлини ўша ғалаёнли кунларда асраб қолганидан қандай хурсанд бўлганини ва мағрурланганини билсангиз эди! Отаси бобоси сингари ақлга тўғри келмайдиган ишлар билан банд бўлиб юрадиган одам эмас, ақлли, ишчан киши. Бобоси етмишдан ошиб қолибди-ю, оғир меҳнат ва муҳтожликда ёлғиз ўзи, бола-

чақаларидан узоқда сўққа бош яшайди, касал бўлиб қолгудек бўлса, бир пиёла сут тутадиган одам йўқ! Жуда бўлмаса, мана энди, эвара кўрган чоғида бу ерга келиб, ёшига ярашадиган иш қилиб, бола-чақалари орасида тинчгина, иззат-ҳурматда умр кечирса бўлмай-дими?

Мана шундай одам Роҳулга нима маслаҳат бера оларди? Ундан қандай маслаҳат кутиш мумкин? Барибир бирор ақлли маслаҳат чиқмайди — бунга умид тутишнинг ҳам ҳожати йўқ!

Аммо Монжу эрини олиб қолишга ҳаракат қилади, уринади, заррача ён босмайди. Ундан ажралиб қолишга сира ҳам кўнмайди. Эрининг тўппа-тўғри хавфга қараб ўзини уришига йўл қўймайди. Бутун юракдан ёмон кўрганинг бегона бир ҳукуматга ёрдамга отланишнинг нима ҳожати бор? Рост-да, бунда мантиқ қани, ахир?

— Сиз эркаклар ўзингиздан бошқа ҳеч кимни одам ўрнида кўрмайсизлар,— деди у, лабини сал чўччайтириб.— Фақат ўзингизни биласиз-у, бошқа нарса билан ишингиз йўқ. Мана мен тўққиз ой азоб тортиб, энди эркин нафас олиб турибман; ўшандаям бутунлай қутулганимча йўқ, бола билан ёлғиз ўзим тўрт девор орасида қамалиб ўтиришим керак. Сиз бўлсангиз, тезроқ жўнаб қолиш пайига тушибсиз, фронтга кетмаган тақдирингизда ҳам, қишлоққа йўл олмоқчисиз. Ҳа, тўғриси-да, жонингизга текканман, кўриб турибман.— Қиприклари пирпираб кетди.— Айб ўзимда, албатта.

Роҳул унинг қўлини қаттиқроқ қисди.

— Монжу, ахир, икки-уч кунга бориб келаман, холос,— деди у, овозидан юраги сиқилиб кетгани сезилиб турарди.

Хотини гинахонликни тўхтатмади:

— Сиз бутун дунёдаги одамларни ўйлайсиз-у, фақат ўз яқинларингизни ўйламайсиз. Болангизга ҳечам меҳр-муҳаббатингиз йўқ. Болалик бўлишимизни истамас эдингиз ҳам, биламан. Унинг сизга кераги ҳам йўқ.— Кўзларига аллақачон ёш келган эди. Уни ҳеч қаёққа, ҳеч ҳам, сира ҳам юбормайди.

— Монжу, ахир, ҳозирча ҳеч қаёққа кетаётганим йўқ-ку. Яқин орада ҳеч қаерга кетмайман, қараб турайлик-чи, бу ёғи нима бўларкин. Омон бўлсак, кўрамыз. Менга қара, Монжу. . .

Клайв-стритда саросима, ҳамма питирлаб қолган. Ҳар хил одамлардан тўпланган оломон биржа биноси олдида, ҳар кимга ҳам очилавермайдиган баланд оғир дуб эшик тагида тўпланиб, ғовур-ғувур қилади. Қўчада асфальт ётқизилган кўча юзида, баланд бетон деворлар соясида жазирама иссиқдан жон асраган оломон гувиллайди, бақирган-чақирган овозлар эшитилади, бўғилиб кетган одамларнинг юзига қон қуйилади. Ичкарида эса, биржа далоллари, далолларнинг ёрдамчилари, ёрдамчиларнинг ёрдамчилари оломон орасида туртиниб-суртиниб юрган мижозларнинг буйруқларини бажарадилар; бу мижозлар уйда ёки конторада ўтириб, сотиб юборинглар, яна сотиб олинглар, яна сотиб юборинглар деб хотиржам буйруқ бериб ўтиришга сабр-тоқат қиллолмай, ҳаяжон билан оломон ичида уймалашиб юрадилар. Олтиндан асал йиғиш дардида юрган оломон асалари кўвасидек ғувиллайди.

Одамларнинг юрак уриши тобора тезлашади. Чакка томирлари тобора бўртиб чиқади. Буларнинг ҳаммаси банкда пули бор одамлар, картага қўйишга жамғариқ ордтиролган одамлар. Клайв-стрит кўчаси, мингта найза ва бир фириб билан империяни ўрнатган Клайв номига қўйилган кўча қайнайди.

Стратегик хом ашё, яъни замбараклар, снарядлар ясаладиган хом ашё сотиб олинглар. Броненосецлар ясаладиган материаллар сотиб олинглар. Пўлат сотиб олинглар. Уруш пўлатсиз бўлмайди. Бир тонна пўлат билан бир бригадани йўқ қилиб юбориш мумкин. Юз тонна пўлат билан бутун бир шаҳарни вайрон қилиб юборса бўлади. Миллион тонна пўлат дунёни ер билан яксон қилиб юбориши мумкин. Кўмир сотиб олинглар. Кўмир уруш олиб бориш учун зарур нарсa. Одамлар ер остига ҳайвонлардан ҳам чуқурроқ кавлаб кириб, темир панжаралари билан ер бағрини таталайдилар. Алюминий сотиб олинглар. Алюминий самолётларга керак. Темир йўллар сотиб олинглар, темир йўллар ғилдиракли транспорт: пўлат ғилдиракли, резина ғилдиракли транспорт сотиб олинглар. Малайя резинасидан сотиб олинглар. Нима, бозорда йўқ дейсизми? Сингапурга телеграмма беринг — резина акцияларига эга бўласиз. Тезлик билан Сингапурга телеграмма беринг. Қалкатта сотиб оляпти. Автомобиль шиналари учун резина, юк машиналари, броневикларга ғилдирак, ғилдирак. Бир-

ма нефтидан сотиб олинглар. Уруш нефть денгизида сузиб юради.

Номиналдан ортиб кетибди дейсизми? Номиналдан ортиғига ҳам олаверинг! Қаранглар, курс тобора ошгандан ошиб боряпти. Дивиденд ўттиз процентга, эллик процентга, юз процентга чиқиб кетди. Улим машиналари қуришдан дивиденд. Ишлатиб бўлинган снарядлардан ойига миллион тонналаб темир-терсак йиғилади. Ойига миллионлаб одамларнинг ёстиғи қурийди. Улимдан дивиденд. Улимдан дивиденд.

Сотиб қолинглар! Даромадларингизни реаллаштинглар. Бу уруш аввалги уруш эмас. Бу уруш чўзилмайди. Бу яшин тезлигида бўладиган уруш. Бир йилдан кейин уруш тугайди. Урушни чўзиш ҳеч кимга ҳам фойдали эмас. Тезроқ ўлжаларни бўлашиб олиш керак. Нацистларга — Шарқий Африка: африка негрларини еб ётсинлар, ўшалар ҳам бурунларидан чиқиб кетади. У ерда негрлар чумолидан ҳам кўп. Сулҳ тузиш вақти узоқ эмас. Биржанинг синиши муқаррар. Нарх тушиб кетмасидан сотиб қолинглар. «Тата» концернининг пўлатини сотиб қолинглар. Америка пўлати билан рақобат қила олармиди, у. Ҳадемай биржа синади. Сотиб қолинглар!

Сотиб олинглар! Армияга пахта керак. Солдатларга кийим-кечак керак. Ўн миллион солдат кийим-боши керак. Ўлдирилганнынг кийими кетди деяверинглар. Этик. Жун кийимлар. Ҳинд солдатини денгизнинг нарёғида иссиқроқ кийинтириш керак. Лалимли иссиқ кийимлардан сотиб олинглар.

Сотиб олишга пулингиз борми? Чек дафтарингизни очинг. Бор пулингизни олинг. Дўстларингиздан қарз кўтаринг. Уйингизни гаровга қўйинг. Қўлингизда бор олтинни, хотинингизнинг зеб-зийнатларини, ҳаммасини сотиб қолинг. Ўйлаб кўринг, икки ҳисса фойда кўрасиз. Кейинроқ иккита уй, ўн билакка билангүзук олиб бекасиз. Қилган фойдангизга сотиб олинг. Баҳосининг тўртдан бирига оласиз, даллолга олти процент берасиз. Баҳо кўтарилиши билан сотиб, даллолнинг ҳақини тўлайсиз, қарабсизки, икки ҳисса фойда қилибсиз.

Фарқини сотиб қолинг. Гаров қўясиз. Ўзингизники бўлмаган акцияларни сотиб қоласиз. Баҳоси тушади. Унда арзон баҳода сотиб олиб, аллақачон сотиб юбор-

ган акцияни яна қайтиб тутқазаверасиз. Қилган фойдангизни санаб кўринг. Икки ҳисса фойда қилдингиз.

Жут сотиб олинглар. Жут қопларда озиқ-овқат ташилади. Бомбалардан сақланиш учун жут қопларга қум солиб қўйилади. Қоғоз сотиб олинглар. Ҳа, ҳа, қоғоз ҳам стратегик хом ашё, қоғоз ҳам.

Фурсатни қўлдан берманг. Бундай омад йигирма йилда бир келади. Йигирма йилгача бошқа уруш бўлмайди. Саноатнинг энг сердаромад шохобчаси — уруш. Нарх-наво кўтарилиб боряпти. Бугун энг бозори чаққон нарсa—пўлат. Оломон ғувиллайди. Олтиндан асал йиғиш дардида юрган оломон асалари кўвасидек ғувиллайди.

От жағ айёр кўзли киши ҳам шу ерда; эғнида альпачадан тикилган ярқироқ қора пиджак, бабочка қилиб тақилган қора галстук, почаси тўпигига етмаган шим. Соатининг олтин занжири остидаги юраги эса, хавотирлик билан: кеч қолдинг, кеч қолдинг, кеч қолдинг, кеч қолдинг, деб уриб турибди.

Сотиб олинглар. Бу ўн йилга чўзиладиган уруш. Бошқалар ҳам қўл қовуштириб қараб ўтиришмайди. Япония. Америка. Номиналдан ортиқ бўлса ҳам сотиб олаверинглар.

Сотиб қолинг. Қилган фойдангизни реаллаштиринг. Уруш узоққа чўзилмайди.

Сотиб олиб, босиб қўйинг. Уруш ҳали етти йилсиз тугамайди.

### УЧИНЧИ БОБ

Қишки йиғим-теримдан кейин қақраб, қизиб ётган яланғоч шоли далалари Роҳул кун ботар пайтда келиб тушган кичкина темир йўл станциясининг эшиги олди-гача чўзилиб келганди.

Станцияга кириладиган тор йўлда мадҳоби дарахтининг новдалари чиғаноққа ўхшаб тушган чиройли очилган оппоқ гуллари осилтириб, бош эгиб турарди. Аммо у илдиз отган ер офтобда қақраб, куйиб ётарди, дарахтининг сўлғин, рангсиз барглари сувсизликдан қовжираганди. Роҳул тўхтаб, дарахтнинг оппоқ гулига юзини теккиздиди-да, хушбўй ҳидидан қониб-қониб ҳидлади. Миясидан, мана у, бизнинг қадрдон Бангол, — деган фикр, ўтди. — Шундай ташландиқ, қип-яланғоч ерда мана бундай гўзал дарахтлар ўсганини қаерда кўргансиз?!

Поезд бу кичик станцияда фақат биринчи классда кетаётган йўловчиларнинг талаби билан бирпас тўхтаб ўтса ҳам, йўлнинг қишлоқ яқинидан ўтгани яхши. Бобосининг уйи узоқ эмас, қизғиш тупроқ сўқмоқдан юриб борилса, ярим соатлик йўл. Қўлида кичкинагина чамадон кўтариб олган Роҳул тушиб келаётган қоронғиликда адашиб қолишдан қўрқиб, қадамини тезлатди.

Бутун ўтган қиш ва баҳор бўйи у тинчлик билмай кун кечирди. Илмий ишлари устида ўтириш учун сира фикрини бир жойга тўплай олмади. Наҳотки бутун дунёда янги тузум тузиш кўкнори хаёл бўлса? Иттифоқчилар фақат ғалаба қозониш учунгина уруш қилиптиларми? Наҳотки Зигфрид истеҳкомлари бўйлаб аскарларни саф тортириб, парад ўтказиш учун уруш қилишаётган бўлса? Урушнинг мақсади тўғрисида чиқарган чақириқларида бундан бошқа юксакроқ ғоялар сезилмасди.

Дастлабки умидлари пучга чиқиб, шубҳалари орта боргандан кейин, Роҳул бобосини жуда кўргиси, унинг содда, иккиланишни сира билмайдиган ишончидан маънавий куч олгиси келди. Бир вақтлар, Роҳул ҳали Кембрижга ўқишга кетмаган чоғларидаёқ, бобосининг неварасига таъсири жуда кучли бўлиб, унинг юрагига ўт ёқиб турарди. Эндигина коллежни тамомлаган ёш, жўшқин йигит Роҳул, ўша вақтда мамлакатда авж олган миллий ҳаракатга жуда яқиндан иштирок этди, у ўз илҳомчисининг бир огиз сўзи билан бу ишга бутунлай шўнғиб кетишга ҳам тайёр эди. Бундан қўрқиб кетган отаси дарҳол бунга қарши чора кўриб, уни Кембриж университетига ўқишга юборди. Ё Кембрижга кетасан, ё қамоққа тушасан — масалани у ана шундай кўндаланг қўйди. Аммо хато қилди. У вақтда қамоқ кўп одамлар учун зиёратгоҳ бўлиб қолган эди. Отаси тактикасини ўзгартиришга мажбур бўлди. Ватан учун иложи борица кўпроқ хизмат қилишинг керак эмасми, ахир? Бутун дунёга машҳур улуғ олим бўлиб етишиш ватанга хизмат қилишининг энг яхши усули эмасми? Фақат ватанга эмас, балки бутун башариятга хизмат қилишининг энг яхши усули-ку. Мана шундай олим бўлиб етишиш учун Кембриждан ҳам аъло жой борми? Туз қонунини бузиб, қамоққа тушиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келади, ўн минглаб одамлар бунга аллақачон қилиб кўришган. Наҳотки сен ҳам ажойиб истеъдодингни бекорга сарф қиласан,

Роҳул (истеъдод кучини Роҳулнинг ўзи ҳаммадан яхши биларди.)

— Кембрижга бориш қочмайди, — деди бобоси, одатдагидек қисқа, аммо, қатъий қилиб.

Роҳул бош чайқади.

— Кейин қулай пайт келмайди. Менга чет эл паспортини бермай қўйишади.

— Ҳечқиси йўқ, унда Кембрижга озод республиканинг мағрур ва мустақил граждани — сенинг ўғлинг боради.

Роҳул кулиб юборди. Ўғли эмиш! У вақтларда Роҳул ҳали уйланишни хаёлига ҳам келтирмас эди. Ўғли тўғрисида гапириб ўтиришнинг сира ҳам ўрни йўқ эди.

— Инглиз халқига қарши кураш бошлашимдан олдин, уни яхшироқ ўрганиб, билишим лозим эмасми? — деб сўради у, бўш келмай.

— Инглиз халқига қарши курашиб нима қиласан? Инглиз халқи яхши халқ. Ҳамма халқ ҳам яхши. Биз ўз манфаатлари учунгина бизга зулм қилаётган инглиз ҳокимларига қарши курашяпмиз.

Ўшанда Роҳул ўзи билан ўзи жиддий курашиб кўрди. Кембриж устун келди.

У вақтлардан бери Роҳул анча ўсди. Ўзини ўша вақтларда ҳаяжонга солган нарсалардан ҳозир унчалик таъсирланмайди, бу тўғри, лекин у, ўзи олдида ўзи ростгўй бўлишни ўрганди. Энди илм ўзига маънавий бошпана, бўронлардан жон асровчи макон бўлиб хизмат этганини эътироф этишга ҳам тайёр эди. Унинг дўстлари севимли ишни ташлаш зарур бўлиб қолганда ўйлаб ўтирмай, кўнгил истагига бўйсуниб, Испанияга жўнаб кетишди. Кўнгил истагидан ҳам қимматлироқ нарса борми дунёда?

Шундай юмшоқ табиат, айни вақтда гапила маҳкам турадиган бобоси мана, ёш етмишдан ошибдики, фақат кўнгли истаганча яшаб келади. У энди нима фикрда экан, ҳозиргидек ҳал қилувчи бир пайтда у қандай иш тутаркин?

Сўқмоқ иккига бўлинди: бири жанубга, яна бири жануби-ғарбга қараб кетди. Илгари Роҳул бу ердаги ҳамма йўлларни биларди, аммо, у бу жойларга кўп йиллардан бери келмаганди, шунинг учун қаёққа юрарини билмай, тўхтаб қолди. У ёқ-бу ёққа қараган эди, елкаси-га омоч тишини қўйиб, шолиси ўриб олинган даладан

кесиb ўтиб келаётган икки деҳқонга кўзи тушди. Роҳул чамадонини ерга қўйиб кутиб турди, деҳқонлар ёнига етиб келишганда, бобосининг номини айтиб, Девешнинг уйига қандай борилади, деб сўради.

Деҳқонлар бошларини қашиб, у ким бўлди экан дегандек бирпас ўйланиб қолдилар, кейин бараварига:

— Деотани сўраяпсиз шекилли?—Деотанинг уйларини қидириб юрибсизми? — деб сўрашди. — Ҳув анави ерда, икки қадам жойда.

Роҳул улар кўрсатган тарафга қаради.

— Анави бир тўп пальма орқасидами?

— Ҳа ҳа,— деб бош ирғатишди улар.— Икки-уч қадамгина жой.

«Деота дейишдими?» — деб ўзича ҳайрон бўлди Роҳул, улар билан ёнма-ён юриб борар экан. Бобосининг исми — Девеш. Одамларга умуман Деота<sup>4</sup> деган исм қўйишмайди.

— Нега уни Деота дейсизлар? — деб сўради у.— Фақат худони бундай аталади-ку.

— Унга муҳаббатимизнинг чексизлигини билдириш учун шундай деб атаймиз,— деди деҳқонлардан бири.

— Муҳаббатимизни дейсизми? Деотани севмайдилар, унга сажда қиладилар.

Деҳқон тўғри айтдингиз дегандай бош ирғаб қўйди.

— Биз олим одамлар эмас, оддий одамлармиз. Алифни калтак дейиш қўлимиздан келмайди. Биз учун севишнинг ўзи сажда қилиш деган гап, сажда қилиш — севиш деган гап.

Худонинг ўзи Унинг кўнглини жуда бой қилиб яратган, — деб шериги гапини қувватлаб тушди иккинчи деҳқон. — Уни Деота деб атаганимиз сари тилимиз ҳам, дилимиз ҳам поклашади. Биз оддий одамлар, оддий деҳқонлармиз, ахир.

Бирпас жим қолишди, кейин шундай бобоси борлигидан мағрурланган Роҳул:

— Менинг бобом, — деб қўйди.

— Сизнинг бобонгизми, У?—деб ниҳоятда ҳайрон қолганларидан деҳқонлар таққа тўхтаб, жойларида қолиб қолишди; кейин дарҳол елкаларидаги юкларини итқитиб уриб, Роҳул олдига тиз чўкишди-да, пешоналарини ерга теккизиб сажда қилишди.— Қадамларингизга ҳаса-

нот. — Сўнг ўринларидан туриб, иккаласи ҳам чамадон-га қўл узатди. — Рухсат этинг, тақсир.

— Йўқ, йўқ, — деди Роҳул. — Ҳеч ҳам оғирлиги йўқ.

— Тақсир, сизга нима гуноҳ қилиб қўйдик?

Роҳул уларнинг астойдил хафа бўлишганини кўриб, ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Ўз юкинғиз камлик қиладимиз?

— Тақсир! — деб ёлвориб қолишди улар, қўлларини ибодат қилаётгандек тутиб, кейин бири иккинчисига қараб: — Ёнида биз турган бўлсагу, Унинг невараси юк кўтариб юрса! Бутун қишлоқни шарманда қиламиз, қишлоқнинг юзини ерга қаратамиз, — деди.

Шу гапдан кейин Роҳул кулиб, ён беришга мажбур бўлди.

Бир тўп пальма олдидан ўтганларидан кейин деҳқонлардан бири:

— Қаранглар! Қаранглар! Ана ўзи биз томонга кел-япти, — деб қичқириб юборди.

Роҳул ўша тарафга қаради. Қаршидан оқ хонаки матодан кийим кийган новча, хушқомат чол келарди. Кумушдек сочлари узун-узун, кенг пешонаси тепасида сал сийраклашган, соқоли оппоқ. Ана шу киши дадуси эди. У оддий деҳқонлар сингари оёқ яланг келмоқда эди.

— Роҳул! — деб қичқириб юборди у ва набирасини оёқлари остига тиз чўкишига йўл қўймай, маҳкам қучоқлаб олди. — Неча йилдан бери сени кўрмайман-а, Роҳул! Тўйингдан бери кўрганим йўқ. — Бобоси уни ўзидан сал нари итариб, синовчан назар ташлади. — Қани, қани, бир кўрайчи. Анча озибсан. Бетоб эмасмисан? Ё ташвиш кўпми, а, Роҳул?

— Ташвиш деганнинг ҳисоби йўқ, — деб Роҳул нолиган бўлди. — Қизлик бўлиш осон иш эмас экан. Сиз буни билмайсиз. Болаларингизнинг ҳаммаси ўғил.

— Ташвиш зўрлик қилибди-да? Хаҳ бечора, бечора! — деб у деҳқонларга ўғирилди: — Чамадонни меникига элтиб қўй, Бинда. Биз тўғри уйга бормаймиз.

Даду сира ҳам ўзгармабди, фақат кенг пешонасидаги ажинлари ортибди. Соч-соқолидан юзига кумуш ранг шуъла тушиб турарди. Бир вақтлар йўл-йўриқ кўрсатганидек, даду яна бирор йўл кўрсатар, деб ўйлар эди Роҳул умид билан.

— Қаёққа бошлаб кетяпсиз, даду?

— Шу орада, узоқ эмас. Мени гуручхўрликка таклиф қилишган эди. Деҳқонларимизни кўриб келасан.

— Чақирилмаган меҳмон бўлиб-а? — деб эътироз билдирди Роҳул. — Меҳмондорчиликка...

— Бизнинг овқатларимиз жуда оддий, Роҳул. Биз деҳқонлар гуручни ҳар хил лаззатли нарсаларга қўшиб емаймиз: балиқ, гўшт, сузма, ширинликлар сотиб олишга кучимиз етмайди. Сувга қайнатилган гуручга жиндак лўя қўшиб беришади, бир чимдим туз билан лимон, бир оз қовурилган батат, қовоққа гуруч қўшиб, устига зира-вор аралаштириб берилади. Албатта, тансиқ таом ҳисобида, эҳтимол, кичкина пиёлада қаймоқ ҳам қўйишар. Бизнинг бориб турган зиёфатимизда ана шундай дас-турхон тузатилади.

— Барибир-да, даду. Ахир мен бегона одамман.

— Бегона эмассан. Борадиган уйимиз менинг қизим-ники. Ҳаммалари сени билишади.

Роҳул унга ялт этиб қаради.

— Бу қишлоқда қизингиз борми ҳали? Биз ҳатто эшитмаган эканмиз ҳам-да.

— Ҳа, менинг қизим бор, Роҳул, — деди чол, юзига гуноҳкорлик ифодасини бериб.

Улар шу тарзда, ёшлари орасидаги ярим асрлик фарқни унутиб, ҳазил-ҳузил билан суҳбат қилиб ўрганган эдилар. Аммо, чол ҳозир дарров гапни буриб, жиддий деди:

— Барунида менинг ўғил-қизларим кўп. Шулар билан мағрурланаман. Улар сиз шаҳарликлар сингари на ўткир тил, на илм-маърифат, на маданиятлари билан ажралиб турадилар, аммо, ўзлари яхши, оқкўнгил одамлар. Доимий муҳтожлик ҳам, азоб-уқубатлар ҳам инсонлик фазилатларини ўлдирилган эмас.

— Шу қишлоқ ҳақида сўзлаб беринг, — деб илтимос қилди Роҳул:

— Баруни ўртача бир қишлоқ, кичик ҳам, унчалик катта ҳам эмас. Юзтача хонадони бордир. Қишлоқнинг тахминан чорак аҳолиси арендага заминдордан<sup>5</sup> ер олади, яна чораги ўзларига нисбатан бир оз омади келган оға-иниларига ишлаб берадиган ерсиз кисонлар<sup>6</sup>, булар кунбай ишҳақи олиб, хўжайин ҳисобидан овқат еб, шоли экадилар, ҳосил йиғадилар. Кўпчилик балиқчилик қилади. Шоли далалари-ю дарё; тирикчилик мана шулар орқасидан ўтади.

— Расмий статистика маълумотларига қараганда, — деди Роҳул, — Ҳиндистон аҳолисининг жон бошига бир кунлик даромади икки аннадан<sup>7</sup> ҳам кам экан. Бу рақам ҳеч ақлга тўғри келмайдигандек туюлади. Аммо бу ҳали ҳеч нарсани кўрсатмайди.

Чол бунга қўшилди:

— Одамлар тажрибасидан келиб чиқиб мулоҳаза юритмагунингча, бу фактлардан умуман ҳеч нарса тушуниб бўлмайди. Бир парча ери бор деҳқон шу ердан олган арзимас даромади билан бир амаллаб ўзи билан оиласини боқади-ю, аммо, бир кунимга ярар деб, ҳеч нарса орттириб қўёлмайди. Кисонлар бўлса, йилига икки-уч ой далада ёлланиб ишлаганларида хўжайин ҳисобига қорин тўйгазган вақтларини ҳисобга олмаса, доим оч. Ҳиндистонда юз миллион кисон доимий очликка маҳкум этилган. — У жим қолди ва бирпас индамай юриб борди. — Юз миллион оч-яланғоч одам-а! Товонигача етадиган дхўтий<sup>8</sup> олиб кийишга уларнинг қурби қайдан етсин? Бизнинг миллий ҳаракат эмблемаси бўлган чарх аслида нимани ифода этишини биласанми, Роҳул? Ҳиндистон халқ оммаси — ўша, кунлик даромади икки аннага етмайдиганлар ўз яланғоч баданларини яшириш учун чархда дхўтий тўқиб олишлари мумкин. Кўпинча одамлар мана шу оддий ҳақиқатни тушунмайдилар.

Ҳа, бир кунга икки анна нима бўлишини кўз олдига келтирган киши учун оддий ҳақиқат. Роҳул назарида Бангол деҳқонлари: эркак ва аёллар юмшоқ оқ ипни эшаётганларини, тайёр бўлган ипдан қишлоқ бўзчилари мато тўқиётганларини — ундан эркакларга дхўтий, аёлларга қизил ҳошияли сорийлар тикишаётганини кўргандек бўлди.

— Ерни қайтадан тақсим қилишнинг ўзи кифоя қилмайди; ернинг унумдорлигини ошириш учун фан ютуқларидан фойдаланиш керак, — деди ўйчанлик билан у. — Далаларимиз кучдан кетиб, кам ҳосил бўлиб қолган. Ҳозир дунёда шолидан деярли энг кам ҳосилни бизнинг ер беради. Ер яхши ўғитланса, тўғри ишланса — бизнинг қадимий деҳқончилик омочларимиз билан эмас, ҳозирги замон плуглари билан ишланса, ҳосилни камида уч ҳисса оширса бўлади. Японияда ана шундай. Ушанда ҳамма тўйиб, яна ортиб ҳам қоларди. Кўпроқ даромад олишдан заминдор манфаатдор эмасми, ахир?

Заминдор! Чол бу сўзни нафрат билан айтди. У Банголда ердан фойдаланиш асослари тўғрисида гап очди: бир вақтлар, бундан кўп вақтлар бурун, ўн тўққизинчи асрнинг бошларида Британия савдо компаниясининг<sup>9</sup> аллақандай бир агенти банголлик ер эгаси билан «доимий битим» деб аталган битим тузгани тўғрисида, шу битимда хазинага тўланадиган солиқ миқдорини сира ўзгармайдиган қилиб, биратўла аниқлаб бергани тўғрисида гапириб кетди. У вақтлардан бери ер ўн барабар қимматлашган, рупиянинг кучи камайган бўлишига қарамай, тайинланган солиқ ҳеч ҳам ўзгармади. Лекин ер эгаси билан ерни ишлайдиган одамлар орасида бундай битим йўқ эди, шунинг учун ҳар янги солиқ солинган сари ерни ишловчига ер тобора қимматга тушаверарди. Ердан ҳосил ҳиссасини йиғиб олишдан эринган заминдор ерини ижарахўрга топшириб, ердан чиққан ўзгармас даромадни еб, шаҳар ҳовлисида беташвиш айшини суриб ётарди. Ерни ижарага олган ижарахўр ҳам ўз навбатида ерни бошқа одамга ижарага топшириб юборарди ва ҳоказо, шу тарзда баъзи қишлоқларда бир эмас, бир қанча ижарахўрлар деҳқонни еб ётарди. Деҳқонлар ҳосилнинг қандай бўлишидан қатъи назар ерга нақд пул тўлашлари зарур эди; шундай экан ижарахўрлар ҳосилни ошириш тўғрисида ўйлаб нима қилишади? Улар деҳқонга жонли одам деб қарамасдилар: уларнинг назарида деҳқон бир кўмир конидек гап эди: кондан кўмирни қовлаб олаверасан, иложи борица кўпроқ фойда қилишни ўйлайсан-у, тамом бўлиб қолиши тўғрисида сира бош қотириб ўтирмайсан.

— Бангол деҳқонлари ҳозир деярли ҳолатдан тойган,— деди чол.

— Бу ернинг заминдори ким, даду, — бевосита ким билан муомала қиласизлар демоқчиман?

— Бепин Гҳоз деган одам,— деди чол.— Ҳозир у ҳақда сўзлаб бераман. Эшитсанг арзийди. Бепин солиқ йиғувчининг ўғли эди, ўзи шу қишлоқда туғилган. Катта бўлганда ўзи ҳам солиқ йиғадиган бўлди. Кунлардан бир кун ёнимиздаги Вишнупур деган қишлоқнинг деҳқонлари маслаҳатни бир ерга қўйиб, талаб қилинган қўшимча солиқни тўлашдан бош тортишади. Шунда суд ҳукмига биноан уларнинг ери ким ошдига сотиб юборилади. Аммо заминдорнинг гумашталари — янги хўжайинлар бутун қишлоқ бир ёқадан бош чиқариб қилган қаршилиги-

га учраб, амалда ерга хўжайинлик қилолмайдилар. Ана шундай кунлардан бирида у вақтда ёш йигит бўлган Бепин Гҳозни оҳ-воҳ қилиб ётган ва қора қонига беланган ҳолида замбилга солиб, полиция участкасига кўтариб келишади. У фалончи ва фалончилар мени ушлаб олиб уришди, ҳаммасини таниб олдим, деб ҳайдаб юборилган ижарахўрлар ва уларнинг энг актив ҳимоячилари номини айтади, улар устидан шикоят қилади; уларнинг ҳаммасини дарҳол қамоққа олиб, суд қиладилар-да, кесиб юборадилар. Деҳқонларнинг қаршилиги шу тарзда синдирилади, шундан кейин янги хўжайинлар ер ҳайдагани далага чиқадиладар. Ҳаммаси кўз бўямачиликдан бошқа нарса эмас экан. Кейинчалик оғайниларига Бепиннинг ўзи мақтанибди. Заминдорнинг хизматкорлари яширинча калтаклашларига ўзи ихтиёрий равишда розилик берган экан, шундан кейин шикоят қилишга йўл очилган. Бу қилган иши эвазига ўз қишлоғидан қирқ бигҳа<sup>10</sup> ер совға беришади. Унинг ишлари ана шундан кейин юришиб кетади. Бундай одамлар доим ишини дўндириб юради. Шундан кейин ҳозир Бепин Гҳоз Баруни қишлоғининг хўжайини бўлиб олгани, ҳашаматли тахтиравонда юриши ажабланарли ҳолми?

— Халқ нима қилиши керак, энди?— деб ўйчанлик билан сўради Роҳул.

— Халқми?— деганча чол йўлдан эшитилаётган қаддам товушига қулоқ солиб, жим бўлиб қолди, кейин ўша томонга қараб:

— Ону!— деб қичқирди.

— Даду!

Улар олдида ўн-ўн бирларга кирган бир бола чопиб келди-ю, нотаниш кишига ҳайрон бўлиб қараб, тўхтаб қолди. Онунинг эғнида тоза оқ кўйлак ва хонаки матодан тикилган дхўтий бор эди.

— Хўш, бошмоғинг яхшими?— деб сўради чол, меҳрибонлик билан,— хурсандмисан, Ону?

Жавоб бериш ўрнига бола оёғини баланд-баланд кўтариб, ўн қадамча юриб кўрсатди.

— Эшитяпсизми? Ғарчиллайди-я, ғарчиллайди,— деди у. Кейин оёғини қаттиқ-қаттиқ босиб қайтиб келди.— Барибир ғарчиллайди.— Кўзлари хурсандликдан ёнар эди.— Мен бундай қилиб ҳам юриб кўрдим, ундай қилиб ҳам. Бутун қишлоқни айланиб чиқдим — ҳеч ким ҳали бундай ғарчиллама бошмоқни тушида ҳам кўрган

эмас. Дўкандор кўрган дейсизми? Ҳатто у ҳам кўрмаган. Рост-да! Менга ўзи айтди.

Ону ўзини маст қилган ғарчга қулоқ солиш учун яна юрмоқчи бўлган эди-ю, чол бошмоғининг ипини боғлаб қўйиш учун энгашиб, уни тўхтатиб қолди.

— Кўрдингми, ўғлим, мана бундай қилиб боғлаб юриш керак. — У олдин ипнинг биттасини, кейин иккинчисини боғлади-да, Роҳулга қараб: — Кўрдингми, Роҳул, сенинг ҳам бунақа ғарчиллама бошмоғинг йўқ бўлса керак. Кеча шаҳарга борган эдим. Буни ўша ердан олиб келдим.

Роҳул бир қишлоқи бола бошмоғининг ипини боғлаб қўйиш учун икки букилиб ўтирган баланд бўйли, хушқомат чолга қараб турарди.

Қанча муҳаббат, қанча меҳр бор эди чолнинг бу ишида! Айни вақтда жуда саботли ва улуғвор одам эди у. Миллий ҳаракатнинг ҳақиқий ветерани эди. Уч марта қамалди, етти йил қамоқда ётди. Уни Деота деб аташлари ҳам бежиз эмас.

— Югур уйга, Ону, онангга айт, Роҳул келди — менинг набирам Роҳул. У мен билан бирга сизникига боради.

— Кетдим, даду, — деб Ону ўзига таниш бўлмаган йигитнинг оёғига эгилиб, бошини йўл чангига суркаб, таъзим қилгач, қаддини ростлаб, чол билан Роҳулга қизиқиб, шўх бир назар ташлади-да, хабарчилик вазифаси юклатилганидан мағрур уйига югурди. Аммо, ўттиз қадам ҳам босмасдан орқасига ўгирилиб: «Дадү, чопганимдан товоним едирилиб кетмайдими?» — деб сўради-да, дарров ерга ўтириб, бошмоғини ечиб ола кўксига босганча яланг оёқ уйига югурди.

— Ону қизимнинг кичик ўғли, — деб тушунтирди чол. — Унинг Кану деган акаси, Қажоли деган опаси бор. Кану тўнғич ўғил. Ҳозир ҳаммаси билан танишасан. Мангола билан ҳам.

— У ким. Яна битта опасими?

— Манголами? Йўқ, у — сигир. Оилани боқувчи ва дўсти.

— Болаларнинг отаси-чи?

— Дала-кезарми? Ҳозир у уйда эмас. У билан таниша олмайсан. У ўзи деҳқон, уч бўлак каттагина ери, ҳўкиз ва омочи бор. Аммо қўшиқ айтиб, ўлка кезишни яхши кўради. Ҳа, у қўшиқ билан тирик, баъзан кечқурун-

лари уни тинглагани бутун қишлоқ тўпланади. Аммо, у уйда кам бўлади, ўшанда ҳам фақат уруғ экадиган ва ҳосилни ўриб-йиғиб оладиган вақтда бўлади, бошқа вақтда якторини қўлтиқлаб олиб, бутун Банголни кезиб юради. Ана шунинг учун уни Дала-кезар деб аташган. Йўлларда кезиб:

Чақириқ ташланса-ю, ҳеч ким жавоб бермаса,  
Ўзинг боравер олға, ҳа, ёлғиз боравер олға...

деб қўшиқ айтиб юради.

— Қандай ажойиб одам экан-а!— деди Роҳул, Дала-кезарни кўз олдига келтиришга ҳаракат қилиб.

— Бизнинг бангол қишлоқларимизда бундай қўшиқчилар оз эмас,— деди чол.— Қўшиқ халқимизнинг дил эҳтиёжи. Ҳар бир қишлоқнинг ўз саёқ-шоири бор. Халқ уларни жуда севади ва ҳурмат қилади.— Хаёли аллақаяқларга кетгандек чол бирпас жим қолди, кейин гапида давом этди:— Роҳул, боя: «Халқ энди нима қилиши керак?» деб сўрадинг. Миллий конгресс биринчи масала қилиб қишлоқни қайта қуришни қўяпти, буни ўзинг биласан. Бу — бутун келажак ҳаётимизнинг асоси. Ҳукуматга бу гап ёқмайди, албатта. Ҳукумат ва заминдорлар халқ оммасидан қўрқиб қолди. Ўйласанг ҳайрон қоласан — яқин-яқинларда улар ўзларини ҳамма учун озодлик талаб қилиб, одамларни ғалаёнга чақириб юрган бузғунчи зиёлиларга қарши туришга ожиз бўлган авом халқнинг ҳомийларимиз, деб даъво қилар эдилар! Лекин замонлар ўзгариб кетди, ниқоб юздан олиниб, уларнинг асл башараси кўриниб қолди. Мен шу ердаги, қишлоқдаги кечки мактабга раҳбарлик қиламан. Шу кунда мактабга махсус жосус юборишибди. Мактабни бутунлай ёпиб қўйишга нималар қилмаган бўлишар эди-я. Омманинг саводли бўлиши — ҳокимлар учун хавфлидир. Улар хат-савод деган нарса мазлум халқнинг ўз табиий ҳуқуқини — инсондек яшаш ҳуқуқини тушуниб олишига ёрдам беришини биладилар.

— Ҳозирги мавжуд усул-идорага Ҳиндистон узоқ тоқат қилолмайди,— деди Роҳул.— Пичоқ бориб, суякка қадалди. Ортиқ чидаб бўлмайди. Лекин аҳволни уруш оғирлаштириб юборди. Менинг ўзим ҳам нима қилишни билмай қолдим, даду, худди ана шу тўғрида сиз билан бир суҳбатлашгани келган эдим.

Чол кулиб, бош ирғаб қўйди.

— Конгресс интизоми оёқ-қўлимизни боғлаб қўйган. Ҳаракат қилишга чақириқ бўлмасдан туриб иш бошлай олмаймиз, Роҳул. Бу тўғрида яна гаплашамиз ҳали — хоҳласанг кечаси билан ҳам гаплашаверамиз. Мана Дала-кезаримизнинг уйига ҳам етиб келдик.

Олдиндан меҳмонларни қарши олиш учун бошмоғини ғарчиллатиб келаётган Онунинг оёқ товушлари эшитилиб ҳам қолган эди.

Тарғил сигирга миниб олган новча бир ўсмир уларга пешвоз чиқди. У сигир устидан тез сакраб тушиб, Роҳулга:

— Қадамларингизга ҳасанот,— деб қичқирди.

— Бу Кану билан Мангола,— деб, таништирди чол.

— Илоҳо умринг узоқ бўлсин,— деб жавоб қилди Роҳул ўсмирга, бобосига қия қараб. Иккаласининг ҳам кўзи хурсандликдан ёниб кетди, бу билан бобоси: «Қишлоғимиздаги қадимий одатларни дарров ўрганиб олибсан-а, баракалла!» дегандек бўлди.

— Қанунинг ҳам ўз орзуси бор. У отасига ўхшаб кезиб юришни орзу қилади. Унинг қўлидан ҳам қўшиқ тўқиш келади. Аммо, қулоқ оғриғиси бор, бечора бундан жуда азоб чекади.

Пастак эшик олдида ялтироқ мис кўза кўтарган бир қиз кўринди.

— Бу Кажоли,— деди чол.

Қиз кўзасини ерга қўйди, ўзи эса тиз чўкиб, Роҳулнинг оёқ остига бош эгди. У оқдан келган, чиройли, келишган қиз эди. Ёши ўн тўртларда эди.

— Илоҳо умринг узоқ... — Роҳулнинг гапи оғзида қолди: Кажоли унинг ботинкаси ипларини еча бошлаган эди! Нима қиларини билмай қолган Роҳул шошиб-пишиб ботинкасини ечди — чарм оёқ кийимида ичкари кириб бўлмаслигини у билар эди. Аммо, қиз ўрнидан турмасди: у ерга яхшироқ ўтириб олиб, Роҳулнинг оёғига муздек сув қуйди, у меҳмоннинг оёғини ювиб қўймоқчи эди.

— Йўқ, йўқ. Бу нима қилганинг! — деб юборди у қизнинг қўли оёғига текканини сезиб, кейин шошиб бир қадам орқага чекинди. — Қўзани ўзимга бер,— деб унга қўлини чўзди.

Қизнинг катта очилган кўзлари ўпка ва ҳайронлик билан гоҳ Роҳулга, гоҳ чолга боқар эди.

— Роҳул, унинг қўли тоза, меҳнаткаш қизнинг қўли, яхши деҳқон қизининг қўли. Нега оёғингга қўл теккизгани қўймайсан?— деб сўради чол.

Роҳул бадтар ҳаяжонга тушди.

— Йўғ-е, йўғ-е! Қандай қилиб оёғимга қўл уради, ахир ўзим...

— У деҳқонларнинг яхши урф-одатларини олиб ўсган. У Ҳиндистоннинг ўзи сингари қадимий урф-одатлар ворисаси. Сенинг янги, шаҳарча дунёқарашинг деб, ўша урф-одатлардан воз кечишини истайсанми? Сен бу уйда азиз меҳмонсан...

Бу кўриниш чолга бениҳоя лаззат бераётганини Роҳул тўсатдан тушуниб қолди-да, индамай бўйсунди. Илжайиб, яна бир қадам илгари босди.

— Майли, Кажоли билганингни қил, оёғим ростдан ҳам чангга ботиб кетибди,— деди у.

— Диди!!!— деб бирдан шодлик билан қичқариб қолди Ону.— Расм, диди!

Чолнинг қўлида рангли расм кўринди — расмни у кийими ичига яшириб келган экан.

Кажоли меҳмоннинг оёғини ҳам эсидан чиқариб, сакраб ўрнидан туриб кетди.

— Менгами, даду?

— Сенга, Кажоли.

Чол гапнинг нимада эканини тушунтириш учун на-бирасига ўгирилиб қарганида, енгил булут ёрқин қуёш нурини бир оз кесгандай, унинг ўткир назарини илиқ меҳр тўла табассум юмшатиб юборган эди.

— Қизи тушмагур, чиройли расмларни жуда яхши кўради. Уйдаги деворларга нуқул расм осади, гўзаллик-ка интилиши шундан кўриниб турибди.

## ТУРТИНЧИ БОБ

Самарендро Басу жуда усталик билан иш тутди. Империя қудратига чексиз ишониши унга ёрдам берди. Бир-жа қарама-қаршиликлар ичида чалкашиб қолди. Нацист аждаҳоси Польшани ютиб юборолмай қолди, унга Совет қўшинлари кириб борди. Баъзи одамлар бунини Советлар томонидан иттифоқчиларга ташланган чақириқ деб ўйлашга мойил эдилар. Бошқа одамлар бу яшин тезлигида бўладиган уруш йўлидаги бир ғов деб ҳисобладилар.

Биржани бу воқиа фақат ҳарбий аҳамияти жиҳатидан қизиқтирди. Иттифоқчилар билан Россия ўртасида тўқнашув бўладими-йўқми? Бўлади — питиллаб қолган олиб сотарлар орқа-ўнгига қарамай сота бошлашди. Бўлмайди — буни эшитиб, олиб сотарлар кеча сотган акцияларини бугун яна сотиб олишга ошиқишарди.

Самарендро бозор ҳар ўзгарганда сотиб олаётган ва ҳар сафар фойдаси билан қайта сотиб юборарди. У Совет Иттифоқидан хавфсирамади — уни жиддий рақиб деб ҳисобламасди. Қурулланган империянинг кучли ҳамласига ким дош бера оларди? Немисларми? Улар бир қанча вақт дош беролса, эҳтимол. Русларми? Нимаси билан урушади улар? Урушга қўшилишга Россиянинг юраги тоб бермайди.

Шундай фикрда бўлган Самарендро қилган фойдаларининг ҳисобини олар ва ўзи жуда-жуда ишонган ўша оддий формулага асосланиб, бутун қилган фойдасини қиморбоздек яна картага қўярди. Ўша кунларда биржа ҳайинчакка ўхшарди. Ҳайинчак ҳар учганида Самарендро қўлида фойданинг олтин чанги қоларди, бу олтин чанг шу қадар кўпайиб кетдики, баъзан бунга Самарендронинг ўзи ҳам ишонмай қоларди. Жуда осонлик билан топилган пул эди, у! Олий судда адвокатлик қилишни ташлаб юборса нима бўлибди? Адвокатлик қилиб беш йилда ҳам ишлаб тополмайдиган пулни ярим йил ўтар-ўтмас топди-ку, ахир! Ишлари бундан кейин ҳам шу тарзда юришиб турса-чи? Тонг пайтининг юмшоқ ғира-ширасига ўрганиб қолган кўзлари кундузнинг ёруғида қамашиб кетди.

Унинг миясида янги-янги фикрлар тўлиб-тошиб ётарди. Сонсиз-саноқсиз янги фикрлар. У энди муваффақият қозонган биржа олиб сотари, қўлга киритган ютуқлар билан чекланиб қолишни истамасди. Йирик бизнес! Урушдан кейин катта иқтисодий кўтарилишлар бўлади, албатта. Ҳиндистоннинг битмас-туганмас одам резервлари уруш машинасини юргизадиган ёнилғи эмасми, ахир? Ёборди-ю, Ўрта Шарқ ҳам урушнинг қаърига тортилса-чи — бемалол шундай бўлиши мумкин-ку. Самарендро жресло суянчигига ўзини ташлаб, маслаҳат сўрагандек қаршидаги деворга осиб қўйилган, олтин ҳалли рама ичидаги портретга қаради. Император жаноб олийлари билан зоти олий рафиқалари. Бу портретни қисқагина ҳукмронлик қилгандан кейин, яқинда императорликдан ол-

дий герцогликка тушириб қўйилган, ҳатто шаҳзодаликка ҳам лойиқ кўрилмаган зот расми ўрнига осиб қўйилган эди. Бу воқиядан Самарендро ҳайрон бўлиб, ҳаяжонга тушганди. Асосий сабаб нимада? Англия конун ва қондаларича эр-хотиннинг ажралишига йўл қўйилмайдими? Аммо, бу тўғрида кўп бош қотириб ўтирмади. Бу унинг иши эмас. Гап тожда, тож кийган бошда эмас. Шундан кейин у собиқ тождорнинг расмини бир бурчакка тикиб ташлади.

— Кеча Би-Би-Сини эшитдингми, Роҳул? Авиация министри ажойиб нутқ сўзлабди-да,— деб бир куни нонушта вақтида ўғлидан сўраб қолди Самарендро. Ушанда инглиз қўшинлари Норвегия қирғоғига тушганига икки ҳафта бўлган эди. Қунал одатдагидек чойини нари-бери ичиб олиб, аллақасқа жўнаб қолган эди.

— Эшитдим,— деди Роҳул.

— Мен эшитолмай қолдим — эсизгина! Нега мени чақирмадинг? Мана, ўша нутқни биринчи бетда босиб чиқаришибди,— деб Самарендро қўли билан газетани шапатилаб уриб қўйди ва томоқ қириб олди.— Қулоқ сол: «Бугун биз қанотимизни ёзиб, Арктика устига парвоз қилдик. Қанотимиз музлаб қолди. Аммо, эртага ғалабанинг олтин нурлари тушиб, унинг музини эритади».— У ғулдираб бундан кейин бир қанча сатрни нари-бери ўқиган бўлди, кейин овозини яна баланд кўйиб, муштини артистона ўйнатиб, ҳис билан ўқиди: «Вақти келиб, шимолнинг бепаён сувлари устида ярқираган қанотларимизда озод халқнинг бутун шон-шарафини ва олижаноб ирқнинг ғолибона ғурурини сақлаган ҳолда уйимизга, тинч ҳаётга қайтамиз».— Азбаройи ўзига сиймай кетганидан ўпкасини тўлдириб, ҳансираб нафасини ростлаб олди-да, қўшимча қилди:— Эсиз, эсиз, бундай ажойиб нутқни ўз қулоғим билан эшитолмабман-а, Роҳул: «Олижаноб ирқнинг ғолибона ғурури».— Қойил қолганидан у тамом эриб кетган эди.

— Сўзининг ярмисига келганда радиони ўчириб қўйдим,— деди Роҳул, нафрат билан лабини буриб.— Халқлар озодлигининг ўша курашчиси яқинда ўзига ўхшаган француз билан тил бириктириб, бир озод халқни сотиб юборди, ваҳоланки шундан сал олдин дўстингизмиз деб, уларнинг қўйини пуч ёнғоққа тўлдирган эди.

— Ҳабашистонми?— Самарендронинг айёр кўзларида менсимаслик белгилари кўринди.— Нима бўлибди,

Муссолини уларни маданият кўчасига бошлайди. Ахир ўзинг Италияда бўлгансан-ку. Бир йил ёзи билан ўша ерда турдинг. Буни ўзинг ҳам билишинг керак, Роҳул.

Ҳа, Роҳул биларди. Италияда йўқ қилиб юборилган озодликнинг ҳамма кўринишларини эслаб, у тоқатсизлик билан қўл силтаб қўйди. У Испания очиқ шаҳарларига ўлим ёғдирган «фиат»ларни эслади. Маданият кўчаси эмиш-а! Аммо отаси буларни барибир тушунмайди! Англияда туғилганда, ундан ҳадеб ўзиникини маъқул қилаверадиغان консерватор чикқан бўларди. У Хиндистонда туғилди, аммо, унинг бутун аҳвол-руҳияси худди ўшандай руҳий қуллик билан, ҳатто ундан ҳам бадтарроқ нарсалар билан белгиланар эди. Ҳиндистоннинг бунчалик узоқ Англия зулми остига тушиб қолишига сабаб— тушкунлик вақтида (бундай тушкунлик даври ҳамма халқларда ҳам бўлади) дунёга келиб қолган мана шу тоифадаги одамлар бўлган. Унга нима, у бунинг ҳисобига совға тариқасида мол-дунё ортдириб олди. Уруш эски фуқаролик ҳисларини жиддий синовдан ўтказди. У бутун инсоният бошига тушган жиддий имтиҳон бўлди. Аммо, фақат отаси бундан четда қолди. Унинг онги сира ўзгармади, ҳеч қандай ўзгариш таъсир этмади. Қотиб қолган бу қул урушни олтин ҳосили йиғиб олишга имкон берган, камдан-кам учрайдиган бир ҳодиса деб қабул қилди. Шундай одам Деотанинг ўғли эканига ҳайрон қоласан киши! Қандай аччиқ ҳақиқат! Деота бу уйга сира қадам босмагани ҳам бежиз эмас! Роҳул отасига алам ва ҳасрат билан қарарди. Отага нисбатан бўлган ўғиллик ҳурмати ва муҳаббати нафрат қўзғатувчи фикрлар сиқиғи остида қолган эди.

— Мана, Норвегия учун бўлган курашни олиб кўрайлик,— деб гапида давом этар эди отаси.— Бу курашнинг асл маъносини наҳотки кўрмаётган бўлсанг? Душман аллаким жуда ўхшатиб айтганидек... бошини зарбага тутиб берди.— Унинг юзи ниҳоятда жиддий тус олди, кетидан мушти билан столни шундай гумбурлатиб урдикки, устидаги идиш-товоқлар жаранглаб кетди.

Ўша узоқдаги кураш унинг миясида яқинроқдаги бошқа бир курашга, биржа «буқалари» билан «айиқлари» ўртасидаги курашга қўшилиб кетди. Британия қурулли кучлари инқирозга учраши ва империянинг ишлари чатоқлашиб қолиши биланоқ, акциялар баҳоси бирпасда

пасайиб кетди. Лекин мана англизлар Нарвикка қўшин туширдилар. Қироллик ҳаво флоти Арктика устида парвоз қила бошлади. Энди «буқалар» бутун ютқизиқларини қайтариб ола олишади. Самарендронинг ҳатто кулгиси кистаб кетди. Душман бошини зарбага тутиб берди; худди ўзи, улар биржада ҳам худди шундай десалар бўлади. Энди, у яхшигина фойдани қўлга киритади. Лекин авиация министрининг радио орқали сўзлаган нутқи Роҳулга таъсир қилмабди. У, афтидан, ҳарбий стратегия масалаларини яхши тушунмайдиган кўринади. У чинакам олим, уруш олиб бориш санъатининг унга асло дахли йўқ. Ҳозир отаси вазиятни яхши тушунганидан, Империяга ишонганидан дунё ортдириб олаётгани унинг хаёлига ҳам келмаётган бўлса керак. Ҳа, дунё, дунё бўлганда ҳам яхшигина дунё. Ахир буларнинг ҳаммасини ўғилларига деб қияпти-ку, — ҳозир қанчадан-қанча бойлик оёғи остида ётган бир вақтда ҳам унинг ўзига бир вақтлар муҳтожликда яшаганидагидан ортиқ нарсаси керак эмас. Ҳар кун бир товоқ гуруч бўлса бас. Аммо Роҳул, Қунал — тирикчилик учун кураш олиб борган муҳтожлик йилларида ўзининг бошига тушган оғир ташвишлардан уларни халос этади. Энди саккиз ойлик бўлган кичкинтойи ҳам зеб-зийнат ичида катта бўлади; жамиятга у маликалар кийса арзийдиган либосларда, қиммат баҳо безакларга безанган ҳолда, бошини баланл кўтариб киради, вақти келганда эса, катта сеп билан Империянинг бирор катта амаллорига чиқади.

Келажакни мана шундай кўз олдига келтириб Самарендро мамнуният билан ўғлига қараб ўтирарди. Кўзларида оталик меҳри порлаб турарди.

Бирданига лоп этиб хаёлига бир нарсаси тушди. Бир банка қуюқлаштирилган сут. Бир неча йиллар бурун бўлиб ўтган арзимас бир ҳодиса. Бир кун у ошхонада ўзи билан бир ерда овқатланиб юрадиган студентлардан бири чойга аллақандай қуюқ сут солаётганини кўриб қолди. Унга жуда қизиқиб, оғзининг суви келиб, кўзларини очқўзлик билан тикиб: «Мазаси қандай экан?» деб сўради. Аммо, студент масҳараомуз қилиб қўйди-да, унинг олдида сут банкани нари суриб қўйди. Бу ўшанда унга шундай алам қилдики, бадани ўт бўлиб ёниб кетди! Шунда у муҳтожлик чангалидан қутулиб чиқишга, пули кўпайиб кетгандан кейин қуюқлаштирилган бир банка сут сотиб олишга ва уни бир ўтиришда еб бити.

ришга қасам ичди. . . Мана энди қўлига кўп пул тушди, аммо, давлат жуда кеч келди; бир банка қуюқ сутни эса, у бир умр ёдидан чиқаролмади.

Аммо, ўзи орзу қилиб етишолмаган нарсаларнинг ҳаммасига ўғиллари етишади—бунинг учун у қайғуради. Унинг муштлири қисилди; ҳа, нима бўлганда ҳам ўғиллари муҳтожлик кўрмайди, бунга у ҳаракат қилади. Ана ўшанда ўзи кўрмаганларни ўғиллари кўради, ўзи қилмаганларни ўғиллари қилади.

— Полиция, жаноб!—деб хабар қилди остонада пайдо бўлган хизматкор. Юзида қўрқув акс этиб турарди.— Полиция, жаноб!

— Полициянг нимаси? Эсинг жойидами. Рогва?

— Инспектор, жаноб.—деб у хўжайинига кўзларини шундай ола-кула қилиб қаралики, гўё ўзилаги бвтун қўрқувни унга ўтказмоқчи эди. Ранги ўчиб, тили калимага келмай қолган Самарендро кресло таянғичини маҳкам ушлаб олганди. У жиной ишлар бўйича мутахассис деб ном чиқарган адвокат эди, адвокатлик қилиб юрган вақтларида бу тартиб нозирлари билан кўп учрашарди, аммо ҳозир бу ерда, ўз уйида полиция нима қилиб юрибди экан! Унинг томоғи квриб, миясига минг хил бўлмағур фикрлар келаверди. Уйда тинтув қилишади, Роҳулни қамоққа олишади. Албатта, бунга Роҳул сабабчи. У кишлоққа бориб келганди, императорга қарши уюштирилган бирор фитнага аралашган. Исёнкорлик руҳидаги нутқлар сўзлаган. Бунга бобоси гизгизлаган. Шундайлиги аниқ. Чол ҳозир ҳам, ёши бир жойга бориб қолган бўлса ҳам, бу боламдир, бўтамдир демайди, набирасини шунчаки бир бемаъни мақсад, аллақандай пуч хаёллар йўлида қонуннинг пўлат панжаларига топширишдан ҳам тоймайди. Бу боласи тушмагур-чи,— китобдаги гаплар билан миясини тўлатиб олган, турмушни билмайди, дунёвий ишларда мутлақо тажрибасиз, унга яхши маслаҳатчи, ҳимоячи керак. Самарендронинг кўнглида отасига қарши аччиқ алам туғилиб, у томоғига келиб коптокдек тикилиб қолди.

— Бориб кўрай-чи, нима гап экан.— деди отасининг индамай ўтиришидан ҳайрон қолган Роҳул, лекин Самарендро ўғлига меҳр ва умидсизлик тўла назар ташлади-ю. жойингдан қўзғалма дегандек бошини кескин қимирлатди.

Пастдан, зинадан:

— Хўжайинингга айт, мен губернатор хонадонидан келганман. Баъзи нарсаларни сўраб олмоқчи эдим,— деган товуш эшитилди.

Губернатор уйи. Бу сўзларнинг маъноси Самарендро онгига дарров етиб бормади, бир минутчадан кейин елкасидан босиб ётган тоғ қулагандек енгил нафас олди, кўзларини юмиб:

— Ё раббий!— деб хурсанд шивирлаб қўйди-ю. ўрнидан туриб, икки ҳатлаб эшик олдида пайдо бўлди.

Меҳмон ичкари кириб келиши билан Роҳул чиқиб кетмоқчи бўлган эди, отаси елкасидан босиб, жойига ўтқазиб қўйди-да, мақтанчоқлик билан:

— Танишиб қўйинг, менинг катта ўғлим доктор Роҳул Басу. Кембриж университетининг доктори,— деб уни танитди ва меҳмонни ҳайрон қолдириб, ҳиринглаб кулди. Хурсандлигини яширолмай қолганди: қонун хизматкори қамоққа олиш ниятида келмаган экан. Ўғли ҳеч қандай хавф остида қолмаган экан, хавотир олмаса ҳам бўлар экан.

Гапни нимада эканини Роҳул ҳам сезиб қолди. Отаси губернатор уйига бориб, меҳмонлар дафтарига ёзилиб келган экан— ўзига дуруст, баобрў кишилар ғарбий дарвозадан бориб, сарой боғида бериладиган зиёфатга чақирилиш умидида губернатор уйидаги махсус дафтарга ўз исми-шарифи ва турар жойини ёзиб қолдириш ода-ти бор эди. Аммо чақириладиган меҳмонлар рўйхатини тузиш ва таклиф қоғозларини бостиришдан олдин, доим полиция орқали чақиришга мўлжалланган меҳмон тўғрисида мукаммал маълумот тўпланар эди.

Инспектор ён дафтарчасига ёзиб ола бошлади.

— Ойлик даромадингиз бир ярим мингга яқин, шундай дедингиз шекилли?

— Тузуккина яшаш учун шунинг ўзи кифоя қилмай-дими?— деди Самарендро ва кетидан дарҳол ярим ҳазил, ярим нолиган бўлиб қўшиб қўйди:— Бундан ҳам ортиқ топишнинг ҳожати борми? Ҳаммасини даромад солиғи еб кетади. Ё меники нотўғрими?— Инспекторнинг юзига жавдираб қарар экан, ўзи ўйлар эди: «Ҳозиргина не ҳолга тушганимни, аввалига роса ўтакам ёрилганини, кейин кўнглим жойига тушганини Роҳулнинг онасига айтсам, ҳойнаҳой тўппа-тўғри ибодатга, эҳромга югуриб қолади ҳали!»

Инспектор кетар экан уй хўжайинини:

— Зиёфат янаги ойнинг йигирманчи кунига белгиланган; мукаллифлар қаторида бўласиз,— деб ишонтирди.

Самарендро зўр бериб бош ирғар, оғзининг танобини қочириб илжаяр эди. Бу унинг ҳаётида буюк бир он эди.

— У ерга сен ҳам бир борсанг бўларди, Роҳул. Кембрижда олган докторлик унвонинг, оқсуякларча гап-сўз ва муомаланг, инглизча одатларни тўкис билишинг у ерда жуда катта таассурот қолдирар эди-да. Олий жамоат орасида ўзингни жуда эркин тутасан. Ахир, бир марта лорднинг қасрига ҳам меҳмонга боргансан-ку, шундайми? Гап орасида худди яқин бир ўртоғинг тўғри-сида сўзлаётгандек шуни ҳам бир қистириб ўт. Менга қара, ҳозир менинг машинамни олиб — унинг ҳозир менга кераги йўқ, саройга югур, меҳмонлар дафтарига исминг, қиладиган ишинг, турар жойингни ёзиб кел. . .

Аммо Роҳул бунга жавобан ўз одатича оғзини ҳам очмай, овоз чиқармай илжайиб қўя қолди.

— Гапимнинг ҳазили йўқ. Наҳотки ўзинг тушунмасанг? Биз жуда ғалати, бўлакча бир замонда яшаб турибмиз. Биз учун бу уруш — тангри томонидан юборилган бир омад.

— Биз учун?— Кўринишдан, Роҳул жуда ҳайрон бўлиб қолганди. (Конгресс йўлланма бермагунча ҳеч нарса қилиб ҳам, бирон-бир чора ҳам кўриб бўлмайди.)

— Ҳа, мен учун. Гап фақат акцияларда эмас. Бошқа ўйларим ҳам бор.— У бирпас тўхтаб, томоғини қириб олди.— Сен учун, шак-шубҳасиз. Ҳозир миямга бир шиор келиб қолди: «Фан орқали ғалаба сари». Қурулланиш техникасидаги устунлик ҳар қандай жанг оқибатини ҳал қилади. Янги қурул. Яширин ишланган қурул. Бу соҳада астрофизика бир нарсага яраб қолса керак дейман.— Жуда ҳаяжонда экани юзидан кўриниб турарди.— Бу ҳақда ўйлаб кўр. Бунини ишингда асосий вазифа қилиб қўй. Гўё жуда жиддий бир синовдан ўтаётгандек кечакундуз ишла. Анави ёқдагилар эса,— деб у қўли билан номаълум томонга ишора қилиб қўйди,— анави ёқдагилар сени ҳарбий аҳамияти жуда муҳим масалалар устида ишляпти деб ўйлашсин Ўйлаб кўр-а, қандай шуҳрат қозонасан шунда. Эҳтимол, унвон ҳам оларсан — шундай ёш пайтингда-я, тагин. Наҳотки ўзинг тушунмасанг?

Унвон! Бойлиги ортган сари орзулар ҳам ортаверди, бора-бора орзулар тишчилик бермайдиган мақсадга ай-

ланди. Роебаҳодур<sup>12</sup>. Роебаҳодур Самарендро Басу. Шундай деди-ю, бир неча ҳафталардан бери ўйлаб юрган фикрини амалга оширишга шартта қарор қилди. У ҳарбий фондга каттагина пул қўяди. Эҳтимол, бу биржадаги олиб сотарликдан кўра қулайроқ олиб сотарлик бўлар! Дадил ва қатъий қўйилган қадам бу! У қоматини ростлади. Баъзи акцияларни сотишга тўғри келади. Бунинг аҳамияти йўқ! Ўз орзулари йўлида ҳам бир оз пул сарф қилишга ҳақи борми-йўқми, ахир? Бундан ташқари бу қилган иши моддий фойда ҳам келтиради. Қандай фойда келтириши ҳозирча ўзинга ҳам жуда аниқ эмас. Ҳали буларнинг ҳаммаси қоронғи фикр. Аммо, албатта маълум шаклга киради, аниқ-равшан бўлади. Ҳозирча эса, тайёрланиб бориш керак. Ҳамма ишнинг ўз вақти бор. Унвон — фуқаронинг садоқати белгиси. Шундай фикрга келиб, йўл-йўриқ сўраётгандек яна император портретига қаради.

Аммо Империя уни алдади.

То баҳоргача тарихнинг оёғи занжирда бўлди. Аммо немис бронетанк қўшинларининг зарбаси у занжирларни узди. Европа ўлим тўшагида ётарди.

Самарендро Империя бошига келган балодан ташвишга тушиши, шу муносабат билан ҳам тортиши керак эди, аммо ўз бошига фалокат тушиб, бошқа ҳамма нарсани унутиб қўйди,—Қалкатта биржаси синиб қолди.

Бир қанча вақт бозорда осойишталик ҳукм сурди. Норвегиядаги чекиниш, биржага бомба ташлангандек таъсир этди. Кейин нацистлар Европанинг бикинига найза уриб, энг муҳим аъзоларини жароҳатлади. Немис-фашистлари Седан областига ёриб кирганидан кейин бозорнинг тўс-тўполони чиқди. Ваҳима бошланди. Иттифоқчилар тор-мор келтирилди; Ҳиндистон свастика ҳукми остига тушиб қолади — нацистлар бу ерга желяптилар. Нима бўлганда ҳам Ҳиндистон тақдири конференция столи атрофида ҳал этиладиган бўлди, қарабсизки — қиролликнинг энг қиммат баҳо гавҳари банкдаги бир сўтдан иккинчи сўтга пул ўтказиб қўйилгандек осонлик билан қўлдан қўлга ўтади кетади.

Империяга ишончи чексиз бўлмаганда, Самарендро бунчалик қаттиқ қўрқиб кетмаган бўларди. Ҳатто Нор-

вегия йиқилгандан кейин ҳам ҳамёнига унча зарар етказмай, бор акцияларини пуллаб олиш имконияти бор эди. Лекин у газеталарда парламент аъзоларидан бирининг минбардан туриб «норвеж пашшасидан туя ясовчи ваҳимачилар»ни фош қилган нутқини ўқиди. Уша нотиқ нутқини давом эттириб, гурур билан: «Худога шукур, бизга раҳбарлик қилаётган бош министримиз ҳар нарсадан ҳам қўрқиб кетаверадиған ва кўпларимизга етишмай турган сабр-қаноатсиз одамлардан эмас» деган эди, мана шу сўзлар Самарендрога кўп маъқул келди. Унинг ишончи кучайди. «Сотиб қол!»— деб қичқиришар эди атрофдагилар. унинг ишончли вакиллари ундан акцияларни сотиб юборишга ижозат сўрашарди, лекин Самарендро битта ҳам акциясини сотмади. Уларни маҳкам ушлаб турди. Уни қўрқита олишмайди, у сабр қаноатли киши.

Бойлиги соатига бир минг рупиядан камайиб борган кунлар ҳам бўлди. Кейин эса, энди сотишнинг вақти ўтгани маълум бўлиб қолди.

У Вейган билан бирга Париж остонасида лойга ботиб тўхтовсиз оқиб келаётган танклар оқимига қарши жон аччиғида замбаракларни гумбурлатиб отиб, охириги траншеяда турган вақтлари ҳам бўлди. Рейно билан бирга Атлантика устини самолётлар булутдек босиб кетишини тилаган кунлари ҳам бўлди. Франция ҳукуматидан Черчилль билан бирга флотини денгиз орқасига юборишни, охириги нафасигача курашни давом эттиришни қистаб сўрар эди. Аммо буларнинг ҳаммаси бекор кетди.

У вақтлар одамлар оёғи куйган товукдай питирлашиб қолган, эртага бошига яна қандай фалокат келишини ҳеч ким билмай гаранг бўлиб юрган пайтлар эди. Аммо, Самарендро ўзига ўхшаган одамлардек саросимага тушиб қолмади, ўзини йўқотмади. Унинг беҳисоб фойдалари тоштахтага ёзиб қўйилган рақамларни ўчириб ташлангандек йўқ бўлди-кетди. Унинг қимматини йўқотган акциялари солинган катта пакет куйиб қолиш эҳтимолига қарши қарз берган одамлар қўлига ўтди. Ҳатто адвокатурадан қилган даромадлари ҳисобига солинган уйни ҳам гаровга қўйишга мажбур бўлди. Шундай бўлса ҳам Самарендро бошини тик кўтариб юрди. У яна Олий судда ишлай бошлади, ҳар вақтдагидан ҳам кўпроқ ғайрат қилиб ишлади. У бошига тушган кулфатлар

тўғрисида хотинига ҳам, ҳатто Роҳулга ҳам бир оғиз бўлсин гап очмади. Ишлаб топаётган пули ҳисобига уй-рўзгор харажатлари илгаргидек ғарра-шарра олиб бориларди. Биринчи Гуруч Кунид<sup>13</sup> эса, ўн бир ойлик бўлган чақалоққа шундай улуг кунда лозим бўлганидек олтин билагузук билан бўйнига маржон олиб берди.

Аммо кечаси, ўрнида уйқусиз тўлганиб ётган вақтларида қоронғига тикилган сари қўлдан кетган катта бойлиги гўё юрак қонидан пайдо бўлгандек ловиллаб ёниб кўзига кўринар ва у бошларини ёстиққа уриб: «Қон, тер, кўз ёши! Қон, тер, кўз ёши!» деб тинимсиз шивирларди. Кейин юм-юм йиғлар ёки томоғига тикилиб келган қуруқ йиғидан бўғиларди.

Бир кун кечаси қўшни хонада ётган хотини унинг йиғисидан уйғониб кетиб, қулоғини динг қилганча қулоқ солиб қаравотда ўтирди; бирпасдан кейин бояги товуш қайтарилгач, у секин-аста ўрнидан тушиб, эрининг хонасига мўралади. Аммо, эри қаравотида кўзини юмиб, оғзини сал очиб ётар, кўринишдан, тинч уйқуда эди; ўша ғалати овозни яна эшитиб, у кулиб юборди-да, ўзига ўзи: «Юрагимни ёриб юборди-я! Янгича хуррак тортишни расм қилибдими!» деб эшикдан нари кетди.

Узоқ юрт осмонида Англия учун бошланган кураш Қалкатта биржасида ҳам такрорлангандек бўлди. Қимматли қоғозлар баҳоси ортиқ пасаймай, турганча туриб қолди. Душман ғалаба бундан кейин ҳам шундай осонлик билан қўлга киради деб ўйламай қўя қолсин. Биржада секин-аста ишонч туғила бошлади — Англия охириги ҳал қилувчи жангдан бошқа ҳамма жанглари ютқиза беришини ким билмайди дейсиз! Баҳо кўтарила бошладди. Фойда орттириш пайига тушганлар яна кўриниб қолди. Улар узоқ пайт пойлаб ётишди, мана энди, шамол ўзгарганини кўриб, қулай пайтни қўлдан беришдан қўрқиб, вақти ғаниматда шошилиб сотиб олишга тушдилар. Роса фойда қилган, қўлида боридан ҳам ортиқроқ сотиб қолган «айиқлар» ҳам сотиб юборганлари ўрнини тўлдириб олиш ниятида сотиб олишга ошиқдилар.

Бозорда кайфият кўтарилиб қолди.

Самарендро узоқ ойлар давомида тортган азобларидан қутулиб, яна бахтиёр бўлган эди: айни вақтда ҳам бахтиёр, ҳам бахтсиз эди. Немислар Данияга бостириб кириши биланоқ, сотиб қолиши керак эди. Шундай қил-

ганда мана ҳозир сотиб юборган акцияларини яна қанча фойдаси билан сотиб олган бўларди. Миллионер бўлиб кетар эди-я! Мана шунинг учун фалокатдан қутулганига хурсанд бўлса ҳам, миллионер бўлолмай қолганига хафа эди. Наҳотки ҳозир ҳеч нарса қилиб бўлмаса? Илгари қандай тезлик билан боёлигидан ажраган бўлса, энди ўшандай тезлик билан тиклаб олди. Қарзларини тўлади, қоғозлари кучга кирди. Самарендро яна ишга киришди, лекин бу сафар эҳтиёт билан, орқа-ўнгига қараб иш кўра бошлади. Америка президенти ленд-лиз қонуни чмзолади, уруш шубҳасиз чўзиладиган бўлди. Самарендро планларини шунга қараб тузди. У синишидан аввалроқ саноатнинг ҳар бир тармоғини уруш вақтида қандай ривожланиши нуқтаи назаридан кузатиб юрган эди. Ўзи мустақил бир корхона очса, нега бўлмас экан? Урушгача химикалийлар билан медикаментларнинг жуда кўп қисми Германиядан олиб келинар эди, ҳозир шу нарсаларга талаб кўп бўлса керак. Ўйлаб кўрса, арзигулик бошқа ишлаб чиқаришлар ҳам бор: кўлолчилик, пиво пишириш, пардоз буюмлари корхонаси очиш. Акционерлар жамияти ташкил қилса ҳам бўлади. Ҳа, бўлади. Ҳатто, бир неча акционерлар жамияти ташкил қилиш ҳам мумкин. Самарендро яна аввалгидек катта бизнес корчалонларидан бири бўлиб олишни орзу қила бошлади.

У Роҳулга ҳам йўл-йўриқ кўрсатишни ўйлаб қўйган эди. Афсуски, Роҳул губернатор уйига боришга ҳали ҳам кўнмаяпти. Лекигин отасининг гапига кириб, илмий ишларга муккасидан кетган кўринади; унга машҳур бир профессор ишларини маъқуллаб хат юборди — шундай индамас йигит бўлишига қарамай, Кембриждан хат келгани тўғрисида гапиргани қизиқ. Роҳул тўғрисида гапиришлари, унга ёрдам беришлари зарур. Уни мартабали одамлар билан таништириб қўйиш керак. Зарур одамни топиб, ўринли бир оғиз сўз айтилса, у Янги Деҳлида техник-маслаҳатчи лавозимига илиниб қолиши ҳам мумкин.

Губернатор уйдаги зиёфатда (у энди губернаторни-кига иккинчи ё учинчи марта бориши эди) Самарендро ишга киришди. У то министрлардан бирига ҳамсуҳбат бўлиб олмагунча кичикроқ амалдаги амалдорлар билан қаттиқ-қаттиқ қўл қисишиб анланиб юрди.

Гап келиши биланоқ Самарендро:

— Менинг ўғлим Роҳул, Кембрижда докторлик диссертацияси ёқлаган,— деб министрнинг қулоғига етказди. У, министр ўзининг узундан-узоқ исми тагига «Кембр» деб ёзиб қўйишини биларди.

— Қайси коллежда? — деб сўради министр жуда қизиқиб.

— Сент-Жонда. У ерда тўрт йил туриб, дунё ҳур профессор раҳбарлигида ишлаган. Мушги — астрофизика. Астрофизикадан илмий ; боради.— Кейинги сўзларига атайдан у; айтди.

— Сент-Жон дейсизми? Мен ҳам Сент-Жонни битирганман.— Мағрур министрнинг қотиб қолган юзига сал табассум югурди. Министр баланд бўйли, чакка сочлари оқарган, зуваласи пишиқ одам эди.— Лекин ўғлингиздан анча олдин бўлса керак. У ҳали анча ёшдир, албатта?

— Ўзи ёшу, калласи жойида.— «Астрофизика» деган сўз министрга кучли таъсир этмагани Самарендрога алам қилди. Бу тўғрида кўпроқ сўзлашга тўғри келиб қолди.

— Ҳозир Роҳул Калкатта университетининг профессори. У астрофизика бўйича кенг кўламда иш олиб борапти. Одамзодни янги куч билан, чексиз қувватга эга бўлган куч билан қуроллантириш учун табиатнинг баъзи бир сирларини очиш тараддудида. Турган гапки,— деб у овозини пасайтирди,— ҳозир, уруш вақтида у куч вайрон қилувчи куч бўлиши керак, албатта. Биз ҳиндиларга тангри илоҳиёт қўшиғи сўзлари билан шундай дейди: «Ёмонлик устун келиб, адолат кул-парчин бўлганда, мен ерга тушаман, илоҳо омин».

Бу сафар Самарендро ўзи кутган натижага эришгандек бўлди.

— Бир пиёладан чой ичмайликми?— деб министр меҳмонни бир бўш стол тарафга бошлади.

Самарендро кўп одамлар ўзига ҳасад билан қараб турганини сезган ҳолда, бошини баланд кўтариб, унинг кетидан борар эди.

Министр чой қуйиш билан банд экан, у:

— Аввал барбод қилмоқ, сўнгра бунёд деганлар,— деб ўйлаб қўйган мақсад йўлида гапини давом эттирди. Илоҳиёт қўшиғидан парча келтиришга пайт яна қулай келган эди-ю, аммо министр унинг гапини бўлди:

— Хўш, очиқроқ айтганда ўғлингиз нималар устида иш олиб борапти?

Самарендро Роҳулнинг ишидан жуда кам хабардор бўлса ҳам, жавоб беришга қийналмади.

— Ўғлим юлдузлар қувватини жиловлашни мақсад қилиб қўйган,— деди у.— Борди-ю, у муваффақият қозона олса — унга маълум шароит яратиб берилса ва маъмурлар лозим бўлганича қўллаб-қувватлаб юборсалар, албатта муваффақият қозонади (бунинг аҳамияти жуда зўра),— унда ҳозирги ҳарбий техникани бутунга йиғиштириб қўйса ҳам бўлаверади. Гау-да ойболталар ёки ўқ-ёй билан камонлар олаверса ҳам бўлади. Ҳатто самолётлар ҳам керак оулмай қолади. Қуёш энергияси, минглаб юлдузлар энергияси, миллиард-миллиард юлдузларни осмонда учиб юришга мажбур этиб турган энергиядан арзимас бир учқуни Англиянинг бирон-бир жойидан душман қўшинлари қўшилмасига юборилса, ҳамма нарса — танклар, самолётлар, замбараклар, одамлар — ҳаммаси ҳаммаси бир лаҳзада жизғинаги чиқиб, кул бўлиб кетади. Осмондан олинган энергиянинг бир неча учқуни бутун бир давлатнинг ҳарбий қувватини йўқ қилиб юборишга етади. Қадим Ҳиндистонда яшаган бобо-калонларимиз мана шу қуроолларнинг қуролини билар эдилар — уни Брамастра деб аташарди. Аммо, Роҳул қуруқ бир хаёлпараст эмас. У Кембрижда таълим олган жиддий олим. Тайёргарлик қилинса, маънавий жиҳатдан қўллаб-қўлтиқланса, вақти келиб у, албатта, мақсадига эришади. Ўлим Нурининг бир пробиркаси...

— Бир пробиркаси?— деб министр ишонинқирамай чап қошини чимирди.

— Ҳа, бир пробиркаси,— деди ишонч билан Самарендро.

Улар бир-бирларининг қўлини маҳкам қисиб хайрлашдилар. Министр билан шу бирпас қилган суҳбат ўғлининг тақдирига ўзи ўйлагандан ҳам зиёда таъсир этишини Самарендро хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Ўзининг ҳақиқий омади ҳам ҳали келмаган эди. Уруш Тинч океанга ҳам етиб келди. Пирл-Харбор — Гонконг — Малайя — Сингапур. Аммо, Самарендро Сингапурнинг ҳам қўлдан кетишини кутиб ўтирмади. Бир куни кечқурун Самарендро приёмник олдида ўтирар экан, радио дунёга икки катта линкор ҳалокатга учраганини хабар қилди. Самарендро ҳайратда қолди. Яқинда бошидан кечирган қўрқинчли кечалар, ҳали хаёлидан нари

кетмаган «Қон, тер, кўз ёши!» деб чиққанлари лоп этиб ёдига тушди. У дарҳол бир фикрга келди. Бир минут ўтар-ўтмас ўз даллоли билан телефон орқали сўзлашмоқда эди.

Самарендро ҳамма қимматли қоғозларини биратўла, бозорга бир чиқариб сотиб юборди. Афсус, энди миллионер бўлолмай қолади. Лекин гадой ҳам бўлиб қолмайди.

Рангунда портлаган бомбалардан Қалкатта бозори ларзага келди. Генерал Александер қўшинлари ўтиб бўлмас чангаллар орасидан чекина бошлаши билан биржада ҳам чекиниш бошланди. Кейин биржа синди.

Баъзан буюк фикрлар арзимас нарсалардан туғилиб қолишга ҳайрон қоласан киши. Бир кун Самарендро машинасини гараждан чиқараётганда, дарвоза олдида турган тиланчи чол ёлворган товуш билан:

— Бир чимдим гуруч хайр қилинг, отажон, бир чимдим гуруч! — деб тиланиб қолди.

Самарендро унга чақа узатган эди, чол бошини чайқаб:

— Пулни нима қиламан, отахон? Ҳозир маъбуда чақа пулни тарк қилиб кетган, ҳозир чақа бўшаб қолган меҳроб, холос,— деди.— Илоҳиёт ҳозир фақат гуруч донида яшаб турибди.

Клайв-стрит кўчасидаги навбатдаги мажлисга шошилаётган Самарендро ўзининг фордини ҳайдаб борар экан: «Илоҳиёт фақат гуруч донида яшаб турибди», деб ўйлар эди. Худди ана шунда тўсатдан миясига бир фикр келиб қолди: «Арзон гуруч» деган акционерлар жамияти тузилса, қалай бўларкин? Ниҳоят ўйлаб юрганлари ўз жойини топди!

Бу чиндан ҳам бир кашфиёт эди. Ҳиндистон мудофаага тайёрланиши керак. Бангол жуда катта мудофаа маррасига айланади. Шарқдаги минг миллиаб масофага чўзилиб кетадиган фронтни мудофаа қилиш учун миллионлаб солдат лозим бўлади. Уларнинг ҳаммасини боқиш керак. Миллионлаб одамлар ҳарбий саноатда банд бўладилар. Уларни ҳам боқиш керак. Бирма энди дон омбори эмас эди. Қани энди Банголда етишадиган шоли ҳосилининг бир қисмини олдиндан сотиб олишнинг иложи бўлса, ё раббий, бу мушкул вазифани осон қил! Нима бўлганда ҳам янаги ҳосилдан анчагина шоли жамғариб қўйса бўлади; уни бирор ерга тўхтатиб, яшириб ташла-

нади-ю, гуруч танқис бўлиши ва нарх-наво кўтарилишини кутилади (ахир баҳоси қанча бўлса ҳам овқат ейиш лозимку). Ана шундан кейин жамғариб қўйилган донни оз-оздан бозорга чиқариб сотиб, жуда катта фойда қилиш мумкин.

У ишни қандай бошлаш тўғрисида ўйлай бошлади. Катта капитал ва сертармоқ ташкилот лозим бўлади. Директорлар танлаш ва акция чиқариш керак. Лекин, у секин-аста у ёқ-бу ёқни суриштириб кўра бошлаганда бу фикр фақат унинг миясига келмаганини, корчалонлар оламидаги эътиборли одамлардан бир қанчаси ҳам ундан аввалроқ шу фикрга келганини кўриб, ҳайрон бўлди.

Шу йилнинг баҳори ва ёзида Самарендро гуручдан бошқа ҳеч нарса тўғрисида ўйлай олмади; бошқа ҳеч нарсага қизиқмади ҳам, орзу ҳам қилмади. У ва унинг ҳамкорлари ташкилот тузиш устида зўр бериб ишладилар. Машъум август кунлари келиб, Ҳиндистон овозини баланд қўйиб норозилик билдирмагунча, уларга ҳеч ким халақит бермади.

#### БЕШИНЧИ БОБ

— Ҳеч вақт сиз ҳам бировга яхшилик қилганмисиз, дада?— деб бирдан акасида сўраб қолди Қунал.

Роҳул шошиб қолди.

— Қ-қ-қандай яхшилик ўзи?

Улар ўзларининг шаҳар четидаги уйларига яқин автобус тўхташ жойида туришар эди. Роҳул коллежга кетаётганди, Қунал эса, сартарошхонага кирмоқчи эди.

— Чинакам яхшиликни айтяпман— бирор кишига бир чимдим гуруч билан бир сиқим лўя топиб ейишга\* ёрдам беришдек чинакам яхшиликни айтяпман. Бўлмаса билиб қўйинг,— деди у, акасига мағрурлик билан кулиб боқар экан,— мен худди ана шундай яхшиликни қилдим. Менга олиб қўйилган жойдан воз кечиб, ўрнимни бошқа одамга бўшатиб бердим.

Роҳул гап нима тўғрида бораётганини биларди. Ҳукумат аппаратида битта бўш жой борлиги ҳақида эълон берилган эди. Ўша жойни эгалламоқчи бўлган ҳар бир киши, расм бўлиб қолган одатга кўра, аризасига беш

---

\* Ўзбек халқи орасидаги «бир бурда нон» деган тушунчага тўғри келади.

рупия қўшиб топшириши керак эди. Икки мингга яқин ариза тушди.

— Ишга олинадиган одам эса, аризаларга қўшиб бериладиган рупиялар ёғилишидан анча олдин белгилаб қўйилган эди,— деб кулди Кунал. Қизиги шуки, Кунал кулганда юзи янада ифодали бўлиб кетарди.— Борди-ю, ишга кирмоқчи бўлган талабгор номзоди олдиндан келишиб қўйилган бўлса, у бўш ўринни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ҳисобланади. Отам мени худди ана шундай олдиндан келишиб қўйиб, жойлаган эди. Ҳукумат олиб сотарлари!

— Ҳм-м,— деб қўйди Роҳул.

— Ҳар нима бўлганда ҳам бундан қутулишимга армия сабаб бўлди,— деб давом этди Кунал.— Бирор муҳтожлик чангалига тушган камбағал ўша жойни эгаллаш имкониятига ортиқроқ эга бўлади.

Аммо, Роҳул бошқа нарса ҳақида ўйларди.

— Кунал,— деб гап бошлади-ю, папиросини тутатиб олиш учун бирпас тўхтади,— мана энди армия сафидасан, кимга қарши урушаман, нима учун урушаман деб ўзингдан ҳеч сўраб кўрдингми?

Кунал ўйга ботиб, қошини чимирди.

— Нималарни ўйлаётганингизни билиб турибман. Менга ачинасиз, тўғрими? Хўш, мен ким бўлибман—империалистик ўйиндаги бир пиёдаман. Ёлланма солдат. Тўғри, сиз сингари идеалист эмасман, менинг ўз ҳаётий фалсафам йўқ, армия эса, менга фақат карьера учун зарур.— У бир лаҳза тўхтаб, ўйланиб қолди, кейин, энди қошлари чимирилмай, тез гапириб кетди:— Йўқ, жуда ҳам унчалик эмас. Ишонаверинг, жуда ҳам унчалик эмас. Империалистлар бизнинг ҳинд маданиятимизни бундай ҳурмат қилишлари ғалати гап-а? Бизнинг қадимий ҳинд маданиятимизни демоқчиман. Империалист боболаримиздан қолган маънавий меросга, мавҳумот тўғрисида жуда нозик фикр қила олишимизга хурсанд бўлади, негаки, бизнинг фикри-хаёлимиз у дунё билан банд бўлган сари империалист устимиздан беташвиш ҳукмронлик қилади. Бирдан ҳаётга материалистик нуқтаи назардан қарайдиган бўлиб қолсак, ҳокимларимизни хавотирга солиб қўйган бўлардик. Шундай бўлиши муқаррар. Бизнинг янги ҳаётимизни фан тўлдириши керак — фан. Мана шу ерда сиз намоён бўласиз. Аммо, бу билан гап тугамайди.— У нафасини ростлаб олиш учун акасининг юзига тикилган

нича бир зум тўхтаб олди.— Дунёвий масалалардан кўз юмиб, ўзимизни олиб қочиб юрганимиз бас энди. Мана шу урушни олиб кўринг. Бу уруш биз учун бир машқ бўлади. Биз анави кеккайган ҳокимларимизга жангда асло улардан қолишмаслигимизни кўрсатиб қўямиз. Уларнинг қўлидан келган ишни асло улардан қолишмай қила олишимизни кўрсатамиз. Зарур бўлиб қолганда энг қийин ишларга ҳам бардош бера оламиз, биз ҳам ақл-фаросатли, совуққон одамлармиз; вақти келиб қолса...— Шу ерга келганда Қунал иккиланиб қолди; укаси айтмоқчи бўлиб турган гапни Роҳул ҳам англаб қолди-ю, кўзларида хавотирлик акс этди. Аммо Қунал гапини шартта айтиб қўя қолди:— ... Ҳаётимизни ҳам берамиз. Хавф-хатарларга тўла ҳаётдан ҳам қўрқиб ўтирмаймиз.

Қунал бутун дардини тўкиб солган эди. Уни оппортунист деб айтиб бўлмаслигини Роҳул биларди — жанг майдонидаги хавф-хатарларни, нотайин ҳарбий карьерани деб тинч, таъминланган бир вазифадан воз кечганини ҳозиргина айтмадими, ахир? Шухратпарастлик ҳам унга ёт; у ўз ишини жамоатчилик учун қилинган жонбозлик деб даъво қилаётгани йўқ. Лекин у масалага жуда енгил қараяпти, деб ўйлар эди Роҳул. Гапига қулоқ солиб турсанг, унингча уруш — крикет ўйинидек бир гап. Уруш оммавий қирғин деган сўз. Бу қилган ишинг дунёдан бирор катта балони йўқотиб юборишга олиб келишига имонинг комил бўлса, оммавий қирғинда соф виждон билан иштироқ этиш мумкин. Қунал ва унинг тенгдоши бўлган бошқа йигитлар худди ана шундай инсонпарварлик йўлида Европа ерларида ёвузлик билан жанг қилиш учун чақирилган эдилар. Лекин Европада озодликка энг ашаддий тарафдор бўлаётганлар бу ерда, Ҳиндистонда, жаллод бўлиб олганлар. Афтидан Қунал масаланинг бу жиҳатини эътиборга олмаётган эди. Уруш техникасини ўрганишга аҳд қилган эди, бу соҳада орттирилган тажриба эса, унинг ўзини, ҳозирги авлодни, унинг халқини бойитади деб ҳисоблар эди. У бундан ортигини талаб қилмасди. Қуналнинг дили равшан, мақсади аниқ эди.

Лекин Роҳул ўзи тўғрисида шундай дея олмасди. Лиқ тўла икки қаватли автобусга чиққанда, кейинги вақтда уни тез-тез безовта қиладиган шубҳалар яна чулғаб олди. Уруш — империалистлар авантюраси деган хулосага келиб қўя қолишнинг иложи бўлганда эди, масала ҳал қилиш осон бўларди-қўярди. Борди-ю уруш че

йилган чегараларидан четга чиқиб кетиб, икки юзлама сиёсатчилар фақат оғизда такрорлаётган вазифани ўтаб бўлгандан кейин, дунё харобаларида янги, оқилона тартиб ўрнатилса, унда нима бўлади? Ўзининг тарихий тараққиётида бутун қулликка солинган халқларни қатърига тортиб кетадиган ана шу тарихий процессга унинг ватандошлари четда томошабин бўлиб қараб тура оладиларми?

Роҳул ана шу тўғрида ўйлар эди. Миллий конгресс ана шу тўғрида ўйлар эди. Фикр юритувчи ҳар бир инсон шу тўғрида ўйлар эди.

Англиянинг урушда иштирок этиши Миллий конгрессни жуда мушкул аҳволга солиб қўйди. Миллий конгресс инглиз халқига қарши эмас, балки унинг бефаҳм сиёсатчиларига қарши кураш олиб борарди. Империя урушда мағлубиятга учрагундек бўлса, инглиз халқи ҳам қулликка тушиб қолар, бу билан башариятнинг азобуқубатлар тортиб ётган занжирбанд халқлари қаторига яна бир халқ келиб қўшилган бўлар эди. Миллий конгресс ҳинд халқи озод халқ деб эътироф этилса, Империянинг ҳарбий курашига бутун куч-қуввати билан ёрдам беришга ваъда бериб, ҳамкорлик қилишни таклиф этмоқда эди. Ҳокимиятдан воз кечишни истамай, ҳукумат бу таклифни эътибордан четда қолдирди, бунга жавоб бериш ўрнига миллий ҳаракатнинг энг йирик арбобини,<sup>14</sup> ҳиндларни гўё тилсиз қуллардек улар бошлаган урушга тортмоқчи бўлиб уринаётганларни очиқдан-очиқ қоралаган арбобини қамарди.

Бу арбобнинг қамоққа олиниши Роҳулга қаттиқ таъсир қилди. Ўзи ўйлаб юрган гапларни ўша арбоб оғзидан кўп эшитган эди, аммо у, бу фикрларни жуда равшан ва таъсирли ифодаларди. Роҳулнинг қаҳрамонларга сажда қиладиган одати йўқ эди. Унинг дунёқарашлари фикр сандонида обдан пишиб етиларди; бу ишда унинг ҳисси жуда кам иштирок этарди. Лекин бу арбоб унинг қалбининг энг нозик торларига таъсир этишни билар, бунга сабаб унинг нутқлари, асарлари ва туриш-турмуши ниҳоятда мантиқий равишда бир-бирига маҳкам боғланган бўлишига қарамай, унда инсонга муҳаббат шундай кўп эканида эмасмикан, деб кўпинча ҳайрон бўлиб, Роҳулнинг ўзи ўзидан сўраб қўярди.

Роҳул қамоқхонани кўз олдига келтирмоқчи бўлиб кўрди. Лекин қамоқхонани қандай жой эканлигини ўй-

лаганда, оғир, йўғон занжирли темир дарвоза ва бир кварталга чўзилган баланд кул ранг девордан бошқа ҳеч нарсани хаёлига келтиролмади, баъзан ўша ердан ўз машинасида ўтганда у қамоқхона деворига қараса ҳам, мутлақо зеҳн солмай ўтиб кетаверар эди.

Орқада ўтирган Кунал акасининг елкасига сал туртиб қўйди.

— Ийе, бу ерда тушмайсизми дейман?

Автобус коллеж олдида тўхтади. Роҳул лип этиб тушиб олди.

— Ўзинг сартарошга кирмоқчи эдинг шекилли, Кунал. Нега Чаурингҳида тушиб қолмадинг?

— Бошқа ишларим ҳам кўп, — деб Кунал, қовоғини солиб, бармоқлари билан сочини тароқлади. Ким шунчалик тез ўссин деди! Соч олдириш юракни сиқиб юборадиган иш. Сартарош сочининг текислаб бўлгунча, оқ фартукка ўралиб, қимир этмай ўтиришинг керак! Кунал бу азобни бошқа маҳалга қолдиришга аҳд қилди.

Роҳул раҳбарлигида иш олиб борадиган аспирант Прокаш аллақачон лабораторияда приборлар орасида гивирлаб юрарди. Ўз столи олдига ўтиб борар экан, Роҳул унга ҳайрон бўлиб бир қараб қўйди. У ишга қанча вақтли келмасин, Прокаш шу ерда, ишга берилиб кетган бўлади, иш билан бўлиб, уйга қанча кеч қайтмасин, Прокаш барибир яна ундан кейин қолади. Йигитча лабораторияни ўз уйидек ҳис қилса керак. Наҳотки бошқа бирон-бир иши бўлмаса?

Столда мрамр босма тагига машинкада босилган бир неча қоғоз қистириб қўйилган эди. Прокаш ишини кўрсатгани олиб келибди шекилли? Йўқ! Роҳулнинг кўзлари катта очилди. «Нерунинг Горакпур қамоқхонасида судда қилган баёноти». Газеталарга бу баёнотни босиш тақиқ қилинган эди. Аммо, Нерунинг сўзлари қанот пайдо қилди. У шаҳардан шаҳарга ўтиб, бутун мамлакатга тарқалди. Роҳул анчадан бери бу баёнотни ўқиб чиқишни истаб юрарди. Мана нутқнинг шапирографда кўпайтириб босилган бир нусхаси столида ётибди. Роҳул ўгирилиб, Прокашга разм солди. У хотиржам, ўз ишига берилиб кетган эди. Роҳул кулиб қўйди. Демак бу йигитча бошқа нарсаларга ҳам қизиқар экан-да. Роҳулнинг столига бу қоғозларни ундан бошқа ҳеч кимнинг қўйиши мумкин эмас. Роҳул уни қўлига олиб, очкўзлик билан

тез ўқиб чиқди; кейин ҳар сўз, ҳар образга эътибор бериб, секин, шошмасдан яна бир марта ўқиди.

«Мен сэр, Давлатга қарши маълум жиноятларни қилган бир шахс сифатида айбланиб, қаршингизда турибман. Сиз бу ерда Давлат рамзи сифатида турибсиз. Аммо мен ҳам шахсий бир кишидан кўра анчагина ортиқман: ҳозир мен ҳам рамзман, ҳинд халқини Британия империясидан ажратиб олишни ва Ҳиндистонни мустақил давлат қилишни қатъий мақсад қилиб қўйган ҳинд миллий ҳаракати рамзман. Сиз мени суд қилиб, қораламоқчи бўлаётганингиз йўқ, сиз юз миллионлаб ҳинд халқини суд қилиб қораламоқчисиз, бу эса Британиядек буюк империя учун ҳам осон вазифа эмас. Гарчи ҳозир мен сизнинг судингиз олдида турган бўлсам ҳам, ҳақиқатда Британия империяси дунё суди қаршисида турган бўлиши ҳам ажаб эмас. Бизнинг замонамизда юридик низомлардан ҳам қувватлироқ кучлар ҳаракатга келган, ҳозир беҳисоб халқ оммасини озодликка бўлган стихияли интилиш, тўқлик ва хавфсизликка бўлган интилиш ҳаракатга келтирган...»

У ғалати, доим ортиб бораётган бир ҳаяжон билан ўқирди, бундай ҳаяжонни у Димитров судидан бери ҳали бошидан кечирмаган эди. Юраги тобора қаттиқроқ гурсиллар, қон юзига урарди. Шу вақтгача ичида ўзига йўл тополмай, босилиб ётган аллақандай муҳим бир нарсани бирдан ўзига йўл топгандек, ёпиб қўйилган қопқоқ очилгандай туюларди. Шу тобда у гўё ўз лабораториясида ўтирган олим эмас, балки қора курсида ўтирган айбланувчи эди, ўша айбланувчилар курсисида ўтириб, у, ўрта аср хурофотларига ботиб қолган ўзининг такаббур айбловчисини, яъни Империяни жамоатчилик олдида суд қилмоқда эди. У бундан ўзини унутар даражада ҳаяжонга келди. Роҳул тез-тез ва калта-калта нафас оларди... Бу ғалати ҳолат узоқ чўзилмади, бирпасгина давом этди-ю, ўрнига фақат хафалик ва хавотирликни қолдириб ўтиб кетди.

— Сэр...

Столи олдида Прокаш турарди. У қилаётган тажриба ишидан бир жойини сўраб олгани келган эди. Роҳул унга паришонлик билан қаради.

Ўзи ҳам сезмаган ҳолда:

— Прокаш, қачон бўлмасин қамоқхонани кўрганмисиз? — деб бемаъни савол бериб қолди.

— Бўлмасам-чи! — деб ялт этиб унга бир қараб олди Прокаш. — Алипор қамоқхонасига отамни кўргани кўп борганман — у тўрт йилдан бери қамоқда. — Йигитнинг қовоғи солинди. — Кўпга чидамаса керак. Ўпкаси касал. Ҳали яна бир йил ўтириши керак.

Роҳул кўзларини катта очди.

— Нима айб қилган эди?

Йигитча столда ётган қоғозларга қараб қўйди, унинг кўзларида ўт кўринди.

— Ватанини севар эди.

— Сиз-чи? Прокаш. . . — Роҳул, афтидан, зарур сўзларни тополмай қолганди.

Прокаш унга алланарсани кутгандек, диққат билан қараб турарди, кейин:

— Менми? — деб сўради.

— Қамоққа тушиб қолишдан қўрқмайсизми, Прокаш?

Прокаш ларров жавоб берди:

— Ҳам қўрқаман, ҳам қўрқмайман! Гап шундаки, сэр, онам болалари билан бева қолган, опам менинг қўлимда. Мен аспирантлик стипендияси оламан, бундан ташқари бир-икки хонадонда дарс бераман. Қамалиб қолгундек бўлсам, уйимдагилар очидан ўлади. Агар шундай бўлмаса-ку. . .

Шу ёшидан оила бошлиғи! Куни билан лабораторияда ишлайди. Кечқурунлари ўқувчилари билан овора. Бирдан Роҳулнинг ёдига Қуналнинг боя: «Бировга ҳеч яхшилик қилганмисиз?» деб сўрагани тушиб кетди. Ўзи ҳам билмагани ҳолда мана шу йигитга яхшилик қилган экан. Прокаш унинг тавсияси билан стипендия ола бошлаган эди. Бу қилган ишида ҳеч қандай шахсий майл йўқ эди. Имконият туғдириб берилса, Прокаш ўз соҳасида кўп фойдали ишлар қила олишига Роҳулнинг имони комил эди. Агар имконият туғдириб берилса! Роҳул ҳафалик билан жилмайиб қўйди. Сил касалга йўлиққан ота. Катта оила. Худонинг берган куни дарс бериш. Степендия фақат икки йил берилади. Кейин Прокаш магистерлик дипломини чўнтагига солиб ва илмий текшириш ишлари олиб боришда тажриба орттириб олиб, бирор мактабдан ўқитувчилик ўрни ахтаришга мажбур бўлади, аммо, иш топилмайди, бунисига полиция кафил. Сиёсий жиҳатдан ишончсиз одамга ёшлар тарбиясини топшириб қўйиш хавфли. Шундан кейин, Прокашнинг ажойиб қобилияти хазон бўлади, иш ахтариб умри ўтади —

ҳар қандай ишни ҳам қилишга рози бўлиб, иш ахтаради, охири омади келиб қолса, бир ерда ҳисобчи ё почта маркалари сотувчи бўлиб олади-да, орзуларига эришолмай юраверади. Полицияга шубҳали кўринган ва на обрўли отаси, на амакиси ёки на қайнатаси бўлмаган одам бундан ортиқ нимани ҳам кутиши мумкин? Муҳтожлик билан умидсизлик бундай одамни тез енгиб қўяди. Ҳиндистонда жуда кўпларнинг тақдири ана шундай.

— Агар шундай бўлмаса-ку, сэр, — деб гапида давом этди Прокаш, бирпас жим тургандан кейин, — вақти келганда бошқалар юрган йўлдан кетишдан сира ҳам қўрқмаган бўлар эдим, — у столда ётган қоғозларга меҳр билан қараб қўйди. — Қолаверса, ҳаммамиз ҳам, тўрт юз миллион халқ катта қамоқда яшаб турибмиз. Шундан бир неча юз минг киши қамоқ ичидаги қамоққа қамалса, нима бўлибди дейсиз?

Прокаш оқсоқланиб ўз столи томонга кетди. Шогирдига янгича қизиқиб қараган Роҳул боятдан бери беролмай келаётган саволини берди.

— Оёғингизга нима қилди, Прокаш? — деб сўради-ю, қалби бирдан меҳр билан тўлди. Миллий ҳаракатнинг мард жангчиси Прокаш унга дўстдек, ўртоқдек, укадек туюлиб кетди.

Прокаш бир чўчиб тушиб, орқасига ўтирилди.

— Оёғимгами? — унинг жавоб бергиси келмагандек эди: — Ҳа-а! Митингга борган эдим. Қарабсизки, полиция пайдо бўлди-ю, лотхийсини<sup>15</sup> ишга солиб, ҳаммамизни ҳайдашга тушди.

Шундай деб жавоб берди-ю, камгап йигит бўлган Прокаш, гўё бекор ўтган вақтини етказиб олмоқчи бўлгандек, юлдуздан юлдузга тушаётган нурларнинг физик хусусиятини ўқитувчи раҳбарлигида тезроқ ўрганиб олмоқчи бўлгандек, яна ишга муккасидан кетди.

Аммо Роҳул ўйга чўмганча ўтирарди. Бутун фикри-ёдини бағишлагани иш уни бугун қизиқтирмади. Баланд, ёқимсиз деворлар кўз олдидан кетмасди — киши қўли билан яратилган бу дўзах олдидан юлдузлар нури ҳам сўнарди.

Миллионлаб мўмин-қобил одамлар бераҳм хўжайиннинг иродасига итоат қилиб, икки букчайиб тер тўкарди. Уларнинг энг арзимас ҳуқуқларини талашиб кўришингиз биланоқ, дунёдаги энг азиз нарсаларингиздан маҳрум қилинасиз. Сизни севган кишиларингиздан, қавми-қа-

риндош ва ёр-биродарларингиздан жудо қиладилар. Уйингиздан жудо қиладилар. Ҳеч қандай судсиз киши қўли билан яратилган дўзахга ташлайдилар. Ҳаводан қамоқхонанинг сассиқ ҳиди келгандек бўлди. Роҳул ўпкасини тўлдириб нафас олди, папирос тутатиб, бир неча марта қаттиқ-қаттиқ тортди.

Ўзини иш билан овутмоқчи бўлиб, ишга берилди. Кейин бугун Монжу билан «Катта шарқ» ресторанига бориб овқатланмоқчи ва танца тушмоқчи бўлиб келишиб қўйгани эсига тушди. У ғарб танцаларини яхши кўрарди, Монжу ҳам эрини хурсанд қилиш учун ўша танцаларни ўрганди. Монжу бугун кўпчилик ичида танца тушишга биринчи марта рози бўлди. У ҳаяжонланар, тортинарди. У бугунга атаб тиктирган сорийсини, четига олтин ранг ҳошия тикилган бинафша рангга мойил оч пушти белбоғ ва кимхоб нимчасини эрига кўрсатган ҳам эди. Роҳул эса, Монжунинг айтишига қараганда, ўзига жуда ярашиб тушадиган Лондондан олиб келган смокингини кияди. Лаззатли овқат, яхши музика, ёқимли одамлар билан суҳбат — буларнинг ҳаммасини Роҳул жуда севар эди. У ҳаётнинг лаззатини суришни яхши кўрарди.

Лекин шундай фикрлар орасида яна бир фикр: Прокашга ўхшаган одамларнинг бундай азоб-уқубатлардан қўрқмаслигига сабаб нима экан? — деган фикр миясидан нари кетмас эди.

Монжу машинадан сакраб тушиб қолди.

— Мен ҳозир келаман, — деди Роҳул ва машинани буриб, турар жойга олиб кетди.

Машинани қўйиб келиб, у Монжуни ресторан остонасидан топди. Хотинининг юзлари ўт бўлиб ёнар, кўзларидан қўрққани кўриниб турарди.

— Энди ҳеч ёлғиз қолмайман, — деди Монжу Роҳулга. — Бундан кейин таксида келамиз. Нима бўлганини бир билсангиз эди! — деди у кўзларини катта очиб.

— Нима бўлди? — деб унга яқинлашди Роҳул.

— Битта инглиз — инглиз солдати... — деб Монжунинг нафаси тиқилиб қолди, — тўхтаб... мана бундай қилиб... менга кўзини қисди, — деди-да, кўзини қисиб кўрсатди.

Роҳул у яна нима деркан деб кутуб турди.

— У сенга бирон нарса дедими?

— Йўқ. Тескари қараб олган эдим, ўтиб кетди.

— Бўлгани шуми? — деб кулди Роҳул.

Улар энди коридорга солинган гилам устидан юриб борар эдилар.

Монжунинг жаҳли чиқди.

— Ҳа, бўлгани шу. Сизга жуда қизиқ гап топилди. Уша солдат мени гапга солса, хурсанд бўлар эдингиз-а?

Роҳул унга тегишди.

— Бе, нима бўлибди шу билан. Англияда мен ҳам чиройли қизларга кўп кўз қисганман. Англияда унинг синглиси ё учрашиб юрган қизига кўз қисганим ҳисобига, у ҳам менинг гўзал хотинимга бир кўз қисса қисибди-да, бунинг нимасига ҳам хафа бўлардим.

— Ушанда фақат кўз қисиб қўя қолмагандирсиз, билиб турибман. Лекин мен ҳинду қизиман<sup>16</sup>. Менга бировнинг кўз қисишини истамайман, ажнабийлар тўғрисида гапириб ўтирмасам ҳам бўлади.

Улар столга ўтирганларида аллақачон музика чалина бошланган эди. Ҳозиргина бўлиб ўтган кўнгилсизлик дарров Монжунинг эсидан чиқди. Роҳул овқат буюриш билан банд экан, Монжу музика оҳангига қулоқ солиб, танца қилаётганларни томоша қилиб ўтирди.

Бугунги байрам кечаси куни билан юрагини сиққан дикки-нафасликни тарқатади. Ёқимли музика кўнгилни тинчлантирарди. Бир қултум, бир қултумдан майдалаб ичиб ўтиргани коньяк баданига ёқимли иссиқ тарқатарди. Оёқлар музика оҳангига қараб қимирлаб қолди.

— Танца қилайлик, Монжу, — деди бир оздан кейин Роҳул; оркестр тез ижро қилинадиган фокстрот чалиб юборган эди, Монжу фокстротга айниқса уста эди.

Лекин Монжу бош чайқади:

— Кейинроқ. — Унинг кўзлари ҳаяжондан чакнаб турарди. — Ҳув анави қиз танца тушишни сира ҳам билмас экан, — деди у, уларнинг столи ёнидан танца тушиб ўтаётган бир жуфтни кузатиб ўтирар экан.

Залга ўргансин, ўзини тутиб олсин деб Роҳул ҳам унинг фикрини қувватлади:

— Ҳа, билмас экан.

— Ҳув анави чиройли қизча билан бир танца тушиб келмайсизми? — деб фақат кўзлари билан кулган холда Монжу тез чалаётган музика оҳангига мослаб, дўмбайиб чиққан кетини ликиллашиб танцага тушаётган, оёқлари харидек йўғон, пакана, семиз бир аёлни кўрсатди.

Бир минутдан кейин яна:

— Анавини қаранг-а! — деб шивирлади.— Мана бунисига нима дейсиз? — Билинар-билинемас бўяб олган лабларига яна табассум югурди.

Роҳул ўгирилиб қаради.

— Кўрмаяпсизми? Ҳув ана, елкаси бутунлай очиқ. Ҳинду хотин-у, уятсизлигини қаранг-а!

У калта қилиб қирқилган қоп-қора сочли, лабларини кип-қизил қилиб бўяган, тўқ қизил шойига ўралган, баланд бўйли, қад-қомати расо бир аёл эди. Эғнидаги сорийси қўли ва елкалари очиқ кўриниб турадиган қилиб ўралган эди; олд томонидан кўкраги ўртасидаги жой шундай кўриниб турадиган қилиб чуқур ўйиб олинганди, орқасидан эса, ундан ҳам чуқурроқ қилиб ўйиб олинган эдики, оппоқ силлиқ бадани яна ҳам кўпроқ кўриниб турарди. У бошқаларнинг ҳам завқини кўзгаб, танцага парилардек енгил тушмоқда эди.

— Ҳа, анави хотинми! Танийман уни. Қизиқ учрашув. Эри менинг ҳамкасабам. Фақат мутахассислиги бошқа — химик. Қарашлари эскича, тортинчоқ одам. Ёши хотинидан анча катта, бўйи хотинининг елкасидан ҳам келмайди. Хотинини жуда яхши кўради дейишади, бутун фикризикри шу хотинида. Унга тўла эркинлик бериб қўйган. Мана, ундан қандай фойдаланишини кўриб турибсан.

— Елкаларининг оппоқлигини қаранг-а, худди алебастр дейсиз. Унинг олдида мен ҳабашистонлик аёлга ўхшайман.

— Ҳа, бошдан-оёқ баданини бўяб олган, ҳар ҳолда, кўриниб турадиган жойлари жуда бўялган.

Монжу эрига қия қараб қўйди.

— Ҳм-м! Бу хотинни жуда яхши биласиз дейман-а?

— У ҳар замонда коллежга, эрининг олдига келиб туради. Ундай вақтларда упа-эликни сал камроқ суркайдди. Мен у билан ҳатто танишман ҳам. Аммо, бу ерда мени таниганини дарров билдира қолмас.

— Ийе, нима учун?

— Шароит. Жамиятда тутган ўрин. У катта амалдорлар билан дўст. Қуруқ олифтагарчиликка ўзни унутар даражада берилган.

Монжу унга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Университетда катта ўрин тутасиз. Катта олимсиз. Ахир, сиз...

— Мен ўқитувчиман, холос. Мен империя хизматчиси

эмасман... У ва унга ўхшаганлар нуқул империяга тегишли нарсаларни тан олади. Бошқа нарсаларни улар назар-писанд қилишмайди. Бечора хотин, унинг қалби — қул одамнинг қалби.

Монжу ўйчанлик билан балиқ еб ўтирарди.

— Елкасини очиб юргани ҳам бежиз эмас экан бўлмаса, — деб тўсатдан хулоса чиқариб қолди у.

— Биз ҳали асрлар бўйи чўзилиб келаётган қуллик сарқитларидан халос бўлганимизча йўқ, шунинг учун янги ҳаётимиз ўзида тараққиёт билан тушкунликни акс эттиради, — деди Роҳул.

— Мен ҳам юзимни оқартириб юришни ўрганиб олсам бўларди... — деди Монжу, ҳамон хаёл суриб ўтираркан.

— Юзингни оқартириб нима қиласан, Монжу? Менга шундай ҳам ёқасан. Бўямасанг ҳам жуда чиройлисан.

— Ростдан-а? Шундай тажрибали одамга-я?

— Қандай тажриба? Нималар деяпсан, Монжу?

— Кўз қисишиб юрганингиз оқ танли қизларни айт-япман.

— Улар ҳисобга кирмайди. Уларнинг энг чиройлисидан ҳам яхшироқсан.

— Хаҳ, одамнинг икки юзламаси! — деди у, аммо ичдан хурсанд бўлди.

Оркестр яна тез ижро қилинадиган фокстрот чалиб юборди. Монжу пичоқ билан вилкани қўйиб, эрига қаради-да:

— Юринг, — деб шивирлади.

У хотинини танцага олиб тушди. Монжунинг ранги ўчди, оёқлари яхши итоат қилмади; лекин зални бир айланиб, яна ўз столлари олдига келганларидан кейин, Монжу столда турган ўзининг сумкачаси, балиқ солинган тарелкаси ёнида турган пичоғи билан вилкасига кўзи тушиб, ўзини анча босиб олди, ҳаяжони ўтиб кетиб, оёқ-қўли эркин ҳаракат қила бошлади. Бирдан жуда хурсанд бўлиб кетди.

Монжу енгил, табиий назокат билан танца тушарди, унинг кўзларига қарар экан, Роҳул хотинининг шаҳло кўзлари шодликдан чақнаб турганини кўрди. Бу — қўлга кирган орзу шодлиги эди. Унга қараб Роҳул ҳам қувониб кетди, бундан эса, у лаззат оларди.

Аммо оёқлари музика оҳангига қараб ҳаракат қилиб турган бўлса ҳам, бир лаҳза, фақат бир лаҳзагина гўзал

аёл билан ярқираб турган паркет устида танца тушаётган одамдан бошқа одамга айланди; у якка ўзи суд залида турар, айбланувчи бўлишига қарамай, айблар эди. «Ҳозир беҳисоб халқ оммасини озодликка бўлган стихияли интилиш, тўқлик ва хавфсизликка бўлган интилиш ҳаракатга келтирган. . .»

Бу фақат бир лаҳза давом этди.

Ярим соатдан кейин, стол олдида қовурилган ўрдакни чайнаб ўтирар экан хаёлига бирдан: қамоқдагиларни нима билан боқишар экан-а, деган фикр келиб қолди. Лекин бу гапни дарров хаёлидан чиқариб, тарелкадаги овқатнинг ҳаммасини еб олди.

Стол остидан тиззаси бехосдан Монжунинг тиззасига тегиб кетди: у шу лаҳзада олган таассуротини узайтирмақчи бўлиб тиззасини атайин олдинроқ сурди. Монжу бошини кўтарди; у эрининг кўнглида нималар бўлаётганидан беҳабар эди, аммо, аёллик инстинкти билан унинг нимадандир хафа эканини дарров сизди (бир неча кундан кейин Кунал фронтга жўнаб кетадиган бўлиб турибди!), шундай деб ўйлаб, у эрининг истагига жавобан дарров оёғини олдинроқ сурди. Роҳул, мамнунлик билан унинг қўлини ўз қўлига олди. Назарида, мана шу нозик қўл — ўзининг бақувват қўли устида турган нилуфар гулдек нозик қўл доим хавф-хатарни орқасидан эргаштириб юрган аллақандай онгсиз бир интилишдан ҳимоя қилгандек туюлди. . .

Қайтишда у Монжуни ўзига яқин, иложи борича яқин тортди. Хотини оғирлашиб қолган бошини унинг елкасига қўйиб, ўрнашиб олди, Роҳул машинани қоронғи кўчалардан ана шу вазиятда секин ҳайдаб борди. Монжу эса бу вақт: ундан сира ҳам ажралмайман, бир кунга бўлса ҳам ажралмайман, деб ўйлар эди. . .

Кичкинтой ўз жойида ширин ухлаб ётар эди. Роҳул энгашиб уни қўлига олди.

— Уйғотиб қўясиз! — шивирлаб қаршилиқ билдирди Монжу, аммо, Роҳул бунга қулоқ солмай қизчасини суйиб эркалатди, сочларидан, юз-кўзларидан меҳр билан ўпди; ундан ажратишларини истамагандек, гўё унда яна бир ҳимоячисини топгандек, у қизчасини маҳкам бағрига босганча узоқ туриб қолди.

Бу орада Кембриж ҳам ёрдамга ошиқди. Эрталабки почта билан унга ўзининг университетидаги олдинги ўқитувчиси, Нобель мукофотининг лауреати, номи дунёга

машхур профессордан хат келиб қолди — Роҳул унга нурлар хусусияти тўғрисидаги мақоласини юборган эди. Профессор Роҳулнинг иши жуда кучли таассурот қолдирганини ёзар, мақолани «Фан» журналида бостиришга ёрдам беришни таклиф қиларди. Инсониятнинг келажаги кўп жиҳатлардан янги энергия манбаларини ўзлаштиришга боғлиқ, мана шундай манбалардан бири юлдузлардан ажраб чиқиб, доим ерга тушиб турадиган космик нурлардир. Қаршингизда илмий-текшириш ишлари олиб боришга жуда кенг, бепоен майдон чўзилиб ётибди, деб ёзар эди машхур профессор, мен эса, ўзимнинг собиқ шогирдимга жуда ишонаман. Уни Кембриж университетига ҳақиқий аъзо қилиб сайлаш мўлжалланиб турибди, фақат ҳар хил расмийликлар учун вақт кетади, холос.

Роҳул ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. У фанга янги ҳисса қўшишга қатъий аҳд қилиб, яна ҳам ғайрат билан лабораторияда ишга шўнғиб кетди.

Бу орада кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаверди. Миллий конгресс ҳамон аввалгидек фаолиятсиз эди, унинг раҳбарлари нима қилиш кераклигини билмас эдилар. «Бу даҳшатли уруш ҳам фақат империализм — мақсадларига хизмат қилса, фақат эски тузумни, урушларнинг келиб чиқишига ва одамларнинг хор-зор бўлишига сабаб бўлган тузумни сақлаб қолишга хизмат қилса, бундан ҳам зўр фожиянинг бўлиши мумкин эмас». Улар мана шундай дейишар, аммо, шунда ҳам ўзлари ғалабани кутишарди, «бир халқ устидан иккинчи халқнинг ғалаба қилишини ёки бировнинг бошқа бировга мажбуриятлар юклаб, берган тинчлигига эмас, балки бутун мамлакатларнинг барча халқларига бериладиган чинакам демократия ғалабасини» кутишар эди. Шунинг учун улар дарҳол кураш бошлашга даъват қилмас эдилар. Миллий конгресс оғир синовлар бошига тушиб турган бир пайтда Англияга зарба беришни истамас эди. Бу оҳимсага — зўравонлик қилмаслик принципига тўғри келмасди. Миллий конгресс стратегия масалаларидан кўра, ахлоқ масалаларида кучлироқ эди.

Роҳулга ҳам мана шу кайфият юқди. Юрагига ғулғула солган барча ҳис-ҳаяжонлари ўтиб кетди. У баъзи бошқа одамлар сўнгари азоб-уқубатга дарров кўникиб кетаверадиган йигитлардан эмасди, ўз шахсий ҳаётидан воз кеча олиш унинг кўнглида йўқ гап эди. Аммо, шу



кунлардаги юксалиш ҳам унинг ички, маънавий жиҳатдан зарур бўлган тайёргарликни ўта олиши учун анча сушт келгани кўпроқ таъсир этди. Ҳаммаси бир бўлиб, шу юксалишнинг рамзи бўлган Прокаш унинг назарида ўртоқ, биродар эмас, балки аввалгидек шогирд бўлиб қолди.

Уруш майдонида Совет Иттифоқи чиққандан кейин, Роҳул унинг мамлакати ҳарбий жиҳатдан жуда кам ғайрат кўрсатаётганига яна ҳам кўниб қолди. Нима бўлганда ҳам уруш энди бошқача тус олди. Зарурат туғилгани сабабли Уайтхолл Кремль билан иттифоқ тузгандан кейин, хоҳласа-хоҳламаса ўзи юракдан ёмон кўриши ҳеч шубҳасиз бўлган шиорларни пропаганда қила бошлайди.

Улар, башариятнинг ярмисига ҳоким бўлиб олганлар, «ҳар бир халқнинг келажакда ўзи яшайдиган тузумни танлаб олиш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар; шу сабабдан мустақиллик ва ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқи куч билан тортиб олинганларга бу ҳуқуқлар қайтариб берилишини истайдилар». Жуда кучли ифодалар! Хўш, Ҳиндистон устида кўтариб турилган яланғоч қилич-чи? Ҳинд империясини қилич билан бўйсундирганмиз, уни бундан кейин ҳам бўйсунушга қилич билан мажбур қиламиз, деган сўзлар ҳам ошкора айтилган эди-ку!.. Ғалаба йўлида меҳнат ва жанг қилар эканмиз, шу ғалабадан кейинги мақсадни унутмаслигимиз лозим... Биз қурмоқчи бўлган яхши дунёнинг планини ҳозироқ тузмоқдамиз.

Инсон ҳуқуқи. Тўрт эркинлик. Янги дунёда эски дунё занжирларини сўзда эмас, балки амалда парчалаб ташлай оладиган кучлар топилармикин?

### ОЛТИНЧИ БОБ

Ёзги кун иссиғининг дами анча кесилган, кўрфаздан кечқурунги салқин шабада эса бошлаганига қарамай, иккала йигитчанинг баданидан тер қуйиларди. Ўзлари тез-тез ва оғир нафас олишарди. Бир жуфт эшкакнинг ғайрат билан барабар тортилишидан оғир балиқчилар қайиғи дарё бурилишларидан тез сузиб борарди. Икки эшкак тўрт эшкакнинг ишини қиларди.

— Энди қўрқмасак ҳам бўлади, — деди Кану, дхўтийси этагига терлаб кетган бўйнини артар экан. — Яна

озгина қолди, эшакни юз мартаба тортайлик, ошиқ эмас. Бурилишнинг нарёғидаги ҳув анави чакалакка етиб ол-сак бўлгани. Уша жуда пана жой. Қайиқни у ерда ҳеч ким тополмайди.

— Қўп ҳам бундай зўр бераверманг, Кану-бҳайиё,<sup>17</sup>— деди унинг шериги ёшгина балиқчи йигит, нафасини сал ростлаб олар экан. — Қўйиб беринг, оқимда ўзи су-зиб бораверсин.

Қайиқ хавфдан борган сари узоқлашиб, қирғоққа се-кин-аста сурилиб келаверди.

Япон ҳарбий флоти Бангол кўрфази сувларида ҳукм-ронлик қилмоқда эди. Катта хавф ҳам худди ана шу эди. Бангол ўзининг очиқ, ҳеч нарса билан ҳимоя қилинма-ган кўкрагини денгизга тутиб, шундай денгиз соҳилида ястаниб ётарди. Душманнинг соҳилга тушиб қолиши хавфи бор эди. Унда нима бўлади? Ҳокимлар бунга қатъий жавоб ҳозирлаб қўйган эдилар: куйдирилган ер. Бангол дарёларининг қуйи оқими бўйидаги минг миллаб масофага чўзилган ерлар «куйдирилган ер» тизмасига айлантирилиши керак. Энг олдин асосий алоқа восита-лари — қайиқлар йўқ қилинади. Бу дарёлар мамлақати-да қайиқ ҳамма нарсани: ҳўкиз қўшилган араваларнинг, юк машиналари ва юк поездларининг ўрнини босарди. Қайиқ бўлмаса, соҳилга тушган душманнинг қўлидан ҳеч иш келмайди, денгиз бўйидаги ботқоқ ерларда қолиб кетади.

Қайиқлар олиб қўйилсин. Қайиқлар йўқотилсин. Кат-тароқ ва яхшироқлари дарёларнинг юқори оқимига олиб кетилсин.

Кунлардан бир кун қолган беш юз қишлоққа келган-дек, Барунига ҳам солдатлар кузатувида қайиқ бузувчи-лар, ҳукуматнинг махсус агентлари келишди. Элликта қайиқ аллақачон уларнинг қўлига тушди ҳам. Лекин улар ҳали яна бир неча қайиқларни — қочқин қайиқларни қўлга туширолганлари йўқ. Агентлар қўлида ҳар қайси қишлоқда қанча қайиқ борлиги тўғрисида босма рўй-хат бор эди; Бангол ҳокимлари ишни пишиқ қилишарди.

Бу зўравонлик эмас, мажбурий мусодара эди. Қайиқ эгасига пул тўланарди. Ҳар бир агентнинг ёнида пул тўлдирилган қопчиқлар бор эди. Лекин жоҳил балиқчи-лар ўз фойдаларини тушунмай нолишарди. Японлар ке-лишса, ҳар нимани қўйиб, улар қайиққа пул тўлашарми-ди? Балиқчилар ҳам давлат олдидаги ўз бурчларини, ай-

ниқса ҳозиргидек хавф зўр вақтда, бажаришлари лозимлиги тўғрисида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

Лекин балиқчилар, мана шу онгсиз одамлар, ўзларини худди асосий хавф гўё мана шу қайиқ бузувчиларнинг ўзгинаси бўлгандек тутишарди.

Отряд ўз ишини тугатай деб қолганди. Қўлга туширилган қайиқлар дарё бўйига баланд қилиб уйиб қўйилганди. Лекин яна бешта қайиқ етишмасди.

Қану ўзининг дўсти — ёшгина балиқчи йигитга ёрдамга ошиқди. Қайиқни тортиб олишларидан сақлаб қолиш мақсадида, улар куни билан душманга чап бериб, дарёнинг айланма жойларида сузиб юришди. Ҳозир қош қорайиб қолди. Тонг отиши билан қайиқ бузувчилар отряди қишлоқдан жўнаб кетади. Олиб қочилган қайиқ омон қолади.

Новча қишлоқ йигити Қану кейинги йилларда анча ўзини қўйди: бўйи отасига етай деб қолди, мўйлови сабза урди.

— Бу япон деганлари ким бўлди яна? — деб қизиқиб сўради балиқчи. Ҳозир қулоқ-мияларини еб юборишларига сабаб бўлган бу қизиқ сўзни бундан бир ҳафта бурун қишлоқда ҳеч ким эшитмаган ҳам эди.

— Ажнабийлар, — деди Қану ва юзини буриштириб қўйди. — Уларнинг ҳаммаси ёт ўлкаликлар. Инглизлар ҳам, немислар ҳам, хитойлар ҳам, японлар ҳам.

— Эронликлар ҳам, турклар ҳам, — деб ўзи билган халқларнинг номини қўшимча қилди балиқчи йигит. — Ҳаммалари ажнабий. Ўз уйида ўтиришса бўлмасмикин? Қандай тентаклик уларни етти қора сувни кечиб, беозор кишиларнинг уйига бостириб киришга, бировнинг оstonасини ҳаром қилишга мажбур қилади?

— Очкўзлик, — деди танглайини тақиллатиб Қану. — Ўлгидек очкўз бўлганларидан ич-этларини еб битирадилар. Улар бой бўлишни, янада бой бўлишни истайдилар. Бировнинг нарсасини тортиб олмасанг, бошқаларни яна ҳам қашшоқ қилмасанг, бой бўлармидинг? Мана, қулоқ сол: сиз балиқчиларнинг қайиқларингиз бор, ҳар бир хонадонда биттадан. Дарёда эса, балиқ қайнаб ётибди. Қарабсизки, қароқчилардек тиш-тирноғигача қуролланган бир одам келади-да, биттасини ҳам қўймай, ҳамма қайиқларингизни тортиб олади. Энди дарёда фақат у балиқ тута олади, негаки, сизлар энди балиқ овига чиқолмайсизлар. Шундан кейин, гўё раҳмдиллик қилган-

дек сизларга қараб: дўстлар, менга балиқ тутиб беринглар, тутган балиқларингизнинг ўндан бири ўзингизга, дейди. Нима ҳам қила олардингиз? Бировнинг қўлига қарашдан бошқа иложингиз йўқ. Ўз қайиғингиз, аммо, айна вақтда ўзингизники эмас, ўз меҳнатингиз, аммо, ўзингизга эмас. Дарё меҳрибон онадек ҳаммани ҳам боқаверади; аммо, тутилган балиқнинг ўндан тўққизини кучли одам олаверади, сиз эса, фақат биттасини оласиз, қарабсизки, йигирмата балиқчининг саватида энди биттадан балиқ йиғилганда, унинг саватида йигирма марта тўққизтадан балиқ тўпланиб қолади. Гапнинг нимада эканини энди тушундингми?

Ҳа, жуда аниқ бўлмаса ҳам тушунди.

— Йигирма марта тўққизтадан! — деб такрорлади у, гўё бу ҳисобдан гаранг бўлиб қолгандек, кейин қайиқни эркалатаётгандек четини силаб қўйди.

— Бу қандай бало! — деб тўнғиллар эди у. — Ғам-ҳасратимизнинг чеки йўғ-а. Очарчилик дейсанми, етмиш етти хил касал дейсанми. Булар етмагандек осмондан бошимизга яна бало ёғади! Ёрдам қилиб юбормасангиз, бир ўзим нима ҳам қила олардим, Кану-бҳайиё, — у бирпас жим қолди, кейин яна гапира бошлади. — Қайиқ! Ахир қайиқ биздек муштипар балиқчиларнинг қўл-оёғику. У бизнинг оёғимиз, негаки, қайиқсиз қишлоқдан қишлоққа, оролдан оролга боролмаймиз. Бизнинг қўлимиз, негаки, қайиқсиз балиқ ови қилолмаймиз; ахир бизнинг ейдиган овқатимиз ҳам балиқ, бозорга олиб бориб, гуруч ва бошқа керакли нарсаларга алмаштириб келадиганимиз ҳам балиқ. Ҳа, қайиқ балиқчининг ишонган боғи, суянган тоғи, у ҳатто ундан ҳам ортиқ — балиқчининг жони-тани, бу дунёдаги бор ишонган нарсаси шу, — деб у қайиқни эркалатаётгандек, яна четини силаб қўйди.

— Демак яланғоч танингизни ёпишга ҳам ёрдам беради, — деди унинг сўзига қўшилганини билдириб бош ирғар экан Кану. — Балиқ бўлмаса, кийим-бош ҳам бўлмайди — яланғоч юраверасизлар.

— Бундан чиқдики, балиқ кулбаларимизга нур беради. Балиқ бўлмаса, чироқ ёққани лўя ёғи ҳам бўлмайди, ҳаётимиз бешбадтар қоронғилашади, — деб ўртоғининг гапини илиб кетди балиқчи.

— Бешбадтар қоронғилашади, — деб унинг гапини яна тасдиқлади Кану. — Биз деҳқонларга ҳам қийин бўлади. Қайиқсиз дарёнинг юқори томонига, бозорга қан-

дай қилиб гуруч олиб борамиз? Дарё ўртасидаги ороллар-чи? У ороллар сув ўровида чинакам қамоққа айланади-қолади, — деб у танглайини тақиллатиб қўйди ва қайиқни энг яқин бамбук чакалагига томон буриш учун эшкакни қўлига олиб, ғамгинлик билан бош чайқади.

Улар паст сувга сакраб тушдилар. Энг қийин иш қолганди: бегона одамлар кўриб қолмаслиги учун қайиқни иложи борица ичкарироққа киритиб қўйиш керак эди. Офтобда илиб қолган сув белдан келарди, шунинг учун дхўтийлари ҳўл бўлиб кетди.

— Бир-ик-ки! Бир-ик-ки! — деб баравар зўр берганларидан пайлари бўртиб-бўртиб чиқди.

— Бекор овора бўляпсизлар! — деди аллаким.

Чакалак ичидан бир одам чиқиб келди. Кетидан бошқаси — милтиқ кўтарган, хоки кийган солдат чиқди.

— Анчадан бери сизларни кузатиб турибман, — деди қайиқ бузувчи. — Менинг кўзларим шундайки, жуда узоқдан ҳам кўраверади, — деб у биноклини уриб қўйди.

Ишнинг расвои жаҳон бўлганини кўриб, балиқчи йигит тошдек қотиб қолди. Чакка томирлари бўртиб чиқди, кўзлари қинидан чиқиб кетди. Кейин тили калимага келиб, зорланди:

— Қайиғимни олиб қўйманг, соҳиб. Ҳамманикини олиб бўлдингиз. Жуда бўлмаса, шу биттаси қолсин, соҳиб.

— Буйруқ шу. Топширилган ишни қилиб юрибмиз. Бизни айблашнинг ҳожати йўқ. Биз фақат буйруқни бажаряпмиз.

— Соҳиб, ахир қайиқсиз аҳволимиз нима кечади? Ахир балиқчи учун қайиқ деҳқоннинг омонидек гап-ку. Яхшиси ҳаммамизни ўлдириб қўя қолинг. Соҳиб... — дўсти билагидан ушлаб, ҳаяжон билан шивирлаётганини эшитиб қолиб, гапи оғзида қолди; йиғлаб юборишдан ўзини ушлаб қолди.

— Сўраб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Нима фойда? Тоғ-тошнинг, дарахтларнинг ҳам юраги бор. Аммо, одамзотда йўқ. Сўраб нима қиласан?

Қайиқ бузувчи тоқатсизлик билан қўл силтади.

— Қаерга борсанг ҳам аҳвол мана шу! Қулоқларим битди! Шунча шовқиннинг нима ҳожати бор-а? Ахир шоҳона бойлигининг бекорга тортиб олишаётганлари йўқ-ку. Унинг ҳақини тўлашяпти, яхшигина пул беришяпти. Ҳукумат одил, қўли очиқлик қиляпти, у сизларга ота-

оналарингиздек ғамхўр. Энди тушуниш керак. Уйлаб кўрсанг-чи ўзинг. Бу пул сенга анчага етади. Катта бойдек уйда ўтирасан, хоҳлаганингча гуруч ейсан, хоҳлаганингча уйқуни урасан, Вишнага<sup>18</sup> шукур қилиб, ҳаётнинг лаззатини суриб ётасан. Шулар ҳисобига тўртта чириган тахтангнч берасан.

— Пул — қанотли қуш, учади-кетади. Кейин нима қиламан? Соҳиб...

— Японлар келишса-чи? Улар бор нарсаларингизни тортиб олишади, сариқ чақа ҳам тўлашмайди. Ҳукумат қайиқларингизни олиб қўяётган бўлса, пул тўлаяпти, денгизда ваҳшийлик қилаётган махлуқлар — бераҳм японлардан қўриқлаяпти.

— Бор бисотимиз мана шу қайиқ. Бошқа ҳеч вақо-йимиз йўқ. Японлар яна нимаимизни тортиб олишарди? Жонимизни олишармиди? Соҳиб...

Чеки йўқ нолишлар қайиқ бузувчининг жонига тегди.

— Бўлди, бас! Сен билан ади-бади айтишиб ўтиришга вақтимиз йўқ. — У узун дхўтийсининг этагини кўтариб, сувдан эҳтиёт билан юриб қайиққа чиқди. Унинг одамлари қайиқни соҳилдан итариб юборишди-да, ўзлари ҳам қайиққа чиқиб олишиб, эшкак тортмоққа киришишди.

— Ҳей, чиқ қайиққа, — деб қичқирди қайиқ бузувчи. — Мана, ол пулингни. — У пулга лиқ тўлатилган халтачани мақтанчоқлик билан силтаб қўйди.

Қайиқ тумшуғи ҳозир келган томонига бурилгач, қайиқ бузувчи балиқчига пулини тутқазди.

— Қара! Эзилиб, кир бўлиб кетадиган қоғоз эмас бу, соф кумуш. Ялтирашини томоша қилиб юрасан. Ҳукумат сиз ярамасларга шундай сахийлик қилиши бахтингиз. Икки рупия комиссия ҳақи олиб қолдим — одат шу. Хўп, энди мана бу тилхатга, мана бу ерга бармоғингни бос.

Балиқчи қўлини узатиб, қоғозга бармоғини бостириб олишга йўл берди, лекин ўзи буларнинг ҳаммасини тушида кўраётгандек қиларди. Қўли гўё қайиқни эркалаётгандек, ҳадеб қайиқ четларини сийпарди, қуруқшаб қолган лабидан эса фақат: «Қайиғим! Менинг қайиғим!» деган сўз учарди.

Кану дўстига ачинарди. Балиқчи йигитнинг уйланганига энди бир ойгина бўлганди, ўшанда хурсанд бўлиб кетганидан қишлоқдаги ҳар бир хонадонга бир сердан<sup>19</sup>

балиқ тортиқ қилган эди. Юз йил ичида бу орада ҳеч ким бундай катта кўзимлик қилмаган бўлса керак. Эҳтимол, баъзи бировлар ичида унинг қилмишидан кулиб ҳам юргандир, аммо, Қану дўстининг кўнглига тушунар эди.

Шундан кейин Қану бошини қуйи солиб, юраги жуда сиқилиб кетганидан халқ қўшиқларидан бирини секин бошлаб юборди:

Тантанали қўшиқ тўқи, тантанали қўшиқ тўқи!  
Юлдуз, қуёш ҳамда ой ёзгандек нур қўшигин;  
Гуллар ҳам тўқир донм ранглар қўшигин,  
Жарангли, шўх қўшиқ тўқир қушлар галаси — тўпи,  
Қалбим сен ҳам шундай қўшиқ, шўх куйлар тўқи!

Қаршидан оқшом ғира-ширасида тортиб олинган қа-йиқлар уюми қорайиб кўринди. Балиқчи йигит ғамдан бўғилиб қолган овоз билан охирги марта қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлиб кўрди:

— Наҳотки инглизларнинг бизни бошқараётган Ба-ходурлар компанияси шундай зўравонликлар юз беришига йўл қўйса, наҳотки адолат бўлмаса?

Боятдан бери индамай, бамайлихотир мўйловининг учини ямлаб ўтирган хоки кийган солдат балиқчининг бу гапидан кейин тилга кирди. У Марказий вилоятлардан армия сафига олинган деҳқон бўлиб, йигирма йил хизмат қилган, энди даражаси сал кўтарилган солдат эди. Ҳиндистоннинг бу чеккасидаги одамлар ҳинду ва мусулмон ҳокимларидан мамлакатни идора қилишни тортиб олган ўша Ост-Инд компанияси ҳали ҳам ҳукмронлик қилади, деб ўйлашлари унга қизиқ туюлди.

— Оббо, қишлоқи-ей! Компания хўжайинлик қилган вақтлар аллақачон ўтиб кетган. Энди қиролича Виктория ҳукмронлик қилади. Кўринишдан, бу ерда ҳамма-нигиз ҳам кечаги кунда яшаётганга ўхшайсиз, бугунги кунга ҳали етиб келмабсизлар!

Қану унга нафрат билан бир қараб қўйди. Юрагида тўлиб-тошаётган ғазабни бир тўкиб соладиган хонаси келиб қолди.

— Қиролича Виктория ўлиб кетгани қачонлар эди. Ҳозир тахтда авараси ўтирибди.

Балиқчи йигит оғир ғам остида бўлса ҳам дўстининг ҳамма нарсадан хабардор эканидан жуда кўнгли кўтарилиб кетди, европачасига кийиниб олган сурбет

милтиқли солдатнинг шарманда бўлгани эса, ярасига малҳам қўйгандек бўлиб тушди.

— Ёш болалар алжирашни яхши кўради, — деди солдат ва кишига алам қиладиган қилиб хохолаб кулиб юборди.

— Ўтмишда бўлиб ўтган ишларга найза ва шомпол билан тушуниб етолмайсан, — деди ғазаб билан Кану ва айтмоқчи бўлган гапининг ўткир маъноси солдатнинг тўпос ақлига етиб борганини кўриб, роса маза қилди. Кану эҳтиёткорликни унутиб, яна ҳам дадиллашди. — Ҳа, бу сенга: «Бир-икки, бир-икки!» деб қадам ташлаш эмас, — деб қайиқ тагига оёғи билан тепиб, солдатни масхара қилди. Кейин шартта дўстига ўгирилиб қаради: — Бҳайиё, ёнингда кумуш пуллар бор. Олиб кўр-чи, кимнинг расми зарбланган экан. Ана... Кўрдингми? — деди у тантанали бир оҳангда, балиқчи йигит дхўтийси бурмалари орасидан кумуш пулларни олиб, очиб кўрган-дан кейин. — Қиролича Виктория эски пулларда, янги ялтироқ рупиялардаги ким?

— Қиролича Виктория ҳозир тахтда бўлмаса бордир, аммо бизни бошқараётган ўша, — деб жаҳл билан бақирди солдат. Унинг юзи қип-қизариб кетди, мўйлови ҳурпайди. — Қироличанинг одил қонунлари бошқаряпти. Тахтда ким ўтирган бўлса ҳам, ўша қонунлар ўз кучида қолади; бу қонунлар осмондаги қуёш ва юлдузлардек мангу.

Кану жим қолишга мажбур бўлди, лекин ҳаяжонга тушган балиқчи қўлидан келганча дўстини ҳимоя қилишга ошиқди:

— Бизни бошқараётган буюк Баҳодурлар компанияси, унга қарши чиқишга кимнинг ҳадди сиғади?

Унинг мияси ачиб, фикрлари чигаллашиб кетган, овози ҳам яхши чиқмасди. Шу топда қаршисида ўтирган, ўзини камида округ судьясидек ёки ҳатто вилоят губернаторидек такобирлик билан тутаётган мана шу ясанган масхарабозни шундай ҳам кўргани кўзи йўқ эдики, асти қўя берасиз!

Гимн тўқи... гимн тўқи...

Синдириб ташланган қайиқ тахталари уйим-уйим қилиб қўйилганди, ҳар бир уйим тахта олдида ғамдан юзлари тошқотган, бир нуқтага тикилганча турган

эркак-аёллар тўдаланишганди. Бутун балиқчилар қишлоғи шу ерда эди. Қайиқ бузувчилар тахталарни ўтинга олинглар деб, ўтин савдоси очишди. Парча-парча тахта баҳоси жуда арзон, деярли сув текин эди, аммо балиқчилар у ёқда турсин, қишлоқ аҳолиси орасидан ҳам ўтин олишни хоҳловчилар топилмади. Хароб этилган балиқчилар ҳаётининг парчаларидек туюлган бу тахталарни ўчоғига ўтин ўрнида ёқишга биронта ҳам деҳқоннинг кўнгли бўлмади. Буни кўрган қайиқ бузувчилар ўз моторли қайиқларидан бензин олиб келишди-да, қорайиб турган тахта уйимлари устига қуйиб, пода қайтадиган муқаддас бир пайтда, ҳаво мол туёқлари кўтарган чанг билан қопланган ва денгиз чиғаноқлари оқшом маъбудасини табриклаб шовқин солаётган бир вақтда балиқчилар қайиғининг кўп хизматлар қилган ёғочларига ўт қўйишди.

— Қайиғим!.. Менинг қайиғим!.. — деб гоҳ бир, гоҳ бошқа эркак қичқириб қоларди, аёллар бўлса, дафн гулханидан кўз узмай қараб туришар, ўтнинг узун-узун тиллари уларнинг қора кўзларида акс этарди, ўзлари эса, товуш чиқармай такрорлашарди:

— Илоҳо балоларга учранглар! Бутун уруғ-аймоғинглар балога йўлиқсин! Илоҳо қонхўр хўжайинларинг қирилсин! Ўзинглар ҳам мана шундай ўтда ёниб жизғанақ бўлинглар — йўқ, хўжайинларинг билан ёнма-ён туриб, бор-шудларинг ўтда ёниб кетаётганини ўзларинг кўриб туринглар! Ҳаммангизга ажал келсин!

Гулхан ёниб, моторли қайиқ дарё бурилишида кўздан ғойиб бўлиб кетгандан кейин, балиқчилар ўчиб бораётган олов тепасига бориб, ҳар бири иссиқ кулдан бир чимдим-бир чимдимдан олиб, дхўтийлари этагига тугиб олди. Кейин ҳеч бири ҳам лом демай, бошини қуйи солганича юракда ғам ва алам билан уй-уйларига тарқала бошладилар.

Лекин бу билан бир иш тугаган бўлса, бошқаси бошланиб келаверди. Чунки, сира сўнмас нафрат ўти қайиқ ёғочларидан қаланган гулхан кулининг ҳар бир заррасида қолди.

Кўрфаз томондан ҳарбий хавф тобора кучайиб бораётган худди ана шу саросимали кунларда Баруни қишлоғидаги дўкондор Гайриш бой бўлиб кетиш йўлини ёри-

тиб берадиган сеҳрли бир чироқ топди. Ҳамма қишлоқ дўконларидек Гайришнинг дўкони ҳам кичкинагина эди; оддий лой-тупроқдан қурилган уйининг иккита хонасида ўзи турар, каттароқ учинчи хонага тоқчалар қилинган эди, савдо-сотик ҳам худди ана шу хонада олиб бориладди. Тоқчаларда дон-дун солинган қоплар, озроқ туз, маҳаллий деҳқонлар етиштирган тамаки, тунука идишларда хантал ёғи, лўя ёғи турарди, шулар орасида баъзи бир хил шаҳардан олиб келинган моллар: дағал матолар тунука лампалар, керосин, мис идишлар, арзон баҳо темир-терсақлар ҳам бор эди. Деҳқонлар атрофдаги беш қишлоқ бозор қилгани келадиган дарё бўйидаги қишлоққа бир неча мил йўл босиб, ҳар шанба боролмас эдилар. Қишлоқ дўкони азал-абаддан деҳқон билан бозор ўртасида воситачилик вазифасини ўтаб келган.

Лекин Гайриш тинчгина тирикчилик қилиб ўтган ва бир амаллаб рўзгорини тебратса, шу билан рози бўлиб кетаверган ота-боболарига ўхшаган одам эмасди. Гайриш одам бўлиш пайига тушган хилидан эди. Шухратпарастлик — янги замон шиори эди! Бир оз орттирган пули ҳам бор бўлиб, муҳтож бўлиб келган деҳқонларга унча-мунча қарз ҳам бериб турарди. Пул ўрнига гуруч ва дўконида бор бошқа моллардан ҳам қарз берарди. Процентни ҳам даромад келтирар, пули йилдан-йилга ортиб борарди.

— Бир донадан йиғсак, бир қоп бўлади, — деб хотинига таълим берарди Гайриш. — Бугун сал тўймай қолсак, зарари йўқ, бунинг ҳисобига эртага қорнимиз ҳам тўяди, ортиб ҳам қолади. Бугун озроқ қолади, эрта озроқ қолади, — қарабсанки, қўличга олтин билағузук, бурнингга тилла булоқига пул чиқиб қолибди. Кейин сигир оламиз, уйимизни кенгайтирамиз, шоли эккани ер сотиб оламиз, ахир, бир кунмас, бир кун — деб овозини пасайтирарди, — вақти келиб шаҳарда дўкон очамиз.

Шаҳарда дўкондор бўлиш-а — бундан ортиқ яна нимани орзу қилиб бўлади? Шуни ўйлашнинг ўзидаёқ кўзлари чақнаб кетарди. Шундай орзуда юрган Гайриш ўзини ҳар томонлама қисар, уйидагиларни гуруч ўрнига мана шундай хаёллар билан боқарди.

Аммо, бу гаплар жуда узоқдаги ўпка эди, унинг ахир бир кун амалга ошувига эса, умид жуда кам эди, бирор муъжиза юз бериб қолмаса, ўзини минг қисгани, минг тийгани билан бу орзуси қариган чоғида бўлсин, уша-

лишига умид кам эди. Аммо, тўсатдан ўша муъжиза шу яқин орада экани маълум бўлиб қолди!

Қайиқларни тортиб олишди. Қишлоқ қўл-оёқсиз бўлиб қолди. Гайриш энди бир амаллаб қайиқли бўлиш йўлини ахтара бошлади. Ўшанда қишлоқдаги биттаю битта қайиқнинг хўжайини бўлиб қолади. Баруни дала-ларида пишиб ётган шolini ташиш фақат унинг қўлида бўлади. Ана унда хоҳлаганингча баҳони ўзинг қўйиб олаверасан — қайиқ бўлмагандан кейин, деҳқон ортиқча донини қандай сота олади? Одамзотга фақат овқат керак эмас, у эгинини бутлаши керак. Ҳар хил рўзғор қақир-қуқурлари сотиб олиши керак. Расм-русум, тўй-маърака деган нарсалар бор. Худолар йўлига қурбонликлар қилиш, хайр-закотлар бериш керак. Энг муҳими заминдорга жарангловчи тангалар билан ижара ҳақи тўлаш керак. Гайриш қайиғига дон ортиб, дарё юқорисидаги бозорга элтиб сотади, бозордан эса, бошқа ҳар турли мол ортиб келади, ҳаммасини ҳам яхшигина фойдаси билан сотади. Ана бу ҳақиқий савдо бўлади, бунинг дўконда ўтириб деҳқонга ярим сир дон, бошқасига бир пайсалик лўя ёғи сотиш билан солиштириб бўлармиди?

Гайриш диққинафаслик билан оғир бир хўрсиниб қўйди. Қайиқ ясаб олишга пули етар эди-я, аммо, маъмурлар бундан дарров хабар топадилар-у, унинг қайиғи ҳам бошқа қайиқлар ҳолига тушади — уни ёндириб юборишади, чўктириб кетишади ёки ҳайдаб олиб кетишади. Йўқ, Гайришдек қўли калта қишлоқ дўкондорининг қишлоққа хўжайин бўлишига йўл бўлсин! Бунинг устига кутилмаганда бошига фалокат тушди. Ҳукумат агентлари келиб, тўппа-тўғри дўконга бостириб киришди, дон солинган ҳар бир қопни тортиб кўриб, махсус дафтарга ёзиб олишди. Кейин ғамлаб қўйилган доннинг ярмисини сотиб олишларини айтишди. Қишлоқ аҳолиси ўзига янги ҳосил пишгунча етадиган миқдорда дон олиб қолиб, қолганини сотишлари лозим, дейилди. Ҳозир қишлоқдан минг манлаб<sup>20</sup> дон чиқиб кетади, кейин нарх-наво бирдан кўтарилиб кетади — Гайриш бунинг савдогарга хос бир ҳис билан сезиб турарди. Бундан унга нима фойда — у вақтда сотадиган деярли ҳеч нарсаси бўлмайди.

Ўша кунинг Барунига кекса анжир дарахти тагида ажойиб ва ғаройиб бир нарса турибди деган хабар тарқалди. Уни бориб кўргани бутун қишлоқ югурди. Дарахт соясида баланд-паст қишлоқ йўлларида ҳам баҳазур

юраверадиған кичкинагина бир машина турарди, унинг чор атрофига ҳар хил рангдор плакатлар ёпиштирилган тахталар қоқилганди. Автомобилга радио ўрнатилган эди, одамлар тўплангандан кейин, оломонни радио карнай орқали баланд овозли бир киши табриклади. У деҳқонларга оғайнилар, биродарлар деб мурожаат қилди, кейин қўрқинчли душман кун сайин тобора яқинлашиб келаётганидан гапириб кетди. Япон қонхўрлари қонга ташна бўлиб юрибдилар. Улар одамларни жонли нишон қилиб, милтиқ отишни ўрганадилар. Оёқ-қўлига кишан солинган ота-оналари олдида болаларга найза суқиб ўлдирадилар. Аёлларни зўрлайдилар. Бу гаплардан кишиларнинг юраги орқасига тортиб кетарди. Бирма йиқилди. Инглиз генерали Александер усталик билан маневр қилиб, ўтиб бўлмас чангаллар орасидан чекиниб кетмоқда. Агар душман мудофаа линиялари орқасидан зарба бериш мақсадида денгиздан соҳилга аскар туширса, Бангол фронтнинг олдинги линиясига айланиш хавфи остида турибди. Душман дарё ўзани атрофидан қўшин тушириши мумкин, мана бу анжир дарахти эса, у ердан ниҳояти уч кунлик йўлда. Борди-ю, шундай фалокат юз берса, япон қўшинларининг олға силжишига ҳар қадамда халақит бериш керак. Қайиқларингиз, қадрдон биродарлар, худди мана шу мақсадда ёндирилди. Лекин гап бу билан тамом бўлмайди. Жамғарилган озиқ-овқатни ҳам йўқотиш керак. Ҳукумат деҳқонлардан олган нарсаларининг ҳаммасига нақд пул тўлайди. Тушундингларми? Японлар келса, улар озиқ-овқатга пул тўлаб ўтирмайдилар, улар ўзларига лозим бўлган нарсаларни тортиб олаверадиладар. Она-еримизнинг ҳиммати билан пешона тери тўкиб олган олтин ҳосилингизни очкўз иблислар еб кетишларини истамайсиз-ку ахир, деҳқон оғалар.

Рангли плакатлар ҳозир айтилган ҳамма мудҳиш ишларни яққол кўрсатиб беради. Уларда японларнинг ваҳшийликлари кўрсатиларди, тагида эса, ўшаларни ифодаловчи ёзувлари ҳам бор эди. «Наҳотки ўз мулкинг ўзингга қадрсиз бўлса?», «Ҳиндистон ери бой ва серҳосил!», «Сенинг хотининг чиройли!». Шаҳардан келган киши плакатлар олдида турар ва саводсиз деҳқонларга овоз чиқариб ёзувларни ўқиб беради — у бу ёзувларни қайта-қайта ўқиб берди, овозидан хавф сезилиб турарди.

Ҳа, ҳукумат фойдали ишини ўзига хос батафсиллик билан қиларди.

Қишлоқ аҳолисининг мол-мулки ҳам айтарли кўп эмасди; хотини чиройли эрлар ҳам кўп эмасди; душман ерни кам ҳосил қилиб қўйиши ҳам шубҳали гап. Лекин содда деҳқонлар юрагига қўрқув тўлди-қолди.

Омбордаги кандуклар очилади, дарёда турган катта баржа сиққанича шоли ортиб, жўнаб кетади, деб этини ерди Гайриш. Ҳеч вақт шаҳарда дўкон очолмайди. Хотини ҳам олтин билагузук тақолмайди. Лой-гувалакдан қурилган уй ҳам кенгайтирилмай, шу ҳолича қолаверади. Ўзининг ҳам ота-бобосидан сира фарқи йўқ, тупроғи улар билан бир жойдан олинган, ҳаёти ҳам худди уларникидек оддий, бир хил ўтади. Бир хил, ҳеч ўзгармайдиган, қашшоқона ҳаёт!

Уйи остонасида қош-қовоғи осилиб дарё тарафга қараб турган Гайриш қишлоққа олиб келадиган йўлдан шаҳарчасига кийинган бир одам келаётганини кўриб қолди.

Нотаниш одам Гайришнинг олдида тўхтаб, унга дўстона бош ирғаб қўйди-да:

— Гуручинг борми?— деб сўради.

— Битта ҳам донни қўймай ҳисобини олиб, тортиб, дафтарингизга ёзиб қўйишди-ку,— деди жаҳли чиқиб Гайриш.— Яна сўрашнинг нима кераги бор? (Ўзи бошқа одам бўлса ҳам, исми бошқача бўлса ҳам, худди ўша агентнинг ўзгинаси-ку.)

— Қандай дафтарга?— деб сўради нотаниш киши ва дўконга кирди. Кўзлари дон-дун солиб қўйилган қопларга югурар экан, папирос тутатиб, дўкондорга ҳам тутди.

Гайриш ҳайрон қолганини билдирмади. У ўзини тутишни биларди. Мен оддий бир қишлоқи эмасман, яхши папиросни мен ҳам ажрата биламан дегандек қилиб маъқуллаб бош ирғатди-да:

— «Гол Филик-ку»,— деб қўйди.

У уч ойда бир шаҳарга тушиб турар, шаҳардан ҳар хил мол олиб чиқар ё шунчаки айланиб келарди, шунинг учун ўзини деярли шаҳарлик деб ҳисобласа ҳам бўларди. Шаҳардан келган одам билан яхши папирос чекишса, нима бўлибди?

— Гуручингни ҳукумат агентлари тортишган. Менинг уларга ҳеч қандай алоқам йўқ,— деди меҳмон папирос тутатиб.— Мен савдо компаниясидан келдим. Ишимиз — гуруч савдоси. Сен дўкондорсан. Бизга ёрдамнинг тегиши мумкин,

Гайриш унга бир қараб қўйиб, бош чайқади.

— Бу қандай бўлди? Компания ҳукумат билан рақобат қила оладими? Гуручнинг ҳаммасини хатга ёзганлар олиб, баржага ортиб кетишади.

— Фил ўтолмаган жойдан сичқон ўтиб кета олади. Дарёда менинг ҳам баржам турибди. Қонунда фақат ҳукумат агентлари сотиб олишга ҳуқуқли деган гап йўқ.— Меҳмон радиокарнайнинг узоқдан эшитилаётган овозига қулоқ солиб, бирпас жим турди:— Ана, кўрдингми? Фил сичқонга йўл очиб беряпти. Биз ўзаро келишиб қўйганмиз... — деб маънодор қилиб дўкондорга қия боқиб қўйди, у. — Улар менга халақит беришмайди. Менга қара. Сен қишлоқ дўкондорисан. Бу ерда ким шоли экканини, ким қанча шоли сота олишини биласан. Ширинкома оласан. Қанча кўп шоли сотиб олсанг, шунча кўп пул ишлайсан. Пулини олдиндан бериб қўявер, шolini даладан йиғиб олмасданоқ сотиб олавер. Пулни аяб ўтирма...

— Ҳамон муборақ қадамнинг менинг оstonамга босган экансан, кел, ўтир, кокос ёнғоғининг муздек сувидан ичиб чанқоғингни бос, — деб Гайриш шошиб-пишиб бўйра орқасига югурди. Ҳатто мўйловлари ости қичишиб кетди. Неча проценти ширинкомага беришаркин?

Гайриш кокос ёнғоғининг ички пўстлоғини эҳтиёт билан кесди, меҳмон эса гапида давом этди: Компания ҳозир маҳаллий агентлар танлаяпти — ҳар беш ёки ўн та қишлоқда биттадан агент бўлади. Бундай агентлар вилоят агенти кўрсатмалари билан иш тутадилар; мана мен худди ўшандай вилоят агентиман. Вилоят агентлари Қалкаттадаги бош агентга бўйсунадилар, у эса, компания директорларидан йўл-йўриқ олиб туради. Бу зўр ташкилотга ҳатто заминдорлар ҳам тортилади. Бангол ҳали бундай зўр ишларни кўрмаган — ҳеч вақт кўрмаган!

— Мана шундай бақувват машинанинг бир винти бўлолсанг, ўтган етти авлод ота-боболаринг сендан рози бўлади,— деди агент.

Гайриш шошиб-пишиб миясида ҳар мандан қанча ширинкома қоларкин деб ҳисоблар эди. Ҳар юз манданчи... Минг манданчи... бўлажак ҳосил устиданчи... Гайриш ҳаяжон билан мўйловини бурарди.

Миясида қанча ширинкома қолишини ҳисоблар экан, хотинининг қўли қўша-қўша билагузукларга кўмилганини, кулбаси катта уйга айланганини, ҳар хил молларга тўлиб ётган шаҳардан очган дўконини кўриб турарди.

Бирдан яқинроқ ердан овоз берган радиокарнайнинг товуши бир лаҳзага унинг хаёлини бўлди. Машина ҳамма-нинг қулоғини қоматга келтириб, қишлоқ ичидан ўтиб борарди. Тақдири бирдан ўзгариб кетганидан ўзида йўқ хурсанд Гайришнинг кўзларида севинч ёшлари кўринди, хурсанд Гайриш ўзига ўзи шивирлаб деди:

— Мана! Резинка филдиракка ўрнашиб олган қўрқув оралаб юрибди! Ростдан ҳам қудратли фил беозор сич-қонга йўл очиб беряпти!

Оддий сўз кучига қарши кураш олиб боришга мажбур бўлишлари ўшанда на дўкондорнинг, на шаҳардан келган агентнинг хаёлига келган эди.

Бу сўзлар секин, деярли шивирлаб айтилди-ю, аммо радиокарнай овозидан ҳам баланд эшитилди. Тарғил сигир Манголага миниб олган Кану ўша гапни жазирама офтобда икки букилиб ишлаётган деҳқонларга далама-дала юриб етказди.

— Деота шолини сотишга шошилишмасин, дедилар. Яхшилаб ўйлаб кўринглар, Деота шундай дедилар.

Бу сўз буйруқ билан барабар эди.

Бундай фикрга келишдан олдин Деота роса ўйлаб кўрди. Тўғри, деҳқонларга яхшигина ҳақ тўлашни ваъда қилишяпти, шунинг учун ҳамма ортиқча донини сотишга жуда қизиқиб турибди. Хўш, унда ўзининг ҳеч вақоси йўқ кисонларнинг аҳволи нима кечади? Тирикчилик қилиш учун гуручни улар қаердан олишади? Қайиқларидан ажраб ўтирган балиқчилар-чи? Хунармандлар-чи — бутун қишлоқни кийинтирадиган тикувчи, омовчи тиши билан ўроқларни ясаб берадиган темирчи, оғир филдираклар билан омовнинг ёғоч қисмини қилиб берадиган дурадгор — булар нима қилади? Деотанинг боши қотди. Борди-ю, фақат ерлик деҳқонларнинг ўзига лойиқ шолидан бошқаси қишлоқдан чиқиб кетгудек бўлса, бутун қишлоқ иқтисодий издан чиқиб кетади.

Атрофдаги қишлоқлар эса, шундай ҳам хароб бўлмоқда эди. Кўп қишлоқларни ҳарбий маъмурлар стратегик базага айлантириш учун тортиб олдилар; бу ерларга аскарлар жойлаштирилмоқда, аэродромлар қурилмоқда эди. Ўзига тўқ деҳқонларнинг ғишт уйлари ижарага, камбағалларнинг гувалакли уйлари нақд пулга сотиб олинмоқда эди. Одамларни яшаб турган жойларидан ҳайдаб

солишмоқда эди. Ёнида ота-боболаридан қолган уй-жой ҳисобига берилган озгина пул бўлса ҳам, одамлар энди янги бошпанани қаердан топишади? Деҳқончилик қилиш учун ерни қаердан олишади, ахир улар ердан ҳам ажраб қолишди-ку. Қанчадан-қанча ерлар ишланмай бекор қолиб кетди. Бу нарсa деҳқончиликнинг хароб бўлиб кетиши хавфини туғдирарди. Японлар соҳилга тушганларида ишчи кучи тополмасликлари учун денгиз бўйидаги кўпгина районлардан аҳоли кўчирилди. Баруни ёнидан бошпанасиз қолган бечоралар моллари, уй-рўзгор буюмлари билан кўчада қолган, довдираб, нима қиларини билмаган, бошига тўсатдан тушган кулфатдан ганг бўлиб қолган эркаклар, аёллар, бола-чақалар карвони ўтиб турарди. Хароб этилган ҳаёт ҳисобига олинган пул қанчага етаркин? Ахир ўзини боқиш учун энди гуруч сотиб олиш лозим-ку. Борди-ю, ҳозирча ш依ликорлик қилиб турган деҳқонларда сотиш учун ортиқча гуруч топилмай қолса, унда нима бўлади? Бугун ҳозирги баҳода ш依ини олиб қўяётган савдогарлар эртага, озиқ-овқат танқис бўлиб қолганда, уни қандай баҳода сотишини ким билади дейсиз? Банголда нарх-наво устидан назорат шу вақтга қадар ўрнатилмаган эди — замбараклар гумбури яқин келиб қолган бўлса ҳам-а! — на озиқ-овқат нормаси, на уни адолатли ва оқилона усулда тақсим қилишга уриниш бўлгани йўқ. Олий стратегия билан банд бўлган маъмурлар бундай арзимас нарсалар тўғрисида ўйлаб кўришга вақт тополмасдилар! Уруш эса, мана учинчи йилга қадам қўйди.

Деота қуёш нури остида ястаниб ётган дала четида турар ва гўё халқи устига балолар келтирувчи қора булут бостириб келаётганини сезгандек, ер билан осмон уланиб кетган узоқ-узоқларга тикилиб қарарди.

Қайиқларни ёқдилар. Бор донни тугатдилар. Халқни ҳам маҳв этадилар. Деота халқ ғамини қилиб эзиларди, чунки, халқ у учун кўз қорачиғидек, унинг жонидек нарса эди.

### ЕТТИНЧИ БОБ

Мана, ўн кун бўлибдики, шаҳар қўзғолон ичида қолганди. Бу қўзғолон — Вақт қўлтиғининг тинч ётаверганидан қорайиб кетган юзида тўсатдан кўтарилган бўронга ўхшарди.

Бу орада япон эса, автоматини ўқталиб, Бангол остонасида турарди. Чекиниш ҳамон тинимсиз давом этарди.



90 *Gemza*

Наҳотки Ассамни ташлаб чиқсалар, Банголни ташлаб кетсалар? Миллий конгресс ишни ортиқ пайсалга сололмасди, ортиқ кутиб туролмас ва бостириб келаётган хавфга бефарқ томошабин бўлиб қараб туролмасди. Шундан кейин чақириқ майдонга ташланди: «Озод Ҳиндистон бутун кучини фашизмга қарши курашга ташлайди... Озод Ҳиндистон Бирлашган миллатлар иттифоқчиси бўлади, бутун оғирлик ва машаққатларни улар билан бирга тортишади... Озодлик Ҳиндистонга якдил халқнинг иродаси ва кучига таяниб, агрессияга қарши муваффақият билан курашишга ёрдам беради».

Тарихий август қарори<sup>21</sup> қабул қилинди. «Ҳиндистондан йўқолинглар!»

«Келажакда амалга оширамиз деб берилган ҳар қандай ваъда ва кафолатлар ҳам халқ оммаси онгига ҳеч қандай психологик таъсир кўрсата олмайди. Миллионлар ғайрати ва куч-қувватини урушнинг бутун характерини дарҳол ўзгартириб юборадиган даражада фақат озодлик тонги кўтариб юбориши мумкин»...

Ажнабий маъмурлар учун Миллий конгресс японлардан афзал эмас эди, чунки бу борада, маъноси бошқачароқ бўлса ҳам, унинг мақсади бир — оқ танли одамлар империясига хотима беришдир. Ажнабийлар Ҳиндистонни мудофаа қилиш учун ёки, зарур бўлиб қолса, Хитой билан Россиядагидек партизанлар уруши бошлаб юбориш учун қуроллантирмайдилар. Қўлига қурол олгандан кейин қайси мазлум халқ яна илгаригидек зулм остига қайтишни хоҳлайди дейсиз! Мамлакат кемалар, замбараклар, шарикоподшибникларга қанчалик муҳтожлик сезмасин, ҳинд саноатини бутун қуввати билан ишлашига йўл қўймадилар. Гуллаб-яшнаб кетгандан кейин, қайси саноат яна илгариги иқтисодий система ҳолига қайтиб тушиш учун инқирозга учрашга рози бўлади? Ёшини яшаб бўлган аср қолдиқларига маҳкам ёпишиб олган, кеккайган ажнабий жаноблар урушда Империяни қўлдан бериш учун ғалаба қилмоқчи эмаслар.

Миллий конгресс «озодлиги қиммат баҳо ва сақланиб қолиши лозим бўлган Хитой ёки Россияни ҳимоя қилиш ишини қийинлаштиришга асло интилмайди, Бирлашган миллатлар мудофаа қувватини хавф остида қолдиришни истамайди. Лекин Ҳиндистон ва бошқа миллатлар бошига келаётган хавф тобора ортиб борапти... Фаолиятсизлик Ҳиндистонни шарманда қилиш ва унинг агрессияга

қарши дош бериш қобилиятини пасайтириш билангина чекланмайди, балки Бирлашган миллатларга ҳам ҳеч қандай фойда келтирмайди».

Ҳукумат миллий ҳаракатнинг ҳар бир қадамини ҳуш-ёрлик ва ўткир назар билан кузатиб турарди. У ўтган ўн йил ичида орттирган бутун тажрибасини мана шу мақсадни амалга оширишга қаратган эди. У қимматли нарсалар яратишга ожиз бўлса ҳам, бошқалар яратган нарсаларни вайрон этишга жуда уста эди. Эски асрда яшаб бўлса ҳам, янгига қарши, янги яратган нарсадан фойдаланишга жуда уста эди. У фанни маҳв этиш учун фандан фойдаланди. Фикрни маҳв этиш учун фикрдан фойдаланди. Мана, у кутилмаганда бир ҳамла билан миллий ҳаракатга ташланди-ю, уни кишанлаб, занжир-банд қилиб ташлади.

Аламзада амалдорлар шу вақтнинг келишини жуда кўпдан бери кутиб ётишарди. Уларнинг мақсади ғаломуслардан ўч олиш, ҳеч қаддини кўтариб ололмайдиган қилиб зарба бериш эди. Эсанкиратиб қўймоқчи бўлиб қилган ишлари муваффақиятли чиқди, Неру Америка учун радио орқали нутқ сўзламоқчи эди, у ўз уйида радио эшиттиришни ташкил қилувчи кишиларни кутиб ўтирарди. Улар ўрнига полиция келди. Гандийжий жаноб олийларига Янги Деҳлига хат ёзмоқчи эди. У ўша хатни ёзди, аммо қамоқдан ёзди. Олдиндан белгилаб қўйилган маълум бир вақтда Ҳиндистоннинг барча шаҳарларида қамоққа олинганлар билан лик тўла полиция машиналари кўчаларда ғизиллаб қолди. . .

Шундан кейин халқ ҳеч қандай тайёргарликсиз, Миллий конгресс чақириғисиз қўзғолон кўтариш билан жавоб берди. Халқ доҳийларини қамоққа олган истибдодга қарши ғазаб алангаси кўтарилди. Ҳамма халқ қатори Роҳул ҳам қонида ана шу ғазаб ўт олганини сизди. Воқиалар Роҳулни ўз қаърига тортиб, тўхтовсиз ҳаракатига эргаштириб кетди.

Ҳозир бўрон авжига чиққан бир пайтда у ўз кабинетда бобосига хат ёзиб ўтирар экан, Коллежстритдан ўтиб бораётган минглаб намоийишчилар оломони кўзига кўриниб турарди. «Ҳиндистондан йўқолинглар!» деган қичқириқлар ва «Банде матарам!»<sup>22</sup>—«Салом сенга, она-Ватан!» деган жанговар хитоблар эшитилиб турарди. Ўз лабораторияси деразасидан қараб турган Роҳул револьвер ушлаган гавдали бир европалик сержант

қўлига уч рангли байроқ<sup>23</sup> кўтариб, намоишчилар олдида бораётган йигит устига ташланганини, байроқни тортиб олиб, ерга улоқтириб урганини, кейин эса, энгашиб байроқни кўтариб олмоқчи бўлган йигитни уриб, тепкилай кетганини кўриб турди. Байроқдорга ёрдам бериш учун бошқа намоишчилар — худди ўшандай ёш йигитлар отилдилар, уларнинг бирдан-бир қуроллари зўравонлик қилмаслик принципи эди.

Полиция лотҳийларни ишга солиб, ўнг-сўлдаги одамларни калтаклай бошлади, кейин ўт очди.

Шу пайт Роҳул дунёдаги бор нарсани унутди. Бошига қон урди, югурганча лабораториядан чиқди, зинадан тез пастга тушди-да, миясига маҳкам ўрнашиб олган, фақат битта мақсад—байроқни кўтариб олиш ниятида оломон орасидан, эсини йўқотган одамдек уриб ўта бошлади. Бошқа ҳамма гап ҳозир аҳамиятини йўқотган эди. Бундан беш минут олдин совуққон, ўзини маҳкам тута биладиган олим Роҳул шундай бўлар деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Ҳаммаси ҳеч кутмаганда, қўққисдан юз берди.

Оёғига урилган лотҳий зарбидан йиқилиб тушишига сал қолди, лекин икки полициячи қўлтиғидан олиб, машинага томон судраб кетди. Оёғи ўтда куйгандек ачишарди. Қалбининг ичида эса, юрагини ўтдан ҳам бадтарроқ куйдириб, бошқа бир нарса ловилларди.

Камерадаги ҳамроҳлари студентлар экан. Баъзилари Роҳулни шахсан танишар, баъзилари унинг номини билишарди. Унга жуда ҳурмат билан қарашди.

— Демак, ниҳоят вақт келибди-да? — деб сўрашар эди йигитлар ва ҳаяжон билан ундан жавоб кутишарди.

Бу савол Роҳулнинг ўзини ҳам қўпдан бери қийнар эди, қўзғолон кучларини босиб, бутун антифашист Ҳиндистонни қийнади. Уруш ҳамма учун ҳам бир эди, шунинг учун Ҳиндистон Хитой учун бўлган кураш Ганг текисликларида ютқазилишига йўл қўёлмасди. Лекин озодлик ҳам ҳамма учун бир эди. Қулликка солинган, заифлашган Ҳиндистон озодлик дунёсига оғир юк бўлиб қолиш хавфи остида қолган эди.

— Вақт ҳали ҳам келгани йўқ,—деди у,—аммо жуда яқин қолди. Биз доҳиймизнинг: «Ё ағдариб ташла, ё ҳалок бўл!» деган чақириғини бажаришга тайёр туришимиз лозим. Кучларимизни бефойда сарф қилмаслигимиз керак.

У полиция бўлимида куни билан ётди. Кун ботиш пайтида уни камерадан чақириб олишди, худди ўша қора машинада коллеж дарвозаси олдига келтириб, ташлаб кетишди. Озодликка чиқди!

Кўча гўё ҳалигина бўлган жангдан жароҳатлангандек эди. Ҳарбийлардан ташқари йўловчилар деярли кўринмасди. Кўчадан броневиклар ғириллаб ўтиб турарди. Муюлишда пулемёт билан қуrollланган патруль турарди. Ениб битган юк машиналар темир-терсак уюми ҳосил қилганди. Оғир юкларни тортадиган машина кўчани тўсиб ётган пачоқ трамвай вагонини судраб борарди.

Куни билан полиция бўлимида ўтиргандан кейин, яна озодликда эди, у. Наҳотки ҳамма қамоққа тушганларни бўшатиб юборишган бўлса? Наҳотки шундай олий ҳиммат кўрсатишган бўлса? Ишонгинг келмайди киши!

Ҳамма гапдан кейинроқ хабардор бўлди. Маъмурлар энди қонундан ташқари ҳаракат деб эълон қилинган ҳаракатнинг ҳар бир қадамини аёвсиз таъқиб остига олган эдилар. Маъмурлар ўзини-ўзи ўққа тутиб берармикин деган умидда конгрессни очиқдан-очиқ чиқиш қилишга ҳар хил йўллар билан гизгизлар эдилар. Маъмурлар халқни ўлгудек ёмон кўришлари ҳар вақтдагидан ҳам очиқ-равшан кўринди, ваҳоланки, империя мана шу одамлар елкасига қурилган, узоқдаги метрополиининг ҳаёт ва равноқи мана шу одамлар ҳисобига олиб борилади.

Қамоқдан бўшаб чиқишига сабаб нима эканини ҳам билиб олди. Улим Нури. Отаси олий маъмурлар қулоғига шу ҳақда шипшитиб қўйишга улгурган экан. Унинг ўғли — катта олим, космик нурлар энергиясидан фойдаланиш проблемаси устида иш олиб боряпти, бу энергия темир йўл поездларини ҳаракатга келтиради, бир лаҳзада душманнинг юз минглик армиясини йўқ қилиб ташлайди — отаси буни ана шундай тасаввур қиларди, Роҳул эса, аниқроқ қилиб берилган саволларга на ҳа деб, на йўқ деб жавоб қилмас, фақат кулиб қўя қоларди.

Бир кун Прокаш унга:

— Сизни назорат остига олишди, сэр. Бир одам ҳамма қоғозларингизни ўқиб, нусха олиб юрибди, — деб қолди.

Роҳул ҳайрон бўлди.

— Нима учун?

Прокаш бун билмасди.

— Ким ўзи ўша одам?— деб сўради Роҳул, ғазаб билан.

— Студентларингиздан бири, сер. Унинг кимлигини мендан билишингиз яхши бўлмас. Ҳушёр бўлинг.

Жосуснинг кимлигини билиб олиш қийин бўлмади.

Лекин, менинг ёзувларимнинг кимга кераги бор экан, деб ҳайрон бўларди Роҳул. Айниқса унинг Кембриж университети профессори билан ёзишмаси кимга керак бўлиб қолдйкин, афтидан, ўша хатларни ҳам очиб ўқишганди.

Орадан бир қанча вақт ўтгандан кейин Прокаш:

— Ўша йигит махсус бўлимдан маош олиб турар экан,— деб хабар қилди.

— Полиция жосуси!— деди-ю, Роҳулнинг миясига лоп этиб бир фикр келди: Ўлим Нури!

— Қойилман-е ўзимга!— деб кулди Роҳул, гапнинг нимада экани маълум бўлгандан кейин. Гарчи ўринсиз бўлса ҳам, шундай диққат-этиборга сазовор бўлганингни сезиш қандайдир хуш ёқади кишига!

Лекин Прокаш бунга жиддий қаради:

— Шу гапни маҳкам ушлаш керак, сэр. Сохта ёзувлар олиб борамиз. Айтайлик, сиз Ўлим Нурларини очиш олдида турибсиз, баъзи икир-чикирларни, арзимас қийинчиликларни енгил қолган, холос. Қўя беринг, шундай деб ўйлаб юра беришсин.

— Майнабозликнинг нима кераги бор, Прокаш?—деб кескин сўради Роҳул. Бирпас бир-бирларига тикилиб қараб туришгач, Прокаш овозини пасайтириб, деди:

— Вазият борган сари оғирлашиб кетяпти. Ҳиндистонда ҳеч ким хавфдан холиман деб айтолмайди. Мана шу Нур сизни ҳимоя қилиб туради. Қамоққа тушиб ётишдан ҳеч қандай маъно йўқ.

Қамоқда ётишдан ҳеч қандай маъно йўқ. Худди ана шунинг учун бир неча ой ўтар-ўтмас, бўрон кўтарилиши билан Прокаш яширин ишга ўтиб кетди. Роҳул исёнкорлигини биринчи марта кўрсатганида бунга энди икки кун бўлган эди.

— Мен қамоқда чиришни ҳеч ҳам истамайман. Ҳозир иш жуда ҳам кўп,— деган эди йигит.

Шундай қилиб, Роҳул ўз хонасида ўтириб хат ёзар, аммо хатни бобоси ҳеч вақт олиб ўқолмаслигидан

беҳабар эди. Террор шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам авжга минган эди.

Фикрни бўлиб хонага югурганича кичкина Куку кириб келди, у отасига ташланиб:

— Полиция ёмон, ярамас, полиция — маймун! — деди ўзи билган бутун ҳақоратли сўзларни ишлатиб, душманни қарғаб. Бундан бир соат олдин у отаси соқол олиб, ташлаб юборган хавфсиз бритва пичоқчасини кўтариб, бақириб-чақириб емакхонага чопиб кирган эди. Монжу уни қизининг қўлидан тортиб олди, бунинг натижаси аччиқ кўз ёшлари бўлди.

Роҳул қизчасига кулиб боқди.

— Ёмон полиция дадасини яна олиб кетса, Куку йиғламайдими?

Қизча кўзларини пирпиратди ва ғиншиб дадасининг гапини такрорлади:

— Куку йиғлайди.

Унинг лаб-даҳани аллақачон тушиб кетган эди.

Роҳул қизини тиззасига ўтқазиб олди. Куку ўзида йўқ суюниб, отасининг бўйнидан қучоқлаб, ёпишиб олди.

«Одам қалбининг ўсганини вақт бирлиги билан ўлчаб бўлмагандек, халқ қалбининг ўсишини ҳам вақт ўлчови билан белгилаб бўлмайди,— деб ёзар эди Роҳул.— Шундай қийин вақтлар бўладики, киши қалби бир минутда йиллар мобайнида ўсгандан кўра кўпроқ етилади. Ҳозир биз худди ана шундай бир вақтни бошимиздан кечиряпмиз, мана шу августдан кейин Ҳиндистон ҳеч вақт аввалги Ҳиндистон бўлиб қолмайди. . .»

Пақ этиб ўқ узилди, аллаким, чўзиб-чўзиб ингради, балконда турган Монжу қичқириб юборди.

Роҳул ирғиб ўрнидан турди-ю, қўрқиб кетган Кукуни кўтариб олганича балконга отилди.

— Нима бўлди, Монжу.

— Одам ўлдиришди!— деб ғайри табиий овоз билан чинқирди Монжу, бўғилиб.

Ўзининг доим олиб юрадиган бамбуқ нарвончасини кўтариб, фонарь ёқувчи пайдо бўлганда, Монжу балкон панжарасига суяниб, бўм-бўш кўчага қараб турар эди. Шаҳар четидаги кўчаларда шу вақтга қадар газ фонарлар бор эди, ҳар кун қош қорая бошлаши билан кўчада фонарь ёқувчи пайдо бўлар, бамбуқ нарвонини шундай балкон тагидаги столбага қўйиб, фонарни ёқиб кетар.

эди. Бугун кун нотинч бўлишига қарамай, у вазифасини унутмади. Бирдан тириллаб кўчага мотоцикл учиб кириб келди. Унда оқ мундир, кўк пўлат шлём кийган полиция сержанти ўтирарди. У фонарь столбасига чиқиб олган одамни кўриб қолди. Ҳа-ҳа, ҳали шундайми, конгресс одамлари ҳукумат мулкани бузаяптиларми ҳали! Кўп ўйлаб ўтирмай, сержант тўппончасини олди, поқ этиб отди-ю, мотоциклни ҳайдаб кетди-ворди.

Монжу ўзини полга ташлаб юборди, бир лаҳзада бутун бошли бир одамни шундай совуққонлик билан ўлдириб кетишганини кўриб, эсини йўқотиб қўйганидан тили калимага келмай қолган эди. Поқ этди-ю, отди кетди, яна атроф боягидек жимжит.

— Мо! — деб ҳиқилларди Куку, онасининг қўлига чиқмоқчи бўлиб.

Лекин Монжу қимир этмасди, қулоғидан тўппонча товуши ўчмас, ҳозиргина бўлиб ўтган иш кўз ўнгидан нари кетмасди.

Шундан кейин унинг кўнглида одамни ёки бутун халқни бутунлай бошқача қилиб қўядиган ғалати бир ўзгариш содир бўла бошлади. Монжу энди илгариги Монжу эмас эди.

Катта-катта, ойга ўхшаган шапалоқ-шапалоқ баргли нилуфарлар билан қопланган ҳовуз зич ўсган бананзор орасига яширинган; чанг дала йўли ҳовузга тақалиб келар, шиликорлик далалари орасидан илон изи бўлиб ўтар ва бу далалардан чиқиб, ўқдек текис йўлга айланарди-да, темир йўл билан ёнма-ён чўзилиб кетарди. Қажоли сорийси этагини тиззасигача кўтариб олиб, оёғини сувга солиб, йўсин босган пастак тош зинада ўтирарди. Кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган иягини кафтига тираб, гоҳ ўйчанлик билан сув юзига қарар, гоҳ кўзларини жавдиратиб бананзор орасидан охири ғира-шира кўриниб турган йўлга тикиларди.

Бир неча соат бурун мана шу йўлдан байроқ кўтариб, бутун қишлоқ, уч юз одам ўтиб кетган эди.

Байроқни Кану кўтариб борарди. Бу унинг байроғи эди. Байроқ олти жойидан тўппонча ўқи билан тешилган эди.

Одамларнинг лаблари маҳкам юмилган, қовоқлари солиқ. Баланд овоз билан шиорлар ташлашарди. Гўё сол-

датлар жангга ошиқаётгандек, бараварига тапир-тупур қадам ташлаб боришади. Кажоли дилшод эди. У сира ҳам қўрқмади. Ҳатто узун стволли милтиқлар бараварига пақиллаб отилганда ва қишлоқ эркаклари ғазаб билан тутақиб олға отилганларида ҳам қўрқмади. Фақат юраги шундай гурсиллаб уриб кетдики, бундан ҳатто кўз олди қоронғилашиб кетди.

Ўшандан бир кун, ҳатто бир соат олдин ҳам шундай бўлишини ҳеч ким кутмаган эди. Қишлоқ мана шу нилуфар босиб кетган ҳовуздеки тинч эди. Шундай тинч жойда бундай катта тўлқинлар кўтарилади деб, ким ўйлайди дейсиз?

Чарх расми туширилган уч рангли — тўқ сариқ, оқ, кўк — байроқ Кануники эди; лекин Кажоли ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшганди, қишлоқ тўқувчисига бериш учун улар иккови пахтадан ип йигиришди. Кейин Кану бир анналик бўёқ олиб келиш учун бозорга тушди-ю, жуда ҳаяжонланиб келди.

— Бозорда тўқ сариқ ва кўк рангдан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Бутун вилоят ранг сотиб оляпти. Ҳар бир дарахтда ўнлаб байроқ ҳилпирайди ҳали. Лекин менинг байроғим, — деди у, ўтакетган мақтанчоқлардек иягини силаб, — қараб тур ҳали, ҳамманикидан ҳам яхши чиқади.

Байроғи ростдан ҳам мақтагудек чиқди.

Шу муносабат билан Кажоли яسانيб олди. Хонаки оқ матрдан тикилган кўк ҳошияли сорийси устидан тўқ сариқ нимча кийиб олди. Уч рангли жонли байроқ дейсиз! Лекин бўйи чўзилиб қолганидан нимчаси тор келиб қолганди, шунинг учун у сорийсининг кўкрагини нимчасидан чиқариб, ҳафсала билан буриб-буриб қўйди, бурмаси бузилиб кетмадимикин деб, қўрқиб тез-тез кўкрагига қараб қўярди.

Кейин қари анжир дарахти тагида байроқни табрикладилар. Деота нутқ сўзлади, нутқида миллий ҳаракатнинг янги ҳақиқатлари, янги сўзларини тилга олди. Бу сўзларни бутун қишлоқ такрорлади, Кажоли ҳам бўйи иягига зўрға етадиган новча акаси олдида туриб, ҳар бир сўзни такрорлади, чунки бу фақат эркаклар иши эмас, аёлларнинг ҳам иши эди — Деота шундай деди. Аёллар бир тўда бўлиб эркаклардан сал четроқда туришди ва байроқ олдида пронам<sup>24</sup> бажо келтиришди, лекин Кажоли акаси ёнида, Деотага жуда яқин жойда турарди.

Деота жуда-жуда чарчаган одамдек пронам қилишга қўлини зўрға пешонасига олиб бораётганини кўриб турарди. Кечаси ухламаган кўринади. Тошдан ёки ёғочдан ишланган ҳайкаллар бирор худо ёки маъбуда рамзини ифода қилгандек, миллий ҳаракат рамзи бўлган уч рангли байроқ олдида пронам бажо келтирар экан, Кажоли ўзини фақат миллий ҳаракат тўғрисида ўйлашга мажбур қилолмади, Кажолининг Деотага юраги ачирди. Аммо бунинг ҳеч ёмон жиҳати йўқ, ахир, миллий ҳаракат ҳам, байроқ ҳам, Деота ҳам бир нарса-ку. То ўлгунимча байроққа содиқ бўлиб қоламан, деб такрорларди оғзи; Деотанинг бундай ҳориб-чарчаб қолишига йўл қўймайман, дер эди қалби. Бошқалар учун у—Деота, унинг учун қадрдон даду. Унинг кўзлари чолга хавотирлик билан қарар, меҳрибонлик ва ғурур билан жилмаяр эди.

Қизил Саллалар жуда эрта, саҳарлаб бостириб келиб қолишди. Улар жуда кўп, бир юк машина тўла келишди. Улар Деотани туртиб-туртиб уйидан олиб чиқишди, қўлига кишан солишди, кейин бутун уйни тинтув қилишди, китоб ва қоғозларни ағдар-тўнтар қилиб ташлашди, гўё яшириб қўйилган бирор тақиқланган нарса ахтаргандек, кўрпа-тўшакларга штик тиқиб кўришди. Кейин Кажолилар уйига келиб, унинг отасини олиб кетишди, буни кўрган Кажоли йиғлаб юборай-йиғлаб юборай деб турган эди, отаси унга жиддий бир қараб қўйди-да:

— Кажоли, байроқ олдида сен ҳам пронам бажо келтиргансан: сен — жангчисан, — деди.

Шундан кейин Кажоли пастки лабини маҳкам тишлаб, томоғини қисиб келаётган йиғини ютиб юборди, нега десангиз — у жангчи эди.

На онаси, на Кану, ҳатто Ону ҳам йиғламади; ҳаммалари байроқ олдида пронам бажо келтиришган: ҳаммалари жангчи эди.

Янгилик кўз очиб-юмгунча бутун қишлоққа тарқалди, бирпасда бутун қишлоқ аҳолиси полиция машинаси ўтиши керак бўлган жойга тўпланди. Ёшу қари ҳамма — юзлаб одам тўпланди. Улар жаҳл билан бақириб-чақирарди. Деотани қутқариб оламиз деб, дўқ уришарди. Улар зўр тўлқиндек бостириб келишарди.

Одамларни огоҳлантирган бўлиб, Қизил Саллалар осмонга қараб залп беришди. Кейинги залпда қон тўкилади. Улар шундай дейишди.

Кутилмаганда қарсиллаб отилган милтиқ товушлари одамларни шошириб қўйди, лекин бу бир нафас давом этди, холос. Кейин гўё уларни тутиб турган пружина узилиб кетгандек, ҳеч ким ўзини ушлаб туролмай қолди:

— Битсин, битсин Ёвуз Куч! — деб баланд овоз билан қичқирди аллаким.

— Деотамиздан қўлингни торт! Йўқолсин Ёвуз Куч! — деб ҳамма-ҳаммалари қичқира бошлашди, бу қичқирик гўё ғазаб байроғи эди. Доим қўйдек ювош бўлган бу одамлар бир лаҳзада шер бўлиб кетдилар. Отилаётган ўқларга ҳеч ким эътибор қилмасди. Ёвуз Кучни ағдариб ташлайдилар, бунинг учун жонларидан кечсалар ҳам майли. «Ё ағдариб ташла, ё ҳалок бўл!» деган шиорнинг вақти келди.

Деота машинадан қачон тушганини, ўзини қамоққа олиб кетаётганлар олдига ўтиб, халқига қачон юз тутиб олганини Кажоли кўрмай қолди. У кишан солинган узун қўлини кўтарган эди, туникасининг кенг енги елкасига тушди. Бостириб келаётган оломон ҳайрон бўлиб, тўхтаб қолди. Орага жимжитлик чўкди.

Мана, оқ кийим кийган Деота қўлини осмонга кўтариб, новча қоматини ростлаб турибди, узун, кумушдек сочи билан соқолидан гўё нур ёғяпти:

— Оға-инилар, ўртоқлар, байроққа хиёнат қилманглар. Ўзингизга хиёнат қилманглар. Дош бера оласизми-йўқми, аммо шиоримиз доим битта: оҳимса<sup>25</sup>. Ҳозир зўравонлик қилмоқчи, куч ишлатмоқчи бўлиб турибсиз; шунинг ўзи ёвузлик. Дилингиздагини амалга ошириб, ёвузликни яна ҳам оширманглар.

Одамлар бош эгиб қолишди. Ҳамма жим, фақат у ер-бу ердан битта-яримтанинг секингина тўнғиллаб қўяётгани эшитилади.

— Зиммамизга оғир вазифа тушди. Мабодо душманинг ўз қуролини ишлатсак, унинг тегирмонига сув қуйган бўламиз. Катта синовлардан ўтадиган вақт келди. Маҳкам бўлинглар. Содиқ бўлинглар. Ўлмас бўлинглар. Банде матарам!

Шундай деб ўгирилди-да, яна машинага чиқди.

Кажоли буларнинг ҳаммасига қўрқиб, ҳаяжонланиб қараб турди. Кўзи тўла ёш, аммо бу кўз ёшларда ўт бор эди, чунки, Кажоли ўзини кучли эканини сезиб турарди.

Ўшандан кейин нима бўлганини унга кейинроқ гапириб берганларида, нафас олиши тезлашди, қўллари эса, гоҳ мушт бўлиб қисилар, гоҳ яна очилар эди.

Полиция машинаси қадимдан қолган азим анжир дарахти олдига етганда бирдан тормоз бериб тўхтади. Шофернинг ёнида ўтирган офицер унда осиглиқ турган уч рангли байроқни кўриб қолди. Дарахт шохларидан бирига маҳкамлаб қўйилган байроқ озодлик рамзи, умид ва шараф гарови бўлиб ҳилпираб турарди. Офицер ёнидан кичкина револьверини чиқариб, байроққа қараб олти марта ўқ узди. Машина юриб кетди.

Шундан кейин қишлоқ одамлари яна ўзини ушлай олмай қолишди, бу сафар уларни ушлаб қоладиган Деота йўқ эди. Ҳамма бирпасда тутақиб кетди. Ҳазабдан ва нафратдан бақариб-чақариб, узоқлашиб бораётган машина кетидан югуришди. Кажоли уларнинг ҳолатини тушуниб турарди, чунки ўзи ҳам худди шундай ҳолатда эди. Ўқ билан тешилган онанинг расмига ёки парчалаб ташланган худонинг шаклига индамай қараб туриб бўлармиди? Йўқ, йўқ, ҳатто оҳимсанинг ҳам чеки бўлади. Ўзингга ҳужум қилсалар индамай дош беришга куч топишинг, ўч олмай чидашинг мумкин, лекин онангга ҳужум қилсалар, қандай қилиб индамай турасан? Халқ ҳозир ана шундай деб ўйлаётганини Кажоли биларди. Бундан ташқари у, Деота бунга нима деб жавоб берган бўлишини ҳам биларди. Оҳимса «бўйсуниш» деган сўз эмас. Бу — милтиқ ўқидан ҳам кучлироқ қурол. Худди шундай...

Энди, бояги руҳланиш ва жанговар кўтаринкилик руҳи ўтиб кетгандан кейин, у ёлғиз ўзи ҳовуз бўйидаги йўсин босган тош зинада ўтирар экан, кўз ёшларига эрк берди. Дадун олиб кетишди, отасини олиб кетишди. Қамокда не кунларни кўришар экан улар? Уйга қачон қайтишаркин? Унгача ойлар ўтармикан ё йиллар? Дадунинг ёши етмишдан ортиқ, юзидаги ҳорғин, чуқур ажинларини унутолмайсан. Отасининг аъзойи баданини безгак қақшатиб туради. Ахир улар ҳеч кимга ёмонлик қилганлари йўқ-ку...

Кажолининг юраги шу вақтгача ҳеч бунчалик гупилаб урмаган эди; қовоқлари шишиб, қизариб кетди. Кечаги деҳқон қизи бугун бошига катта иш тушиб, етук аёл бўлди-қолди. Шундай алам қилдики, асти қўясиз! Кажоли ҳали ўзини яхши назорат қилолмасди. Бирпас-

да кулиб; бир лаҳзада яна ғамдан қош-қовоғи солиниб қолаверарди.

Деота — бирини шундай аташарди, чунки унинг қишлоқда бўлиши ҳаммага ва ҳамма вақт зарур эди. Бир жойда кўп туролмайдиган, Бангол водийларидаги йўлларда кезиб юришни ҳамма нарсадан ҳам афзал кўрадиган, шўх сайёҳ, бўлган иккинчисини — Дала-кезар деб аташарди. Тинишни билмаган оёқларига кишан урилиб қамоқда ётибди.

Кажоли кўз ёшларини артди, бирдан ҳушёр тортиб, бошини кўтарди. Самолётнинг гувиллагани эшитилди. Бу ерлардан самолётлар жуда баландлаб тез-тез ўтиб турарди, аммо аниқ кўриш мумкин бўлган даражада бундай пастлаб ҳеч учмас эди. Бунга ҳайрон бўлган ва қизиқиб қолган Кажоли бирпасга ғамини унутди. Қизиқда — ўшандан туриб шундай қўлингни чўзсанг, кўм-кўк осмонга қўлинг тегади. Тиззасида шакар қамиш бор эди, қиз қамишни шартта қўлига олиб, ғунчадек оғзини очиб, текис, бақувват тишларини қамишнинг кўм-кўк юшоқ танига ботирди. Қадим Ҳиндистонда самолётлар бўлган экан, Кажоли буни Рамаяна<sup>26</sup> достонидаги ажойиб-ғаройиб ҳикоялардан биларди. . . Самолёт гувири яқинлашиб, келаверди, Кажоли уни осмондан қидирарди. Узоқдаги бургут тобора катталашиб, паст учиб, яқинлашиб келаверди. Кажоли самолётнинг бундай паст учганини умрида кўрмаган эди — у узоқдаги пальма дарахтлари учига тегай-тегай деб жуда пастлаб келарди. Мана у қайрилиб, тўғри у томон учиб кела бошлади! Қулоқни кар қилар даражада гувиллаб катта, бесўнақай машина бостириб келаверди. Кажоли қичқириб юборди-да, ўзини ҳовузга ташлади, яланғоч қўллари билан нилуфар япроқлари устида бир қулоч отиб, ўсимлик илдизлари орасига шўнғиб кетди. . . Сувдан чиқиб, оғзини катта очиб нафас олганда, самолёт ўтиб кетган эди.

Ранги ўчган, титраган ҳолда Кажоли ҳовуздан тош зиналарга чиқиб олди-да, қўлини пешонасига соябон қилиб, узоқлашиб кетаётган самолётни кузатди. Гўё унга ташланиб, олиб кетмоқчидек жуда ҳам пастлаб ўтди-я! У самолётнинг бояги куч билан бостириб келаётганини ҳали ҳам ҳис қилиб турарди, юраги эса тез-тез урарди. Бу самолёт бу ерларга қандай ёмон ният билан келди экан? Тинч қишлоқ устида бундай пастлаб учшига нима ҳақи бор, унинг?

Ленд-лиз қонуни бўйича олинган «Лайтинг» самолётида разведка мақсадида учиб юрган қирол ҳаво флотининг учувчиси ҳам ҳозир ғазабдан ўзини қўйгани жой тополмай ўтирганини Кажоли қаердан билсин? У ўзига топширилган вазифадан нафратланарди. Авиозвено командири Брукс ватанида урушгача пўлат қуювчи заводда механик бўлиб ишлар ва лейбористлар партиясининг бир оз сўлроқ кайфиятдаги актив аъзоларидан эди. У Британия учун жангда иштирок этди. Ливия осмонида «Мессершмит»лар билан жанг қилди. Энди эса, мана шу ярим оч, ярим яланғоч, қуролсиз кишилар юрагига душман мамлакат аҳолисидек ваҳима солиб учиб юриши керак. Бу ернинг халқ оммаси ҳозир ватанпарварлик кайфиятида эканини Брукс биларди. Бу унга ёқарди. Капитан Брукс иттифоқо дунё озод бўлиши керак, деб ишонадиган одамлардан эди. Борди-ю, у бирор қишлоқни ўққа тутиш тўғрисида буйруқ олса, нима бўлади? Бошқа учувчилар бу ерларда мана шундай буйруқни аллақачон бажарганларидан хабардор эди. Разил, пасткашлар иши! Пешонасига тер чиқиб, бурни устидан юмалай бошлади.

Ўзининг қўрқиб кетганидан Кажоли уялиб кетди, у Деотанинг набираси-я, отишмадан қўрқмаган бўлса-ю, шу самолётдан қўрқиб ўтирса! Ўзига далда бергандек, оғзига яна шакар қамишини солди. Уйга бориб, кийиниб олиш керак — ҳўл сорий баданига ёпишиб қолмоқда эди. Тор нимчасини эса, баданидан сира ажратиб олиб бўлмай қолди. Бурнини қоқа-қоқа ва юзини арта-арта Кажоли чанг йўлдан юқорига қараб юриб кетди. Бирдан олдинда, темир йўл ёқасида келаётган бир гуруҳ одамларга кўзи тушиб қолди. Демак, қайтиб келишибди, юраги орқасига тортиб кетди. Нималар қилиб келишди экан? Қану қаердайкин, унга нима бўлдийкин? Ёвуз Куч зарар етказмадимикан?

Уйга бориб келишга вақт қолмади. Ҳўл сочлари ёйилиб, елкасига тушиб турарди; қиз сочларини сиқиб, турмаклаб олди. Бармоғини нимчасининг орасига тиқиб, баданига ёпишиб қолган матони кўчирди. Кейин офтобда сал қорайиб кўринаётган, шолиси ўриб олинган далани кесиб, улар қаршисига юрди, ўт босган сўқмоққа чиқиб олгандан кейин, одамлар қаршисига югурди.

Оломон индамай келарди. Бояги ҳаяжон босилган, одамлар чарчаган, ҳамманинг қош-қовоғи солиқ эди.

Кажоли хавотирлик билан кўзларини жавдиратиб, акасини қидирарди. Мана, у ҳам байроғини кўтарганча одамлар орасида келяпти, терлаб кетган юзи офтобда ялтирайди, чарчаганидан оёқларини зўрға кўтариб босади. У акасининг қўлидан байроқни олди, елкасига қўйди ва тез чопиб келганидан ҳансириб:

— Нима гап ўзи, бҳайиё?— деб сўради Кажоли.

Қану дарров жавоб бермади, ҳикояси ҳам қисқа, узук-юлуқ бўлди. Улар бу ердан беш мил наридаги почта бўлимига қараб йўл олишибди, бутун асбоб-анжомларни уриб синдиришибди, бузиб ташлашибди, тарам-тарам тунука томли — негаки у бор-йўғи маҳаллий почта бўлими эди — лой деворли уйга ўт қўйиб юборишибди. Почта мудирини унча қаршилиқ кўрсатиб ўтирмабди. У фақат пул яшигини сақлаб қолмоқчи бўлибди-ю, аммо бунга рухсат этмабдилар.

— Ёнса ёнар,— дебди почта мудирини, яшиқни ўтга ташлаб.— Йигирма учта откритка-ю, олтига конвертнинг пули бор, холос. Жуда бўлмаса битта пул қоғози бўлганда ҳам майли эди-я!—У жуда кам маош олар, шунинг учун бошлиқларига унча эътиқоди йўқ эди.

Шундай қилиб, почта бўлими гуриллаб ёниб кетди, одамлар ҳукумат мулкига ўт қўйиб, бир оз кўнгиллари совуди, байроқлари ҳақорат этилганига ўч олганларидан мамнун бўлдилар. Лекин уйга қайтишар экан, йўлда ўз Деоталари ҳақида, қилган ишларини билганда унинг хафа бўлишлиги тўғрисида ўйланиб қолдилар; улар Деотанинг сўзига қулоқ солмадилар, айбдор эканлиқларини сезганларидан бўйинлари ҳам бўлиб қолди.

— Мана шакар қамиш,— деди Кажоли, акасига қўлидаги ширинлигини узатиб. У бугун ҳали ҳеч нарса егани йўқ... Бугун қишлоқда ҳеч ким тариқча бўлсин овқат егани йўқ.

У шакар қамишни оғзига тикди-ю, юзини буриштириб, дарров қайтариб тортиб олди. Қулоғи оғриб қолди! Қураш ҳаяжони ўтиб, кўнгли совугандан кейин ўтган ярим соат ичида роса азоб тортди — оғзини очгудек бўлса ҳам оғриққа чидаб туrolмасди. Бу тез-тез тутиб турадиган эски касал эди. Чап қулоғида аллақандай бир дард бор эди. Баъзи вақтларда оғриққа чидолмай, соатлаб додларди.

— Юра қолинг тезроқ,— деди Кажоли, акасига ҳам меҳр билан, ҳам ачиниб қараб. Уйда онаси туз қизитиб

латтага ўраб, қулоғига қўяди. Шундай қилса, оғриғи дарров қолади.

Аммо, орадан бир неча соат ўтиб, қишлоққа яна Қизил Саллалар келиб киришганда, оғриқ ҳали ҳам Канунинг жонини олмоқда эди — бу сафар Қизил Саллалар шундай кўп келдики, бунчалик кўп Қизил Саллаларни қишлоқда ҳеч ким кўрмаган эди. Улар билан бирга Барунидаги ҳамма шубҳали одамларни — Деотанинг яқин дўст ва ёрдамчиларини беш қўлдек биладиган хуфия хабарчи ҳам бор эди. Ҳамма қўлга олинганлар юк машинасига зўрға сиғди; ҳаммасининг қўлига кишан уриб, белидан арқон билан боғлаб ташлашди. Қизил Саллалар тақиқланган ишлар ва исённинг байроғи бўлган ўша катта байроқни ҳамма ердан ахтаришди — улар байроқни ўз оёқлари билан топташмоқчи эдилар. Лекин Қажоли уларнинг бу ёмон ниятларини сезиб, байроқни пичан ғарами ичига яшириб қўйди. Ўзларини тўралардек тутадиган кўк мундирли солдатлар пичан ғарамига тумшуқларини тиқиб ўтиришмайди.

Бу сафар ҳам ҳеч ким — на кишанланган Кану, на Ону, на онаси йиғламадилар; «Ҳали уйда экан: яна бир марта, охирги марта ўғлимнинг қулоғига дори қўйсам эди. . .» деган фикр онасининг бағрини тирнаётган бўлса ҳам, ҳаммалари ўзларини ҳақиқий жангчилардек тутдилар.

### САККИЗИНЧИ БОБ

Қишлоқларда Ёвуз Куч билан шиддатли тўқнашувлар авж олганди. Кўп кишилар ўқ еб йиқилди. Кўп одамларни уйига ярадор ҳолда олиб келдилар. Шаҳарга қўлига кишан урилган одамларни тўхтовсиз олиб келишаверди. Террор кўп вақтлардан бери зулмга индамай чидаб келаётганлар руҳини синдирилмади, аксинча, бадтар маҳкамлади. Террорга жавобан ғазаб алангаси тобора кўтарилиб борди. Аммо, деҳқонларни кечиктириб бўлмас ишлар кутиб турарди. Далалар ёмғирдан ҳимоя қилинмаган, шолилар сап-сарик, олтиндек пишиб ётарди. Шундай ҳам кўп ғанимат кунлар бекор ўтиб кетди. Урим-йиғимни аллақачон тугатиш лозим эди.

Иссиқ офтоб далаларни куйдирар, унинг нури ўроқчиларнинг ўроғида жилваланарди, баланд ўсган, тўлиқ

дондан оғирлашиб қолган ва илдизига яқин қилиб, иложи борица пастроқдан ўрилган бошоқлар ўроқчиларнинг оёғи остига йиқиларди. Кажоли ишнинг кўзини биларди. Ўроқчи қилиши лозим бўлган ҳар бир ҳаракат унга таниш бир куйдай маълум бўлса ҳам, ҳали малакаси етишмас, янги, тажрибасиз ўроқчи эди. Шоли ўриш аёллар иши эмасди. Аёл кишига иш уйда ҳам етиб-ортади, аёл киши донни янчар, офтобда қуритар, таппи қилар, ҳовуздан кўзалаб сув ташир, хуллас, рўзгорнинг беҳисоб ишларини қиларди. Аммо, ҳозир уйда отаси ҳам, Кану ҳам йўқ, шунинг учун Кажоли эркаклар ишини қилишга мажбур бўлди. Ҳадеб энгашиб ишлайверганидан бели сирқираб оғрир, аъзойи бадани тер бўлиб оқар, бўйнидан ичига оқиб тушган терларидан ип газламадан тикилган оқ калта кўйлаги баданига ёпишиб қоларди. У белига бир оз дам бериш учун қаддини ростлади, қўли билан қизиб кетган бетини артди. Тердан ҳўл бўлиб кетган қўлига бир қараб олди-да, ўроқ қўлида сирғаниб кетмаслиги учун қўлини сорийси этагига артиб, ўзича, ҳар бир дона учун неча томчидан тер тўкишга тўғри келаркин деб ўйланди.

Лекин у умидсизликка ҳам тушмади, руҳсизланмади ҳам. Дадунинг набираси бўлган Кажоли Қизил Саллар қамоққа олиб кетишдан олдин унга айтган охириги сўзларини унутмаган эди: «Ўзингизга хиёнат қилманглар! Зўр синовлар вақти келди. Маҳкам бўлинглар. Содиқ бўлинглар. Ўлмас бўлинглар». Шу сўзларни эшитар экан, ўзини кучли ҳис қилган эди.

Кажоли қўлини иссиқдан қизариб бўртиб кетган юзига тутди, бошини қатъий бир силтаб қўйди. Маҳкам бўл. Содиқ бўл. Ўлмас бўл!

Онуни айтмайсизми! Опасидан ҳам тажрибасизроқ бўлганидан бечора бола жуда ҳолдан тойиб қолди. Бундай оғир меҳнат қилишни унга ким қўйиб эди-я. Кўзлари чарчоқдан тортиб кетяпти! Укасига ачинганидан Кажолининг юраги ачишди.

— Ону бҳойи<sup>27</sup> бирпас дам ол, шошма, иш бўлса қочмас. Безгагинг хуруж қилмай турганига энди уч кун бўлди, ахир.. Шўрим қурсин, нима қилдим энди сени, а?— деб Кажоли оғир бир хўрсиниб қўйди.

— Оббол— деди Ону, кейин ўроғини шартта-шартта солиб, оёғи остига тушаётган бошоқларга қаради. Бир оздан кейин ишини сал секинлатди. Қаттиқ урингани-

дан у ҳам опасидек ҳансираб нафас оларди.— Мен чарчабманми? Ана холос! Сиз неча боғ ўрдингиз, диди? Уч боғ? Бир қаранг-чи, менинг ўрганим ҳам уч боғ чиқиб қолар,— деб у орқасига ўгирилиб, қилган ишига ҳам ғурур, ҳам хавотирлик билан қаради.

— Сеники кўп экан,— деди Кажоли, укасининг қилган ишини чамалаб. Пайт пойлаб туриб, Ону орқасини ўгириб ўрган шолисини йиғаётганда, ўзи ўрган шолидан бир қучоқни укаси ўрган жойга ташлаб қўйди.— Қани, боғлайлик-чи, кўринади-қўяди. Шошма...

Ону сабрсизлик билан қараб турди. Уч боғ чиқиб, яна озроқ ортиб ҳам қолди. Хурсанд бўлиб кетганидан боланинг юзи ёришиб кетди.

— Бундан ҳам тезроқ ишлай оламан, диди, мана кўрасиз. Канудан кам ишламайман,— деди-да, сал иккиланиб тўхтаб олди,—отамдан ҳам қолишмайман ҳали.

— Ону,— деди Кажоли, ўроғини ташлаб,— қуёш худоси осмоннинг ярмисига етди. Кўрдингми? Овқатланиб олсак бўладиган вақт келди.

— Дарров-а?— деб бола осмонга қаради.— Қуёш худоси шошилибди. Мен, диди, овқат еганимдан кейин яхши ишлай олмай қоламан. Оғирлашиб қоласан, ҳаракат қилишинг ҳам қийинлашиб қолади, нимага бундайлигини ўзим ҳам билмайман.

Кажоли гапида туриб олди.

— Қорнингга бир қара. Ич-ичига кириб кетибди-ку. Кисон амакимларнинг ҳам қорни очгандир, ахир. Оч қоринга ишлатиб бўлмайди-ку. Нима қилдим энди сени-а?— Кажолининг тиниқ кўзларида ташвиш аломатлари кўринди.

Учта ўроқчи кисон даланинг бир четида шоли ўришмоқда эди. Учаласи ҳам буларнинг ерида кўп йиллардан бери ишлашарди, ўзлари ҳам Кажолининг отасидан ёш эмасдилар. Кажоли уларни «амакилар» дерди. Улардан бири, соч-соқоли жуда оқариб кетгани зўрға юрарди — оёғига теккан ўқ уни майиб қилиб қўйганди. Иш қизғин вақтда кисонларни ишлатган одам боқарди — одат шундай эди. Кажоли уларга далага пиширилган гуруч олиб келарди, улар дарахт соясига ўтиб, чўққайиб ўтириб олиб овқатланишарди.

Қиз билан укаси уйга қараб йўл олишди. Уч кишининг даласидан ўтиб, улар қишлоқ дўкондорини кўриб қолишди: у бир деҳқон билан гаплашиб турар, зўр бериб

қўлини пахса қилиб гап маъқулларди. Дўкондор ҳам Кажолини кўриб қолди-да, чақирди.

— Онангга айт,— деди у, юм-юмалоқ юзига кулги чиқариб,— онангга айтиб қўй, кун ботиши биланоқ унга бориб учрашаман.— Шундай деди-ю, оғзи қулоғига етай деб қолди. — Сенга эса, сочингга таққани кўк лента олиб бораман, Кажоли, бу шаҳарда янги расм бўлган.

Кажоли сал бош ирғаб қўйди-ю, ҳеч нарса демади. Дўкондор шолини сотинглар деб, бир келган ҳам эди. Аммо онаси:

— Сотмаймиз,— деб жавоб қилди.— Ўзи оз! Бунинг устига ўзимизга зарур.

Энди дўкондор уни сотишга яна кўндирмоқчи бўлиб кўрмоқчи эди. Бу одам сабр-тоқатли, бир ишга қаттиқ туриб ёпишадиган хилидан эди.

— Ўйлаб кўр, бҳойи, бошқа бундай харидор тополмайсан. Ортиқча донинг ҳаммасини сот. Бир маунд шолига саккиз рупия-я! Ҳеч шундай нархда шоли сотганми-сан? Бир юз бир йилдан бери ҳеч ким эшитганми шундай баланд баҳони, ё ўн тўрт авлодинг кўрганми? Шолингга тиллани суви юритилганми, деб ўйлаш мумкин-а! Аммо, тилла ҳали ювилиб кетади, бҳойи унинг умри узоқ эмас! Шу кунда остонамизда япон иблиси турибди. Солдатларни яхшилаб боқиш керак, завод ва фабрикаларда ишчиларни яхшироқ боқиш керак, нега десанг, дам олишнинг нималигини билмай, кечани кеча, кундузни кундуз демай, тинимсиз ишлашяпти. Лекин бу аҳвол узоққа чўзилмайди, бҳойи. Ахир, инглизлар бор-ку. Америкаликлар бор. Улар япон иблисини пашшадек эзиб ташлайдилар. Хўш, унда нима бўлади? Унда шолингизни ким сотиб олади? Солдатлар солдат бўлмай қоладилар, уй-уйларига қайтадилар. Ишчилар уйлари<sup>ни</sup> остонасида ўтириб, мана бундай — қирт-қирт қилиб қашиниб ўтирадилар. Шоли омборларда чириб ётаверади. Ҳукумат ишлатилмай қолган жамғариқ шоллари билан бозорни тўлдириб ташлайди. Гапимга кирсанглар, чўнтагингизни пулга тўлдириб оласизлар, керак бўлиб қолса, ўз шолингизни ўзингиз яна сотиб олаверасиз. Ҳозир бир маундини саккиз рупиядан сотиб, кейин керак бўлганда беш рупиядан сотиб олаверасизлар. Мана бунини савдо дейдилар. Қани, менга ростингни айт, эр киши эр кишига айтгандек, гапнинг пўст калласини айт: ҳозир шолингни сотиб, кейин лозим бўлганича арзон

баҳода яна сотиб олсанг, бунинг нимаси ёмон, а? Шундан озроқ фойда қилиб, сигир олсанг, омочингни янгила-санг, мазаси қочган томингни тузатиб олсанг, бунинг ни-маси ёқмайди сенга, а? Бундай миянгни ишлатиб кўр, бҳойи.

— Деота сотманглар деганди дейсанми? Деота доно одам, унинг ҳар нарсага ақли етади, кўзи ҳар нарсани кўради, мен ҳам оёқларига йиқиламан. Унинг оёқ изла-рини кўзимга суртаман. Деота ҳозир шу ерда бўлганда эди, албатта: «Сотинглар. Ортдиролганингизнинг ҳамма-сини сотинглар, дўстларим ва биродарларим», — деган бўларди. — «Ҳаёт карта ўйнагандек бир нарса. Ҳар ўйин бошланишидан олдин карта янгитдан чийланади. Қў-лингдаги карта кечаги бўлса, бугун ўйинга қўшилма» деган бўларди. Оҳ, қани энди Деотадан бирор хабар келса!

Дўкондор мана шу тарзда тинимсиз жавварди, жав-раганда ҳам ўнта чакаги бордек жавварди, яна қўлини тўхтовсиз пахса қилишини айтмайсизми? У шolini со-тинглар деб, одамларни йўлдан урарди. Темир йўл кў-тармаси ёқалаб кетган йўлдан эса, бутун-бутун қишлоқ-ларнинг аҳолиси — сигир-бузоқ, омоч-ҳўкизлари билан уй-жойсиз қолган одамлар ўтиб турарди. Чунки, округда инглиз ва америкаликларга тегишли аэродромлар сони ортиб борарди. Тобора кўпроқ қишлоқларга ўт кета берди. Ҳар замонда бир тўп йўловчилар катта йўлдан Барунига бурилишарди. Озроқ шоли сотмайсанми, бҳойи? Пулини тўлаймиз — биз тиланчилар ё таловчи-лар эмасмиз; фақат ҳарбий маъмурлар отамиздан қол-ган ерни тортиб олдилар. Далангизда сигиримизни бир боқиб олсак майлими? Ёмғир кўп ёғяпти, ўт ҳам қалин ўсган».

... Сочига зангори лента. Шаҳарда ҳозир шу расм бўлган эмиш, деб ўйларди Қажоли орқасига ўриб қўй-ган сочиға зангори лента боғласа, ажойиб иш бў-ларди-да! Аммо у дўкондордан бундай совғани қабул қила олмайди. Унга шоли сотмайди. Шolini у фақат уй-жойсиз қолиб, сарсон-саргардонликда юрганларга сотади, бошқа ҳеч кимга сотмайди.

Сотадиган шoliniнинг ўзи ҳам унча кўп эмас. Ҳозирча ҳосил ҳам кўп эмас — ахир бу аусат, ёзги ҳосил-да; бир амаллаб икки аман — серҳосил қишки экин палласидан чиқиб олишса бўлгани. Қанча меҳнат қиласан-у, кам

ҳосил оласан. Лекин мана шу бир неча маунд ҳосилга бепарво қараб бўлмайди. Аман онлани йилнинг ярмисигача боқади, ундан кейин ҳам уч-тўрт кунга етади. Аусат қишга етиб олишга ёрдам беради.

— Менга у оқ резинка тўп совға қилмоқчи бўлди,— деди Ону.— битта тўп билан сотиб олмоқчи мени.

Ону совғага учмади. Нима, ўз бурчини билмайдими? Ҳозир у оиладаги бирдан бир эркак. Шолини сотиб бўлмайди, отаси шундай деган эди. Оқ резинка тўп эмиш — нима бўлибди шу билан!

— Ета қол!— деб қичқирди Ону ва физиллаганича чопиб кетди, Қажоли эса ўпкасини тўлдириб нафас олди-да, қўлини кўкрагига қўйганча, орқасига ёйилиб кетган сочларига аҳамият бермай, укасини қува кетди.

Ҳар куни ҳам уйга мана шу тарзда қувлашиб келишарди. Ишдан қайтишар экан, узоқдан ўз уйларини кўриш биланоқ, уйга қараб югуришарди. Ёш бўлганларидан шундаймиди, ё онасини соғинганидан чопишармиди, ҳар ҳолда одатлари шу эди.

— Ойи! Ойижон!— деб сабрсизлик билан қичқиришарди иккаласи. Опа-ука ҳовлига югуриб киришди-ю, ҳайрон бўлиб тўхтаб қолишди.

Эшик олдида чордана қуриб бир бегона одам ўтирар, олдида эса, анча гуруч уйиб солинган, атрофига қовоқ ва ҳар хил мазали нарсалар қўйилган тарелка турарди. Болаларнинг овозини эшитиб, у бошини кўтарди. Оғзи тўла овқат эди.

Ошхона эшигида онаси кўринди.

— Мана, Қажоли ҳам келиб қолди, қимматли олмосим,— деб нотаниш кишига бир қараб қўйди, кейин ғурур билан қизига қараб, яна нотаниш кишига ўгирилди. Юзида хавотирлик аломатлари кўринди. Нотаниш киши оғиз очиб ҳеч нарса демади, у фақат бир лаҳзагина бошини кўтарди-ю, яна овқатга қаради: бармоқлари билан гуручни тўплаб, уни қовоқ қайласига булади. У овқатдан бошқа ҳеч нарса кўзига кўринмаётгандек, ҳеч нарсани сезмагандек эди.

Қажоли унинг овқат ейишига қараб турди. Мана шу, бу йил энг кейин пишган қовоқни бир ойдан бери асраб юришган эди. Қажоли ҳар хил нарсалар қўшиб ундан лаззатли бир овқат пиширмоқчи бўлар, аммо бу катта, сергўшт, сарғиш-кўк қовоқни бир коримизга яраб қолар: деб онаси сақлаб юрарди. Онасига нима гап бўлди экан-а,

бирдан уни кесиб, ҳеч танимаган одамга пишириб берибди?

— Унинг бизникига келганига ҳали икки соат ҳам бўлгани йўқ,— деб онаси Кажолига ўғирилди-да, унга қараб сўзлай бошлади:— Кириб келди-да: «Онажон, олдин менга егани бирор нарса пишириб беринг, бор гапни кейин айтиб бераман», деди. Уни бизнинг олдимизга отанг юборибди...

— Отам! — деб юборди Кажоли, овози ҳаяжондан титраб кетди.— Демак, отам қамоқда эмас экан-да?

У хурсандликдан ўйноқилаб кетишга ҳам тайёр эди-ю, аммо гапига жавоб эшитишдан қўрқарди.

Онаси бош чайқади ва бўшашиб жавоб берди,

— У ҳали ҳам Ёвуз Кучнинг қўлида экан. Бу йигит қамоқда у билан бирга бўлган экан. Бир камерада бир ой бирга ётишибди. Отанг соғ-саломат. У ерда катта қирғин бўлибди.

— Қирғин! — деб қичқириб юборди Кажоли. Унинг катта очилиб кетган кўзлари нотаниш йигитга қадалиб қолганди.

Йигит, ниҳоят бошини кўтарди-да, гўё гапдони очилгандек тилга кирди.

— Улар маҳбусларга қарата ўт очдилар. Биз тез-тез қўшиқ айтиб турардик. Улар қўшиқ айтишни тақиқладилар. Биз барибир айтавердик. Қамоқхона назоратчиси шерикларимиздан бирини бир урди. Шеригимиз ҳам уни боплаб туширди. Шундан кейин ҳамма ёқдан ҳуштаклар чалиниб, қўнғироқлар жиринглаб қолди, бутун қамоқхона жанг майдонига айланиб кетди. Қамоқхона назоратчилари билан қоровуллар бизга қарата ўқ ота бошладилар, бизнинг эса, ўзимизни ҳимоя қилишга муштимиздан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ эди, — деб у бошини қуйи солди ва овозини пасайтирди.— Ўн беш киши ўлдирилди. Икки ҳисса кўпроқ одам ярадор бўлди. Бўлган иш газетчиларга ҳам етиб борди.

— Отанг соғ-саломат,— деб шошилиб қўшиб қўйди онаси,— кафтини кафтига қўйиб, худоларга шукур қилар экан.

— Қандай қўшиқ айтар эдинглар?— деб сўради секингина Кажоли.— Қўшиқ деб шунча мусибат-а!

— Исён қўшиғини айтардик,— деди йигит, Кажолига ер остидан разм солар экан. Қовоқнинг шираси лаблари бурчида қотиб қолганди.

— Сўзларини сенга кейин айтиб беради,— деди онаси.— У ҳам сен билан биз каби жангчи. Бизнинг Кишор сенга ҳам исён қўшиғини ўргатиб қўяди. Ҳали вақти келади.— Онанинг ғамгин юзини миясига лоп этиб келган бир фикр ёритиб юборди.— Унинг на отаси, на онаси бор. Бечора бола! Узундан-узоқ беш ой қамоқда ўтирибди-я! Бу тақдири азалдан — бўлмаса, Ҳиндистоннинг минглаб қамоқхоналари туриб, худди отанг қамалган қамоқхонага, отанг ўтирган камерага тушадими? Агар исён бўлмаганда, у икки ой олдин бўшаб кетар экан; унда отанг у билан танишолмай қоларди.— У бирпас жим қолди, юзига яна ғам ифодалари чиқди.— Менинг Кануимни қаерга олиб кетишганини ким билади дейсиз. . .

Ону нотаниш йигитга ҳурмат билан қараб ўтирарди.

Орага жимлик тушганидан фойдаланиб, у ҳам сўз қистириб қолди:

— Менинг акам — оти Кану — қамоқда туғилган, — деди у, мақтанчоқлик билан.

Кишор ҳайрон қолганидан нима дейишини билмай, кўзларини катта очди. Унга Кажоли изоҳ берди:

— Бундан йигирма йил бурун онамиз қамоққа тушган эди. У вақтда Гандийжий ҳаракати, сатияграҳ<sup>28</sup> авжда эди. . .

Ону шошиб-пишиб қўшимча қилди:

— Ўшанда акамиз Кану худди қамоқхонанинг ўзида туғилган.— Ўзининг қамоқда туғилмаганига ич-ичидан хафа эди, у.

— Гуручдан яна солиб берай, ўғлим,— деди она, Кишорнинг бўшаб қолган тарелкасига қараб.

— Йўқ, йўқ, она,— деди йигит.— Роса қорнимни тўйгазиб олдим. Энди битта гуруч ҳам еёлмайман.

Кажоли ерга қараб ўтирган бўлса ҳам, йигит уни диққат билан қизиқиб назардан кечираётганини сезиб қолди, унинг бу қарашидан нима учундир у қизариб кетди ва уялиб тескари бурилиб олди.

— Яна озгина солиб бера қолай, ўғлим. Ё оғзингга ёқмадими?

— Йўғ-э, она тарелкага бир қаранг. На битта гуруч, на бир томчи қайла қолгани йўқ. Қарғалар хафа бўлишадиган бўлди.

Она кулиб қўйди, кетидан:

— Яна озгина егин,— деб такрорлаганча ошхонага қараб юрди.

Қажоли меҳмон билан гаплашиб ўтиргани Онунин қолдириб, ўзи онасига эргашди.

— Худди Канунинг ўзи-я,— деди онаси шивирлаб, кўзлари эса, чақнаб кетди.

— Ким, ойи?— деб сўради Қажоли, онаси кимни айтиётганини билиб турган бўлса ҳам.

— Янги ўғлим-да. Уни акангга ўхшадини ўзинг сезмадингми?

Янги ўғлим! Қиз онасига ҳайрон бўлиб қараб турарди. Онаси нотаниш одамни бундай тез яхши кўриб қолишининг сабаби нима бўлдикин? Бу нотаниш йигитнинг нимаси. Кану-бҳайиёга ўхшаркин? Уларнинг ёши барабар бўлса керак. Лекин бунинг бадани оқ, Кану эса, қорача — Кану отасига ўхшайди, бундан ташқари, худди отаси сингари қора, онасидан анча қора. Бунисининг юзи очиқ, доим кулиб туради, Кану-бҳайиё сингари доим ғамгин эмас. Уларни жанговар руҳ бир-бирига ўхшатиб турса ҳам, аммо уларнинг бошқа ўхшаш томони йўқ. Қажолига у жуда ғалати қилиб, гўё жуда хурсанд бўлиб кетгандек қаради. Қажоли ҳатто олови чиқиб, тескари қараб олишга мажбур бўлди. Нима бўлганда ҳам қамоқхона назоратчиларининг жонини чиқариб юборган исён қўшиғининг сўзларини менга айтиб бермаганига қўймайман...

— Уларнинг ўхшашлигини сезмадингми, Қажоли?

У онасини тинчитишга ошиқди:

— Сездим, албатта, ойижон. Сезмай бўладими? Унинг юз-кўзи ҳам, қилиқлари ҳам акамнинг худди ўзи экан.

Қажоли онасига сал бўлса ҳам хурсандлик олиб келган нотаниш йигитдан хурсанд бўлди — уйдан эри билан ўғлини олиб кетишгандан бери онаси ҳеч кимга билдирмасликка тиришса ҳам, ич-ичидан ўзини ер эди. Шундан кейин Қажоли, қамоқхонада отамнинг ҳоли жуда оғирмикан, деб ўйланиб қолди? Нотаниш йигит бунинг билиши керак. Ушандан сўраб, билиб олади. У отасининг қамоқхонадаги ўртоғи эди — шунини ўйлаб, нотаниш йигитга илтифот қилиброқ қарашга рози бўлди.

— Отанг қамалганда унинг қамоққа тушганига уч ой бўлган экан. Фабрикада иш ташлаганлари учун қамалган экан. Бу йигит катта тўқимачилик фабрикасида ишлаган экан. У ишташлашни уюштирганлардан бири экан. Хўжайин уни полиция қўлига топширибди. Муд-

дати битиб, қамоқдан бўшайдиган бўлганда отанг унга хат ёзиб бериб, бизнинг олдимизга юборибди. Бир амаллаб аллақаердан бир парча қоғоз билан қалам топишибди...

— Отамдан хат борми?— деб ўзида йўқ қичқириб юборди Кажоли.— Ўз қўли билан ёзибдими?

— Ҳа, Кажоли, буни ҳали сенга айтганим йўқ эди. Йигитча отангдан хат олиб келибди.

— Тезроқ кўрсатинг. Нега дарров айта қолмадингиз! Отамдан хат-а!

Бир идишга гуруч солиб, онаси ўғлига олиб чиқиб кетди. Кажоли унинг қайтишини кутиб турди, келгач, тоқатсизлик билан ёпишди:

— Ойи, бера қолсангизчи хатни!

Онаси кўзадан сув қуйиб қўлини чайди, кейин девор тоқчасига яшириб қўйилган қалин эски китобни олиш учун қўлини чўзди. Тоқча баланд бўлгани учун онаси оёғининг учида туриб, чўзилишга мажбур бўлди — у ҳам Кажоли сингари паст бўйли эди. Хат Рамаёна саҳифалари орасига яшириб қўйилган эди. Кажоли хатни ўқий бошлади.

Хатни ўқиган сари юзи жиддийлашиб борди, кўз қорачиқлари кенгайди. Онаси унга ҳаяжон ва хурсандлик билан қараб турар, миясидан ўтаётган фикрларга мослаб, секин бош чайқар эди. Эри унга ўқиш-ёзишни ўргатиб қўйгани хўб яхши бўлган экан-да,— ўқиш билан ёзишни ҳамма деҳқон аёллар билавермас эди. Онаси бўғинни бўғинга қўшиб, тутилиб-тутилиб ўқирди. Хат оддий сўзлар билан ёзилган эди: «Қишор — бизнинг янги ўғлимиз. Бизнинг Кажоли ҳали унаштирилмаган. У ўн олтига киргунча эрга тегмаслиги керак, деган эди Деота. Лекин энди бизнинг Кажоли катта қиз бўлиб қолди. Бу йигит бизнинг Кажолига уйланишни исташини худолардан ёлвориб сўраб қоламан».

Ишқилиб, Кажоли унга ёқса бўлгани, деб ўйлар эди она қизидан кўз узмай. У пальма баргларида бир дас-тасини қўлига олиб, қизининг юзидаги терларни қури-тиш учун уни елпий бошлади; меҳмон йигит унга яна қараганида қизининг иложи борица чиройли, нозик ва тоза бўлишини хоҳлар эди.

— Нима қиялпсиз, ойижон? — деб Кажоли онасининг қўлидан елпиғичини тортиб олди, бир хўрсиниб қўйди, кулиб юборди, кейин яна хўрсиниб қўйди. Хатни икки

марта ўқиб чиққандан кейин, уни яна Рамаёна саҳифалари орасига яшириб, китобни жойига қўйиш учун оёғининг учида туриб чўзилди.

— Қамоқхона кийим-бошларини ечиб ташлашдан олдин бу қиммат баҳо қоғозни у золдирча қилиб, оғзига солиб олибди — менинг янги ўғлим аиа шундай ақлли. Бўлмаса назоратчилар хатни ундан олиб қўйишган бўларди.— деб она иложи борица кўпроқ йигитнинг яхши фазилатларини топиб кўрсатмоқчи бўларди.

Кажоли онасидан тескари ўгирилиб олиб оёғини юварди. У лабини тишлаб, кўзларини ерга тиккан эди. Оёғи лой-тупроқдан, шиликорликнинг лой-тупроғидан кир бўлиб кетган эди. Юзи, бўйни, сочлари ҳам чанг-тупроқ.

У худди Банголнинг жигар ранг тупроғидан қуйилгандек эди.

Келин куёви олдида мана шундай офтобда куйган ва тер босган ҳолда турганини қаерда кўргансиз? Аммо, шиликорликда эркаклар ишини қилишга мажбур бўлиб қолгани унинг айбими? Тўқимачилик фабрикасида ишлаган шаҳарлик йигит олдида гўё ёввойи бир қиздек чанг-тупроққа беланиб келгани унинг айбими? Шундай бўлса ҳам, уялганидан лавлагиси чиқиб, кўзлари ёшдан шишиб кетган эди.

У юз-кўзларини қизариб кетгунча яхшилаб ювди, кейин даланинг чангидан тозалаш учун узун, қалин сочини ечди-ю, бирдан эсига дўкондор бугун кечқурун олиб келмоқчи бўлган зангори лента тушиб қолди. Шаҳарда ҳозир ўшандай лента тақиб юриш расм бўлган. Ўша лентадан ҳозир тақсам яхши бўлар эди-да! — деб хўрсиниб қўйди Кажоли.

Далада дон оғирлигидан бошоқлар эгилиб ётган, ёмғир ёғиб ҳосилни тўкиб юбормасидан тезроқ ўриб-йиғиб олиш лозим бўлган бир вақтда деҳқон қизининг юзи қандай қилиб озода ва сўлим бўлсин.

Кишор Кажолини ювинган-таранган ҳолда бир лаҳзагина кўрди, чунки келин куёвнинг кўзидан нарроқ юриши, ундан уялиши керак—урф-одат шундай. Чоштгоҳдан кейин дарровоқ Кажоли далага қайтди, кисонларга овқатини бериб, ўзи яна қўлига ўроқ олди; сал вақт ўтмай, унинг очиқ боши, бўйни ва елкасини аямай куйдираётган

қуёш нури остида у бошдан-оёқ яна терлаб-пишиб кетди. У киши (қуёвини ҳеч вақт, ичида ҳам, оти билан атаб бўлмайдиган, фақат У киши деб гапириш керак) ҳозир уйда чархнинг ғириллаган товуши остида онаси билан гаплашиб ўтирган бўлса керак, эҳтимол, муздек ўт-бўйра устида ухлаб ётгандир (бўйранинг таги тоза қилиб супурилган ва гўнг билан яхшилаб сувалган) — станциядан қишлоққача бўлган олти миллик йўлни босиб ўтгунча чарчаб-ҳориб қолгандир. Ҳа, роса чарчабди, бу Кажолининг назаридан қочмади. Узоқ вақт қамалиб ётган; маҳбусларнинг оғир меҳнатини қилган — бечоралар бўйинтуруқ осиб, худди ҳўкизлардек жувоз ҳайдаб, ёғ чиқаришади; қамоқхона назоратчилари билан қурашган. Қамоқдан чиққандан кейин ҳам сира дам олмай, гўё зарур иши қолиб кетаётгандек буларникига югурган. Отаси тўғрисида қандай муҳаббат ва ҳурмат билан гапиради-я! Шаҳарлик йигит-у, шундай оддий, на такаббурлик қилади, на манманлик. Мақтанчоқлик ҳам қилмади ҳеч — ахир тиш-тирноқларигача қуролланган қамоқхона назоратчиларидан қўрқмабди-ку. Қовоқ овқатни қандай маза қилиб еди — идишида битта ҳам гуруч қолдирмади-я! Нима қилибди, у қовоқ овқатни ростдан ҳам шундай яхши кўрадиган бўлса. Кажоли яна бир неча туп қовоқ экиб, тезроқ тугиб, пишсин учун похол ёпилган томга чиқариб юборади. Қовоқ овқатни эса, гуруч солиб Кажолининг ўзи пиширади; у ҳам онасидан қолишмайдиган пазанда. Қовоқни оғзингга солишинг билан эриб кетадиган қилиб пиширишнинг йўлини яхши билади, таом мазали, аммо, меёридан ортиқ аччиқ бўлиб кетмаслиги учун қозонга гаримдорини, овқатга маза қўшадиган бошқа хил нарсаларни, зираворни қачон солиб, қандай қилиб пиширишни яхши билади. Уйнинг орқасида, майдонда ўсиб ётган пизанга дарахтини кесиб, унинг юмшоқ оқ ўзагини ажратиб олади-да, қозонга солиб қовуради.

Ўроқнинг бориб-келиши секинлашди. Қўл ҳаракати ҳам бир текис эмасди. Юз-қўлини ювиб, сочини тараб чиққанда у киши Кажолига бир ҳам ғалати қилиб қарадики! Қўзлари шодликдан чақнар, кўзини қиздан узолмас эди. Кажоли бирам уялдики! Ҳа, қайлиғингиз чиройли, бу ҳақда ғам емасангиз ҳам бўлади. . .

Кажоли миясига келган бу фикрдан жилмайиб қўйган эди. Ўриш учун устига энгашгани шולי унинг мағрур табассумини акс эттиргандек бўлди.

— Қаранг, диди! — дели тантана билан Ону. У ўзи ўрган шолиларни боғ-боғ қилиб боғлаганди, бу сафар у ўрган шоли ростдан ҳам опасиникидан анча кўп эди.

У ўгирилиб қаради. Кейин қучоғини очиб укасини шартта қучоқлаб олди. Сорийсининг этагига боланинг юзини артиб қўйди. Пешонасига ёпишиб қолган узун сочларини орқасига сурди.

— Жуда ғайрат қилиб ишлабсан-а, Ону-бҳойи, жуда кўп ўриб юборипсан. Қўлинг оғриб қолгани йўқми?

Ўзининг иши эса шу вақтгача унга номаълум бўлган, қалбида уйғонган аллақандай ҳаяжондан юришмай қолди.

— Диди, қаранг!

Яна «қаранг». Бу сафар қаёққа қарар эканман? У чарчаганидан секин, шошилмай ўгирилиб қаради-ю, чўчиб кетди. Шолиси ўриб олинган ердан тўппа-тўғри унга қараб У киши келар эди. Қажолининг қалбига бирпасда ҳар хил ҳис келиб қуйилди. Уни унашилган йигит билан тўйдан олдин кўриб қолишларидан уят аралаш қандайдир ширин ҳаяжонга тушди. Кийимига ҳар хил лой-пойлар ёпишиб ётганидан ва терлаб-пишиб кетганидан уяларди. У кишини кўрганидан хурсанд бўлди. Уни кўргани келганини, бирга бўлгуси келганини кўриб, жуда қувонди.

Қажоли пешонасидан оқиб тушаётган терни артиб, жадал ишга тушди, Ону эса, меҳмонни бақириб-чақириб қарши олди.

— Мана шунинг ҳаммаси — бизнинг ер,— деб Ону қўли билан узоқ-узоқларни ҳам кўрсатди.— Ҳов анави ишлаётганлар бизнинг одамлар, кисонлар. Бу энг олий навли шоли. Сонамукҳи дейилади, эшитганмисиз? Уруғини отам Моршми. . . бир нарса деган жойдан олиб келган эдилар,— деб бола нотаниш ва қийин жойнинг номини айтолмади.

— Яхши бўлибди.— деди билагон кишилардек Кишор икки ёш ўроқчи ўртасида туриб.— Яхшилиги шундай кўриниб турибди. Йирик-йирик, ранги ҳам яхши.

Ону ҳайрон бўлди.

— Ҳамма шоли ҳам бир хил рангда бўлмайдими?

— Тажрибали киши учун ундай эмас,— деди билимдонлик билан Кишор.

Қажоли кулиб юборди, ҳазил қилишдан ўзини тия олмади.

— Тўқимачилик фабрикаларида шоли мўл-кўл ўсади, яна ҳаммаси олий навли, сонамукҳи шолиси. Шунини ҳам билмайсанми, Ону?— деди у.

— Менинг бобом деҳқон ўтган,— деди Кишор, шундай деяр экан кўзларида ўт чақнади.

— Ана кўрдингми, Ону, шундай бўлгандан кейин шоли навларини ажратолмайдиларми?— деб яна гап қотди Қажоли.— Боболарининг набиралари-да.— Қизнинг лабларида кинояли табассум кўринди.

Бунга жавобан Кишор хурсандлик билан кулиб юборди. У ўзидан хурсанд эди: қайлиғининг тортинчоқлигини синдирган, ўзининг ўтқир тилини кўрсатишга мажбур қила олган эди. Энди у ўроққа қўл чўзди.

— Қани, ўроғингни менга берчи. бўйи. Шар-шар қилиб шоли ўришни яхши кўраман.

— Диди, сизнинг ўроғингизни сўраяптилар. . . — деб шошиб-пишиб қичқирди Ону, ўзининг ўроғини қўлига олиб, жон-жаҳди билан ўришга ҳозирланаркан. Наҳотки шаҳар қамоқхонасидан чиқиб келган мана шу йигитнинг бурнини бир ерга ишқаб қўйиш имкониятини қўлдан берса?

Қиз ўроғини Кишорга берди, у ўроқни олиб, бирданига шолига шундай солдики, чўчиб кетган Қажоли:

— Эҳтиёт бўлинг! Оёғингизни кесиб олманг яна,— деб қичқирди.

Ону хурсанд бўлиб хиринглаб қўйди:

— Ҳа, шоли ўришни сира ҳам билмас эканлар-у, ўроқ тутишни ҳам билмаяптилар. Қарасангиз-чи, диди!—деб Ону хурсанд қийқирди.

— Ону! Тентак!— деб Қажоли укасини босмоқчи бўлиб қўлидан тортди, аммо ўзини ҳам кулгидан зўрға босиб турарди.

Кишор тўхтаб, бошини қашиди, кейин ўзи ҳам кулиб юборди.

— Рост,— деб оққўнгиллик билан бўйнига олди у.— Шолининг навини қандай ажратай-у, ўришни қайдан билай? Менинг ишим машина. Мен пахтадан ип йигирадиган веретен машиналарни, ипдан мато тўқийдиган станокларни биламан. Аммо деҳқончилик қилишни ҳам, ерни ишлаб ҳосил олишни ҳам билиб оламан. Шундай ўқитувчилар қўлига тушганимдан кейин ҳеч гап эмас бу, тагин бир эмас, бирданига иккита-я!— деб у бир қўли билан Қажолини, иккинчиси билан Онуни кўрсатди.

— Қаранг, мана бундай қилиб ўриш керак,— деб Ону ўзининг янги ўқитувчилиқ ролидан мамнун бўлиб, ўроғини ишонч билан чаққон ўйнатиб, шоли ўриб кетди.— Жуда осон. Фақат машқини олиш керак. Машқини олаверсангиз, ўрганиб кетасиз.

Кишор бирпас қараб турди-да, кейин у ҳам ўроққа тушди. Урилган шоли оёғи тагига туша бошлади.

Кажоли даланинг нариги томонида шоли ўраётган кисонлар, бу нотаниш йигит қаердан келди экан, деб ҳайрон бўлиб, бу тарафга қарашаётганини кўриб турар эди. Лекин уларга қарашга Кажолининг вақти йўқ эди. У Кишорнинг ишига разм солиб турарди. Деҳқончилик қилиш унга ёқармикан?— деб ўйлар эди у. Шаҳарда сен учун худди эртаклардаги азаматлардек машиналар ишлайди. Уларни нефть ёки кўмир билан боқиб, шундан мамнунлигини кузатиб турсанг бас. Жон куйдиришнинг ҳеч ҳожати йўқ, тепангдан офтоб ҳам ёндириб турмайди. Шундай бўлгандан кейин, фабрикада ишлайдиган аёллар, ишчиларнинг хотинлари билан қизлари ўзларига қарайдилар, сочларига ярқироқ лента тақадилар-да.

— Оббо тентаклар-эй!— деди у, гўё ўзига ўзи айтгандек. Аммо, бу сўзни ўзи унаштирилмоқчи бўлган йигит эшитсин деб айтганди.— Фабрика қизлари хўп тентак бўлади-да.

— Нима учун тентак бўларкан?— деб сўради сезиларсезилмас табассум билан Кишор.

— Э-э-э! Сочларига рангдор лента боғлаб юрадилар. Янги расм эмиш. Ёш болаларга ўхшайдилар-а. Қап-катта қизларга уят эмасми! Тўғрими, ахир?

Кишор унинг фикрига қўшилишмади—бу гапнинг тагида қандай мақсад борлигини билмасди-да.

— Йўғ-е,— деди у,— буюк байрам—Биринчи майда коллонналарда улар эркаклар билан бир қаторда бормадиларми, ахир? «Уйғонинглар ишчилар,— деб қўшиқ айтиб боришди аёллар.— Бирлашинглар, ишчилар! Садақа идишингиздан бошқа нимани ҳам йўқотардингиз. Садақа сўраманглар. Талаб қилинглар. Курашга отланинглар, ишчилар».

Кажоли қулоқ солиб турар, юзлари ёнар эди. Фабрикада ишлайдиган аёллар тўғрисида меҳр билан гапиришига қаранглар-а! Улар ўз кишиси, уларни яхши кўради, ўшаларни дейди. Бу ерда, қишлоқда у тасодифан келиб қолган меҳмон, бегона Кажоли эса, унга ҳеч

ким эмас, ачиниб ва қизиқиб қарашдан ташқари Кажолига нисбатан ҳеч қандай ҳис йўқ. Мутлақс ҳеч қандай. Мутлақо.

У бўғилиб, бир қанча вақт бир оғиз ҳам гапиролмай қолди, яна гапира бошлаганда, овозида ғазаб борлиги сезилди.

— Сиз, шахарликларни уйғотиш керак, қизларингиз ҳам доим шу билан банд. Шу ҳам мардлик бўлди-ю! Бизнинг қишлоқда одамлар қари суғурлар тўдасидай ухлаб ётмайдилар, бизга: «Уйғонинглар, деҳқонлар!» деб айюҳаннос солиб бақирининг сира ҳожати йўқ, — Кажоли овозини сал кўтариб гапира бошлади: — «Курашга отланинглар, деҳқонлар! Ширин уйқунгиздан бўлак йўқотадиган нарсангиз йўқ. Бошқа ҳеч нарсангиз, ҳеч нарсангиз йўқ!»—Кажоли оғзини маҳкам юмди, кейин яна очиб:—Мардлик эмиш-а!— деб қичқирди-ю, яна жим бўлди.

Кийор кулиб юборди, олдин секингина кулди-ю, кейин борган сари овозини барала қўйиб, ўзини тутолмай хохолаб кулаверди.

— Ширин уйқунгиздан бўлак йўқотадиган нарсангиз йўқ — ҳеч нарса, ҳеч нарсангиз йўқ!— деб қичқирди-да, чунонан хандон ташлаб кула бошладики, нега бундай кайфи чоғ бўлиб кетганига тушуниб бўлмас эди. У шундай маза қилиб, чин юракдан хохолаб кулдики, кўзларини катта очиб, ҳайрон бўлиб унга қараб турган Кажоли жаҳлдан тушди. Кўзлари тўқнаш келиб, бир-бирларига узоқ тикилиб қолдилар. Йигитнинг кўзларида чексиз шодлик бор эди. У эҳтиромли ҳавасла қизга шундай қарардики, Кажоли уялди, юраги орқасига тортиб кетди, қип-қизариб, тескари бурилиб олди. Бир неча минут бир нуқтага тикилганча, жим турди.

Кейин ўжарлик билан иягини олдинга чўзди: бу унинг қатъий бир қарорга келганини кўрсатарди.

— Ўроғимни беринг! Ҳозир бекорчи гапларнинг вақти эмас, — деб ўроғига қўл чўзди Кажоли.

Аммо йигит бош чайқади. Энгашиб, ўроқни аниқ ҳаракат билан ишга солди ва ўриб олган бир тутам шолини байроқдек боши устида кўтарди. У, ҳаёт бир текис нафас олаётганини сизди. Сап-сариқ бўлиб ётган шоликор ерларга, икки букилиб ишлаётган ўроқчиларга назар ташлади. Ҳосилдор ер ҳиди келиб турган ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олди. Назарини яна шу ернинг

фарзанди бўлган қизга, шу ер иссиғидан нафас олган, ер берган ҳосилидан, тортиқ қилган саховатидан фойдаланиб келган қизга қаратди.

Қажоли аёлларга хос бир туйғу билан унинг ҳозирги хаёлларини сезиб олди. Юраги тез уриб кетди.

— Ўрим-йиғимни тезроқ тугатиб олсак бўларди. Ём-ғир ёғиб қолса, нима бўлади?

Қизнинг овозида ўтинч бор эди, у гўё тип-тиниқ осмон гумбазида бостириб келаётган қора булутларни кўргандек кўзларини осмонга тикди.

Кишор тантанали бир оҳангда, қатъий, айни вақтда меҳр билан жавоб берди:

— Ҳеч вақт! Жоним танимда экан, қўлимда қувват бор экан, охириги нафасим чиққунча бундан кейин ҳеч вақт ўрим-йиғим вақтида ўроқ ушламайсан.

### ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

Бир вақтлар у хушчақчақ, кўнгли шод-хуррамликка тўла қиз эди; у чин юракдан кулар, кулганда ҳам кўзларидан ёш чиққунча хандон ташлаб кулар эди. Аммо, Ёвуз Куч унинг бутун қувноқлигини синдирди. Бошига ғам тушди, қош-қовоғи солиниб қолди. Кишор уни фақат мана шу кайфиятда кўрарди — мана икки ой бўлдики, улар эр-хотин бўлиб, бир ёстиққа бош қўйдилар. Қажоли ҳар замонда бир кулса ҳам, фақат лаблари билан куларди, кулгиси эса, гўё биров томоғидан бўғиб тургандек, қисқа, бўғиқ чиқар эди.

Бирдан муъжиза юз берди. Қажоли оғзини қўли билан ёпиб, ўзини тўхтатолмай шарақлаб кулиб юборди, азбаройи хандон ташлаб кулганидан, кўзларига ёш келган эди.

Қажолининг бундай очилиб кулганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетган Кишорнинг юраги гирдобга тушиб қолган қоғоз қайиқдек ўйноқларди.

Воқиа мана бундай бўлди. Шу ўтган ой ҳар куни даладан икки соатдан вақтлироқ қайтиб, Кишор уйда ўтириб меҳнат қилди, мақсади: ўзи йигирган ипдан мато тўқитиб, хотини Қажолига сорий тиктириб бермоқчи эди. Мана, ниҳоят, сорий тайёр бўлди, ўша куни эрталаб, кун чиқар пайтда, Қажоли иккаласи қишлоқнинг бир четида, дарё бўйидаги бир кулбада турадиган тўқувчининг уйи-

га боришди. Уйга қайтиб келишар экан, яхшилаб тахланган юмшоқ оқ сорийни Кажоли кўтариб олган эди, бирдан Кишорнинг янги сорийни хотинига тезроқ кийгизиб кўргиси келиб кетди. У худди ёш боладек қизишар, уйга боргунча кутишни истамас эди; йўқ, йўқ, сорийни ҳозир кийсин, янги сорийни кийиб кўрсатиб, уни ҳозир хурсанд қилсин. Ҳов анави ерда йўл ёқасида, баланд-баланд ўсган бамбуқзор бор; кийим алмаштираётганини ўша ерда ҳеч кўрмайди.

— Қўйсангиз-чи! — деб Кажоли уялиб қаршилиқ кўрсатди аммо Кишор қўярда-қўймай, алдаб-сулдаб бўйнига қўяверганидан кейин, кўнишга мажбур бўлди.

— Бўлмаса, шу ердан қараб туринг, у ёқ-бу ёқдан битта-яримта чиқиб, яланғоч ҳолимда кўриб қолмасин.

Шундай деб, у илма-тешиқ бўлиб кетар даражага келган эски сорийсини ечиб, эгнига янгисини ўрай бошлади, кўкрагидаги бурмаларини ҳафсала билан тузатди, кенг пешонасини яна ҳам чиройли кўрсатадиган қилиб, сорийнинг қизил учини бошига ташлаб қўйди, унга ўзида йўқ хурсанд бўлиб қараб турган Кишорнинг назарида оппоқ, ипакдек майин мато хотинининг ориқ, аммо жуда келишган қоматига меҳр билан ўралгандек туюлди.

— Бизга шоҳи-атласлар нима бўлибди! — деди Кишор, улар қари анжир дарахти олдидан ўтиб қишлоққа кириб келишаётганда. — Шаҳар қизлари кийишни яхши кўрадиган хилма-хил матолар! Оқ кийимда, қаршисида оламдаги бутун ранглар ўз тусини йўқотадиган оқ нилуфарнинг худди ўзисан.

— Қўйсангиз-чи! — деб шивирлади Кажоли, эрининг бундай шодлик билан ёғдираётган мақтовларидан қизариб.

Шундай бўлса ҳам, у қўлига пул тушганда хотинига фабрикада тўқилган нозик матодан шаҳарча сорий олиб беришни орзу қиларди. Қўлига пул тушганда, бир вақтини топиб, Кажоли иккаласи шаҳарлар шаҳарига ўйнаб келгани боришади. Шаҳар кўчалари қанақаки! Одамнинг кўплиги-чи! Ярмарка дейсан. Чироқлар-чи! Ҳар кўчада қатор-қатор фонарь. Оддийгина керосин лампалар ҳам эмас, яшиндай ёруғ, оппоқ ёнадиган катта лампалар. Яна шундай кўпки, кечани кундуздан ажратолмайсан. Кинони айтмайсанми! Эҳ, хотини Кажоли билан кинога боришни шундай орзу қиладики, асти қўясиз!



— Лекин шуниси ҳам борки, кинога бориш хавфли иш, — деб қўшиб қўйди у, кўзини айёрлик билан қисиб.

— Хавфли дейсизми? — хавотир олиб сўради Кажоли.

— Сен билан шаҳарга тушгани ҳам қўрқаман. Бирдан шаҳар олифталаридан битта-яримтаси сенга ёқиб қолса-я? Унда нима қиламан?

— У нима деганингиз? Ахир, менинг эрим бор-ку?

— Эринг бўлса нима қилибди? Шаҳарда бундай ишлар ҳар куни бўлиб туради. Бундай ишларни кинода ҳам кўрсатишади.

Кажоли жаҳл билан қошини чимирди.

— Ундай бўлса, сиз айтган кинога бир умр бормайман. — Унинг жуда ҳам жаҳли чиқиб кетди. — Ярамаслик бу! Елғон бу! Ҳақиқатда бундай бўлмайди! — Азбаройи жаҳли чиқиб кетганидан бурнини жийриб қўйди.

Гўё ўзига далда бермоқчи бўлгандек, Кишор томоғини қириб олди.

— Хўп, бўлмаса, бошқа мисол олайлик. Борди-ю, шаҳарлик гўзаллардан битта-яримтаси менга ёқиб қолса-чи?

Ҳайрон қолганидан қора кўзларини катта-катта очиб, Кажоли эрига тикилиб қараб қолди — бояги муъжиза худди мана шу ерда юз берди.

— Сизга-я? — деб сўради у, кўзлари шўх чақнаб, кулиб юборди; олдин секин-секин кулди, кейин кулгиси зўрайиб кетиб, ўзини тўхтатолмай, шодлик билан хандон ташлаб кулди. Кулги орасида фақат:

— Сизга-я? — деб сўраб қўяр эди, холос.

Кишор хижолат тортиб, бошини қашиб қўйди. Хотини уни қанчалик яхши билиб олибди-я! Бутун борлиғи хохолаб кулаётган мана шу аёлнинг сорийсига тугиб қўйилгандек бўлса-ю, унга бошқаси яна қаердан ёқарди! Бу фикрга ўзи ҳам қаҳқаҳа солиб кулишга тайёр эди.

Агар тарозига қўйиб тортишнинг иложи бўлганда, ўзи ҳам яхши ўйламай қилган тасодифий бу ҳазили қанчадан-қанча доно гапларни босиб кетган бўлар эди! Ахир шу ҳазили Кажолини босиб ётган қайғу-ҳасрат тошидан халос бўлишга ёрдам берди-ку. Юрагини сиқиб ётган, асло бўшатмаётган ғам чангалидан қутқарди. Кишор хурсанд бўлиб кетганидан қичқиргиси, бақириб-чақиргиси келиб кетди. Лекин у жим юриб борар, фақат ўзича жилмайиб-жилмайиб қўярди. орадан бир оз

аёғи ўтгандан кейин, юрагида тўлиб-тошган бахтиёрлик ҳиссларини шаҳарда айтиб юрган бир қўшиқни ҳиргойи қилиш билан ифодалади.

Биламан ўзим, биламан, жоним!

Ҳамма орзуларинг бу дунёда ечилмас —

Биламан ўзим, биламан, жоним.

— Қандай орзулар экан улар? — деб шартта сўради ундан Кажоли.

— Сенга нима бўлди! Шунчаки бир ашула-да, грам-мафон пластинкасида ўрганиб олганман.

Лекин Кажоли бир оз ўйлаб олгандан кейин, ашула сўзларидан ёпишиб олса бўладиган ерини топди.

— Аёл киши эрга теккандан кейин уни ҳеч қандай орзулар қийнамайди. Эркаклар асло ундай эмас, — деб ачитиб қўйди у.

Энди ўйланиб қолиш навбати Кишорга келди. Сўқ-моқ аёвсиз ўт сочаётган қуёш нури остида сап-сарик олтиндек товланиб ётган экин далалари орасидан илон изи бўлиб буралиб-буралиб борарди. У атрофга бир назар ташлади-да, Кажолига ўгирилиб деди:

— Эркак киши даладаги бошоқлар тўқ бўлиб етилганини кўришни орзу қилади, — деди-ю, бир фикрдан кейин дарҳол иккинчиси туғилди. — Эркак киши қариндош-уруғ ва яқин кишилари назарида яхши бўлишни истайди. Эркак киши...

Лекин Кажоли унинг гапини яна шартта бўлди:

— Аёл киши эрга теккандан кейин унинг фақат битта катта орзуси бўлади, у ҳам бўлса, унинг уйи. Бошқа ҳамма майда-чуйда орзулар мана шу каттасининг бир бўлаги бўлади; улар худди арава ғилдирагидаги кегайларга ўхшаган, яхлитнинг бир қисми бўлади. Эркак киши ҳам аёл киши учун ана шундай кегайлардан бири бўлади, боринг ана — кегай эмас, ўқ бўла қолсин. Шунинг учун...

— Хўш шунинг учун? — деб Кишор кутиб турди.

Лекин Кажоли гапини тугатмади, худди уйқуда кулаётгандек ўзича аллақандай ўйчанлик билан сирли жилмайиб, жим борар эди.

У тез-тез шу кайфиятга тушиб турар, хаёли бирдан узоқ-узоқларга кетиб қоларди, Кишор эса, бундай вақтларда унинг хаёлини сира ҳам бўлмас эди. У фақат унга қараб, ич-ичидан хурсанд бўлиб, кузатиш билан чекла-

нарди. Аёл кишининг ўзига хос ғалати одатлари бўлиши керак, бўлмаса аёл бўлиб қасерга борарди.

«Кук-ку» — баланд дарахт учида какку сайраб қолди, қуш баланд, чинқироқ овоз билан сайраган бўлса ҳам, овозидан шундай шодлик ифодалари сезилдики, у киши қалбини қитиқлар ва аллақандай ёқимли жизиллатарди.

Бирдан шундай Кишорнинг ёнидан унга жавобан:

— Кук-ку! — деган овоз эшитилди, Кишор жавобнинг кутилмаганда бўлганидан ва жуда ўхшатиб берилганидан ҳайрон қолиб, нафаси тиқилиб, турган жойида қотиб қолди. Аввал роса чақчақлаб кулди, энди ҳеч кутмаганда каккуга тақлид қилиб сайраяпти! Кишор шу вақтгача ўзининг хотини Кажолини сира билмас экан.

— Нега тўхтаб қолдингиз? — деб сўради Кажоли, орқасига ўгирилиб қараб.

У ҳеч нарса деб жавоб бермади, фақат хотинига тикилиб қараб турди; кейин олдинга қадам ташлаб, хотини олдига борди, қўлини чўзиб, Кажолининг силлиқ бўйин, юзидаги чуқурчаси, кўкраги атрофини меҳр билан силаб ўтди.

— Қўйинг. . . — деб гап бошлади-ю, аммо, эрининг эркалатиб силаётганидан лаззатланиб, кўзини юмди, ичидан қалтироқ туриб, тили тутилди ва жим қолди.

— Қалбинг худди қушга ўхшайди, яхши қиз! — Бу барунилик қишлоқ йигитининг сўзи эмасди — бунинг ҳеч кутмаганда Кишор яхши билган кино қаҳрамонларидан бири айтди.

— Менга қаранг! Битта-яримта кўриб қолса, нима бўлади!

— Кўрса кўрар! — деди-ю, аммо, ўзи шошилганча аланглаб атрофга қаради ва ўзларидан эллик қадамча нарида, дала сўқмоқлари қўшиладиган ерда келаётган одамга кўзи тушди. Ўзлари билан овора бўлиб, улар бу кишининг яқин келиб қолганини сезмай қолишган эди.

Кишор секингина: «Эҳ!» — деди-ю, орқага чекинди.

Кажоли чўчиб ўгирилди ва кўзини қисиб, қошини чиририб, диққат билан ўша тарафга қарай бошлади; нотаиниш киши қишлоққа олиб борадиган сўқмоққа бурилгандан кейин, Кажоли бирдан нафаси қисилиб:

— Ўша, худди ўзи! — деб қичқириб юборди.

— Ўша? Ким ўзи у? — деб Кажолининг бирдан шодлик билан қичқирганини, тез-тез нафас ола бошлаганини кўриб, Кишорнинг юраги орқасига тортиб кетди, сиқилди.

— Шаҳарлик одамни қаердан танийсан?—деб совуққина сўради Кишор.

— Тсс! — деб бармоқларини лаби устига қўйди Кажоли. — Бу йигит бобомнинг набираси.

— Набираси...

Лекин Кажоли яна:

— Тсс! — деб такрорлади, бундан бирдан кўнгли жойига тушган Кишор, энди нима бўлишига қизиқиб, индамай қараб турди.

Нотаниш йигит улар олдига етиб келди-да:

— Мен Дала-кезар деган одамнинг уйини ахтариб юрибман. Бу ерларга келмаганимга уч йилдан ошди, — деди.

Кажолининг юраги жиғ этиб кетди. Демак, у Кажолини бутунлай унутиб қўйибди-да? У Кишорнинг меҳр билан қараб турганини сезмай, ғамгин бошини эгди. Бечора Кажоли! Бобосининг мана шу набираси тўғрисида кўпинча қандай ҳаяжон билан сўзлар эди, у бўлса, афтидан, Кажолини танимади ҳам.

— Мана бу тарафга юрасиз, — деди Кишор. — Биз ўша сиз қидириб юрган уйда турамиз. Лекин Дала-кезар уйда йўқ. Уни Ёвуз Куч олиб кетган, эҳтимол, эшитгандирсиз?

Ҳа, у буни эшитган эди. Қонун томонидан таъқибга учраган Миллий конгресс махфий равишда ҳар бир вилоятдан кимлар террор қурбони бўлганини аниқлаб, рўйхат тузди. Бутун охирги ойлар мобайнида Роҳул қамалганлар тақдирини кузатиб турди; у судга берилганларга ҳимоячилар топиб бериб турган комиссияда ишлади, — кўпинча ёши ҳали йигирмага ҳам етмаган йигитчалар ҳам дорга тортилиш хавфи остида қолмоқда эди.

— Бу Дала-кезарнинг қизи, — деди Кишор, юрак ҳовучлаб. Агар бу йигит энди ҳам уни танимаса, Кажоли жуда хафа бўлишини билиб турарди...

Бўлмасам-чи! Кажоли-ку! Уни охирги марта кўрганида, у ҳали ёш бола эди. Шу ўтган уч йил ичида у жуда ўсиб кетибди. Ўзи ҳам ўшадир деб ўйлаган эди-ку, аммо, аниқ билмаганидан индамаганди.

Сочларини иккига ажратиб турган фарқи ораси бўялганини кўриб:

— Куёвга чиқдингми, Кажоли? — деб сўради у, меҳрибонлик билан жилмайиб.

Кажолининг юзи ёришди. Унутиб юборибди деб ўй-

лабман-а! Ҳатто отимни ҳам унутмабди-ку! Шундай деб ўйлаб, жавоб бериш ўрнига жилмайиб қўйди, кейин уялиб ерга қараганча қолди; учаласи йўлга тушдилар.

— Бор-йўғи икки ой бўлди,—деди бутунлай хотиржам бўлган Кишор. — Бир ёстиққа бош қўйганимизга икки ой бўлди. — Тўсатдан эсига бир нарса тушиб қолди шекилли, кўзлари сузилди: — Никоҳни қамоқда ўқитдик, — деди-ю, Роҳулнинг ҳайрон бўлиб қараётганини кўриб, жилмайганча тушунтирди: — Йўқ, ростдан ҳам худди шундай бўлгани йўқ, албатта, аммо шундай деса бўлади. Биз, унинг отаси билан мен, қамоқда бир камерада ётдик. Отамга, билмадим, нима учундир ёқиб қолдим, шундан кейин у мени куёв қилмоқчи бўлиб қолди. Мен қизи тўғрисида ундан шундай кўп нарсаларни сўраб олдимки, айтиб берганларидан кўз олдимга Қажолининг сурати келадиган бўлди. Аҳвол шу даражага етдики, чарчасам ёки уйимни соғиниб сиқилгудек бўлсам, кўзимни юмишим биланоқ Қажолини худди қаршимга келиб тургандек аниқ кўрардим. Мен унинг омборда шоли туяётганини кўрар, ё: «Ону! Ону-бҳойи»деб укасини чақираётганини эшитар эдим. Ёки қўлида бир пақир атала билан: «Мангола!» деб сигирини чақираётгани кўзимга кўринарди. Қамоқдан бўшаб, Барунига келганимда мен у билан эски танишдек учрашдим. У худди кўз олдимга келтириб юрганимдек бўлиб чиқди — кичкина, ушоққина, шаҳло кўз, оқдан келган. Ана шунинг учун доим биз қамоқда никоҳ қилинганмиз деб юраман. Ҳақиқатда эса, бундай бўлгани йўқ, албатта.

У буларни шундай бир оҳангда гапириб бердики, қулоқ солиб туриб, овоз чиқариб ўйлаяпти, деб фараз қилса бўларди. Гапини тугатиб, Қажолига қаради, бунга жавобан Қажолининг кўзлари меҳр билан ёниб кетди, иккаласининг ҳам миясига лоп этиб бир нарса, рангли расмлар тушди. Қажоли деворга ҳар хил расмлар осиб қўйишни яхши кўришини билганидан учта рангли сурат олиб келган эди — отаси қизининг бу одатини ҳам унутмай гапириб берганди, Қажоли дарров кўзини олди. Юзига ҳафалик белгилари чиқди. Дунёдаги энг оқ кўнгил одамлардан бўлган отаси худди аллақандай ўғри ёки қотилдек қамоқда ётарди. Деота ҳам Кану-бҳайиё ҳам қамоқда.

— Эҳтимол, дадунинг ёши ўтиб қолганини эътиборга олиб, бўшатиб юборишар,— деди Қажоли, овози зўрға

эшитилар, чунки томоғига алланарса келиб тиқилиб қолгандек эди. У дадусини шундай соғинган, унинг йўғидан шундай хафа эдики, асти қўяверасиз!

— Бўшатиб юборишар дейсанми? — деб Роҳул бош чайқаб қўйди. — Улар дадуни Банголдан жуда узоққа олиб кетишган. У ҳозир бундан минг мил узоқдаги жойда, Дера Дуида.

Бирпас индамай боришди, кейин Роҳул:

— Қишлоқ жуда кўп зарар кўрдими? — деб сўради.

Унга Кишор жавоб берди:

— Деота Баруни аҳолисини оҳимса руҳида тарбиялаган экан. Ғалаёнга келган қишлоқ аҳолиси шу яқин орадаги почта бўлимига ўт қўйиб юборибдилар-у, эшитган панд-насиҳатлари эсига тушиб, шу билан тинчланибдилар. Лекин ўтлоқнинг орқасидаги қўшни қишлоқ аҳолиси полиция тҳонасига<sup>29</sup> ўт қўйиб юборибдилар. Шундан кейин юк машиналарига тушган солдатлар пулемёт ва милтиқлар билан етиб келибдилар-у, қишлоқ аҳолисига қараб ўт очибдилар. Сира тўхтамай роса отишибди. Кўп одамлар турган жойида отиб ўлдирилибди. Кўп одамларни ярадор қилиб, бир умрга майиб қилишибди. Кейин Ёвуз Куч уйларга ўт қўя бошлабди. Худди оч йўлбарслардек уйма-уй изғишибди, худди катта йўлда босқинчилик қиладиган қароқчилардек талон-торож қилишибди, ҳамма нарсаларни пачақ-пачақ қилиб ташлашибди, худди қонхўр телбалардек Баруни аёлларига қўл чўзишибди, — деб у уялганидан ва ғазабига чидай олмаганидан бошини қуйи солди.

— Ҳа, улар японлардан ошиб тушдилар! — деди Роҳул, ғазаб юрагини куйдираб экан. — Ёвуз Куч! Қвислинг ҳукуматига бундан ҳам мос исм топиб қўйиш қийин бўлса керак — Ёвуз Куч.

— Улар ўн яшар болани фақат: «Яшасин Маҳотма Гандий!» деб қичқиргани учун отиб ташлабдилар. Улар қўшнилариимиздан бирини хотини билан болаларининг кўзи олдида ўлдиришибди... — деб Кишор яна гап бошлади-ю, овози бўғилиб қолди.

— Ахир Қизил Саллалар — бизнинг оға-иниларимиз эмасми, ахир улар ҳам фақат кўк мундирина айтмаса, худди биз сингари одамлар эмасми? — деди ҳайронлик билан Кажоли. — Уларнинг оналари билан опа-сингилларининг биздан нима фарқи бор? — Унинг бир нарсадан ҳайрон бўлса, оғзини сал очиб турадиган одати бор эди.

— Ёвуз Кучга хизмат қилган ва унинг ҳаром тузини еган ҳар бир киши ўша бир чимдим тузга жонини ҳам, онасини ҳам, опа-сингилларини ҳам сотган бўлади, — деди Кишор, қўлини юзига босиб, юзи ғазаби қайнаб кетганидан ўт бўлиб ёнар эди.

«Кук-ку!» — ғамга тўла дунёга гўё шодлик учқуни сочмоқчи бўлгандек, аламлардан тўлиб кетган юракларга ором бағишламоқчи бўлгандек баланд дарахт учида какку яна сайраб қолди: «Кук-ку!»

Кишор хотинига умид билан бир қараб қўйди, аммо у жим борар, фақат лабларида билинар-билинемас табас-сум ўйнади. Юрагида барибир каккуга жавоб қилипти, у деб ўйлади Кишор. Хотинининг овоз чиқармай айтаётган қалб қўшиғи Кишорнинг қулоғига етиб борди, бундан у ҳаяжонга тушди, қалбига шундай чақириш бўлиб эшитилдики, кўнглини қани энди ўзимиздан, мен билан хотинимдан, хотиним билан мендан бошқа ҳеч ким бўлмаса эди, деган енгиб бўлмас истак тўлдирди. . .

Ўйга етиб келишларига юз ярдча қолганда Кажоли чидаб туролмади: у қадамини тезлатди, кейин ўзининг эрга теккан хотин эканини ҳам унутиб, ҳаяжон зўридан чопа кетди. Орқасидан ҳамроҳларининг кулгисини эшитиб уялди, лекин уят шўхликка аралашиб, шўхлик уни босиб тушди-ю, эрга текканидан бери ўтган икки ой ичида анча тўлишиб, унга хотинлик ҳусни киритган биқинларини лапанглатиб, тез чопганидан янги сорийсининг юмшоқ бурмалари бузилиб кетганига аҳамият ҳам бермай, яланг оёқ-ла физиллаганча чопиб кетди.

Роҳул эса хурсанд эди. Бобоси қамоқда ўтириб, доим ўзининг болаларидан ҳам қадрдон бўлиб қолган мана шу бошига кулфат тушган одамларни ўйлар, шулардан хавотир оларди. Кажоли эрга тегибди. Атрофни босиб ётган ғам-алам зулмати ичида унинг бахти қимматли бир гавҳардек ярқираб эди. Кишор оилани эплаб кетди. Дала-кезар одам танлашда янглишмабди. Даду хотиржам бўлавериши мумкин.

Бу орада Кажоли шошиб-пишиб, тутилиб-тутилиб онасига меҳмондан хабар берди, Роҳул пастак эшикдан энгашиб, ҳовлига қадам босганда, она аллақачон унинг қаршисига пешвоз чиқиб келаётган эди.

— Соғ-саломат бормисизлар? Отангиз, онангиз дурустмилар? — деб сўраша бошлади у, меҳмондўстлик

билан. — Келин тузук юрибдими? Қичкинтойингиз катта бўлиб қолдими?

— Ҳаммалари яхши, онажон, раҳмат.

Онажон! Бу сўзни у ҳеч ўйламай, осонгина айтиб юборди. Ўз синфининг одатларидан четга чиқиб, оддий деҳқон хотинни она деб айтганидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Бангол қишлоқларидан бирида турадиган бу деҳқон аёлида унга ўхшаган кўпгина хотинларда ҳам бўладиган аллақандай бир жозиба бор эдики, уни беихтиёр она дегинг келарди киши.

Деҳқон хотиннинг эса, бу илтифотдан кўзларига ёш келди.

— Қизингизга нима деб от қўйдингиз, ўғлим?

У ўзининг ёқимли табассуми билан кулиб қўйди.

— Шу вақтгача от тополмай гарангмиз. Қизингга от қўйиш қийин иш бўлар экан. Ҳозирча уни фақат Куку—кичкинтой деб атаяпмиз.

У оёқ кийимини ечиб, одат талаб қилгандек, оёқ яланг бўлиб олди.

Она бош ирғаб қўйди.

— Кану, Ону, Кажоли деб болаларнинг ҳаммасига Деота исм қўйганлар. Болаларим дадусиз бир кунни қандай ўтказишни билмас эди, — деб она яна кўзига ёш олди. — Уйларимизга ўт қўйилди. Ҳаётимиз синдирилди. Ахир биз тинч, бахтиёр яшаб турган эдик. Энди Деота йўқлар. Кану йўқ, отаси йўқлар. Ким билали дейсиз, оиламиз бир кун жам бўлармикан яна! — деб она кўз ёшларини артди.

Роҳул унга тасалли беришга уринди.

— Уруш тугаса бас, она, оилангиз яна жам бўлади. Ҳеч нарсадан қўрқманг. Улар сиёсий маҳбуслар, Озод Ҳиндистоннинг солдатлари, халқимизнинг ҳурмат ва муҳаббати улар билан. Улар тарихимизда абадий қолади-лар.

Лекин ҳозирча улар, олтмиш минг эркак ва аёл маҳбуслар, турма деворлари орасида қамалиб ётибдилар, уларнинг жуда кўпчилиги — деҳқонлар. Мингдан ортиқ кишини ўлдирдилар, икки мингдан ортигини ярадор қилдилар. Кўпларини нари-бери суд қилиб, дорга тортидилар; кўпгина деҳқон йигитлари дор остига сира қўрқмай бордилар, уларнинг кўпи: «Озодлик ғалаба қилсин! Банде матарам!» деган сўзлар билан жон берди. Ниҳояти бир йил олдин бунга ким ишонарди, оддий халқнинг ки-

шанлардан қутулиш учун шундай курашга отланишига ким ишонарди? Бу замонавий бир муъжиза бўлди. Тарих жуда тез қадамлар билан илгарилаб борди. Тарих йиллар билан эмас, кунлар билан ўлчанадиган бўлиб қолди — бир кун ўн йилдан ҳам кўп келади. Роҳулнинг миясидан ана шундай фикрлар ўтиб борарди.

Ошхонадан пақирда сув кўтариб Кажоли чиқиб келди. У Роҳул олдига келиб тиз чўкди-да, унинг оёғига ёпишган йўл чанглари ювди. Ўзларининг биринчи учрашганларини эслаб, Роҳул кулиб қўйди.

— Кажоли бугун катта синовдан ўтади, — деди у, жўрттага жиддий қилиб.

Кажоли унга бир оз чўчинқираб, савол назари билан қаради.

— Бугун менга пазандалигини бир кўрсатади-да, — деб Кажолига меҳр билан қараб қўйди Роҳул. — Қандай таомни пиширишга устасан, Кажоли?

— Қовоқ билан гуруч! — деб юборди-ю, уялиб дарров ерга қаради. Қовоқ — деҳқонлар овқати. У шаҳарликлар овқатига — балиқ, гўшт, парранда ейишга одатланиб қолган, масхара қилиб кулмаса эди. Эри сўзлаб берган хилма-хил лаззатли таомларни эслади.

— Боплаб пиширилган қовоқдан ҳам мазали нарса бўлармикан! Лекин сени жуда овора қилиб қўймаймизми? Рўзғорда қовоқ борми ўзи?

— Яқинда жуда каттасини узганмиз, томдан бир ўзим олиб тушолмадим, — деб шошиб-пишиб мақтанди Кажоли.

— Овқат тўғрисида гапиравериб, қорнимни жуда очириб юбординг. Уҳ! — деди Роҳул, ҳавони ҳидлаб кўрган бўлиб. — Қовоқнинг ҳушбўй ҳиди димоғимга ураётгандек бўляпти, — деб қўшиб қўйди у.

— Бўла қол, Кажоли, — деди онаси, шаҳардан келган меҳмонга доим ғамгин боқадиган кўзлари билан кулиб боқар экан.

Кажоли азиз меҳмоннинг оёғига пақирдан сув қўйиб, қўли билан чанг-тўзонларни ювар ва тоза сочиқ билан артар экан, Кишор ундан бир зум ҳам кўзини узмади. Хотини то шу ишни тугатгунча лабини қийшайтириб, қорача текис пешонасини рашкка ўхшаш бир ҳис таъсирида тириштириб ўтирди. У Кишорга ҳам шундай ҳурматни бирор марта бўлсин кўрсатдими? Йўқ, ҳеч вақт. Деота набирасининг оёғини қандай ҳурмат билан ювяпти-я!

Қани, Кишор ҳам оёғини чўзиб кўрсин-чи, бир мартада-гидек қилиб: «Йўқ, яхшиси, менинг оёғимни сиз ювиб қўйинг», деб жавоб бериши турган гап. Ушанда Кишор Кажолини тилидан илинтириб, гўё ювиб қўймоқчи бўлгандек жўрттага оёғидан ушлаб олди, Кажоли эса бир нарсачақиб олгандек, бир сакраб тушиди, кейин эри олдида тиз чўкиб, пешонасини эрининг чанг босган оёқларига теккизиб сажда қилди: «Сизга ҳазил бўлса! Гуноҳкор бўлишим билан ишингиз йўқ. Юрагингиз тошданми ўзи!» деб нолиди. Кишорнинг оёғидаги чангларга белаб олган пешонасини кўтарганда, юз-кўзлари ёшдан ҳўл эди.

Кажолининг табияти ана шундай. Унинг тушуниб бўлмайдиган, ғалати одатлари кўп. Кишор эса, унинг чиройли оёқларига ёпишган йўл чангини ўз қўли билан жон деб ювиб қўйган бўларди.

— Қовоқ дам егунча, мен қишлоқни бир айланиб келаман, Ёвуз Кучга қарши курашган марди майдонлар билан бир-икки оғиз сўзлашаман — шундай одамлардан топилиб қолар дейман. Кишор мени кузатиб боради. Юринг, бҳойи!

Бҳойи! Муваффақият устига муваффақият. Уйда, шаҳарда, тўқимачилик фабрикасида ишлайдиган оддий ишчини бҳойи дейишга тили борармиди ҳеч? Ишчиларни митингларда минбардан туриб ака-укалар, биродарлар деб аташ ҳеч гап эмас; ундай вақтда бу сўзга ҳеч қандай аниқ маъно жойламай, ҳеч қандай меҳрни ифода қилмай айтиб юбораверасан. Лекин ҳар қандай силкидил социалист бўлсанг ҳам, барибир, ишчини «бҳойи» дейиш хаёлингга ҳам келмайди. Қишлоқда эса, ўша зиёлиларга хос олифтагарчилик ўз-ўзидан йўқолиб кетади-да, ўзингни ҳақиқий деҳқонлар билан бир хил одам деб ҳис қила бошлайсан. Ҳаётнинг ўзи турмушда ҳар қандай қалбакиликлардан реалроқ бўлиб чиқади.

— Қани, тезроқ юрайлик, бҳойи, ҳали қоронғи тушмасдан Калкатта поездига чиқишим керак.

Бир лаҳзага, гўё алланарсадан дарак бермоқчи бўлгандек, қаердандир пайдо бўлган бир нарсанинг шарпаси олдинда намоён бўлди-ю, яна кўздан йўқолди. Темир йўл станцияси дарвозаси тепасида мадҳоби дарахтининг ўрмаловчи шохлари чўзилиб кетган, аммо, уларнинг на барги, на денгиз чиғаноғига ўхшаган ажойиб гуллари бор. Дарахт қуриб ётарди.

Демак дўкандор тўғри айтган экан!

— Бошимизга бало-қазодек умумий штраф бостириб келяпти. Ҳукумат — бод касалига мубтало бўлганидан қийшиқ оёғини зўрга кўтариб босадиган қишлоқ қарияси эмас, оғайнилар. Ҳукумат оғайнилар, тўнкарилиб ётиб олиб, кетини қашиб вақт ўтказмайди. Янги почта бўлими қоғозда аллақачон тайёр бўлган. Қурилишга ким пул бериши керак? Сизлар, ўша эски кулбага ўт қўйганлар. Ҳамма ери борлар ҳар бигҳа ер учун фалон рупиядан пул тўлайди, бир парча бўлсин ерим йўқлигига, дўкандор эканимга қарамай, мен ҳам ўз ҳиссамни тўлайман. Буйруқда ҳам шундай дейилган: кимда-ким тўламас экан, бутун мол-мулки ҳисобга олинсин, сотиб, тушган пулни штрафга босилсин дейилган. Бундай миянгни ишлатиб кўр, оғайни, эҳтимол, тушуниб коларсан. Қишлик ҳосилни ўриб-йиғиб олдинглар. Она-Ер бу йил жуда сахийлик қилди. Қарабсанки, Ёвуз Куч бутун йиғиб олган шолингни тортиб олади-да, бозор қишлоғига юборади, у ерда эса, жуда арзон баҳога, сув текинга сотиб юборади. Ундан кўра, бало-қазо етиб келишини кутиб ўтирмай, ўзинг сотиб қол. Сотиб, пулини яшириб қўй. Хоҳласанг штрафни тўлайсан, хоҳламасанг йўқ, — бу сенинг ишинг, ўзинг биласан. Мен фақат бир нарсани айтиб қўймоқчиман: шолини қўлингдан йўқот, пул қилиб қўй; пулни яширса бўлади, шолини яшириб бўлмайди.

Деҳқонлар унга ишонмадилар. Коллектив штраф эмиш! Бу инсофсизликларнинг охири борми-йўқми? Деҳқонлар бош чайқашарди: бундай бўлиши мумкин эмас-э. Аммо юраклари бу тўғри гап деб турарди.

Мана солиқ йиғувчи ҳам келиб қолди, у билан бирга полициячилар отряди ва бир барабанчи ҳам бор эди. Барабан чалиб, улар қишлоқни айланиб чиқдилар ва ҳаммага коллектив штраф тўғрисидаги даҳшатли янгиликни бир-бир етказдилар.

Кишор қишлоқ орқасидаги ўрмонда кезиб, Кажолига «қурбақа салла» деб ном чиқарган қўзиқорин териб юрарди. Кажоли бунга билса, оғзини қўли билан тўсиб, роса ҳам хоҳолаб кулган бўларди. Эрака киши хўп иш топибдими, тентак хотинининг бемаъни эркаликларига қулоқ солиб, қурбақа салла ахтариб юрибди-я! Зап эркаклар боп иш эканми! Ҳа, у роса қотиб-қотиб кулган бўларди.

Майли, кулса кулаверсин. Иккиқат бўлиб, бола ўса бошлагандан бери у гуручли овқат емай қўйди, доим би-

рор тансиқ нарса бўлса деб юради: нилуфар дейсизми, бамбуқ новдаси дейсизми, қурбақа салла дейсизми — ҳаммасини кўнгли тусай беради. Боши қоронғи хотинлар доим овқат масаласида бир инжиқлик чиқариб турадилар — бу табиат қонуни. Кажоли кулишга кулар эди-ю, аммо уялади-да. Ўзи табиат қонуни бўлса, нимасига уялар экан энди? Хўш, ўғлининг бўлажак онасига кўнгли тусаган ҳар хил нарсалар топиб келтириш дардида юрса, эркак кишининг шохи синиб қоладими? Ўғлининг бўлажак онаси, деган сўзларни кўнглидан ўтказганда, оёқ-қўли ёқимли жимирлаб кетди. Кажоли ҳали ёш бола-ю, она! Ўғлининг онаси! Бу ғалати муъжизага ҳайрон қолганидан, ҳатто унинг оғзи очилиб қолди.

Худди шу пайт барабан товуши билан бақириб-чақираётган барабанчининг овозини эшитиб қолди-да, қўзи-қоринларни қўйнига солиб, шошиб ўрмон ичидан чиқди. Ўрмон ёқасида солиқ йиғувчи турганини, унинг атрофини эса, ҳар тарафдан йиғилиб келган деҳқонлар ўраб олишганини кўрди; деҳқонларнинг қош-қовоғи солиқ, юзларида хавотирлик белгилари.

— Нимага йиғлаб-сиқтаяпсизлар, қишлоқ аҳли? Қаллангиз борми-йўқми, ўзи? Ҳукумат сиздан олган пул билан ошиб-тошиб кетармиди? Ахир сиздан йиғилган пул охириг аннасигача ҳозир қоғозда тайёр бўлган янги почта бўлимини қуришга кетади — у сиз ўт қўйиб юборган алмисоқдан қолган хароб гувалак кулбадай эмас, арслондек бақувват, бетон билан пўлатдан қурилган бино бўлади. Бундай бинога қараб, мағрурланиб ҳам кетасан киши. Сизлар тараққиёт йўлига кирдинглар, қишлоқ аҳли. Яланг оёқларингиз билан қизил тош йўлларда шипиллаб юрасизлар, почта откриткалари олгани келганингизда, дунёнинг қайси бурчидаги шаҳарга бўлса ҳам пул юбормоқчи бўлганингизда, кассага пул қўйиб, омонат дафтарчаси олмоқчи бўлганингизда ёки хоҳлаган одамнингизга, ҳатто генерал-губернаторга бўлса ҳам телеграмма юборгани келганингизда мис ва пардоз берилган ёғочларнинг ярқирашидан кўзларингиз қамашади. Эҳтимол, сизларга почта мудирининг жуда ғалатисидан, диплом олганидан юборишар.

Оғзини қўлоғига етказиб тиржайиб турган солиқ йиғувчининг кўзларида дўқ аломатлари бор эди. Штрафлардан йиғилган пулга исёнкор қишлоқларни бостириб

туриш учун тузилаётган полиция жазо отрядлари ҳам сақланиши тўғрисида одоб билан индамай ўтди.

Сўзининг охирида у, сизларни шошилтирмайман, деб эслатиб ўтди.

Ўйлаб кўринглар, тайёрланиб туринглар. У дўкондор томонга ўгирилиб қаради, эҳтимол, бир лаҳзага бўлса ҳам кўзлари тўқнаш келгандир. Бир ойдан кейин яна келаман. «Штрафни тўлашга пул топиш учун сизларга бир ой муҳлат, қишлоқ аҳли».

Илож йўқ. Тузоққа тушдилар. Ким уларга маслаҳат беради? Деота қамоқда. Қишлоқ оқсоқоллари қамоқда. Дўкондор эса, ҳеч ким сўрамаса ҳам, миллий ҳаракатнинг ҳомийси сифатида зўр бериб одамларнинг бошини қотирарди:

— Ёвуз Куч барибир ҳосилингни тортиб олади, оғайни. Бор шолингни сотиб қол, бўлмаса, сув текинга кетади. Ахир кўриб-билиб турибсан, дарёнинг нариги тарафидаги қишлоқлардан шундай кўп шолини тортиб олиб, бозорга чиқаришдики, ҳозир шולי баҳоси кун сайин тўхтовсиз тушиб кетяпти. Бугун вақт ғаниматда сотиб қол, эртага бунча пулга сотолмайсан.

Дўкондор «Арзон шולי» акционерлар жамиятининг сахийлигини кўрди, энди у яна ҳам зўр бериб ишлай бошлади; дам олишнинг нималигини билмай, эртани эрта, кечни кеч демай, ҳам оёғи, ҳам чакаги билан ишлар эди.

Штраф тўла тўлаб бўлингандан, қишлоқдан сиқиштириб олинган шולי катта аравага ортиб шаҳарга жўнатилгандан кейин, янги қийинчилик туғилди. Батрак — кисонлар ҳеч қаердан шולי сотиб ололмай қолдилар — аввал дон-дун ҳеч қаерга сиғмай кетган бозор, бирдан бўшаб қолди. Кисонлар мушкул аҳволга тушиб қолдилар. Наҳотки биродарлари бўлган деҳқонлар уларга шולי сотишмаса? Наҳотки ўз ёрдамчилари очдан ўлаётганини кўриб туриб хотиржамлик билан қўлларини орқасига қилиб қараб турсалар?

— Янаги ҳосилгача ўзимиз ҳам етолмаймиз, онажон, — деди Кишор. — Шундай бўлгандан кейин, бошқа ларни қаердан олиб боқардик? Заминдорга ижара ҳақи тўлайдиган вақт ҳам келиб қолди. . .

Она алланарсани ўйлаб бирпас жим турди, кейин жавоб берди, жавоби қатъий ва амирона эди:

— Биз тўқ эканмиз, оғаларимиз кисонлар ҳам, бола-

чақалари билан тўқ бўлиши керак. Шоли қанчалик бизники бўлса, шунчалик уларники ҳамдир, Кишор, чунки, уни пешона тери тўкиб етиштирганлар. Меҳнат ҳақи деб уларга тўлаган пулимиз— ҳеч нарса эмас. Пулни еб бўлмайди.

Хижолат бўлган, уялган Кишор ерга қаради. Лекин тўлаш муддати келиб турган ижара ҳақи, кун сайин камайиб бораётган шоли запаси унга тинчлик бермасди.

Шолига бўлган муҳтожлик бу орада тобора кучайиб борди — кичкина жилға мана шундай секин-аста катта сойга айланади. Балиқчиларга шоли етишмай қолди. Ҳунармандларга шоли йўқ эди. Қишлоқдан ҳали ҳам тўда-тўда бўлиб иссиқ ўрнидан ҳайдалган — ҳукуматнинг ҳарбий тадбирлари қурбони бўлганлар ўтиб турарди.

Она эса, шоли сўраб келган биронта ҳам одамга йўқ демасди.

— У киши, ҳозир қамоқда жафо чекаётган киши оstonасида оч одамлар турганини кўрса, бир луқма ҳам овқатни оғзига олмаган бўларди; қандай қилиб мен унинг юзига оёқ тирай?

У, мана шундай деб жавоб қилар, хаёли узоқ-узоқларда бўлар, иродаси эса, метиндек маҳкам эди. Бир гапга худди телбалардек ёпишиб олган кишига ўхшарди.

Кишор қатъий бир қарорга келди. Шаҳарга бориб, ишга киради. Иложи борица кўпроқ ишлайди, овқатни эса, иложи борица камроқ ейди, орттирган ҳар бир чақасини йиғиб юради-да, уйга ҳар ойда бир мартадан анча-анча пул юбориб туради. Кажоли билан ажралиш тўғрисида, айниқса, шу кунда ажралиш тўғрисида ўйласа, юраги қон бўлиб кетарди! Аммо, бошқа иложи йўқ эди. Эҳтимол, хотинининг кўзи ёриш пайтида қайтиб келар...

Янги почта бўлими ҳам кунимизга яраб қоладиган кўринади, деб ўйлади заҳарханда билан Кишор.

Баруни ёнидаги ярим станцияда поезд фақат биринчи классда кетаётган йўловчиларнинг талаби билан тўхтаб ўтарди. Кишор бундан олти мил наридаги катта станцияга пиёда бориши лозим эди.

Оғир жудолик кун итиб келди.

Кажоли қулоғидан жуда нозик кумуш зирагини олди, бу онасининг тўёнаси эди. Бу зирак унинг бирдан бир безаги эди. Кажоли уни эрининг қўлига тутқазди.

— Шаҳарда сотарсиз. Эҳтимол, дарров иш топа қол-массиз. Овқат билан бошпана эса, доим керак.

— Йўқ, йўқ, йўқ! — деди Кишор дарди ичига сиғма-ганидан бақиргудай.

— Йўқ деманг. Олиб кетинг. Наҳотки ўзингиз тушун-масангиз! — У қўйилиб келаётган кўз ёшларини яшириш учун ерга қаради. — Зийнат дейсизми! Нима қиламан уни? Сиз кетгандан кейин унга ким қарайди?

У бошини кўтарди-да, юраги сиқилиб турган эрига тасалли бериш мақсадида унга кулиб боқди — назарини хиралаштириб ётган кўз ёшлари орасидан қуёш боққан-дек бўлди.

— Қишда уйга қайтиб келганингизда менга шаҳарда янги расм бўлган кумуш зиракдан олиб келасиз. Билаг-узук ҳам олиб келасиз. Тузукми?

Шундай деди-ю, эрининг унга тўймай термулиб қараб турганидан лоладек қизариб, яна ерга қаради.

Хайрлашиш вақти келганида, қўйилиб келаётган кўз ёшларини тийишга кучининг борица тиришди — ажралиш пайтида кўз ёши тўкиш ёмон белги! Ҳатто юзига табас-сумга ўхшаш бир нарса чиқариб:

— Ҳар ҳафта хат ёзиб турасиз-а? Узун-узун хат ёза-сиз-а? — деб сўради.

Кейин туғилмаган боласига отасининг фотиҳасини сў-раб, эрининг қўлини қорни устига қўйди.

Икки соатдан кейин бутун оила кундузги овқатга ўтирган вақтда Кажоли бирдан титраб-қақшаб кетди. Гўё бутун вужуди билан алланарсага қулоқ бераётган-дек, кўзларини олайтириб жим қотиб қолди; кейин қўл-лари билан бошини ушлаб, ҳўнграб йиғлаганча ўзини ер-га кўтариб урди. Кўз ёшлари юзидан селдек оқиб тушаверди.


Кишор эса, бу вақт станция биноларидан икки юз қа-дамча берида, темир йўл кўтармасида орқасидан ўқ еб, жон бермоқда эди.

Шу йўлдан жаноб олийларининг махсус поезди ўтиши керак эди, шунинг учун расм тусига кириб қолган одат-га мувофиқ бир неча юз мил узунликдаги йўл бўйига зич қилиб, яхши қурулланган соқчилар қўйилганди. Кишор йўлни қисқароқ қилиш мақсадида тирмашиб темир йўл кўтармасига чиққанда, уни соқчи тўхтатмоқчи бўлиб ча-қирди, Кишор бундан қўрқиб, орқасига қараб қочди. Соқчи уни нишонга олиб, отиб юборди.

Роҳул укасидан Ливиянинг аллақайси бир саҳросидан хат олди. Кейинги кунларда Қунал ҳар замонда бир хат ёзадиган бўлиб қолди. У хизмат қилаётган полк оғир жангларда иштирок этарди. Мерса Матру, Тоброк, Бен-ғози. Ал-Оламейн ёнидаги жанглардан кейин Қунал дуб новдаси тақиб юрадиган бўлди, бу фронтдан берилган ахборотларда унинг номи тилга олинаётганининг нишонаси эди. Қунал бунга унча аҳамият бермагандек, хатида бу тўғрида йўл-йўлакай айтиб ўтарди; унинг хаёлини бошқа, бундан ҳам муҳимроқ нарсалар банд қилган эди.

«Бизнинг ҳинд солдатлари катта ғалаба қозондилар деб ғурур билан айтсам бўлади,— деб ёзар эди у.— Мен душман устидан қозонилган ғалабани айтаётганим йўқ, агар таъбир жоиз бўлса, ўзлари устидан ўзлари қилган ғалаба тўғрисида гапиряпман. Гап шундаки, дада, улар ўзларининг қадимий душманларига — ирқий камситишларга барҳам бердилар. Асрлар мобайнида европаликлар жанговар қобилиятлари баланд бўлганидан анча юқори зотли одамлар деб ҳисобланар эдилар. Хўш, ҳозир аҳвол қандай? Бир қатор жангларда Ҳиндистон солдатлари оқ танлилар қўшинига қарши урушдилар ва душмanning кучи ортиқ бўлишига қарамай, мағлубиятга учратдилар. Оқ танли кишининг шон-шухрати бўлган совун пуфаги Африка ҳавосида поқ этиб ёрилди, деган бўлар эди бирор-та жўн ёзувчи (ўша ҳам шундай дермиди экан?). Мен ўз қисмимдаги кўпгина солдатлар билан суҳбатлашдим, бу суҳбатлардан менда ана шундай кучли таассурот қолди. Эҳтимол, бу гаплар сизга янгилик эмасдир. Ахир, солдатлар уйларига хат ёзиб туришади-ку, хатларида эса, оқ танлилар ирқининг мағлубиятга учрагани тўғрисида мағрурлик ва нафрат билан ёзишаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Империя қувватининг синов тоши бўлган афсона саҳро қумлари устида парча-парча бўлиб ётибди.

Ваъзхонликка берилиб кетдим шекилли, дада. Аммо, ростимни айтсам, шу кунларда худди шундай фикрдаман. Бошқа ҳинд офицерларининг фикри ҳам худди мана шундай. Ҳаммасини ёзиб бўлмайди, буни ўзингиз ҳам тушунсангиз керак, дада, аммо ишонаверингки, бу солдат ва офицерлар уйга қайтиб боргандан кейин, мавжуд тартиб билан асло келиша олмайдилар».



Демак, бу урушдан ҳар ҳолда қандайдир фойда бўлар экан, деб ўйлар эди Роҳул. Уруш шу вақтгача мамлакатга фақат кулфат келтираётган эди. Оғир баҳор кунларидан бирида газеталарда бир кўзга ташланиб ўтган хабар ёдига тушди: шарқий соҳилнинг аллақайси бир жойида кетаётган йўловчи бирдан гандираклаб кетиб йиқилган, шу йиқилганича қайтиб турмаган. Хабарда у очликдан ўлган экан дейилган эди, аммо, бу кичкинагина хабар айтарли ҳеч кимга таъсир ҳам қилмади. Битта тиланчи-да, деб қўя қолишди. Ҳеч ким бунга бостириб келаётган бахтсизликлар даракчиси деб ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо, бундай ҳодисалар такрорланди, такрорланганда ҳам тез-тез такрорлана бошлади. Эркаклар йиқилиб жон бера бошладилар. Кейин аёллар. Унинг кетидан навбат болаларга келди. Эрлар билан ўғиллар яқинларининг тинчлиги ва бахт-саодатини ўз қонлари билан бўлса ҳам сақлаб қолишга уринар эдилар. Бефойда ҳаракат! Ҳамма ёқда ҳам одамлар қирила бошлади.

Бу бало тез тарқала бошлади. Бирдан Калкаттага бостириб келди! Шаҳарнинг шимолий районларидаги одамларни довдиратиб қўйди, марказга бостириб кирди, кейин ҳатто Роҳуллар яшайдиган тинч Кўлбўйи кўчасига ҳам етиб келди.

Маъмурлар кўпда ташвиш ҳам қилишмасди. Тасодифий ҳодисалар. Газеталар фалокатни жуда ошириб кўрсатмоқдалар. Денгизнинг нам шамолидан кўчада йиқилиб қолаётган одамларни касалхоналарга олмас эдилар — касалхоналар очдан ўлаётганлар учун эмас, касаллар учун қурилган.

Бу очарчиликка табиат билан стихия сабаб бўлган эмасди, бу инсон қўли билан яратилган фалокат бўлди. Далалардан яхшигина ҳосил йиғиб олинди, ҳарбий эҳтиёжларга жуда кўп озиқ-овқат олинаётган бўлишига қарамай, доннинг қолгани оқилона усул тутиб тақсим қилинса, ҳаммага ҳам етган бўларди. Озиқ-овқат жамғаришни тақиқловчи қонун жуда кечикиб чиқди, қоздаги қуруқ гап бўлиб қолди ва озиқ-овқат олиб сотарларига қарши мутлақо татбиқ қилинмади. Бекордан-бекорга тортиб олиб, ёндириб юборилган қайиқлар-чи? Юзлаб кўчирилган қишлоқларни айтмайсизми? Ердан ҳайдалган халқ қашшоқлашар эди. Аҳолининг харид қувватини пасайтириб, одамларнинг умр бўйи йиғиб келган жамғариқларини арзимас чақалар даражасига келти-

риб, инфляция ишни охирига етказди. Бутун ҳаётий негизлар бузиб юборилди, чуқур томир отиб кетган ҳаётий асослар таг-томири билан қўпориб ташланди.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси жуда осонлиқ билан амалга оширилди. Улар деҳқонларга пул тўлаб, уларнинг қўлидан донни тортиб олдилар. Ер, уй-жойларни, балиқчиларнинг қайиқларини тортиб олдилар. Ҳамма вақт яхшигина пул тўлар эдилар. Бу қилган ишларидан мамнун бўлиб, ўзларини бир валий неъмат ҳис қилар эдилар! Кейин пул печатлаш машиналарини кечаю кундуз ишлатиб, қоғозни ҳам, бўёқни ҳам аямай пул боса-вердилар. Мамлакат банкнотларга тўлиб кетди, унинг миқдори бир ярим миллиарддан тезлик билан етти миллиардга етди. Пулнинг қиммати жуда тез тушиб борди. Ота-онасидан қолган уй-жойга икки юз рупия олган деҳқон бирдан бу пул илгариги қимматининг жуда оз қисмини ташкил қилишини сезиб қоларди. Қоғознинг ўзи ўзгаргани йўқ: унда бояги-бояги инглиз қиролининг расми, бояги-бояги сув белгилари. Фақат пулнинг кучи кетди, ҳали ҳам ой сайин қимматини йўқотиб бормоқда эди. Довдираб қолган деҳқон нима бўлаётганини тушунолмаб ҳайрон эди. Унинг ҳокимлари эса, ҳаммасини жуда яхши тушуниб турардилар. Бу ҳали ҳеч кўрилмаган, қулоқ эшитмаган даражада катта миқёсдаги иқтисодий талончилик эди.

Бангол зўр қийинчиликларни бошдан ўтказаётган бир пайтда унинг иқтисодий аҳволи ана шундай эди. Роҳул буларнинг ҳаммасини биларди. Очарчиликка учраган халқни бошига тушган оғир кулфатдан совуққон ва ачиниш нималигини заррача ҳам билмаган ҳиссиз бир ҳайкал — ҳукумат ўзининг ўлгудек итоатгўй малайлари, ёлланма квислинглар ёрдами билан қутқариши керак эди. Аммо, квислинглар жоҳил, ўлгудек бепарво, дунёдаги ҳеч нарса билан иши йўқ, тўпос одамлар эди. Давлат аппаратидагилар эса, каттасидан тортиб кичигигача сотқин, порахўр одамлар эди.

Порахўрлик бир балодек тарқалган эди. Ҳамма пул ишлашга муккасидан кетди. Пул суви кўп дарёдек оқар, бой-бадавлатлар уйига катта-катта кўл бўлиб йиғиларди. Давлатмандлар бойинган сари камбағаллар бадтар қашшоқлашиб борарди. Мамлакат тарихида бойларнинг бойиши, камбағалларнинг бадтар қашшоқлашиши шу вақтгача бунчалик беаёв шаклда бўлмаган эди.

Бой шаҳар кўчаларида ўн мингларча қочқинлар инграб ётарди — бошига фалокат тушган қишлоқ уларни шу ерга қувган эди. Атрофда нима ишлар юз бераётганини ҳеч ким тузукроқ билмасди. Бангол губернатори жаноб олийларининг маслаҳатчиларидан бири озиқ-овқатнинг мавжуд запаслари билан аҳоли эҳтиёжларини ҳисобга олишни таклиф қилди. Жаноб олийлари бу фикрнинг дарров йўқотишга ошиқди. Бекорга вақт ўтказилади, холос. Бу тadbирнинг ҳарбий ишларимизга ёрдами тегмайди. Статистик рақамбозлик билан вақт ўтказиш ўрнига, куйдирилган ер сийсатини ўтказиш керак.

Тинчгина кабинетидида ўтириб халқ нонига, унинг ҳаётига қасд қилаётган губернатор жаноб олийлари ҳам рамзий бир сиймо деб ўйлар эди Роҳул, унинг қалами эса, бир парча қоғозга ўша рамзий сиймо расмини чизарди.

Ливиядан келган хатни келтирган почтальон номига пул юборилган одам йўқлигидан, Барунидан қайтарилган пул қоғозни ҳам бериб кетди. «Нима гап бўлдийкин, у ерда?— деб ҳайрон бўлди Роҳул.— Онаси, Қажоли, Қишор — улар қаерга кетиб қолишди экан? Ё Кишор шаҳарда ишга кирган бўлса, улар ҳам Кишорнинг олдига кўчиб келишдимикан? Лекин Кишор Роҳулнинг шаҳардаги адресини билар эди-ку, зарур бўлиб қолса, унга хат ёзиб юборган бўларди, ҳатто Қалкаттага ўзи ҳам келса бўларди, у бу ерга илгари ҳам келган эди». Роҳул хавотирга тушиб қолди. Биринчи ёзган хати жавобсиз қолгандаёқ, Барунига бориб келиши керак эди! Виждон юрагига ништардек игнасини санча берди. Ишни йиғиштириб қўйиб, бориб келиши керак эди, албатта, бориб келиши керак эди! Ўша хати ичига у, қийналиб қолишгандир, албатта, деган мулоҳаза билан пул солиб юборган эди. (Роҳул у хат эгасига етиб бормаганидан хабарсиз эди. Хатни очиб кўрган почта цензори — ўша атрофдаги ерларга юборилган ҳамма хатлар назорат остига олинган эди, — хотиржамлик билан пулни чўнтагига урган эди.) Роҳул иккинчи кутди, кейин почта орқали пул юборди — жуда бўлмаганда пул бориб теккан-тегмагани маълум бўлади-ку. Аммо, юборган пули қайтиб келди, мана ҳозир Қуналнинг хати ёнида бир тўп бўлиб турар эди.

Маданий ҳаёт йўлида жанг қилаётган Ҳиндистон солдат ва офицерлари янгича фикр қилишга ўргандилар, уйга қайтиб келгандан кейин мавжуд тартиб билан

оира ҳам келиша олмайдилар; Кунал шундай деб ёзар эди. Хўш, халқ-чи? Мамлакатда оч одамлар қилган ғалаёнлар бўлаётгани йўқ, инсоннинг табиий ҳуқуқига асосланган ғазаб билан нон талаб қилиб чиқишлар кўринмайди. Бунинг сабаби нима эканини Роҳул билар эди—буни у тасодифан билиб қолди.

Коллеж-стритдан бир неча оч қолганлар оёғини зўрға кўтариб босиб, ўтиб боришар эди; улар тамаддихона олдида тўхтаб, витринага қўйиб қўйилган иштаҳа очувчи овқатларга тикилиб қолишди. Шу яқин орада турган Роҳул уларни кузатиб турди.

— Ойнани синдириб, еб-еб олсанг,— деди улардан бири, ғазаб билан.

Шериги маъқуллаб дўнғиллаб қўйди. «Турма дейсизми? Ҳечқисм йўқ, турмада ҳар ҳолда боқиб туришади, очдан ўлмайсан киши.» Аммо, шу пайт икки букилиб қолган бир чол гапга аралашиб қолди.

— Ҳой, болаларим, болаларим! Номусли одамлармисиз ё ўғримисиз? Бировнинг нарсасини қандай қилиб тортиб олиб бўлади? Наҳотки динингиз ҳам, эътиқодингиз ҳам йўқ бўлса? Дунёнинг нималигини билмайсизларми? Ёввойи ҳайвонлармисиз?

— Ҳайвон дейсизми?— деб қичқирди олдин гап бошлаган йигит.—Ҳайвон омборларини овқат билан тўлдириб, бизга битта ҳам гуручни раво кўрмаганлар — биз эмас, ана ўшалар ҳайвон.

Орага тинчлик тушди. Кейин қадди букилган чол олдинга чиқди.

— Ўғлим, кечадан бери бир бурда нон орттирган эдим, ма, ея қол,— деб у қўйнидан бир бурда қотган нон чиқарди.— Еб ола қол, ўғлим!

Улар олдига соч-соқоли оппоқ яна икки чол келди, улар ҳам қўйниларидан қотган-қутган нон бурдаларини чиқариб:

— Ма, ўғлим, е!— дедилар.

Йигит ҳайрон қолганидан кўзларини филт-филт қилиб уларга бирпас қараб турди, кейин бирдан йиғлаб юборди-да, шарт бурилиб, ура қочиб қолди. Учала чол эса, узоқлашиб кетаётган йигит орқасидан қараб туришди, кейин: «Энди ёмонлик қилишдан тийилди»,— дегандек бир-бирларига фақат тиришган лаблари билан кулиб боқишди-да, кафтларини кафтларига қилиб, ўз худоларига шукурлар билдиришди.

Мана шу одамлар ёки уларнинг оға-инилари золимларга қарши, халқ йўлбошчиларини, ҳатто хўжа кўрсинга ҳам суд қилмай қамоқларга ташлаган озодлик ўғриларига қарши исён кўтарганларига ҳали бир йил ҳам бўлгани йўқ. Аммо, улардан биронтаси ҳам қорнини тўйғазиш учун куч ишлатиш йўлини тутгани йўқ, бундай қилиш зўравонлик, худбинлик бўлади деб ўзига эп кўрмади. Улар маънавий принцип йўлида ҳар қандай курашга ҳам, ўлимга ҳам рози эдилар. Аммо, уларнинг назарида очарчилик аввалги гуноҳлари учун юборилган бир жазо эди. Қадим замонлардан қолиб келаётган ахлоқ анъаналари деҳқонларнинг қўл-оёғини боғлаб ташлаган эди. Мана шу анъана кучлари золимлар билан олиб сотарларни жазодан ҳимоя қилиб келмоқда эди. Аммо, оч қолган миллионлар ҳақиқатни топадиган кун келади, ҳаётга бўлган ўз ҳуқуқини англайди, ана ўшанда уларнинг ғазабидан золимлар жон қалтироғига тушади...

Роҳул ўрнидан туриб, ғамда юраги сиқилганидан лабораториясида у ёқдан-бу ёққа юра бошлади; халқнинг сўзсиз итоаткорлигини ўйласа, юраги орқасига тортиб кетар, халқ ғазоби ахир бир кун қайнашини ўйласа, юраги тезроқ уриб кетар эди.

Нима учун у Ер деб аталган мана шу бир қум заррасини ҳаёлидан чиқариб сирини англамоқчи бўлган, аммо; сири ҳали очилмаган юлдузлар, коинотдаги узоқ-узоқ дунёлар тўғрисида ўйлашга ҳаракат қилади? Нима учун Банголнинг юракни сиқувчи зулматидан қутулиб, космоснинг ёрқин бўшлиқларига чиқолмайди? Унинг ҳақиқий иши ўша ерда-ку? Халқнинг муҳтожлиги, очлиги, озодликка интилиши билан унинг нима иши бор? Унинг ўзига яраша иши бор. Унинг ҳаёлини фақат ана шулар банд этиши керак. Ўзини босиб, йўқотган тинчлигини қайтариши керак.

Аммо, у ўзини сира қўлга ололмади. Афтидан, унинг бўлган-тургани шу эди. Халқнинг дарди унга жуда яқин эди. Улар Роҳулнинг ҳам дарди эди. Юрагидаги дарди ана шундай ҳеч қаерга сизмасди!

У бобосини ўйлаб кетди. Бобоси билан Дера Дуидаги Марказий турмада учрашишга рухсат олишга муяссар бўлди, энди у ўша кунни сабрсизлик билан кутарди. Даду руҳига қувват беради, даду илгарилари ҳам ўзининг букилмас ишончи ва воқиаларни аниқ тушуниши билан уни қувватлаб келарди. У дадуга Қуналнинг янги

кайфияти, ҳинд солдатларининг онги уйғониб келаётгани тўғрисида сўзлаб беради. Даду бундан хурсанд бўлади. Ҳеч вақт бир-бирига ўхшаб кетадиган фикр ва қарашлари бўлмаса ҳам, нима учундир даду доим Куналдан кўп нарса кутарди.

Сал очиқ турган эшик олдидан ўтар экан, Роҳул коридорда аллакимнинг қораси лип этиб ўтганини кўриб қолди; миясига қон урди, коридорга қараб: «Мен ҳали шу ердаман, аблаҳ; ҳали кетганим йўқ!» деб қичқириб юборай деди. Аммо ўзини босди.

Ўлим Нури устида гўё ҳали ҳам иш олиб бораётганини кўрсатиш учун бир неча саҳифани тўлдириб, бирор нарса ёзиб қўйиш керак. Ахир эшикни ёпиб кетиши биланоқ, ярамас жосус унинг кабинетига кириб, иш столини, қоғозларини роса титади, уларни ўқийди, эҳтимол, хўжайинларига кўрсатиш учун нусхалар ҳам кўчириб олади. Хўжайинларига деҳқонлар жуда боплаб Ёвуз Куч, деб ном беришгани Роҳулнинг ёдига тушди.

Қизик, ўзининг шу ифлос ишга қанча пул оларкин?— деб ўйлади Роҳул.— Ҳа, бу ярамас иш қидириш азобидан халос этилади. Коллежни тугатганидан кейин Ёвуз Куч унга ҳомийлик қилади. Университетда ўқиётган энг талантли студентлар ўқишни битиргандан кейин ишсизлик балосига учрайдилар, чунки, энг яхши ўринлар юқори амалларда ўрнашиб олган каттароқ аблаҳлар тавсияномалари билан қуролланган кичикроқ аблаҳларга атаб олиб қўйилади».

Студентлар орасида исёнкорлик кайфияти ҳукм суради-ю, аммо ғалаён кўтарилишидан қўрқиб, Ёвуз Куч уларни одамхўр девдек қўриқлаб ётибди. Фақат фашизмга нисбатан бўлган нафрат уларни жиловлаб турарди. Аммо жиловлари бўшаб кетса, илгари ҳам бўлиб тургандек, террор қуролини ишга солишлари хавфи бор эди. Бу эса, нотўғри йўл. Омма коллектив бўлиб, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши керак, фақат омма билан ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилишга умид боғланглар, курашда халқ билан бирга бўлинглар, деб ўргатар эди уларга Роҳул. Студентлар ҳаракати маълум бир изга тушиб борди. Роҳул бу ҳаракатда ўз ролини ўйнаши керак. Юлдузларнинг нури эса, озодлик кунлари етиб келгунча кутиб тура туради.

Лекин ўзини ҳимоя қилиш учун сохта ёзувларни давом эттира бериш керак. Қамалиб қолишдан ҳеч қандай

маъно йўқ. Жосус аввалгидек сохта ишлардан хабар етказиб тураверсин. Ўлим Нури кашф қилиниш арафасида турибди!

## ЎН БИРИНЧИ БОБ

Кажоли бир парча ерида яна ҳам ғайрат билан деҳқончилик қилишга киришди. Ҳеч қандай таваккалга йўл қўйиб бўлмайди. У нам, жигар ранг ерни чопди, кесакларни майдалади, ёввойи ўтларни юлиб ташлади, ўсимлик илдизи яйраб ўссин деб, ерни тўхтатиб қўйди. Кейин ерни текислаб, аввалдан йиғиб қўйган гўнгни солди. Шундан кейин у ерни яна бир неча марталаб чопиб, ариқ тортди-да, бақлажон экди. Бақлажонлар думалоқ, гўштор, силлиқ пўстли бўлиб етилади; аввалига янги тугилганда улар оқ рангли бўлади, кейин тўқ бинафша ранг, гилос тусга киради. Бақлажон туплари баланд бўлмайди, тизза бўйи бўлади, лекин ҳар бир тўпдан ўн иккитагача бақлажон олса бўлади, оловни паст ёқиб қўйиб пиширилса, жуда мазали бўлиб кетади. Кажоли бақлажон етиштиришнинг йўлини биларди, ундан доим мўл ҳосил йиға оларди. Қизиги шуки, ҳар бир жониворда ҳам бўлгани каби ҳар бир ўсимликнинг ҳам факат ўзига хос бир сири бор, ўша ўзига лозим нарсаларнинг ҳаммасидан ердан қониб эмса, тез ривож топади ва мўл ҳосил беради.

Ҳовли атрофига айлантириб лўя экди. Лўя кўп меҳнат килишни талаб этадиган инжиқ ўсимлик эмас, яна ўзи тўқ тутадиган овқат. Похол томларда йилнинг бу вақтида аллақачон гулини тўккан қовоқлар шох отиб ётарди. Кажоли бир қарич ерни ҳам бекор қолдирмай экин экди.

Кажоли мана шу тарзда оилани боқиш учун аёл боши билан тинмай ҳаракат қилди. Ҳар битта дон ҳисобли бўлиб қолган, ҳадемай қориндор сопол хум бўшаб қолади, бутунлай бўшаб қолади, деб юрак ҳовучлаб юрган бўлсалар ҳам, ҳар ҳолда, кўп эмасу, бир ойга етадиган гуручлари бор эди. Кажоли онасини ва укаси Онуни ёнига олиб, кунни билан овқатга ярайдиган нарса ахтариб, атроф далаларни кезиб юрарди: сув ўтларими, ҳовуз сувида бўладиган қисқичбақаларми, баланд-баланд дарахтларда тугиб ётган, ҳали хом ёввойи анжир мевасими, бўлак мева-чеваларми, экилмай қолган далалар-

дан еса бўладиган ҳар хил ўт-ўлан илдиэларими — егуликка яраган нарса борки, йиғиб келишарди. Аммо, бутун қишлоқ аҳолиси ҳам туну кун худди шу иш билан банд эди, шу сабабли табиат қучоғидан йиғиб олиш мумкин бўлган текин овқат запаси кундан кун камайиб борарди.

Қишлоққа ҳар замонда бир елкасига қоп ташлаган бирор олиб сотар келиб қоларди; ундан деҳқонларнинг арзимас асбоб-анжомлари: омон тиши, болта, белкуррак ё кетмон, арзон баҳо зийнат, рўзгор қақир-қуқурларига бир-икки пиёла гуруч айирбош қилиб олиш мумкин эди. Қишлоққа гуруч четдан фақат шу йўл билангина келарди. Йўқ, бу жуда ҳам тўғри эмас. Охирги ҳўкиз ё сигирни сотиб, пулига бозордан бултургидан беш ҳисса қимматига дон сотиб олса бўларди. Молга талаб катта эди — армияни боқишга гўшт керак эди. Лекин деҳқонлар рўзгорларини тебратиб турган сигир ва ҳўкиэларини сотмай, бир амаллаб яшаб келишмоқда эди, ҳўкиэларни сотиб юборсалар, қандай қилиб ер ҳайдаб бўлади? Гўшт тайёрловчилар эса, пайт пойлаб сабр қилиб юардилар. Эртами-кечми, ахир бир кун сотишга мажбур бўладилар. Ўзинг ҳам, бола-чақанг ҳам оч қолаётган бўлса-ю, мол асрашдан нима чиқди? Бошга кулфат тушганда деҳқоннинг энг ашаддий душмани вақт бўлади.

Хўш, ер-чи? Кўп деҳқонлар экин экадиган ерларини сотолмасдилар, чунки, ер уларники эмас, заминдорники эди, аммо ижара шартлари ерни сотиш ҳўкукини берган деҳқонлар ҳам она-Ерни пулга сотгандан кўра, ўлганимиз яхши дер эдилар. Бунн эшитиб, қишлоқма-қишлоқ изғиб юрган ер олиб сотарлари кўэларини қисиб, хап сизними дегандек аллақандай хунук бир истеҳзо билан кулиб қўйишарди. Булар ҳам сабр билан пайт кутиб туришарди.

Бангол оғир кунларни бошидан кечирмоқда эди. Одамзоднинг чидами, сабр-тоқати тугаб бормоқда эди. Оч қолган болалар йиғлайвериб бўғилиб қолишарди. Дилҳасталикка тушган, қийналиб кетган одамлар тўп-тўп бўлиб, овқат ахтариб, кули кўкка совурилган қадрдон ерларидан жўнаб кетишар, темир йўл составларига ёприлишар, вагон зиналарига осилишар, жазирама офтобда вагон томларига чиқиб олишарди. Аммо, полиция уларни тутар, поездлардан тушириб оларди. Бундан кейин улар темир йўлдан нари кетишар, чет айланма

дала йўллардан йўлга тушишарди: беҳисоб одамлар оломони ўжарлик билан қишлоқдан шаҳарга оқиб борарди. Шаҳар чироқлари бу бечораларга йўл кўрсатувчи юлдуз бўлиб қолган эди. Шаҳар умрида битта ҳам бошоқ етиштирмаган. Шаҳар шу вақтгача деҳқон далаларининг кўк пиёласидан еб-ичиб келган. Наҳотки бутун ҳосилни йиғиштириб олиб кетган шаҳар доим уни боқиб келганларга озгина бўлса ҳам улуш бермаса? Наҳотки уни боқиб келган одамларнинг ўлиб кетишига йўл қўйса? Қани, тезроқ шаҳарга юринглар. Тезроқ юринглар. Яра-чақа бўлиб кетган оёқларингизни судраб боссангиз ҳам, тезроқ етишга ҳаракат қилинглар.

Кажоли кунига йигирма марталаб экинларини кўздан кечирар, қизил ва бинафша ранг гуллар ўрнига жимит мевалар тугилаётганини, ўсаётганини, шира олаётгани ва етилаётганини кузатиб юарди. Кўз билан бир кунлик ўзгаришни аниқлаб бўлмас эди, албатта, аммо, Кажоли буни фақат кўзи билан кўрмасди. У ўзи эккан ҳар бир туп ўсимлиkning нафасини сезарди. Кажоли ҳам ҳосилни йиғиш пайтини кутиб юарди.

Ҳомиладор бўлганига беш ой бўлди. Бола туғилишини ҳали узоқ кутади. Қани энди тезроқ туғилса! Кажоли чақалоғининг ипакдек баданини силаб-сийпагиси, унинг тугмачадек оғзига кўкрак солиб эмизгиси келарди. Яна шунча кунни, ғам-ташвишга тўла, доим овқат ахтариб ва отасидан хавотир олиб ўтаётган кунларни қачон ўтказали; Кишордан дом-дарак йўқ эди. Кажоли эса, уни Ёвуз Куч қамоққа ташлаганига шубҳа қилмасди. Туғиладиган боласи очликка маҳкум этилгани Кажолининг хаёлига ҳам келмас эди — ҳолдан тойган она бола боқа олармиди! Аммо, у кўпроқ туғиладиган боласининг уст-боши тўғрисида ўйларди. Боласига пушти ранг кўйлакча қилиб берса — унинг орзуси ана шу эди. Боласини ўйлар экан, нима учундир уни доим пушти кўйлакчада кўз олдига келтиради. Эҳтимол, дадунинг китобларидан бирида ана шундай расм кўрган бўлса-ю, ўша хотирасида сақланиб қолган бўлса. Ушалмас орзу! Онаси билан унинг биттадан сорийси қолди, бошқа ҳеч қандай кийимлари қолмади. Сорийлари ҳам жуда эскиб кетганди; яна икки-уч ойда бутунлай титилиб кетади. Бутун қишлоқ аҳолисининг кийими титилиб кетди, илгари сира ҳам бундай бўлмаган эди; мана бир йил бўлдики, ҳеч ким янги кийим кийгани йўқ, чунки, оч

қолган тўқувчи-хунармандлар ноиложликдан чархларини аллақасердан келган олиб сотарларга сотиб, қишлоқдан кетиб қолган эдилар. Охирги сорий ҳам титилиб кетгандан кейин, аҳволлари нима кечади? Кажоли қишлоқдаги кўпгина аёллар сорийларини аяб, кечалари ялангоч ётишларини биларди, аммо ўзи ҳам, онаси ҳам ҳали бундай беномусликка етиб борганларича йўқ. Ахир бир кун улар ҳам шу ҳолга тушадилар. Бўлмаса... Бундай шармандаликни ўйлаб, Кажоли кўзини юмиб олди.

Битта-ю битта сорийсининг титилиб кетишидан кўрқиб юрганига қарамай, Кажоли боласига чиройли пушти кўйлакча кийдиришни орзу қилишини қўймасди.

Кунлардан бир кун эрта билан азонда туриб, у ҳар кунгидек бақлажонларини томоша қилгани борди; аммо, жўяк устига энгашиб қаради-ю, ранги қув ўчиб кетди. Чумоли босибди! Қизил чумоли, бақлажоннинг энг ашаддий душмани! Бебаҳо хазинасини қандай қилиб асраса экан? Кажоли ошхонага чопди, бир сават кул олиб келди-да, бақлажонга сепди. Юрагини ҳовучлаб, нима бўлишини кутиб турди.

Чумолилар таққа тўхташди. Кейин кулдан кўр бўлиб, ўсимликдан узоқроққа қочиб, тўрт тарафга тўзиб кетишди. Кажоли енгил нафас олди. Аммо, орадан бирор соат ўтказиб, бақлажон олдига яна бир келганида минглаб чумолилар яна ғужғон ўйнаб, бақлажонни босиб кетганди. Кажоли яна кул сепди.

Шу тарзда чумолилар билан олишиб кун кеч бўлди. Кажоли одатдагидек егулик нарсга ахтариб, на ҳовуз бўйига, на далага чиқолмади. Қоронғи тушди, аммо чумоли билан кураш ҳали ҳам давом этарди. Ону билан онаси Кажолига ёрдам қилдилар. Чумолилар бир миллиондан камга ўхшамасди. Эҳтимол, улар ҳам оч қолгандирлар. Одамзод уларнинг доимий овқатларини, бўз ерларда ўсадиган ўт-ўланларни тортиб олганди. Улар сира бўш келмай курашар эдилар. Ниҳоят, Кажоли ҳўнграб йиғлаб юборди-да, ўзининг мағлубиятга учраганини эътироф этишга мажбур бўлди. Чумолилар ҳали еб улгуролмаган кичкина-кичкина хом бақлажонларни онаси узиб олди; онаси ҳар бир бақлажонни узиб олар экан, Кажолининг юрагидан бир парчаси юлиниб олинаётгандек бўларди.

Ғира-шира тонг отиши биланоқ, Кажоли экинидан хабар олгани чопди. Чумолилар кетибди. Аммо, бақла-

жондан битта қолдирмай, ҳатто гулдан энди чиқиб келаётганларигача еб кетишибди.

Бу курашдан толган, дили вайрон бўлган Қажоли қўллари билан юзини беркитиб олди.

Энди лўялар қолди, Қажоли энди икки ҳисса ғайрат билан тинмай шуларни парвариш қилмоққа киришди. Лўянинг бақувват новдалари ингичка, нозик бурама мўйловчалар қўйиб, четан тўсиқ устига чирмашиб чиқаверди, новдаларда эса, аллақачон қорин қўя бошлаган дон халталар осилиб ётарди. Лўя ҳеч қандай ҳашаротлардан қўрқмайдиган кучли, бақувват ўсимлик.

Ховли тарафдан тўсатдан онасининг қичқириғи эшитилганда, Қажоли ошхонада атала пишираётган эди. У қўрққанидан югурганича ташқари чиқди. Онаси аччиғига чидамай, қалт-қалт титраб сигирлари Мангола олдида турарди. Бирдан қўлини кўтариб, Манголанинг тумшугига қарсиллатиб тушириб қолди.

— Ойижон!— деб ўзида йўқ қичқирди Қажоли, аммо, шу пайт нима гап бўлганини ўзи ҳам кўриб қолди. Четан девордан мўйлов ва донлари юлқиб олинган лўя поялари сўлиб осилиб ётарди.— Ойижон!— деб яна бадтарроқ қичқириб юборди Қажоли.— Лўяларим!

Ғазаб ва аламдан бўғилган она дарров жавоб қилолмади.

— Мангола еб қўйибди, балохўр.

Мангола-я? Оила аъзоси бўлган, онла билан шодликни ҳам, ғамни ҳам бирга тортнишиб келган Мангола еб қўйибдими? Қажоли қулоқларига ишонгиси келмасди. У ҳайрон бўлиб, хафаликдан нима қиларини билмай Манголага қараб турарди. Мангола бошини солинтириб жим турар, катта-катта кўзларида ғам акс ётарди.

Мангола озиб қуруқ суяк бўлиб қолганди, тарғил териси бориб устухонига ёпишганди. Кўп вақтлардан бери унга ем-хашак етишмасди. Барунида энди ўтлоқ ҳам қолмаганди, заминдор озиқ-овқат экинлари экиладиган ерни кўпайтириш учун уни ҳайдаттириб юборганди. Қишлоқ аҳолиси молларини сотиб юборган ва пода боқиш ҳуқуқидан маҳрум бўлиб қолган эди. Озиқ-овқат халққа барибир етиб бормайдиган бўлганидан кейин, экин майдонларини кенгайтиришнинг нима ҳожати бор экан? Ҳозиргача ўз охури олдида турган молларнинг ҳо-

ли нима кечади? Уларни бир неча мил узоқдаги, нариги қишлоқдаги ўтлоққа ҳайдаб бориб, боқиб келиш осон иш эмас, шу сабабдан ер ҳайдай бериб қариган икки ҳўкизни ўн беш сир гуручга айирбош қилиб юбордилар— ҳўкизлар ўзларининг ҳақиқий баҳоларидан ўн баравар арзон кетдилар; энди фақат Мангола қолди. Мангола кўп ойлардан бери тўйиб ўт емаган эди, ҳар куни у ҳовли юзида туриб, кундан-кун ўсиб бораётган лўяни, унинг буралиб-буралиб кетаётган мўйлови ва барра барглари-ни узоқ-узоқ томоша қиларди. Кундан-кун ундан кўзини узмас, қийналар, тобора ортиб бораётган очлик ҳиссига берилишдан ўзини зўрға тиярди. Мана бугун Мангола ортнқ чидай олмади.

Кажоли буларнинг ҳаммасини бир лаҳзада англади.

Онаси аччиғидан жониворни ҳали ҳам қарғамоқда эди.

— Қарғайверманг уни, ойи,—деб Манголанинг ёнига тушди Кажоли. — Наҳотки дилини сиёҳ қилмоқчи бўлсангиз? Кўзига бир қаранг, ойи,—деб Манголанинг бўйишдан қучоқлаб олди, юзини унинг тарғил терисига суркаб, ҳўнграб йиғлаб юборди.

Она қизига қаради, кейин сигирга бир назар солди, гарчи сигирнинг катта-катта кўзларида ёш бўлмаса-да, онанинг назарида у ҳам йиғлаётгандек эди...

Анжир дарахтларида мева деярли қолмади, фақат энг учиди у ер-бу ерда кичкина-кичкина кўк соққалар кўзга ташланарди. Аммо Ону дарахтга чиқишга олмахондек уста эди. У ҳар бир шохнинг қанчалик эгилишини ҳеч янглишмай аниқлай билар, устига чиқса, ўзини кўтра оладими-йўқми ҳеч янглишмай айтарди — қизиги шуки, баъзан ингичка, кўринишдан мўрт новдалар устига ҳам чиқиб кетаверарди, шундай пайтларда новда эгиларди-ю, синмасди. Ҳамма ўртоқларининг унга ҳаваси келарди, улар беш-ўнтадан анжирни қўйнига солиб, пастки шохларда ўтиришар, Ону эса, улар тепасида шохдан шохга ўтиб юрар, қўйни анжирга тўлгандан тўлиб борарди. Анжир узганда ҳам жуда мароми билан узарди. Анжир меваси охирлаб қолганди. Дарров тугаб қолмаслиги учун хиллаб, оз-оздан узиш керак эди. Ону фақат пишиб етилган меваларни узиб оларди—буларни узиб олмасанг, ба-

рибир бир-икки кундан кейин сарғайиб, сўлиб қолади, мазасини йўқотади.

Пастдаги шохларда ўтирган болалар ғурурини босиб, бундай баландга чиқиш қўлларида келмаганидан алам қилиб:

— Бизга ҳам озгина ташла,— деб илтимос қилишарди.

Ону бир шохни анжир-панжирни билан узиб пастга ташлади. Болалар шошиб-пишиб пастга тушишди, офтобдан кўзларини қисиб осмонга қараганча дарахт тагида тўпланишди. Лекин шохлар орасида кўзга сал-пал кўриниб турган Ону бошқа ташламади. У пастга тушиб кела бошлади.

— Яна ташла, Ону,— деб қичқиришарди унинг мўлжалини билмаган болалар.

Аммо Ону қатъий бир қарорга келиб қўйганди. Фақат ўзи чиқа оладиган баланд шохлардаги анжирлар унинг яширин хазинаси бўлиб қолади. Бошқа болаларнинг уларда ҳақи йўқ. Ўзлари учун ўзлари ҳаракат қилишсин.

Худбинлик унга ёт нарса эди. Совғага олган нарсаларини у доим ўртоқлари билан баҳам кўрарди. Лекин очарчилик унинг бегуноҳ, юмшоқ кўнглини тош қилиб юборди. У фақат ўзини ўйлайдиган бўлиб қолди. Ўзидан бошқа ҳеч ким узолмайдиган дарахт учигаги ёввойи кўк анжирларни худди ўз мулкидек ўзига, онасига ва опасига сақлаб қўйди.

Ерга сакраб тушди-да, орқасига қарамай, далани кесиб уйи томон юриб қолди. Болалар ҳайрон бўлиб, олдин бирпас жим туришди, кейин бирдан шовқин-сурон кўтаришди. Болалардан бири:

— Ушла ўғрини!— деб қичқириб юборди.

Ҳаммалари Онунинг орқасидан югуришди.

Уятдан Ону қип-қизариб кетган, юзи ўт бўлиб ёнарди, негаки, ўзининг пастлик қилаётганини билиб турарди, уялганини яшириш учун жаҳл билан болаларнинг жиғига тегиб:

— Сизларга нима керак!— деб қичқирди.

Онунинг ич-ичига кириб кетган қорни атрофини қўйлак ичидан қаппайтириб турган анжирларга уч жуфт кўз кўролмаслик билан тикилган эди. Улардан бири яна:

— Ўғри! — деб қичқирди.

Бошқалари ҳам унга жўр бўлдилар:

— Ўғри!

— Мен ўғри эмасман,— деди Ону, бош чайқаб.— Узиб тушганим ўзимники. Ўзинглар узиб олаверинглар, ҳали анжир кўп. Тўғриси ҳамманглар қутурибсизлар, ҳа, қутурибсизлар!

Бунга жавобан унга яна бўғилиб: «Ўғри!» деб ўшқирдилар-у, бир лаҳзадан кейин, худди келишиб олгандек бирдан Онуга барабарига ташландилар. Улар Онуни уришар, сочларидан тортишар, анжирларини тортиб олишга уринишарди.

Ону бир қўли билан анжирга тўла қўйинини ушлаб олиб, иккинчи қўли билан ҳамлани даф қилиб турди. Тўртала бола ҳам тенгдош эдилар, тўрталасининг ҳам очликдан эти бориб устухонига ёпишганди, бундан бир минут бурун қалин дўст эдилар, аммо, ҳаёт учун кураш улар орасига низо солди, учтасини биттасига қарши бирлаштирди. Ону юзи билан ерга йиқилди, аммо тўғри келган ерига келиб тушаётган мушт зарбларидан, тортқилашганидан кўйлаги тириллаб йиртила бошлаганини сезиб, бор кучини тўплаб қаддини ростлади-да, ўтириб олди. Саналиб қолган қовурғаларини терлаб кетган териси остида ўйнатиб, ҳансираб нафас олиб туриб, болалардан бирининг елкасини шартта тишлаб олди. Бола жон аччиғида қичқириб юборди-да, Онуни бор кучи билан итариб юборди. Ону яна йиқилди. Йиқилар экан, боши синиқ ёштнинг қиррасига тегди-да, кўзини ҳам очмай, шу чўзилганича ётиб қолди.

Болалар қўрққанларидан ранги ўчиб, унга индамай қараб турдилар. Кейин тўрт томонга қараб. ура қочдилар.

Лекин кўп ўтмай улардан бири қайтиб келди. Шундай жазирама иссиқда беҳуш ётган дўстига қаради; оғзи-бурни лой-тупроққа тўлган, чаккасида сизиб чиққан қон қотиб қолган эди. Бирпас ўйлаб ва бурнини тортиб олиб, бола шу яқин орада бўлган ҳовузга югурди, бориб дхўтийсининг этагини ҳўллаб олди-да, орқасига югурди. Онунинг олдига келиб; чаккасидаги ярани тозалаб юва бошлади. Дўстининг кўзи очилиб келаётганини кўриб, унинг қулоғи тагигача эгилиб:

— Ону! Кўзингни оч, бҳойи,— деди.

Кейин, йиғламоқдан бери бўлиб:

— Ону бҳойи, ўлма!— деб қичқирди.

Бирпасдан кейин Ону ўзига келди, қуёш нуридан

кўзини қисиб, бошқа тарафга ўгирилиб олди. Боши ҳали ҳам ғувилларди, аммо, шу пайт анжирлари эсига тушди, улардан ажраб қолмадиммикан деб кўрқиб, сал ўрнидан турди. Лекин анжирлари сарғайиб кетган ўтлар орасида яққол ажралиб, сочилиб ётарди. Дхўтийси қорнидан иккига ажраб кетганди, бу бахтсизликни кўрган Ону жаҳл билан лабини тишлади, кўзлари чақнаб кетди.

— Аблаҳ! — деб лабини янада қаттиқроқ тишлади.

Бироқ, ўртоғи бундан хафа бўлмади. У хурсандлик билан илжайганча анжирларни йиғиштира бошлади. Битта ҳам қўймай, ҳаммасини бир ерга тўплади-да, ўртоғининг дхўтийсининг йиртилган ерини бир амаллаб тугиб, анжирларни қўйнига солиб қўйди, кейин бош чайқаганча:

— Мен сени урганим йўқ, Ону-бҳойи,— деди ёлғон гап рост бўлиб қоладигандек бетўхтов бошини чайқаб.

— Мен фақат сингилчамга бир-иккита олмоқчи эдим-да,— деди у, қуриб қолган томоғини хўллаш учун тупугини ютиб.— У энди тўртга кирди. Унинг ошқозони бизникидай чидамли эмас. У сув ўтларини ҳам, ўрмон ўтлари илдизларини ҳам ея олмайди. Пишган анжирни еса, ҳеч нарса қилмасди. — Боланинг юзидан табассум ғойиб бўлди, кўзларига ёш келди.— Бўлмаса сен билан уришиб ўтирармидим, бҳойи?— деб у бошини қуйи солди, қўли билан кўзларини артди, пишиллаб қолди.

Ону ўртоғининг сингисини биларди. Уларнинг отасини ҳам Онунинг отаси сингари кишанлаб, маъмурларга қаршилиқ кўрсатгани учун қамоққа олиб кетишган эди. Роби ҳам худди Ону сингари оиладаги биттаю битта эркак бўлиб қолган эди.

Ону йиртиқ дхўтийси тугунини ечиб, анжирларнинг ярмисини ўртоғи олдига қўйди:

— Энди ҳар кун топганимизни тенг бўламиз, бҳойи, тенг бўламиз. Ҳали дарахт учида анчагина бор.— У ўртоғидан ҳам кўра кўпроқ ўзига далда бераётгандек туюларди.— Энг учидаги шохларга ҳам қўлим етади.

Дўстининг бундай ҳиммат қилиб юборганидан Роби яна ҳам қаттиқроқ пишиллаб қолди.

— Йўқ, бу жуда кўп. Менга бир ҳовуч берсанг бўлади, бҳойи. Мана шунча берсанг етади,— деб у қўлларини ҳовуч қилиб кўрсатди.

— Йўқ, ҳаммасини олавер,— деб гапида туриб олди Ону.

Унинг ўзи ҳам пишиллаб қолган эди. Миясига лоп этиб, уни жон аччиғида итариб йиқитган боланинг ҳам кичкина укаси борлиги тушиб қолди. Унинг кисон отаси майиб бўлиб қолганди; полиция отган ўқ унинг биқинига келиб теккан, оёғи қайрилмайдиган бўлиб қолганди. Кичкинтойларни эса, боқиш керак. Вишну очликдан ўлар ҳолга келган укасига анжир топиб бериш учунгина ана шундай жон ҳолатда уришган эди. Онунинг юраги сиқилди.

Шунча одам оч-а! Ону дарахтда қолган анжирларнинг қанчалигини кўз олдига келтиришга ҳаракат қилиб, уларнинг ҳисобини ола бошлади. Катта шохлардан туриб олса бўладиганлари кўпга етмайдн, уларни олиб бўлгандан кейин, ҳар тарафга тарвақайлаб кетган узун, ингичка шохлардан юриб, уларнинг учига боришга тўғри келади. Бу шундай қўрқинчли ишки, асти қўясиз! Пақ этиб йиқилиб, пачағи чиқса-ю, ўлиб қолса, нима бўлади? Кекса Ҳорийга ўхшаб оёғи синиб, бир умрга майиб бўлиб қолса-чи — ахир Ҳорий ҳам дарахтдан йиқилиб чўлоқ бўлган-ку — унда бутун умри қўлтиқтаёқ билан юрадими? Бунинг устига Ону ҳам ҳозир дарахтга илгаригидек эпчиллик билан чиқолмайдиган бўлиб қолган — очликдан заифлашиб кетганидан шундай; қўллари титрайдиган, боши айланадиган, кўзлари бирдан тиниб кетадиган бўлиб қолган, йиқилиб кетмаслик учун кучининг борича шохларга тармашишга мажбур.

Қўрқув ва дил хасталикдан қийналаётган Ону йиғлаб юбормаслик учун кўзларини пирпиратиб, ўзини зўрға босиб турарди. Онаси билан опаси фақат ўт-ўланлар ва илдизлар билан тирикчилик қилишларига йўл қўймайди. Ўртоқларининг укалари билан сингиллари эса, бундай овқатни ҳеч ҳам ҳазм қилолмайдилар! Ҳа, анжир дарахтининг одам оғирлиги остида эгилиб-эгилиб кетаверадиган ингичка, нозик шохларига тармашиб, энг учига чиқишга тўғри келади. Уни ўз ҳислари қўлга туширди. Бошқа илож йўқ эди.

## ЎН ИККИНЧИ БОБ

Дехқон она ғамгин кулиб қўйди: қишлоқдан анча узоқдан бўлса ҳам, ҳар ҳолда, Манголага яхши ўтлоқ тополган эди. Сигирни арқонидан судраб, чарчаганидан оёғини зўрға судраб босиб, бир соатдан ортиқ дала кезди,

ниҳоят, шундай дарё бўйида, ҳатто четан билан тўсиб қўйилмаган, демак ҳамма учун ҳам очиқ бўлган мана шу ўтлоқни кўриб қолди. Пода боқиладиган илгариги ерларни ҳукуматнинг буйруғи билан ҳайдайтириб юбордилар — деҳқонларга шундай деб айтишди; нарироқдаги бошқа ўтлоқ ерларга мол ҳайдашни нима учундир тақиқлаб қўйишди; атрофда изғиб юрган мол сотиб олувчилар бу ишларни ўжарлик қилаётган деҳқонларни мол сотишга мажбур этиш учун гўё жўрттага қиялптилар деб ўйлаш мумкин эди.

Мол боқадиган жой бўлмагандан кейин уни сотишдан бўлак қандай чора қолади, ахир? Ичига суяк тўлдирилган қуруқ тери қопдан хўжаликка нима наф бор дейсиз? Сутми? Сигирларнинг сути қуриб кетганди. Бундай моллардан зарардан бошқа гап йўқ. Барибир бекорга ҳаром ўлиб кетади. Ундан кўра молингни сотиб, пулига очликдан силласи қуриган ўғилларинг билан қизларинг оғзига тутиш учун гуруч олганинг яхши эмасми? Ўз болаларингга ҳам ачинмайсан-а, нима, юрагинг тошданми?

Аммо деҳқон она сигирни сотмоқчи бўлганида ҳам, Ону билан Қажоли бунга сира ҳам йўл қўймаган бўлардилар — иккаласи ҳам Манголанинг пулига келган гуручга қўл теккиздандан кўра, очдан ўлишни афзал қўрган бўларди. Тўғри-да, нега десангиз, Манголанинг гўштини егандек бўлардилар, Мангола эса, бу болаларга оддий бир ҳайвондан ортиқ бўлиб қолганди; унга шундай ўрганиб қолишган эдики, уни сигир деб эмас, одам деб қарашарди. Мангола уларни сути билан боқиб катта қилди. Мангола уларнинг овозидан танир, уни чақиришса, шодлик билан маъраб жавоб қиларди. У ўзининг янги туғилган болалари билан ўйнашларига йўл қўйиб берар, кичкиналарнинг ўйнашганига ақлли катта кўзлари билан қараб турарди (ўзи ҳам тарғил бузоқча бўлиб шу уйда дунёга келган эди). Қишлоқма-қишлоқ юриб, мол сотиб олиб юрган одамлар уларни сўйишга олаётганини ким билмасди дейсиз? Одамларнинг айтишича, Банголда жуда катта армия турган эмиш, унда ҳамма тоифа ва ирқлар аралаш-қуралаш бўлиб кетган эмиш, уларни боқиш учун эса, жуда кўп гўшт керак. Қишлоқ подалари тез сийраклашиб борарди. Мол сотиб олувчилар пулни аяшмасди: лекин баъзан «худбин» деҳқонларнинг «тош юраклигига» ҳайрон қолардилар: болалари очдан ўлар

ҳолатга келиб қолган-у, молни сотишга кўнмайдилар-а!

Бугун тақдир деҳқон онага ҳиммат қилди. У Манголага юраги ачимай қарай олмасди; тарғил териси ости-дан суяклари туртиб чиқиб турар, кўзлари қўрқув ва ялинчоқлик билан боқар, ҳатто маҳкам эгри шохлари ҳам озиб қолгандек туюларди, ҳеч қаердан бир чимдим бўлсин ўт тополмай, кун бўйи чўзиб-чўзиб маърарди (қадим замонлардан бери қишлоқ подаси боқилиб келинган, барра ўтлар ўсиб ётган кенг ўтлоқларни қоровуллар мол киргизмай, зийраклик билан сақлашарди). Манголани кўп ойлардан бери томга ёпилган шоли похол билан боқиб келишди, у ҳам тамом бўлди. Уйдаги битта хонадан бошқа ҳамма томлар очилиб қолди, баъзан бир неча кун кеча-кундуз тинмай қуядиган ёғингарчилик кунларидан бутун онла ўша битта хонада жон асрар эди; бундай ёмғирли кунларда деҳқон она, унинг болалари, ҳатто Мангола ёмғирнинг шариллаб қуйиши ва етти телбага ўхшаб ўкириб ётадиган оомон етти шамолининг гувиллашига қулоқ солиб, зах уйда бир-бирларига суқилишиб ётишарди. Лекин мана энди, деҳқон она темир йўл кўтармасидан ошиб ўтишга юраги бетлаб, дарё бўйидаги мана шу ўтлоқни топгандан кейин — ўтлоқ, афтидан, темир йўл компаниясига қарашли эди — Мангола оч қолмайдиган бўлди. У энди тўйгунича ўт еяверади, эҳтимол, керагидан ҳам ортиқ ер, бир ҳафта-ўн кундан кейин, қарабсизки, ҳозир шалвираб ётган терилари илгаригисидек таранг тортилади, ялтироқ бўлиб кетади.

Она Манголанинг иштаҳа билан ўт ейишига қараб, бекор ўтира олмас эди. Кундаги куйманчиғини қилиш — болалари билан ўзига еса бўладиган илдиз-пилдизлар ахтариши керак эди. Она дарё бўйида секин-секин айланиб юрар, ҳар замон-ҳар замонда эгилиб, ердан учраб қолган ёввойи қачу ўсимлигининг йўғон пўстини ёки бирор нотаниш ўтнинг илдизини юлиб оларди, уйда буларнинг лойини ювиб, майдалаб тўғраб, бир чимдим туз солиб, қайнатиб еса бўлади. Шундай илдизлар ҳам учраб қолардики, қайнатиб есанг, юрагингга санчиқ киргизиб юборарди, бундай илдизларни иккинчи марта узмас эдилар, аммо, ошқозонга тошдек оғир жойлашиб, фақат қорин оғритиб қўя қоладиган илдизлар ҳар кунги овқат ҳисобига кирарди; танлаб ўтиришнинг сира ҳожати йўқ эди, ич-ичингдан сўриб ётган очлик қуртини бир оз ал-

даш учун ичга бир нарса кирса бас эди. Ҳамон очлик азоби билан қорин оғриғи азобидан бирини танлашга тўғри келган экан, қорин оғриғи азобини танлаш афзалроқ эканини деҳқон она яхши биларди.

Ҳар замонда бир у сорийсининг этагига тугиб қўйган бир ҳовуч гуручни ушлаб-ушлаб қўярди, шунда хурсандликдан юраги гупиллаб уриб кетарди. Ҳозир уйда гуруч энг нодир таом бўлиб қолганди. Бир вақтлар у деҳқон оиласидаги ҳар кунги энг оддий овқат эди. Бангол далаларида ҳаммага ҳам етарли шоли етиларди. Аммо деҳқонлар таланган ҳозирги кунларда у эришиб бўлмас нарсага айланди; ҳукумат билан савдогарлар бутун шоли ҳосилини бозор баҳода сотиб олдилар, лекин пул лаҳза сайин қувватини йўқотиб борди, ҳозир эса, ўзлари сотган ўша шолини сотиб олиш учун ўн ҳисса кўпроқ пул тўлаш лозим эди! Ҳар бир дона дон баҳоси олтин баравар бўлиб кетди. Сорий этагига тугилган бир сиқим гуруч Манголанинг совғаси эди. Эрталаб қишлоқ дўқони олдидан ўтиб кетаётганларида Мангола бирдан таққа тўхтаб қолди ва бошини қаттиқ-қаттиқ чайқади. Сенга нима бўлди, Манголажон! Кўзингга бирон нарса кирдими? Ё қулоғинг кирини қарға чўқидими? Йўқ, кўзига ҳам ҳеч нарса тушгани йўқ, қулоғининг кирини қарға чўқигани ҳам йўқ. Бўлмаса, нима қилди? Мангола бошини яна қаттиқ-қаттиқ чайқади. Сигирнинг бўйнига осиб қўйилган кичкина мис қўнғироқ жаранглаб кетди. Мангола юрганда у доим жангир-жуңгур қилиб турарди, аммо ҳозир сигир жойида тек турар, қўнғироқни эса, жўрттага чалаётгандек эди. Она сигирнинг кўзига қаради-ю, бирдан гапнинг нимада эканини англаб қолди. «Зийнатингни қандай қилиб тортиб оламан, Мангола?» Аммо Мангола қаттиқ туриб олди, учинчи марта бош силкиб, қўнғироқни чалди, шундан кейин она юраги сиқилиб, қўнғироқни ушлаб туриб, у осиб қўйилган қизил каноп ипни еча бошлади. Мангола бундан очикдан-очиқ хурсанд бўлди. У ҳатто секингина маъраб ҳам қўйди. Она дўқонга кирди.

— Сигир қўнғироғи эмиш!— деб дўқондор лабини бурди.— Ҳозир сигир қўнғироғининг кимга кераги бор? Она енгил тортди.

— Ҳа, тўғри айтасиз,— деди она бош ирғаб ва дўқондан тезроқ чиқиб кетишга ошиқди.

Аммо шу пайт дўқондор уни тўхтатди.

— Тўхта-чи, она!

Миясига шаҳарда қўнғироққа яхшигина пул тўлашса керак деган фикр келиб қолган эди. Шаҳар магазинларида ўйинчоқлар етишмай қолганди. Бой-бадавлат одамларнинг болалари зерикиб қолмоқда эди.

Дўкандор унга гуруч билан ҳақ тўлади — беш ҳовуч гуруч берди. Она бунча гуручии кўп ҳафталардан бери кўрмаган эди. Вақт азоб-уқубат кўзгусида акс этиб, жуда каттаяр, шунинг учун шу ўтган ҳафтalar йилларга тенг эди.

Она қишлоқдан ҳам хурсанд, ҳам хафа бўлиб чиқди, Манголага қайрилиб қаролмасди. Қўнғироқ товуши энди эшитилмай қолди — Мангола энди илгариги Мангола бўлмай қолди.

Худди ана шу пайт она номаълум, қўриқланмайдиган ўтлоққа дуч келди-ю, кўнгли тинчиди. Сигир гуруч совға қилган бўлса, ўтлоқ совға олди. Агар билишганда, Кажоли билан Ону қандай хурсанд бўлган бўлишарди.

Темир йўл кўтармаси бурилишида бир хотин чўққайиб ўтирар ва қўллари билан юмшоқ ерни ковларди; ёнида ушоқ бир чақалоқ ётарди. Она яқинроқ келди. У бугунга етадиган илдиз йиғиб олган эди. Ортиқ йиғишнинг ҳожати йўқ, барибир, илдиз узоқ турмайди, қуриб ёғоч бўлиб қолади. Лекин анави хотиннинг нима топганига қизиқиб қолганди.

Аёл ёшгина, Кажолидан катта эмасди, кўринишдан, қилаётган ишига бутунлай берилиб кетганди. У тепасига бегона одам келиб қолганидан беҳабар қолди, унинг одим товушларини эшитмади. Ер тирсак бўйи қазилганди. Она тўхтаб, ҳайрон бўлиб уни кузатиб турди. Аёлниги ёнида ётган яланғоч бола секин йиғлаб юборди; аёл болани қўлига олиб, уни суйиб, меҳр билан ардоқлаб, овута бошлади.

— Энди қоринчанг оғримайди, ширин ўғлим, эркактойим. Тинчгина ухлайсан,— деди-да, болани чуқур ичига ётқизди, унинг новдадек ингичка қўлларини ичига чуқур ботиб кетган кўкраги устига қўйди, гўё ухлатмоқчи бўлаётгандек қўли билан силаб қовоқларини юмди, кейин эса, шошганидан қалтираган қўллари билан қабрга тупроқ ташлай бошлади.

Бадани музлаб кетган она қимир этолмай туриб қолди, тили калимага келмади. Бола бўғзигача кўмилгандан

кейингина ўзини тутолмай, жон ҳолатда қичқириб юборди.

Аёл ҳайрон бўлмади. У бошини буриб, атрофни тел-баларникидек олайган кўзлари билан бир назардан кечирди-да, яна ўзининг даҳшатли ишини давом эттирди.

— Энди қорнинг оғримайди, жоним болам,— дер эди у, меҳр билан ўғлини эркалатиб.

Она олдинга отилди, аёлни туртиб юборди-да, болани қабрдан тортиб олди.

— Ялмоғиз! Қотил! Ўз фарзандингни ўлдирмоқчимисан? Қайси дўзахдан чиққансан? Алвасти!

— Беринг! Беринг, менинг боламини,— деб зорланиб йиғлай бошлади аёл.— Унинг қорни оч, оч бўлганидан сира ухлаёлмаяпти; кўзлари юмилмаяпти... юмилмаяпти. Беринг, жойига ётқизиб қўяй, тинч ухласин,— деб у қўлини онага шундай шошилиб узатдики, гўё бирор зарур иши қолиб кетаётгандек эди.

Ғазабдан ўзини унутиб, она аёлнинг афти-башарасига шарақлатиб бир солди. Аёл унга маъносиз бир назар билан қаради-ю, қўлини туширди. Шундан кейин она аёлнинг чигал бўлиб кетган, чангга ботган сочидан ушлаб, кучининг борича тортди. Аёл қаршилиқ кўрсатмади, ҳатто оғриқдан қичқирмади ҳам. Мияси ҳам худди қорни сингари бўм-бўш эди. Она энди уни таниб қолди. Бу балиқчи йигитнинг, Канунинг ўртоғи балиқчи йигитнинг хотини эди. Лекин адои тамом бўлган бу аёлга қараб, бултур баҳорда келин бўлган шўх қизни ким танирди дейсиз?

— Бечора болам, очликдан жуда қийналиб кетди! Кўрдингизми, сира сутим йўқ,— деб у кўкрагини яшириб турган жулдур латталарни кўтариб кўрсатди.— Бечоранинг йиғлашга ҳам мадори етмаяпти. Жиндаккина ухлаб олса кошки эди! Сира уйқуси келмайди. Очликдан қорни оғрийди, доим оғрийди. Совуқ ерга кирса, кўзларини юмади, ухлаб қолади.

Она қабрга кўз ташлади, чўчиб тушди ва болани маҳкам бағрига босди. Бола жонсиздек, нурсиз кўзларини катта очиб ётарди.

— Юр! — деб аёлнинг қўлидан тортди, у қабр олди-дан тезроқ кетишга ҳаракат қилиб.

— Номус-е! Кичкинагина бола-я! Вақтида келиб қолмасам нима бўларди? Худолар шуни хоҳлаган!— деб у кафтини кафтига қўйиб, қўлини пешонаси олдига яқин

келтирди, бундан боланинг юзи унинг юзига тегиб кетди. Бирдан бундан кўп йиллар бурун нобуд бўлган кичкина ўғилчаси эсига тушиб кетди — у вақтларда ўзи ҳам ёш эди, боласи мана шундай ушоқ эди. У, боланинг совуқ юзларидан ўпди. Юраги қаттиқроқ уриб кетди.

— Эринг қани, балиқчи йигит?

Она оғир бир хўрсиниб қўйди. Тўй куни балиқчи йигит ҳамма ҳамқишлоқларига балиқ совға қилган эди, у ана шундай ўзида йўқ хурсанд бўлганди. Мана шулар унинг хотини билан ўгли...

— Кетган.

— Кетган, қаёққа?

— Ким билади дейсиз? Анави ёққа... — деб аёл номаълум томонни қўли билан кўрсатди.

Она тушунди. Қишлоқда битта ҳам йигит қолмади. Ҳаммалари тўрт тарафга овқат ахтариб кетишган. Биронтаси бўлсин қайтиб келди, деган гап эшитилмасди. Мана ўзининг куёви ҳам... Она яна оғир хўрсиниб қўйди. Кажоли олти ойлик ҳомиладор. Кишорга нима гап бўлдийкин? Кетганига уч ой бўлди.

— Сенга озроқ гуруч бераман, — деб она қиммат баҳо хазинаси тугиб қўйилган сорийсининг этагини кўрсатди. Дунёда бир сиқим гуручдан ҳам яхши тасалли берадиган нарса бормикин?

Аммо аёл бунга учмади.

— Бечора болагинам, у гуруч еёлармиди? Жуда кичкина-ку ҳали. Менинг эса, сутим йўқ. Сут сотиб олгани сариқ чақам ҳам йўқ. Тирик қолса, яна азоб чеккани-чеккан. Унинг қийналиб ётганига қараб туролмайман, — деб бирдан кўз ёшлари қуйилиб кетди, йиғидан бутун аъзойи қалтирарди. — Оҳ, онажон, нега боламни бунча қийнайсиз? У сизга нима ёмонлик қилди? Нега бечорани тинчгина ухлагани қўймайсиз? Қўлимда азоб чекиб ётибди, барибир ўлади, фақат секин-аста қийналиб ўлади...

Она беихтиёр қўли билан оғзини ушлади, бирор нарсадан ожиз қолганда ё шошиб қолганда шундай қиладиган одати бор эди.

— Менга қара, қизим, Қалкаттага кетсанг, қандай бўларкин; шу тўғрида ҳеч ўйлаб кўрмабсан-да, а? — деб юборди бирдан она, миясига келиб қолган фикрдан қизлишиб. — Ҳозир ҳамма Қалкаттага кетяпти — бизнинг жойлардан ҳам юзлаб кишилар ўша тарафга кетиб қолишди.

Балиқчинг ҳам ўша ердадир, эҳтимол. Ўша муъжизалар шаҳрида тўйиб-тўйиб сут ичасан, гуруч ейсан, янги сорий киясан. Калкаттада одамларда пул кўп. У эрининг одамлари ҳам камбағалларга яхши қарайди. Ёрдам қилишади. Ишга кириб оласан, яхшигина маош оласан! Хеч қандай гаминг қолмайди, ҳеч нарсани ўйламайсан. Кейин бир кун вақти келиб, ўғлинг катта бўлади, йирик жут фабрикасига ишга киради, ўйлаб қара — қандай ажойиб кун бўлади, у! Хўп деявер, қизим. — Онанинг овозида илтимос оҳанглари эшитилди. — Калкаттага бор. — У аёлга шундай бир ҳаяжон билан қараб турардики, гўё ўзининг тинчлиги ҳам худди шу аёлнинг нима дейишига боғлиқ эди.

— Калкаттага дейсизми? Калкатта узоқ, жуда узоқ. У чидай олмайди, бу узоқ йўлнинг ярмига етмасданоқ, йўлда ўлиб қолади. Бир томчи ҳам сут ичмай яна шунча вақт чидай оладими?

Она ожизлик билан атрофга кўз югуртирди, болага ачинганидан юраги пора-пора бўлиб кетганди. Кўзи кавш қайтариб, ўт устида ётган Манголага тушиб қолди. Шу пайт она тўсатдан ўзининг товушига сира ўхшамаган хириллаган бир товуш билан гапирди:

— Сигиримни ол. Сот. Муъжизалар шаҳрига бориб, ўзингни ва болангни қутқариб қол.

Аёл аввал сигирга, кейин онага қаради. Лак-лак тушиб кетган нурсиз кўзлари чақнаб кетди. Сувга чўкиб кетаётган одам нафас ололмай қола бошлаганда, ёрдамга ошиқаётган қайиқни, унга қўл чўзаётган одамларни кўрганда, ана шундай ҳолатга тушади. У ўзини онанинг оёқлари тагига ташлади, бошини ерга уриб ҳўнграб йиғлади. У чексиз ташаккурини ва онадан биттаю битта сигирини тортиб олиш ўзига ҳам жуда оғир эканини ана шу тарзда баён қилди. Унинг эс-ҳўши ўзига қайтди. У яна яшай бошлади. Қичкинтойи, қўзичоғи, ширин ўғил-часи унга шундай керак эдики, асти қўя берасиз!

Она буларнинг ҳаммасини кўриб ва тушуниб турарди. У аёлни ўрнидан турғазиб, қўлига боласини берди.

— Тезроқ йўлга туша қол! — деди у, аёл оч боласининг оғзига сутсиз кўкрагини солганига қараб турар экан.

Она Манголага узоқдан хайрлашув назари билан анчагача қараб турди; сигири ёнига бориб, унинг тарғил терисига охирги марта юзларини суркаб хайрлашишга

юраги бетламади — руҳан кучи етмаслигидан қўрқди. Шошилиб тескари бурилди-ю, тез-тез юриб, нари кетди.

Уйга Манголасиз қайтиб, болаларининг кўзига қандай қарайди? Улар бу гуручга қўл ҳам теккизмайдилар, бу гуруч уларга Манголанинг суяги билан терисидек туюла беради. Шундай экан, бу гуручни уйга олиб боришга арзийдими?

Она тўхтаб, орқасига ўгирилди ва балиқчининг хотинини чақирди, у аллақачон оёғи куйгандек сигир томон чопиб кетаётган эди.

Онанинг чақираётганини эшитиб, аёлнинг оёқ-қўли бўшашиб кетди. У она гапидан айнаб қолди шекилли, деб ўйлаган эди.

— Манави гуручни ҳам ол.— Овоз бўғиқ ва жонсиз эди.

Аёл кўкрагини ёпиб турган латтани юлиб олди-да, она гуручни тўкиб бериши учун ёзди.

Она Манголасиз ёлғиз ўзи қишлоққа олиб борадиган йўлдан келар экан, назарида, умрида ҳеч вақт мана шунчалик ёлғиз қолмагандек, ҳеч вақт шунчалик чарчамагандек туюлди. Ҳар қадамда тиззалари букилиб-букилиб кетарди. Йўл бўйига ўтириб, йиғлагуси келарди.

Лекин ўтирмади, оёғини судраб босиб, вақт ўтказишга тиришиб, бу кутилмаган зарбани Ону билан Кажоли қандай қарши олишларини қўрқув аралаш ўйлаганча қишлоққа қараб бораверди. Йўлда қўшни қишлоқлик бир таниш хотинга дуч келиб, бир-икки оғиз сўзлашгани тўхтади. Хотин ўзининг ёшгина қизи билан бирга келарди, иккаласининг ҳам эғнида янги сорий: онасининг эғнида кенг, тўқ қизил ҳошияли оқ сорий, қизи эса, тўқ зангори сорий кийиб олган эди. Бахт қуши уларнинг бошига қаердан келиб қўнди экан? Қийимларини қаранг-а! Бир вақтларда, осмону фалакдан кўра ерда ҳаёт кечириш осон бўлган вақтларда, бундай матолар тўқувчидан истаганча топиларди, лекин ҳозир улар ҳам худди гуруч каби отлиққа ҳам топилмай қолган. Ҳозир яланғоч баданни эски-туски, қирқ ямоқ латта-путталарга ўраб юришга мажбур эдилар. Яқинда она бир аёл қоп тикиладиган дағал матодан сорий кийиб юрганини кўрди. У хотин юрганда дон тўла қоп юриб кетаётгандек тую-

ларди, тўғрироғи, бири устига иккинчиси ортилган икки-та қоп юриб келаётгандек туюларди, фақат қоплар ярим-яримга ўхшарди. Унинг Кажолиси ҳам ўшандай дағал матога ўралишга мажбур бўлиб қолса, унда нима бўлади? Қизининг сорийси илма-тешик бўлиб кетди; ёш аёлга, айниқса, ҳомиладор аёлга сира тўғри келмайдиган кийим. Кажоли қопдан кийим кийиб юрганига она қандай қилиб чидаб тураркин? Ерми? Ерни сотаман деганда ҳам бунга мутлақо ҳақи йўқ-ку! Ерни фақат эри сота олади, ерни сотиш учун эри ўз қўли билан имзо чекиши ёки бармоқ босиши керак.

Мана Нири — келин бўладиган бўлиб қолди, аммо ҳали куёви йўқ-ку, заминдорнинг қизидек ясаниб олибди!

— Бахтинг кулиб боқибди-да, эгачи,— деди она.— Олтин замонлар қайтиб келибди сенга! Бундай ажойиб матога қарасанг, кўзинг қувнайди,— деб у қизнинг ярқироқ зангор сорийси этагини ушлаб кўрди.— Ушласанг, қўлинг ҳам роҳат қилади.

У сорий этагини қўлидағижимлаб кўрар экан, кўнглида ёқимли ҳис ғам-алам билан аралашиб кетганди.

Аёл қўлини пешонасига келтириб қўйди-ю, аммо ҳеч нарса демади.

— Хум-хумчаларингга бахт тўлибди. Бой куёв топибсан-да? Нирингни эрга беряпсанми? Кўринишдан, бўлажак куёв фақат келинга эмас, қайнана сига ҳам жуда меҳрибонга ўхшайди.

Нири эрга тегяпти эмиш! Бой куёв топган эмиш. Бирдан тушуниб бўлмайдиган бир сабабдан хотиннинг лаблари буришди, жон-пони чиқиб кетди.

— Менинг хум-хумчаларим ҳисобини олмай қўя қол, Онунинг онаси! Ҳар ким ўз дардини тортади. Мен сенга ёрдам қилолмайман, сен менга. Сенинг ҳам уйингда қизинг бор. Бор, йўлингдан қолма. Бизни ўз ҳолимизга тинч қўй.

У тескари ўгирилиб турган қизининг билагидан ушлаб олди-да, гўё аллақандай бир алам ич-ичини ўртаётгандек, чийиллаб қолди:

— Сенинг ишинг эмас бу! Менга овқат керак. Нирининг ҳам овқат егиси келади. Ўт-ўланларнинг илдизларини эмас, ротакам овқат — гуруч егимиз келади. Ахир бир кун сенинг ҳам овқатга қорнинг тўяди, негаки, сенинг ҳам қизинг бор. Йўлингдан қолма. Онунинг онаси! Менинг хум-хумчаларим билан ишинг бўлмасин.

Хотин йўлига қараб кетди. Она жуда ҳайрон бўлиб қолди. У нима гап бўлганига тушунолмади. Она у хотинга тегиб кетадиган ҳеч нарса дегани йўқ-ку. Нимага унинг бунчалик аччиғи чиқиб кетди экан? Суҳбат вақтида ғам-аламлар сал-пал ёдидан кўтарилган онани яна оғир ҳаёллар келиб босди. Энди Мангола йўқ эди.

Уй склетга ўхшаб қолган; бузилиб-ёрилиб кетган томнинг бамбуқ тўсинлари гўшти шилиниб олинган қовурғага ўхшайди. Кираверишда, остонадаги пиллапояда аллақандай нотаниш одамлар: ўрта яшар барваста бир эркак билан семиз бир хотин ўтирардилар — улар кийим-бошига ва умуман афти-башарасига қараганда, шаҳарлик одамлар эди. Она ҳайрон бўлиб, уларга яқин келди. Одат бўйича нотаниш эркак бўлгани учун у шошиб сорийсининг учини юзига туширди, аммо уни кўрган эркак меҳмон ўрнидан туриб, нари кетди, энди юзини очаверса ҳам бўларди. Шу пайт сакраб-сакраб, югурганича ичкаридан Ону чиқиб келди.

— Ойижон, қаранг! — деб қичқирди у, ҳовлиқиб. — Тотиб кўринг мазасини, — деб шошиб-пишиб онасининг қўлига ҳозирги очарчилик кунларидагина эмас, балки Олтин Замонларда ҳам қишлоқда нодир нарса ҳисобланадиган бир кесим сандеш<sup>30</sup> қистирди.

— Ону, ўғлим! — деди ширин сўзлик билан шаҳарлик семиз хотин. — Бу ўзингга, ўзинг еявер. Менда ҳали кўп. Онанг узоқдан келяпти, исиб кетибди, чарчабди, қўй, бирпас дамани олиб олсин. — Хотин оғзининг танабини қочириб, пржайганча онага ўғирилди. — Сиз ҳам бир тўйиб олинг, онажон.

Онанинг юраги жиғ этиб кетди. Сиз ҳам бир тўйиб олинг — худди шу гапни ҳозир йўлда эшитиб келган эди, ўшанда ҳам бу сўзларни айтган хотин унга аччиқ киноя, заҳарханда билан айтган эди. Лекин Ону Манголанинг йўқлигини сезмагани яхши бўлди — унинг бутун фикри ёди ҳозир қўлидаги сандешда эди.

— Кажоли! — деб қизини чақирди она. — Меҳмонларнинг оёғига сув бермабсан-ку. Меҳмонни шундай кутади-ми киши?

Кажоли ошхонадан алланарса деб жавоб қилди-ю, аммо шаҳарлик хотин гапга аралашди.

— Овора бўлманг, опажон. Бизга сув тутган эди. Лекин оёғимиз чанг бўлгани йўқ. Ахир яланг оёқ эмас-миз-ку. — У бирпас жим қолди-да, яна гапини давом эт-

тирди: — Оҳ, Кажоли-я! Бундай қиз қишлоқда топилмайди, қишлоқ нимаси, етти қишлоқдан ҳам топилмайди. Мен бутун вилоятни кезиб, оч қолганларга, камбағал бечораларга ёрдамлашиб юрибман. Бир ой ичида ўндан ортиқ қишлоқни айланиб чиқдим, лекин Кажоли... Кажоли шаҳарда ҳам истаган аёл билан ким чиройликка ўйнаса бўлади, қаранг-а, ҳали бу пардоз-андозсиз — лабига қизил сурилмаган, кўзларига сурма, юзига упалик қўйилмаган ҳоли-я, пардоз-андоз қилса борми, хотиржам бўлавернинг, ҳар қандай шаҳарлик қиз ҳам унинг олдида тушолмайди. Бу уйга омадим бир кулиб кириб қолдим! Худолар хоҳлагандан кейин шундай бўлар экан, — деб у кафтини кафтига қилиб, қўлини юқори кўтарди.

Она ҳайрон бўлиб меҳмонга қараб турарди. Қишлоқ-ма-қишлоқ кезиб, оч-яланғочларга ёрдам қилиб юрган бу қандай маъбуда бўлди экан? Эҳтимол, менга ҳам бирор ёрдам қилар? Онанинг юраги умид билан уриб кетди. Ё бирор ёрдам кўрсатиш жамиятидан келгандир. Она, қаердадир шундай жамият тузилган, деб эшитган эди. Бу олиҳиммат хотиннинг ўзи ҳам анча бадавлат кўринади. Тилла билагузук, қулоғида қиммат баҳо зирак, бурнининг чап тарафида минг тусда товланаётган тошли булоқи. Лекин онага ҳаммасидан ҳам меҳмоннинг сорийси кўпроқ таъсир қилди. Сорийси узун, то тўпиғигача тушади, бурмалари ҳам чиройли, энлик қилиб ўралган! Бу ерда, қишлоқда, бу сорийга кетган матодан учта сорий бичиб, учта хотинни кийинтириш мумкин. Битта сорийга шунча мато кетибди-я! Яна қандай мато денг, уқасини айтмайсизми!

— Мана, тотиб кўринг, опажон! — деб аёл конфетга тўла алюмин қутисини очиб, онага тутди, лекин она тортинди.

— Йўқ, йўғ-э, кейин ерман. Ҳозир ширинлик ейдиган вақтми, — деди-ю, аммо оғзидан сувлари оқиб кетди.

Хотин қистай берди:

— Бу шаҳар конфетлари, опажон. Олинг, ширинликни қачон еса ҳам бўлаверади. Мен хоҳлаган вақтимда, кунига тўрт маҳал, эҳтимол, ундан ҳам кўпроқ еяверман. Ўшанинг учун шундай семизман-да.

— Сиз семиз экансизми, — деди одоб юзасидан она. — Тўласиз, холос, хотин киши шундай бўлиши керак-да.

Мен сизга айтсам, бошимизга қора кунлар келишидан олдин мен сиздан ҳам йўғон эдим,— деб бу меҳрибон хотинга ёқадиған ширин сўз айтиш учун ёлғон сўзлаб юборди она.

Кейин чўнқайиб ўтирди-да, битта конфетни оғзига солди. Қаймоқли конфет оғзида секин-аста эрий бошлаганида шундай лаззат қилдики, асти қўясиз. Бутун бадани оромдан бўшашиб кетди, ҳузур қилганидан кўзлари юмилиб қолди.

— Ойижон, гуруч! Ойижон, лўя! Ёғ ҳам бор, ойижон,— деб Ону тўхтовсиз унинг қулогига шивирлар эди. Унинг оппоқ оқариб кетган юзи шодликдан очилиб кетган эди.— Диди ошхонада ўчоққа ўт ёқиб юборди, гуруч ювяпти. Онажон, мен уч ҳисса кўп овқат еб оламан. Мен...— деди-ю, гапи чала қолди, очликдан қорни ичига тортиб, оғриқдан башараси буришиб кетди.

Унинг гапини эшитиб турган меҳмон хотиннинг лўппи юзи кулгидан ялпайиб кетди.

— Мен сизларга уч ойга етадиған гуруч ташлаб кетаман. Пул ҳам бераман — йигирма рупия ҳозиргидек оғир кунларда она билан ўғилга бутун бир давлат. Бечора қиз, ўчоқ олдида овора бўлиб қолди, тутундан кўзлари ёшланиб кетди. Ошхонангизга ҳам бир кириб чиқдим. Ўт ёқишга қуруқ таппи ҳам йўқ экан — бечора ҳўл ўтинни ёқаман деб, пуфлай бериб кўзидан ажралмаса. Ёш нарсага нима азоб бу? — Хотин бош чайқаб қўйди.— Шу ҳам иш бўлдики!

— Таппи дейсизми? Бизнинг Мангола шундай кам овқат ейдики...

Онанинг гапи оғзида қолди, тилини тишлади. Тентак! Манголанинг номини тилга олиб нима қиларди? У чўчиб ўғлига қия боқди. Бегона одамлар олдида йиғлаб берса, тўполон кўтарса, нима бўлади? Лекин Онунинг қулогига ҳеч гап кирмасди. Унинг бутун фикри-хаёли гуруч, лўя ва ёғда эди. Буларнинг ҳаммаси аллақачон кўвада қайнамоқда эди. Оҳ, диди тезроқ бўла қолса нима қиларкин-а? Бўла қолинг, диди!

Шу пайтгача бир четда индамай папирос чекиб ўтирган эркак бирдан тилга кириб, ҳамроҳига қаттиқ қилиб:

— Гапни бошлайвер энди,— деб қўйди.

— Ҳозир эмас,— деди аёл.— Кейинроқ. Олдин овқат еб олишсин.

Она юрагида пайдо бўлган ташвишни яширолмади.

— Гапираверинг,— деди у, — гуруч ҳали дарров пишмайди.

Она юрак ҳовучлаб, хотиннинг оғзига қаради.

Хотин эса, томоқ қириб олди.

— Бўлмаса, қулоқ солинг,— деркан кичкина-кичкина, тикандек кўзлари атрофга югуриб қолди, овози пасайиб, сирли тус олди.

— Қизингиз маликалардек яшайди. Шундай чиройли, шундай бебаҳо қиз экан, у! Шаҳарда у ҳамманинг ақлини олиб қўяди, нақ эсдан оғдиради-қўяди: қадами теккан ерни ялашади, мени айтди дерсиз. Қорнига сиққанича овқат ейди. Бири биридан яхши, қўша-қўша сорийлар кияди, қиммат баҳо зийнатлар тўғрисида гапириб ўтирмай ҳам қўя қолай — тилла билагузуклар, узуклар, марваридлар, гавҳар зираклар. Мен сизга ҳам сорий олиб келганман, мана қаранг.—У эпчиллик билан аллақандай бир тугунни очиб ундан иккита сорий олди: бири қизил ҳошияли оқ, иккинчиси ярқироқ зангори рангга бўялган сорий эди. — Сизга ҳам янги сорий жуда зарур-ку, опажон. Худоларнинг хоҳиши билан уйингизга бир адашиб келиб қолдик-да, бўлмаса, эгнингиздаги жулдур титилиб кетгандан кейин нима қилардингиз — ҳадемай титилиб кетади ҳам.

Хотин онанинг бошқа сорийси йўқлигини бир қарашдаёқ билиб олганди.

Она қимир этмай турар, бўлаётган ишнинг маъноси секинлик билан, жуда секинлик билан унинг миясига етиб борган сари, бадтар ҳуши оғиб, лом деб оғиз очишга ҳам ҳоли келмай қолди. Бундан бир соат олдин, ёшгина жувон боласини тириклайин ерга кўмаётганини кўриб қолганда, худди шу аҳволга тушган, на тили калимага келган, на қимирлай олган эди. Фақат лаблари лип-лип учарди.

— Ажойиб меҳмонхонада ўзининг алоҳида хонаси бўлади. Миждозларимизнинг ҳаммаси ҳам бой-бадавлат, баобрў одамлар — бошқа одамларни киритилмайди. Пулни пўчоқча ҳам кўришмайди. Ҳозир мамлакатда пул кўпайиб кетган, Буюк Мўғуллар давридан бери минг йиллар давомида одамлар бундай серпул бўлмаган эди. Бойлар пулни қўйгани жой тополмай қолишган, орқа-олдига қарамай, совуришгани совуришган. Пул сарф қилишдан бошқа нимага ҳам керак? Қизингиз баъзи нарсаларни ўрганиб олади—лозим нарсаларни унга ўзим ўргатиб

қўяман, ана ундан кейин ишларимиз юришиб кетади. Бойиб олгандан кейин, мендек нотавон бир хотинни ўзи сийлайди, биламан, оқ кўнпил, олижаноб қиз, у.— Хотин бир кўзи билан айёрона кулиб қўйди.— Бу нотавон хотин ҳам доим мана шундай бесўнақай семиз бўлган эмас. У ҳам келишгангина эди. Бир вақтлар унинг юзи ҳам Кажолиники сингари чиройли, ёқимли эди. Мижозлари орасида биласизми ким, худди. . .

Ниҳоят она тилга кирди.

— Йўқол бу ердан! — деб қичқирди у.— Йўқол ҳозир, алвасти!

Хотин қовоғини солди, лекин боягидек хотиржамлик ва мулойимлик билан гапида давом этди:

— Қизишманг, опажон. Ўйлаб кўринг. Мен ахир, ҳозир олиб кетаман деяётганим йўқ-ку. Дарёда қайиғимиз турибди. Биз фақат эртага кечқурун йўлга чиқамиз, нега десангиз, ҳали баъзи бир ишларимизни тугатиб олишимиз керак. Жаҳл қилгандан нима чиқади? Аччиқ гапирш билан кўз олайтиришнинг нима ҳожати бор — бир ёрдам берармиди? Нимага умид боғлайсиз? Кўриб турибман, ҳатто молхонангиз ҳам бутунлай бўшаб қолибди. (Она ўша тарафга гуноҳкорларча шошиб назар ташлади.) Ё йигирма рупия камми? Нима ҳам дердим, ўнлаб қишлоқда ўн марталаб шу баҳода тўлаб келган бўлсам ҳам, яна орттиришга розиман: йигирма беш, боринг ана, ўттиз рупия бераман, аммо бундан ортиқ бермайман. Ишимизга катта одамлар бош. Мен фақат ширинкома оламан, холос. Ҳозир замона оғир. Бутун ўлкада одамлар очидан ўляпти. Қизингизни боқадиган нарсангиз борми? Илдизми ишонганингиз? Бир ойдан кейин бутун Банголда битта илдиз ҳам, дарахтларда барг ҳам қолмайди, ҳатто ўтлоқлардаги ўт ҳам тугаб кетади — ҳаммаси одамларнинг қорнига кириб кетади. Қизингизнинг яшашини нега истамайсиз? То қоқ суяк бўлиб қолгунча кундан кун сўлиб боришига ва ўлишига қандай қилиб қараб турасиз?

— Жўна бу ердан, жодугар! — деб яна қичқирди она, лекин овози бўғиқ чиқди. Шаҳарлик хотин бир нарасага тушунгандай кулиб қўйди.

— Кеча қайиғимизга олти яшар бир қизчани олиб келдим. Онасига ўнта кумуш рупия тўладим. То баловатга етгунча меҳмонхонамизда юшиб-тараб, энини бут-

лаб, қорнини тўйғазиб тарбия берадилар. Ашула айтишни, ўйин тушишни, пардоз қилишни ўргатадилар. Ана ўша қизнинг онаси бундан уч ҳафта бурун оғзимни очар-очмас менга ғазабланган йўлбарсдек ташланди! Кеча олдиға яна бир кирган эдим, бечора хотин кўз ёши қилиб қарши олди, қаршимда тиз чўкиб, пешонасини ерга шундай уриб йиғладики, пешоналари ёрилиб кетди. Лекин менинг ундан жаҳлим чиқиб, қизига аввалгидан икки рупия кам тўладим. Шунча вақт ўжарлик қилганининг оқибати ана шу бўлди.

Хотиннинг юзидаги мулойимлик йўқолди, онага тикилган кўзлари қаҳрли ёнди.

Она қалт-қалт титрарди.

— Ифлос оғзингни очиб кўр-чи. . . — она у ёқ-бу ёққа қараб, томдан тушиб ётган бир бамбуқ таёқни қўлиға олди,—яна битта сўз айтсанг, мана шу таёқ билан афти-башарангга тушираман, алвасти.

У таёғини кўтариб, силкита бошлади; ошхонадан югуриб чиққан Қажоли юраги ёрилиб:

— Ойижон, ойижон!— деб қичқариб қолди.

Шаҳарлик хотин қаршисида ғазаб тимсолидек турган онаға қарар, унинг очликдан ич-ичиға кириб кетган чакакларини, лак-лак тушиб кетган кўзларини, терини тешиб юборай деб турган жағ суякларини назардан кечирарди. Бу сохта ғурур қанча вақтга етаркин? Кейин синов назари билан қизига қаради. Оч қолавериб Қажоли яна ҳам чиройли бўлиб кетган эди. Ориглаб кичкина бўлиб қолган юзида чақнаб турган кўзлари яна ҳам катта бўлиб кўринарди. Ҳомиладор бўлгани учун тўлишган кўкраклари оч қолаверганидан кичкина-кичкина бўлиб қолганди. Шу маҳалгача шаҳарда кўрилмаган алоҳида бир ҳусн эди бу. Таассуротларнинг ҳар хил бўлишини хоҳловчи шаҳарликлар ўртасида катта ғалаба қозонган бўларди. Ҳа, яна бир уриниб кўришга арзийдиган қиз, деб хаёлидан ўтказди семиз хотин.

— Овқатинг пишдимми, Қажоли?— деб сўради у, тилидан бол томизиб.

— Ҳамма хайр-эҳсонингни олиб, жўна бу ердан!—деб она ошхонаға югурди, лаҳза ўтмай лўя ва гуруч солинган халталарни, ёғ солинган кичкина кўзачани олиб чиқди.— Иккинчи остонамни ҳаром қилма!

— Шундайми! Ҳали шундайми!— деди-ю, семиз хотин ғаниматини қўлга кирғизишға жуда ишонган лочиндек

кўзини Кажолидан, унинг туртиб чиққан қорнидан узмади. Қоринда ўсиб, етилаётган бола — муваффақиятнинг калити. Вақти келиб, боласи яшаши ва тўқ бўлиши учун бу қизнинг ўзи ўзини унга таклиф қилади, ҳали!

— Пишаётган гуруч ўзингга қолаверсин. Жуда бўлмаса бир марта тўйиб овқат ерсизлар,— деди у, мазақ аралаш ачиниб.

Лекин она оловдан энди жўтариб қўйилган кўвани латта билан ушлаб, яна ошхонадан чиқиб келди.

— Ол, олиб келганингни, бу овқат эмас—ахлат. Ахлат бу! — деб ҳали пишиб етилмаган масаллиқни ерга ағдариб ташлади.

Шундан кейин семиз хотин юзидаги ниқобни олиб ташлади, унинг бутун ярамасликлари очиқ намоён бўлди. Жуда соз, бу зиёфатдан буларнинг қорни тўйиб қолса, қуруқ суякларига сал-пал эт битар, заиф баданга бир оз қувват қўшилар эди-да, мақсадига яна бир кун кейинроқ етишган бўларди. Ҳа, ҳа, бу ҳам худоларнинг амри.

— Қани, кетдик!—деди шу вақтгача лабининг бурчига папирос қистириб, бир четда индамай кузатиб турган эркак.— Қишлоқи-ей!—деб қўйди у, тишини қисирлатиб.— Миясини еган қишлоқи! Бунинг қилган ишларини кўрса, чумчуқнинг ҳам энсаси қотиб, тупурган бўларди!—деди-да, ўзи оғзини тўлдириб тупурди.

Семиз хотин эса, дон-дун солинган халталарини йиғиштириб, эркакка узатар экан, кетиш олдидан унинг гапига қўшимча қилди:

— Маълум-ку, мол бўлгандан кейин гуруч ермиди, ўт ейди-да!

Ону ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Гуруч йўқ. Кўвача бўш — қорин ҳам худди ўша кўвачадек бўш. Фақат бояги овқатнинг ҳиди димоққа урилиб, иштаҳани қитиқларди. Кажоли бошини қуйи солиб, лабини тишлаб, қуйилиб келаётган кўз ёшларини зўр билан ютиб, жим ўтирарди. Она эса, узоқлашиб бораётган меҳмонлардан кўз узмай, остонада қараб турарди. Бирдан лоп этиб миясига бир фикр келиб қолди: «Мен бозори хотин қўлидан ахлат едим-а!» Она энгашиб, қусмоқчи бўлиб, бармоғини оғзига тикди. Лекин бўш қорин нимани ҳам қайтариб берарди, фақат қуруқ ўқчиб-ўқчиб қўя қолди. Кейин бармоғини яна ҳам ичкарироқ тикди-да, жонини қийнаб, кўкраги ёрилгудай ўқчий-ўқчий ниҳоят қусиб юборди.



Ону ўгирилиб, чиллакдек оёқларини судраганча ҳовлидан чиқиб кетди.

— Қаёққа кетяпсан, бола? — деб қичқирди ўқчиқдан ҳали ҳам ҳансираб ўтирган она.

Ону унга ўгирилиб қаради.

— Анжир дарахтига. Бошқа қаёққа ҳам борардим? Энг учиди яна бир ҳовуч-ярим ҳовуч анжир топилиб қолади,— деб у алам билан пишиллаб қўйди, кейин бурнини артди.— То шохи синиб кетмагунча қир учига чиқавераман...— Ону кўз ёшларини артди, кейин яна шилқиллаб йиғлаб юборди-да, дилхасталик билан гапини тугатди:— Бир куни ерга тушиб кетаман-у, худди анжирдек чил-парчин бўламан.

### ЎН УЧИНЧИ БОБ

Кўм-кўк гилам бўлиб ётган шоли далалари орқасидан, узоқдан кўтарилиб келаётган қип-қизил қуёш темир йўл кўтармаси ёқалаб чўзилиб кетган тош йўлга ўз нурини сочмоқда.

Мана шу йўлдан, яра-чақа бўлиб кетган оёқларини зўрға кўтариб босиб, қадрдон уй-жойидан жудо бўлган одамлар ўз тақдири қаршисига қараб борар эдилар. Бундай йўллар қанчадан-қанча эди. Номатлум, мавҳум тақдир эса, жуда узоқ-узоқларда яшириниб ётарди. Бу одамлар энди на кечани, на эртани билардилар. Улар у минут билан бу минут ўртасида, бир нафас олганлари билан иккинчи нафас олганлари орасида тирик эдилар. Уйқуга кетган вақтда дунёдан бутунлай ўтар, кейин яна яшаш учун уйқудан турардилар, кечқурун эса, яна дунёдан кўз юмар эдилар. Чунки, уларнинг уйи йўл бўлиб қолган, йўлнинг эса, боши ҳам, охири ҳам кўринмасди. Ўзлари ҳам йўл чангига аралашиб кетгандек туюларди. Уларни энди одам эмас, қочоқлар дердилар.

Кажоли буларнинг ҳаммасини ички ҳис билан сезарди. Она ҳам шуларнинг ҳаммасини ҳис қиларди.

Она йўлнинг ўртасида тўхтаб, орқага, қишлоқ тарафга назар ташлади. Пўлат изларни елкасига қўйиб, чўзилиб кетган кўтарма қаршида девордек турарди. Она Манголага ахтариб топган ва шу ондаёқ уни ўлимга маҳкум этган кўм-кўк ўтлоқдан бошқа ҳеч нарса кўрмасди. Мангола Ону билан Кажоли учун жон деб жонини берган бўларди, лекин она бунга йўл қўйишни истамади. Аммо

охири бегона одамнинг ўғлини деб, онаси тириклай ерга кўймоқчи бўлган болани сақлаб қоламан деб, уни ўлимга ўзи юборди. Нега шундай қилди-а? Ўша кўм-кўк ўтлоққа қараб туриб, она ўзидан ўзи юз марталаб: нега шундай қилдим-а, деб сўрарди.

Майли, шундай қилгани яхши бўлди. Қочоқларга сиғирнинг нима кераги бор? Барибир ўғирлаб кетишарди. Ўзи ҳам анча қариб қолганди. У ҳам уйда бахтли-саодатли кунларни кўрди, аммо у кунлар ўтиб кетди. Ҳар нима бўлганда ҳам Мангола қочоқ бўлмайди-ку.

Уйни ташлаб кетиш онага оғир эди, жуда оғир эди. Ўзининг ҳам, эрининг ҳам ҳаёти шу ер билан чамбарчас боғлиқ эди; эрини полиция автомобили олиб кетган бўлса ҳам, уйлари аввалгидек унинг нафаси, қўшиқлари, кулгиси билан тўла эди. Ҳовли ўртасидаги ота-боболарини кўрган муқаддас тулси дарахти, тоқчадаги худонинг тасвири — мана шуларнинг ҳаммаси билан бирга уй уларга бир эҳромдек бўлиб қолганди.

Лекин эҳром қопқонга айланди. Унда умид қолмади, унда фақат очлик ҳукм сурарди. Улар ҳамон уйдан умид узиб кетолмасдилар, ёр-биродарлар, қўни-қўшнилар эса, бирин-кетин қишлоқни ташлаб кетиб қолдилар; мана энди охири улар ҳам — она, ҳомиладор қизи ва ҳали ёш бола бўлган ўғли бировнинг ёрдамисиз, ҳимоячисиз кети кўринмайдиган катта йўлдан сафарга чиқишга мажбур бўлдилар. Бутун қишлоқ кетиб қолди, фақат полиция ўқидан майиб бўлганлар қолди; уларнинг ўзлари, хотин, бола-чақалари умрларининг охиригача қишлоқда қолиши, қадрдон жойларида жон беришлари тақдир экан.

Кеча қош қорайиши билан қишлоқдагилар минг йиллардан бери ҳукм суриб келувчи одат бўйича она оқшом маъбудасини табриклаб, денгиз чиғаноғини уч марта чалдилар; Кажоли ҳам уч марта чиғаноқ чалди, Ону ҳам. Кейин она охириги буюм бўлган чиғаноқни олиб сотарга олиб бориб, бир ҳовуч гуручга алиштириб келди.

Олиб сотар қишлоқдан кетишни ўйламас ҳам эди, у ер сотиб олиш, буюмлар сотиб олиш учун қишлоқда қолди. У халққа қайишмайдиган, халқ бошига тушган кулфатдан озиқланадиган қузғун эди.

Бу қузғун онага қарашли ерга аллақачонлардан бери кўз олайтириб юрарди. Лекин у ерни қўлга киритолмайдди — ҳеч вақт киритолмайди. Ер эркакларнинг қайтиб келишини кутиб туради. Фақат кузги ҳосилни заминдор-

ға ижара ҳақини тўлаш учун ҳали пишмасиданоқ, турган ерида бозор баҳосидан бир неча марта арзонига сотиб юборишга мажбур бўлдилар. Мана ҳозир олиб сотарларнинг омборига тушиш учун шолилар далада кўм-кўк бўлиб ётарди.

— Демак, кузги ҳосилни олдиндан еб битирибсизлар-да,— деб кулиб қўйди онадан ҳосилни сотиб олган олиб сотар.— Нима ҳам дердик, энди фақат уни ўриб-йиғиб олиш қолади.

Олиб сотар она-Ерни қўлга киритиб ололди, энди эса, уни маҳкам ушлаб турарди.

— Онажон!— деган Кажолининг қичқиригидан она эс-ҳушини йиғиб олди.— Қаранг!

Йўлда улар орқасидан бир тўда одамлар яқинлашиб келарди. Эркаклар, аёллар, болалар орқалаб олган тугунларининг оғирлиги остида икки букилиб, чарчоқдан оёқларини зўрға кўтариб, секин-секин босиб келишарди. Худди иморат барельефига ишланган бир тўда кишилардай, ҳаммаси бир катта бўлак тошдан йўнилганга ўхшарди. Олдинда келаётган киши тўхтамасдан, бошини ҳам кўтармай:

— Қалкаттага ҳали узоқми, она? — деб сўради.

Она бир чўчиб тушди. У бу бечора шўр пешоналарга ачинди, ҳадемай ўзи билан болалари ҳам шу аҳволга тушувини ўйлаб даҳшатга тушди.

— Узоқ, узоқ,— деб жавоб берди у, жуда секин.

— Узоқ,— деб акси садодек такрорлади бояги йўл сўраган киши ва йўлига қараб кетаверди.

Она уни қувиб етди.

— Қаердан келяпсизлар, ўғлим?

— Вишнуграмдан.

— Йўлга чиққанингларга кўп бўлдимиз? Неча кун бўлди?

— Кўп бўлди. Кунни ким санабди дейсиз? Йўлга чиққанимизда ой уч ҳафталик бўлган эди.

Ҳозир эса, ой кечқурунги осмонда ҳилол бўлиб кўришиб турарди. Шу аҳволда йўл юрсалар, Қалкаттага қачон етишади улар?

— Юринглар,— деди она, болаларига қараб; учаласи яна кўз ёшларидан назарлари хиралашиб, қишлоқ тарафга қарадилар, кейин эса, томоқни қисиб келаётган йигини ютиб, олдинга ўтиб кетган қочоқлардан жуда ҳам орқада қолмасликка ҳаракат қилиб, йўлга тушдилар.

Худди ўзларига ўхшаш оч қолган, фақат улардан кўра кўпроқ куч-қувватдан кетган бу одамлар уларга ҳеч қандай ёрдам беролмасдилар, аммо уларнинг яқинлиги юракка далда бўларди, чунки, улар одам эди. Ўзундаң-узоқ йўл юрганда одамлар орасида бўлган яхши. Одамлар орасида жон бериш ҳам анча енгил бўлади.

Улар тобора узоқлашиб кетавердилар, уйлари ҳам улар билан бирга кетаверди, чунки улар фикр-хаёлларида ҳамон илгаригидек уйларида яшардилар. Шу кеча, қадрдон уйда ўтказган охириги кечада улар қоп-қоронғида жой пайпаслаб — сопол чироққа соладиган мой аллақачонлар тамом бўлган эди, — гоҳ остонада, гоҳ ҳовлида чўзилишиб, мижжа қоқмай чиқдилар. Тун қоронғуси тарқагач, юзларини муздек сувга ювиб, охириги жамғариқ гуручларидан оз-оздан еб олдилар-да, эшик олдида тиз чўкиб: «Меҳрибон қучоғингга тезроқ қайтишимизга худоларнинг ўзи мадад берсин» деб шивирлашиб, пешоналарини остонага қўйиб, сажда қилдилар. Шундан кейин йўлга тушдилар.

Энди уй, томи бор, тўрт деворли биноликдан чиққандан ва дарбадарликда ўтмишнинг бир хотирасидек уларга ҳамроҳ бўлиб қолгандан кейин, у билан боғлиқ бўлган ҳамма қийинчиликлар унутилди, шунча йиллардан бери у бахш этган хурсандчиликларгина хотирда қолди, аммо, айни вақтда: «Эркаклар — отаси, Кану, Кишор — уйга битта-биттадан қайтиб келишса-ю, ҳеч ким йўқлигини кўриб, диллари вайрон бўлиб, тўрт тарафга тўзиб кетишса, нима бўлади?» деган фикр тинчлик бермасди.

Улар йўл ёқасидаги катта тамаринд соясида жойлашиб олиб, қозонга баргга ўхшаш алланарса солиб қайнатаётган одамлар олдида етиб келдилар. Қуёш аллақачон қиздира бошлаган эди. Кажоли икки юк — қорни билан қўлида кўтариб келаётган тугун оғирлигидан ҳансираб қолган эди. Учаласида ҳам биттадан тугун бор эди. Декча, темир чўмич, ҳар хил қақир-қуқур, Онуга энсизгина кўрпача, ўзи сиғса бас. Онаси билан 'Кажоли қуруқ ерда ҳам ётишаворади, лекин туртиб чиққан умуртқа суякларини оғримасини учун Онуга жуда бўлмаса мана шу кўрпачани солиб беришмаса бўлмайди. Улар ҳамон илгарилаб боришарди. Олдинда яна бир неча йўловчи кўринди. Уларнинг ҳаммаси ҳам бир қолипдан бичилгандек, ҳайрон қоларли даражада бир-бирига ўхшаш одамлар эди.

Кун анча оғиб қолганда, очликдан қорин жуда тиришиб кетгандан ва тиззаларда дармон қолмагандан кейин тўхташди, бир оз шох-шабба йиғиб, қадрдон далалардан йиғиб келган качу илдизларидан қолган-қутганини қайнатиш учун ўт ёқишди. Бу кеча териб келинган илдизлардан қолгани эди. Эртага яна илдиз йиғишга тушиш керак. Лекин онанинг юраги ваҳимага тушиб қолганди: бу йўллардан ердан ковлаб олинган илдиз ва дарахтлардан юлиб олинган барглардан бошқа ейдиган нарсаси бўлмаган қочоқлар карвони кўп ўтган. Қалкатадан келган семиз хотиннинг гапи ёдига тушди: «Илдизми ишонганингиз? Бир ойдан кейин бутун Банголда битта илдиз ҳам, дарахтларда барг ҳам қолмайди, ҳатто ўтлоқлардаги ўт ҳам тугаб кетади. . .» Ўша хотин шундай деганига мана роса бир ой бўлди!

Лекин она улардан олдин қанчадан-қанча оч-яланғоч қолган ва хароб бўлган кишилар ўтганини, ўзларидан кейин ҳам юз минглаб кишилардан ташкил топган бениҳоя катта очлар карвони шаҳарга томон оқишини кўз олдига ҳам келтиролмасди. Мўлжаллаган ерига етиб бориш камдан-кам одамга nasib бўларди. Киши танида қолган озгина қувват ҳам ҳар қадамда қирқилиб борарди. Йўлда эти бориб устухонига ёпишган, қуруқ суяк бўлиб қолган одамлар судралиб борарди. Лекин улар ҳам одам эди, ҳаммаси ҳам Ону билан Кажоли каби, оналари, қари-қартанг оталари каби ақли-хуши жойида, ҳозир азобга айланган худолар ато қилган ҳис қилишдек фазилатларини йўқотмаган одамлар эди; ҳис қилиш фазилати шунинг учун азобга айланган эдики, очликдан ҳам кўра кўпроқ руҳий қийноқлар азоб берарди. Болаларининг сўлиб, ҳолдан тояётганини, тўхтовсиз, кун сайин ўлиб кетаётганини кўриб-билиб турмаганларида, оналар ўзларининг аянчли тақдирларига анча осон кўниккан бўлардилар; ўлганда ҳам касалликлардан, босқинчи японлар ўқидан эмас, ваҳоланки шу япон босқинчиларини деб одамларни бошпанасиз ва бир бурда нонсиз қолдирдилар, балки очликдан, узлуксиз, адоқ бўлмас очликдан ўлиб кетмоқдалар. Уларни сақлаб қолишнинг ҳам иложи йўқ эди, асло иложи йўқ эди.

Ёрдам кутадиган ер йўқ. Яхши замонларда деҳқонлар меҳнати билан мўл-кўл етиштирилган шоли ҳосили заминдорга топширилар эди. Лекин у ёрдам бермайди. Далаларда ҳозир шоли униб чиқди, ҳосил мўл бўлиши

кутилади. Тақдирнинг масхарасини қаранг! Хўш, ҳукумат-чи — халқнинг ҳам отаси, ҳам онаси бўлган ҳукумат-чи? Ҳар кимнинг оғзида бўлган бу саволга олиб сотар бундай жавоб қилди:

— Ҳукуматни боқиш сизнинг ишингиз, лекин сизни боқиш ҳукуматнинг иши эмас. Ҳукуматга қарши бултур исён қилганингиз ёдингиздами? Уни Ёвуз Куч деб атаганингиз ёдингиздами? Ахир ота билан онани бундай ёмон сўзлар билан ҳақоратлаш гуноҳ бўлади-ку. Энди ўшанинг касрига қолган бўлсангиз, нимасига ҳайрон бўласизлар бунинг?

Ҳукумат — халқнинг ҳам отаси, ҳам онаси! Ростдан ҳам ҳукуматни худди шундай деб юришган вақтларига кўп бўлгани йўқ. Лекин ҳозир у бошқа асрда, бошқа дунёда бўлгандек туюларди. Ҳукуматга шундай ном беришгани масхарали бир ҳақорат бўлиб туюларди.

Яқинда Барунидан уч соатли йўлдаги, дарё бўйидаги катта бозор қишлоғига бош ҳоким келди, у келишидан олдин атрофдаги қишлоқ йўллари ва далаларидан барабан чалиб, унинг келишидан хабар бериб жарчи ўтди. Гум-гум! Бош ҳоким келадиган бўлиб қолди, сизларга у Сўз айтмоқчи. Гум-гум!.. Бу хабарни эшитиб, бутун қишлоқнинг руҳи кўтарилди, оч қорни қулдираб, юраги гупиллаб ҳамма Рангаматига йўл олди. Бош ҳоким роса қиём маҳалда машинада келди. У баланд сўри устига қўйилган, устига қизил мато ёпилган, юмшоқ креслога ўтириб, беш қишлоқ аҳолисига қараб нутқ сўзлади. У япон босқинчилари тўғрисида, Буюк кураш тўғрисида, жангчилари худди сиз билан бизга ўхшаган, ака-укаларимиз бўлган ҳинд палтанининг<sup>31</sup> қудрати тўғрисида сўзлади. У худди ана шундай деди. Бундан бошқа кўп нарсалар тўғрисида гапирди-ю, аммо айтмоқчи бўлган сўзидан оғиз очмади. У қачон Сўз айтади?.. Мана, ниҳоят, у гапдан тўхтаб, кўкмак кокос ёнғоғининг сувини ича бошлади — шу пайт беш қишлоқ аҳолиси худди бир кишидек қичқириб, зорланиб қолишди:— Тақсир, бизга Сўзингизни айтинг — Улар жазирама офтоб иссиғида ўша Сўзни ҳозир айтиб қолади деган умид билан қимир этмай, сабр-тоқат қилиб, икки соатча жим ўтирдилар. Энди улар:—Сўзингизни айтинг бизга, Сўзингизни!—деб нолир эдилар. Улар учун фақат биттагина ҳақиқий сўз бор

эди: нон. Шундан кейин Баруни қишлоғининг заминдори бош ҳокимнинг қулоғи остига энгашиб, алланарсалар деб шивирлай бошлади; бош ҳоким эса, жуда жаҳли чиққандек норозилик билан қош-қовоғини солиб олди, кейин керилганича ғинг демай машинасига бориб ўтирди-ю, жўнаб қолди. Оч қолган халққа зарур бўлган сўз, нон тўғрисидаги сўз ана шундай қилиб айтилмай қолаверди. Ёндириб турган офтобда қишлоқ аҳолисининг уч соат йўл босиб Рангаматига боргани бекор кетди, бутунлай бекор кетди; бўш қоринларига беш мингтача сохта сўзларни жойлаб олиб, яна уч соат йўл юриб Рангаматидан қайтиб келдилар.

... Қузғунлар дарахтларда қўниб ўтиришар, офтобдан олтин тусда товланган осмонда парвоз қилиб юришарди. Гала-гала қузғунлар ерда нималар бўлаётганини ўткир назар билан кузатиб турардилар. Ўз ишларини улар қандай саранжомлик билан бажаришларини она ўша куниеқ кўрди.

Йўл ёқасида бир-бирларига суқилиб мурдалар ётарди. Улар қуруқ суяк қилиб тозалаб қўйилган, кўз косалари бўшалган, калла суяклари чўқиланган склетлар эди. Одамларнинг фақат сочи; болаларнинг майин жингалаклари, эркакларнинг зич сочлари, аёлларнинг узун сочлари қузғунлар тумшугидан омон қолган эди. Йўл ёқасида бутун бир оила мангу уйқуга кетганди; лекин уларнинг уйқуга кетишини аллақачон қузғунлар пойлаб турган эди.

Она чўчиб кетди, иккала боласининг қўлидан ушлаб қадамини тезлатди.

Аммо қузғунларга ем бўлган мурдалар йўл ёқасида тез-тез учраб турди. Гоҳ шундай йўл бўйида, гоҳ, сал юқорироқда, дарахт соясида, буталар остида доим мана шундай ғуж бўлиб ётган мурдалар кўзга чалинарди. Кўпларининг ярим эти аллақачон чўқиб тозаланганди; мурдалар устига қўниб олган қузғунлар уларнинг этини чўқишар, қарғалар галаси эса, ўз навбатини кутиб, узоқдан буни кузатиб туришарди. Чор атрофда ҳар хил уй-рўзгор буюмлари: сопол кўзалар, аёлларнинг тароқлари, ранг солинган кичкина-кичкина қутилар, титилиб кетган қўғирчоқлар, кўрпача ва ёстиқлар сочилиб ётарди. Бошпанасиз дарбадарлар орасида ҳатто ёстиқ кўтариб юрганлари ҳам бор эди.

Катта тош йўлдан юз ярд чиқар-чиқмас жойдан темир йўл ўтарди; унинг баланд кўтармаси гоҳ узундан-узоққа ўқдек чўзилиб кетар, гоҳ ўроқдек қайрилиб ўтарди, ўзидан эса, кечасию кундузи тинимсиз энсиз зиналарига худди маймунлардек одам тармашган, жигар ранг поездлар ўтиб турарди. Эҳтимол, шундай қилишса, шаҳарга тезроқ етишар? Йўқ, деб юрагига ваҳима тушиб ўйлар эди она. Болаларидан битта-яримтасининг қўли чиқиб кетиб, йиқилиб тушса-я? Юраги гурсиллаб ураётганини сезиб, она болалари қўлидан маҳкамроқ ушларди. Йўқ, йўқ, шу пайтгача юрганларидек тош йўлдан судралиб бораверадилар. Онуни чап томонига, Кажолини ўнг томонига олиб олади, шу тарзда юриб етиб олишади. Унча тез етишмаса ҳам майли! Вагон зинасида уч соат осилиб боргандан, уч ҳафта пиёда йўл босган афзал. Ону шундай питракки, юриб кетаётган поезддан учиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас! Кажолининг эса боши айланиб кетиши мумкин. Шуларни ўйлаб, она болалари қўлидан яна ҳам маҳкамроқ ушларди.

Милтиллаб қолган чироққа ёғ қуйса, бирдан ёришиб кетгандек, онага ҳам бирдан жон кириб қолди. Бошига оғир кулфат тушган пайтда она болаларини деб ўзида яна куч-қувват топа олди. Болалари ҳам бўш желмадилар, оналари ва бир-бирларини деб ўзларида куч-қувват топа олдилар. Биттаси бўш келиб қолса, ҳаммаларини нобуд қилган бўларди.

Қоронғи тушгандан кейин кундузи қайнатган бемаза илдиэлардан қолган-қутганини еб олдилар, иссиқроқ ва тинч ётиш учун бир-бирларининг пинжига кириб ётган анави мурдалар сингари бир-бирларига яқин суқилиб, қора тамаринд дарахтининг сербутоқ шохлари остига чўзилдилар; Ону бир қўли билан онасини қучоқлаб олди, Кажоли ҳам худди шундай қилди. Юракка ваҳима солиб, қоп-қоронғи зимистон тун уларни ўз қучоғига олди. Қандайдир овозлар, шақолларнинг увлаши эшитилиб турарди, қоронғи кечада сонсиз-саноқсиз шақоллар изғиб юргандек туюларди. Буларнинг ҳаммаси таниш овозлар эди, аммо, қоронғи кечада, очиқ далада ҳимоясиз одамларнинг юрагига ваҳима соларди. Ухлаб ётишганида шақоллар яқин келиб, уларни искаб кўрса, тишлаб олса-я? Қизил чумолилар таласа-чи? Еки бирор газанда — илонми, чаёнми чақиб олса-я? Шу ташвишлар билан ярим соат ўтди. Бирдан тинчликни тамаринд устидан

эшитилган ингичга йиғи овози бузди. Зум ўтмай, гўё бемор болалар йиғлаётгандек, худди ўшандай чийиллаган овозлар унга жавоб қилди. Ону титрай бошлади, яна ҳам онасининг пинжига суқилди. Кажоли ҳам шундай қилди.

Она тамаринд атрофини қоплаб ётган зим-зиё қоронғига тикилар экан, гўё ҳимоя қилаётгандек ўғли билан қизини қучоқлаб:

— Бу руҳ-арвоҳлар эмас,—деб болаларига тасалли берди. — Қузғун болалари чиғиллашяпти.

Улар оёқларини йиғиб, қулайроқ ўрнашиб олдиларда, ухлашга уриниб кўрдилар, лекин қоп-қоронғи кечада уларнинг назарида гоҳ дарахт шохлари орасидан қузғунларнинг, гоҳ ўтлоқ тарафдан шақолларнинг кўзи ўтдек ёниб кўринаётгандек бўлаверди. Ўша кўзлар: «Ўляпсизларми? Ўлдингларми?»—деб сўраётгандек туюларди. Ўткир пўлатдек тишлар ўлжага ботарди. Катта очилган оғизлардан қип-қизил тиллар осилиб турарди.

Она болаларини қўриқлаб, анча-анча кўзини юммай ётиб, жуда ҳушёр ва безовталиқ билан жиндек-жиндек мизғиди. Вақт ярим кечадан оғиб қолганда сонсиз-саноқсиз учқунлардек бўлиб ялтироқ қўнғизчалар пайдо бўлиб қолди. Она уларга қараб ётди, гўё мана шу ялтираб кўринаётган ёруғ нуқталарда алоҳида бир маъно бордек, гўё улар Еруғлик даракчиларидек кўнгил тинчлана бошлади. Олға, миллионлаб чироқлар шаҳрига қараб олға! У яхшиликлар шаҳри! Маданият шаҳри! Ишқилиб, оёқлари толиб қолмаса, меҳмондўст шаҳар кўчаларига етказиб қўйса бас!

Қалбининг чуқур бир жойида умид учқунлари яллиғланиб турарди: Деотанинг набираси бор-ку! У шаҳарда туради, булар ёрдам сўрашмаса ҳам, у ёрдам қилади.

Кажоли бунга қулоқ солишни ҳам истамади, лабларини буриб қўйди:

— У бадавлат одам, онажон. У бизни танимайди ҳам. Бой одамларнинг хотираси доим камбағал бўлади.

— Кажоли, у кимнинг набираси эканини ёдингдан чиқаряпсан. Қошки эди бизнинг бошимизга келган кулфатлардан хабардор бўлса!

Лекин Кажоли кулиб бош чайқади:

— У бизни унутиб юборган, онажон,— деди у, кулгиси йиғига ўхшарди.

Тонг отар пайтда она қаттиқ ухлаб қолди — чарчоқ ўз ишини қилди. Энди Кажоли уйғонди; тунги шабнамдан

аъзойи бадани зирқираб оғрирди. Ўрнидан туриб ўтир-ди-ю, қорнида боласи қимирлаганини сезиб қолди. Бола-сини гўё эркалаётгандек қорнини силаб:

— Уйғоқмисан? — деб шивирлади Кажоли.

Ҳаёт битта мана шу боласидан бошқа ҳамма орзула-рини пучга чиқарди. Ҳали ҳам боласини ўйласа, Кажо-лининг юраги таскин топарди.

Тонг маъбудасини табриклаб қушлар чирқиллашарди, уларнинг шўх чуғур-чуғурлари буғдойлар кўм-кўк бўлиб ётган далалар ва очликдан ҳалок бўлган одамларнинг мурдалари музлаб бораётган ерларга тараларди. Жуда яқин бир ердан каккунинг «кук-ку!» деб ғамгинлик би-лан ширингина қилиб куккулагани эшитилди. Кажоли уни эшитмади. Унинг қалбидаги қуш ўлган эди.

Илдизлар, мевалар — унинг фикри-хаёлини фақат ана шу нарсалар банд этган, қалби фақат ана шу қўшиқни тан оларди. Тонг жуда ҳам ёришиб кетмасидан ейишга ярайдиган бирор нарса топса бўларди. Онаси бирпас ух-лаб олсин. Она кейинги ойлари ичида жуда қариб қолди, озиб-тўзиб, юзида ажинлари кўпайиб, сочлари оппоқ оқа-риб кетди, бултур бошидан ўнта ҳам оқ тола тополмас-дингиз. Онаси бирпас ухлаб олсин. Кажоли уни уйғотиб қўймаслик учун меҳр билан, жуда авайлаб сочларидан силади ва кейин шарпа қилмай, секин ўрнидан турди-да, тунги шабнамдан ялтираб ётган ўтлоққа қараб юрди.

Ҳеч қаерда битта ҳам илдиз кўринмайди. Ўтлоқни топ-тоза қилиб кетишибди. Егулик ҳеч нарса топилмай қолса, аҳволлари нима кечади? Қадрдон қишлоқларида қолиб, ўз ерларида ўлганлари яхшироқ эмасиди? Кажо-ли қуйилиб келаётган кўз ёшларини артди. Эри нима учун бирон марта ҳам хабар юбормади экан-а? Ё доим тўла ўтаётган поездга тушолмай, ёлғиз ўзи мана шу ғам-ташвишли йўлдан кетдимикан, йўлда бирор ерда касал бўлиб, йиқилиб қолдимикан? Ё ҳеч нарсадан тап тортмайдиган йигит бўлгани учун Қизил Саллалар олиб кетишдимикан? Соғ-саломат эканини билса, бўлгани эди. Бошқа ҳеч нарса керак эмас, фақат соғ-саломат юр-ганидан дарак топса бўлгани. Шунда ўзининг бошига тушган барча балоларга хотиржамлик билан бардош берган бўларди. Азбаройи чарчаганидан атрофи қорайиб-қорайиб қолган кўзларига яна ёш келди.

Нон дарахти олдидан ўтиб кета туриб, тўхтаб қолди. Дарахтнинг йўғон танаси атрофини бир айланиб чиқса

бўларди, зора бирорта меваси одамлар назаридан четда қолган бўлса. У дарахтга яқинроқ борди; бирдан шундай ёнгишасидан аллакимнинг инграгани эшитилди. Кажоли бир ирғиб тушди — кўз олдида қўрқинчли бир манзара очилган эди.

Дарахт тагида бир аёл чўзилиб ётар ва ожизлик билан чўзиб-чўзиб инграрди, тепасида эса, ҳали ўлмаган хотиннинг баданига тишини ботириб бир шақол энгашиб турарди. Кажолини кўриб, шақол ириллаб қўйди-да, шошмасдан нари кетди. Сал юриб, тўхтади, орқасига ўгирилиб яна бир ириллади-да, бутунлай кетиб қолди.

Кажоли турган ерида қотиб қолди. У шақол ҳали тирик одамнинг гўштини узиб олган еридаги ярага қараб турарди. Кажоли кўзларини юмиб, ўқчиқни қайтариш учун иккала қўли билан кўкрагини маҳкам босди. Ички бир товуш унга: бор, жон бераётган бечорага ёрдам бер, деб қистарди, аммо Кажоли шарт орқасига бурилиб, ура қочди. Ҳарсиллаб, қўллари билан қорнини ушлаб, гўё орқасидан биров қувиб келаётгандек ўтакаси ёрилиб ўтлоқдан чопиб келарди.

Она уйғониб, Кажоли йўқ бўлиб қолганидан хабар топган ва уни қидириб юрган эди. Кажоли ҳўнг-ҳўнг йиғлаб, ўзини онасининг қучоғига отди. Қўрқувдан юраги ёрилаёзган она унга тасалли бераётганига қарамай Кажоли ўзини тутолмай ҳўнг-ҳўнг йиғларди.

— Нима гап ўзи, Кажоли? Айтсанг-чи. Йиғлама, йиғласанг — болангга зиён. Нима бўлганини онангга айт.

Ниҳоят, Кажоли ўзини бир оз босиб олди. У қаддини ростлаб:

— Юринг, ойи, — деди.

Олдинда нон дарахти кўринганда, Кажолининг оёғи юрмай қўйди. У қўли билан дарахт остини кўрсатиб:

— Ҳов анави ерда шақол бир хотинни еяётган экан! — деди-ю, ортиқ бир қадам ҳам босишга мадори келмай, яна ҳўнграб йиғлаб юборди.

Дарахт тарафга онанинг ёлғиз ўзи борди.

Шақол аёлнинг чап биқинидан катта бир парча этини узиб олган экан. Хотин ҳали нафас оларди, аммо катта-катта очилган кўзлари ортиқ ҳеч нарсани кўрмасди. Она тахта бўлиб қолди.

Дарахтдан сал нарироқда кичкинагина бир ҳовуз бор экан. Она ўша тарафга югурди, сорийсининг этагини ҳўллаб, чопганича дарахт остига қайтиб келди-да, сувни:

хотиннинг оғзига сиқиб томизди. Хотин унга кўзини узмай узоқ тикилди. Кўзларида меҳрга ўхшаш бир ифода кўринди. Жон чиқар вақтида ёнига одамзод етиб келганидан хурсанд бўлгандек эди. Кейин кўзлари юмилди, оғзига қўйилган сув қайтиб чиқди — бечора дунёдан ўтди.

Она бошини кўтариб, пастга шўнғишга тайёр, дарахт устида айланиб юрган қўзғунларга кўзи тушди. Осмонда юрадиган ахлат тозаловчилар! Агар шулар бўлмаганда, бутун Бангол ҳавоси мурдалар сассиғидан заҳарланарди. Одамлар тириклар тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилмай қўйган эдилар — шундай экан, ўликларга ким қарарди дейсиз?

Худди шу пайт онанинг кўзи шундай ерга тегай-тегай деб турган дарахтнинг кўк, юзи нўхатдек-нўхатдек бўртиб чиққан мевасига тушиб қолди. Мева каттакон ва пишай деб қолган эди, буни кўрган она ҳозир бўлиб ўтган ишлардан қанчалик эси оғиб турган бўлмасин, юраги севинч билан уриб кетганини ҳис этди. Бу мева ўзи билан болаларига икки-уч кунга етарли овқат бўлади. У ҳозир жон берган хотинга жуда яқин жойда, унинг оёғига тегай-тегай деб турарди. Афтидан, хотин уни топган ва қиммат баҳо мевани пиширишга ўт ёқмоқчи бўлиб турган экан (буни тагига шох-шабба уйилган сопол кўва сўзсиз кўрсатиб турарди), лекин мадордан кетиб қолган-у, шақолларга ем бўлиб, худди шу ерга, дарахт остига йиқилган.

Яқинда ёғиб ўтган ёмғирдан кейин изғирин, нам ва совуқ шамол эсиб турарди. Кажоли чангда бўз ранг бўлиб кетган чувриндиларда совқотиб, қўлларини кўкраги устига қовуштирганча хаёлга чўмган эди. Икки қўлида аллақандай бир ўсимликнинг бесўнақай илдизини маҳкам ушлаб ўтирарди — қанчадан-қанча овора бўлиб қидирганидан кейин Бангол ери совға этган нарса шу бўлди, чунки, ер улардан олдинроқ ҳам минглаб одамлар қўлидан ўтган, тақир қилиб тозаланиб қўйилган, ундаги ейишга ярайдиган ҳамма нарса битта қўймай юлиб олиб пиширилган ва ейилган эди.

Чексиз азоб-уқубат тортиб, олти кун йўл юрдилар. Охирги икки кун айниқса оғир тушди: шу икки кун ичида нилуфар банди билан қушлар ейдиган ёввойи ҳинд анжири меваларидан бошқа ҳеч нарса ичларига киргани

йўқ. Очлик азоби камлик қилиб турганидек, устига ёмғир ҳам қуйиб юборди. Она мутлақо юролмай қолди, кузги шабнам суяк-суягига ўтиб кетган, оғриқдан оёғини зўрға кўтариб босарди; ниҳоят, бутунлай мадордан кетиб, сийрак барглари шариллатиб қуяётган ёмғирдан дурустроқ асрай олмайдиган бир дарахт тагига келиб йиқилиб қолди. Ахийри ёмғир тинди, шундан кейин Кажоли илдиз ахтариб, узоқдан кўриниб турган ўтлоққа жўнади, орқасига қайтганида эса, осмонни қоплаб олган қалин булутлар орасидан чиқиб, атрофни қоронғилик қоплади. Лекин Кажоли тош йўлга чиқиб олганди. Онаси дам олиб ётган дарахт тагига етиб олишига жуда озгина қолганди.

Ингичка тортиб кетган оёқларини зўрға кўтариб босиб, думалоқ қорнини дўппайтиб: «Ёмғирдан ҳўл бўлиб ётган шохларни ёқиб бўлмагандан кейин шундай қийинчилик билан топиб келган илдизлардан нима фойда, ахир!» деб алам билан ўйлаб борарди Кажоли.

Юзлаб ғилдираклар гулдуриси узоқдан эшитилган момақалдиروқдек тун жимжитлигини бузди, каттакон ўт чақнаган кўз қиз ёнидан ўтиб кетди. «Вагонлар ичида ўтирганлар қандай бахтли одамлар-а», деб ўйлади оғир хўрсиниб Кажоли. «Иссиққина жойда, ёруғда, скамейкаларда ўтиришибди. На елкаларида оғир тугунлари бор, на тун қоронғисидан қўрқадилар, на ёлғизлик дардига куядилар. Бунинг устига яшиндек тезлик билан учиб кетмоқдалар — тўрт соатдан кейин шаҳарда бўладилар. Тўрт соат-а!» Ўтли кўз узоққа кетиб қолган ва атрофни яна қоронғилик билан жимжитлик ўз қучоғига олган бўлса ҳам, очлик ва оёқ оғриғидан тоза азоб тортган Кажоли ҳамон ўша ўтли кўзни кўриб турарди.

Йўл устидан телеграф симлари тортилганди. Кажоли тўхтаб, беҳол баланд темир столбага суянди. Шамол телеграф симларига келиб урилар, симлар овоз чиқарарди: зуммм! Совуқ металлга тутган қулоғига шошиб-пишиб ўтиб кетаётган товушлар эшитиларди. Бу симлардан учиб кетаётган сўзлар эканини Кажоли билар эди. Қандай сўзлар экан? Улар бангол деҳқонларининг даҳшатли очарчиликка учрагани, бўшаб ҳувиллаб қолган ерлардан ўтган уқубатли йўллар тўғрисидаги сўзлар эмасмикан?

Зуммм! Юраги тепасидаги симлардан ўтиб кетаётган сўзларга мослаб гуп-гуп урди, киприклари ёпишиб, лаблари ҳайронликдан сал очилиб қолди. Зуммм!

Йўлдан оғир одим товуши эшитилди. Кажоли қўрқиб кўзларини очди ва хоки кийган, бир текис қадам ташлаб, унга яқинлашиб келаётган бир одамни кўрди. Бутун гавдаси тасмадек тортилди, аммо юрагида қўрқув йўқ эди. Катта йўлдан тез юрар юк машиналарида ўтган солдатларни кўп кўрган эди. Бир кун юк машинасидаги солдатлар уларга нон ташлашди—ўша куни уларга чинакам тўй бўлди: дастурхонга нон дарахтининг қайнатилган меvasи билан ростакам, юмшоқ, сўлқилдоқ нон қўйилган эди. Солдатлар яхши одамлар эди — ахир уларни солдатликка деҳқонлардан олишган-да!

Сипоҳи телеграф столбаси олдига келиб, унга ёпишиб турган одам қорасига қараб тўхтади. Яқинроқ келиб, синчиклаб қаради. Баланд бўйли, гавдали солдат Кажоли олдида девдек кўринар эди.

— Очман, — деди қиз, ялингандек бир оҳангда. — Очман.

Сипоҳи ачиниб танглайини тақиллатиб қўйди. У бу ердан минглаб мил узоқда, қадрдон Панжобда қолган хотини билан болаларини эслади, ҳар ой маошини бехато уйига юбориб турганини мамнунлик билан хаёлидан ўтказди, оиласи оч қолмайди, албатта; қизи Чандни эса, бўйи етгандан кейин яхши бир йигитга эрга беришди, куёви ҳам ҳозир армияда хизмат қилади, шунинг учун қизи ҳам муҳтожлик қўрмайди. Ҳа, унинг оиласидагилар ва яқинлари оч қолиш хавфидан халос этилганлар. Уруш, сафарбарлик — яхши нарсa. Тинчлик йиллари у сира қорни тўйиб овқат емасди; заминдор билан сутхўрдан қарзингни узасан-у, қарабсанки, ҳосилдан ҳеч нарсa қолмабди. Ўшаларнинг ҳиссасини чиқариб, у энди жуда кўп нон олар, нони икки оч қоринни тўйғазишга ҳам етган бўларди, ҳозир ҳам чўнтагида оладиган нонидан анчаси — қоғозга ўралган буғдой нон бор эди; ёмғирдан кейинги салқин ҳавода бир айланиб келай, деб жўчага чиқар экан, биронта оч қолган йўловчини учратиб қоларман деб нонини ҳам ўраб олган эди. Чунки, сипоҳи яхши фазилатлардан маҳрум одам емасди. Ўзи ҳам кўпинча оч қолганлардан эди, оч қолган одамнинг аҳволи нима кечишини яхши биларди.

У қоронғида қизнинг юзига ўткир, чақнаб турган кўзини тикканича нонини очди. У ташвишдан, зериктирувчи кутиш азобидан қизнинг юзи бирдан ёришиб кетганини кўрди. Озғин, толиққан қизнинг юзи бирдан очилиб кет-

ди. Солдат то қизнинг ўзи саниқ, ялингандек эшитилган товуш билан:

— Очман! — демагунча, қўлини пастга тушириб қараб тураверди.

У ҳозир қизнинг тақдирини ҳал этувчи бир худо эди. Қизни ҳозир бир капалакдек ўзининг бақувват қўлида ушлаб турарди, учуриб юборса ҳам, эзиб ташласа ҳам ўзи биларди. Ўзининг вазиятга чексиз ҳоким эканидан ҳайрон бўлиб, қизнинг ялиниб айтган сўзи яна такрорланмагунча ёрдам қўлини чўзмай турди.

— Очман.

У қизга бир бурда нон берди. Кажоли нонни шу заҳотиёқ оғзига тиқиб, мазасини ҳам сезмай, чайнамай ютаверди. Солдат эса унга ачиниб, танглаини тақиллатиб-тақиллатиб қараб турди, нега десангиз, у юмшоқ табиатли одам эди. Унинг нон ейишига қараб турар экан, бошидан сорийси учини олиб ташлаш учун қўлини чўзди — бу Кишор ўз қўли билан пахтадан ип йигириб, тўқитиб берган ўша қизил ҳошияли оқ сорий эди, негаки унинг қалби ўша пайтда муҳаббатдан тўлиб-тошганди; ҳозир эса, сорий йўл чангидан бўз рангга айланиб кетганди. Солдатнинг катта, дағал қўли олдин қизнинг юзини, кейин бўйинини, ундан кейин кўкрагини пайпаслади. Кажоли билинар-билиёмас сесканди, лекин буни онгсиз равишда қилди; у ҳали ҳам нонга маст эди. Нонни бир лаҳзада еб тугатди, шундан кейингина хаёли жойига келиб, ноннинг ҳаммасини бир ўзи еб қўйганини, на укасига, на онасига бир тишлам ҳам қолдирмаганини сезиб қолди.

Кўзларидан дув ёш оқиб, юзларини ҳўл қилиб юборди.

— Хўш, нима бўлди, қорнинг тўймадими? — деб ачиниб сўради тақдир худоси. — Йиғлама. Мана, қара, менда яна бор, анча бор. Мана! Ҳаммасини сенга бераман. Бошқа яна бир нарсга бераман, — деб у чўнтагини титкилай бошлади. — Рупиялар бераман. — Қафтида иккита янги танга ярқиради. Ўзингга янги сорий оласан — бундай чурук кийим кийиб юрмагин!

Кажоли кумуш тангага бефарқ қаради, аммо нонни қаранг, шунча нон-а! Бу нон очликдан ўлар ҳолига келган онаси билап укасига ҳаёт деган сўз эди. Қизнинг жавоби азоб-уқубат ингроғидек эшитилди:

— Очмиз. Озроқ нон беринг, соҳиб. Худолар хайрингизни берсин. Очликдан тинкамиз қуриди. . .

Солдат унинг елкасидан ушлаб олди. Кажоли солдатнинг гўё мисдан қуйилгандек бўлиб қолган юзига кўзларини катта очиб қараб, орқасига тисланди, сипоҳининг юзидаги раҳмдиллик аломатлари бирдан йўқ бўлиб қолганди. Бундай башара унга таниш эди. Худди шундай башарали солдатлар тош йўлдан солдат ортиб ўтган ҳарбий машиналардан унга тикилиб ўтарди. У қичқириб юбормади, титраб кетмади. Ҳозир битта ҳис, яъни ноннинг ҳаммасини бир ўзи еб қўйганига ўқинишдан бошқа ҳамма ҳислари ўлган эди.

Солдатнинг қўли унинг елкасидан тобора кучлироқ қиса берди. У қизни йўл ёқасидаги ўтлоққа судради. Дарахт шохлари орасидан аллақандай бир тунги қуш хирллаб товуш берди. Эгилиб турган шох гўё хивичдай келиб қизнинг бетига урилди, Кажолининг йиқилиб кетишига оз қолди, аммо солдатнинг бақувват қўллари уни ушлаб қолди. У бегона одамнинг иродасига бўйсуниб, бу ишларни худди тушида кўраётгандек ҳеч нарсани сезмай бораверди, чунки, бадани руҳининг тўзиган пардасидек бўлиб қолган эди, холос. Кажоли ана шу пардадан қутулиб чиқиб, қорнини тўйғазиш лозим бўлган онаси билан укаси олдига учиб кетди. . .

Кажоли ҳушсиз, қимир этмай, қонига беланиб ётарди.

Солдат унинг нафас олаётган-олмаётганини билиш учун қизнинг устига, шундай юзи устига энгашди. Кейин кўкрагига қулоқ тутиб кўрди. Юраги уриб турарди, у фақат ҳушидан кетиб қолганди. Кичкина мушти орасидан ўтлоқдан ковлаб олган илдизи чиқиб ётарди. Кажолининг ёш аёл эканини, ҳатто ёш бола деса ҳам бўладиган даражада ёшлигини кўрди, унинг ҳомиладор эканини ҳам энди билди. Худди шу пайт Кажоли чўзиб-чўзиб инграб қолди, унга жон кириб келаётганини кўриб, солдат енгил нафас олди. У Кажолининг қўлига бор нонини қистирди. Кейин ёнидаги ҳамма пулини қоқиб-суқиб йиғиштириб — ёнидан учта кумуш пул билан бир оз чақа чиқди — қизнинг сорийси этагига тугди. Яқин ердан алланарсанинг шитирлагани эшитилди. Қўрқиб кетган солдат ирғиб ўрнидан туриб, ура қочди.

Кажоли қимирлаб қолди, оғриқдан яна инграй бош-



лади. У шақолнинг таниш овозини эшитди: уа-уа-а-а! Бу увлашни эшитиб, эс-ҳушини йиғиштириб олишга ҳаракат қилди. Кўзини очиб, ўрнидан туриб ўтиришга уриниб кўрди, лекин увишиб жонсиз бўлиб қолган гавдаси бўйсунушдан бош тортди — ёқимсиз увлаш эса, тобора яқинлашгандан яқинлашиб келаверди, ниҳоят, қизнинг юзини шақолнинг иссиқ нафаси куйдирди, шақол оғзини катта очиб, тилини осилтириб унинг тепасида турар ва бир оҳангда тўхтовсиз увларди: Уа-уа-а-а! Қажолининг аъзойи баданини муздек тер босди. У ҳайвоннинг тумшуғи баданига текканини сезиб, чўчиб тушди ва қўрқиб кетганидан жон аччиғида қичқириб юборди, аммо овози чиқмади, фақат томоғида бир нарсa қулқиллагандай бўлди. Эсини йўқотиб, у қайта-қайта қичқирди, қалт-қалт титроқча кирган бутун гавдаси қичқирарди. . .

Ич-ичидан инсон чидаб бўлмас оғриқ отилиб чиқар, ўзининг пўлат чангаллари билан аъзойи баданини парча-парча қилар, ўнлаб пичоқлари билан тилкаларди, кейин жуда узоқ туюлган бир лаҳзада бошдан-оёқ қотиб қолди-ю, ниҳоят, танидан жони чиқиб кетгандек эзилиб, чурқ этмай бўшашиб, шилқ этиб тушди.

Шақол бошини баланд кўтариб, яна чўзиб-чўзиб увлай бошлади. У димоғини қитиқлаётган янги қон ҳидидан маст бўлиб, ғанимат қўлга киришига шубҳа қилмай, ўзида йўқ шод эди.

Қажоли охирги кучини йиғди-да, яна бақиршга уриниб кўрди, — у шақол оёғини биқинига қўйганини сезиб қолди. Ҳозир шақолнинг ўткир тишлари баданига ботиб, қорнида етилиб келаётган гулни нобуд қилади. У ўзига ўлим тилашга ҳам ҳоли келмай ҳаёт билан мамот ўртасида осилиб ётарди, унинг учун вақт тўхтаб қолганди. . .

Ону опасидан узоқча кетиб қолмаганди. У ҳам бир оз егулик илдиз топишга муяссар бўлди. Улар қоронғида бир-бирларини йўқотиб қўйишгандан кейин, опасини бир неча марта чақирди, у жавоб бермагач, уйга кетибди шекилли деб ўйлади — уйга-я! Чарчаб қолган оёқларига дам бериш учун бирпас ўтирди, кейин яна йўлга тушди. Бирдан олдидан шошиб-пишиб бир солдат ўтиб қолди; Ону унинг диққатини жалб қилмоқчи бўлиб, жўрттага:

— Диди, қаердасан? — деб қаттиқ, қаттиқ қичқирди.

Солдат унга ўгирилиб қаради. У тез-тез, ҳансираб нафас оларди.

— Нима қилиб юрибсан, йигитча? — деб сўради у.  
— Очман, — деб гапни лўнда қилди Ону.  
Солдат унинг олдига келиб, қўлидан маҳкам ушлади.  
— Битта-яримтани қидириб юрибсанми?  
— Ҳа, оғамни қидириб юрибман. У ҳам, оч. Мен ҳам очман. Онам ҳам оч, — деб бир неча марта тупугини ютди, кейин ялинчоқлик билан: — Бизга бир оз нон беринг, солдат амаки. . . — деди.

— Опанг ёшми? Ҳомиладорми? — деб ҳижжалаб суриштираверди солдат.

Ону ҳа дегандек бош ирғаб қўйди.

— Очликдан тинкамиз қуриди. . .

Солдатнинг овозидан шошилиб қолгани сезилиб турарди.

— Ҳов анави ерда опанг, чоп, тўғри йўлдан боравер. Опангнинг мазаси қочиб қолди, касал бўлиб қолди. Ўтлоқда ёлғиз ўзи ётибди. Ҳов анави тарафда, йўлдан йигирма-ўттиз қадам жойда, ундан узоқ эмас, — деб болага қўли билан йўл кўрсатиб юборди.

Онунинг ранги ўчди. У ортиқ ҳеч нарса суриштирмай, дарров солдат кўрсатган тарафга йўл олди. Чопмоқчи бўлиб кўрди-ю, аммо мадорсизликдан оёғи тош боғлаб қўйилгандек оғир эди. Эҳ, бошингни тўғри келган ерга қўйсанг-у, маза қилиб уйқуни урсанг!

Шу пайт қулоғига шақолнинг увлагани ва аллакимнинг секин-секин инграгани эшитилди. Тун жимжитлигида бу товушлар аллақандай даҳшатли бўлиб эшитилди. Онунинг юраги қинидан чиқиб кетадигандай гурсиллаб урарди, шундай бўлса ҳам олдинга қараб бораверди, солдат кўрсатган жойга етиб боргандан кейин ўт босган қияликка бурилди. Ону азалдан шақолдан қўрқарди. У ёвуз руҳлар шақол тусига кириб изғиб юришини биларди. Ону ёвуз руҳлардан ҳам қўрқарди. Қўрққанидан кўзлари косасидан чиқиб кетган, муздек тер босганди. Лекин ўша тарафда, ўтлоқда, тоби қочган, мадори қолмаган Қажоли ётарди, тепасида эса шақол увларди. Қажоли ҳам шақолдан қўрқарди. Ону қадамини тезлатди:

— Рама! Рама! — деб у худо номини бир неча марта қаттиқ-қаттиқ такрорлади, чунки, руҳлар Раманинг номидан қўрқардилар.

Олдин у шақолнинг қорасини кўрди, кейин гўё ухлаб ётгандек ерда унсиз, қимир этмай чўзилиб ётган опасига кўзи тушди. Ону тўхтаб қолди, аммо бир лаҳзагина,

шу бир лаҳзада ёш бола қўрқмас ва довярак йигитга айланди. У қатъиятлик билан олдинга юрди.

— Диди, қўрқманг! — деб қичқирди у. Кейин ҳайвонга қараб: — Кет! Кет! Шу-у-у! — деб дўқ қилди.

Бунга жавобан шақол ғазабнок ириллади. Унинг кетгуси йўқ эди. У ириллаб, жангга ҳозирланди. Кўзлари йиртқичлик билан чақнарди.

Ону олдинга юриб бораверди. У қўрқинчли ҳайвонга қараб борар ва унинг ҳамлага ҳозирланаётганини кўриб турарди. Бир лаҳзага тиззалари қалтиради. Орқасига тисланди, кейин яна ва яна тисланаверди. Шақол унинг ҳарақатларини ҳушёрлик билан кузатиб турарди. Ярамас шақол ғалаба қилганидан яна ув тортди: уа-а-а-а!

Ону маълум мақсадни кўзлаб орқага чекинди. Шақолнинг опасига шундай яқин турганини кўриб туриб, вақтни қўлдан бериб бўлмасди, аммо қуруқ қўл билан ҳам жангга кириб бўлмади. Орқасига тислана-тислана, ниҳоят, мўлжаллаган дарахти олдига етиб олди, кейин иккала қўли билан унинг бир новдасига ёпишиб, шартта синдириб олди. Кейин нафасини ростлаб олди-да, ҳеч кутмаганда баданига қувват кириб, кўк новдани ўйнатиб овозининг борица: «Кет! Кет!» деб қичқириб шақол устига отилди.

Ҳайвон думини қисиб, қочиб қолди.

Инсон иродаси устун келди. Ону опаси олдига тиз чўкиб, унинг боши устига энгашди.

— Диди, гапирсангиз-чи, бир нарса денг, — деб ялинарди у, — менга қаранг, диди. . .

Кажолининг ич-ичига тушиб кетган қора кўзлари укасига тикилган эди. Унинг тишлаб ташланган, маҳкам юмилган лаблари қимирлаб қолди, у алланарса демоқчи бўлди-ю, аммо овози чиқмади. Ону хўрлиги келиб ҳўнграб йиғлаб юборди. Аммо, дарҳол ўзини қўлга олиб, йигитга айланди. Кажоли жон беряпти. Уни ўлимдан фақат онаси қутқариб қолиши мумкин. Югуриб бориб, бу ерга онасини бошлаб келиши керак. Худди шу пайт Кажоли укасининг миясидан ўтаётган фикрни уқгандек эшитилар-эшитилмас шивирлади:

— Ойи. . .

Уни ёлғиз ташлаб кетса, шақол қайтиб келиши мумкин. Лекин бошқа иложи йўқ эди.

— Қўрқманг, диди! — деди шошиб-пишиб Ону. —

Ғизиллаб бориб, кўз очиб юмгунингизча ойимни олиб келаман.

У хивичлини опасининг гавдасига суяб қўйди; буни кўриб, шақол зора яқин келишдан қўрқса.

Катта йўлга чиққанда, орқадан мотор овози келаётганини эшитиб қолди. Солдатлар деб ўйлади у, худди шу пайт Кажолининг қаердалигини кўрсатган солдат эсига тушиб қолди. Эҳ, қани энди ўша олижаноб солдат шу ерда бўлса!

Солдат катта йўлда болани учратгандан кейин лагерга, янги қурилган аэродромга югурди. Уни виждони қийнарди. Нима қилиб қўйди-я! Солдат худодан қўрқадиган, номусли йигитлардан эди. Уйда умр бўйи содиқ эр, меҳрибон ота бўлиб келганди. Ёлғиз ўзи қолган, ёрдамга муҳтож қиз қон кўп кетганидан нобуд бўлиши мумкин. Ҳомиладор экан. Қандай шайтон йўлдан урди-я, уни? Солдат қилмишидан минг-минг пушаймон эди.

Аэродром четида санитар машинаси жўнаб кетишга тайёр ҳолда турарди — ҳинд медицина хизматининг офицери капитан Баннержий иш билан Қалкаттага жўнаб кетай деб турарди. Солдат тез бир фикрга келди.

— Соҳиб! Ўтлоқдан ўтиб келаётиб, ўлар ҳолатда ётган бир аёлни кўриб қолдим. У ёлғиз ўзи ерда чўзилиб ётибди. Ўзи ёшгина, қиз бола десам ҳам бўлади. Ўша ерда, ўтлоқда ўлиб кетади.

— Биронта қочоқдир-да, — деди капитан. — Ҳеч қандай ёрдам беролмайман.

— Биров жиноят қилибди, соҳиб. Ярадор қилиб, қочиб кетибди. — Солдат иложи борича офицернинг кўчғлини юмшатишга уринарди.

— Менга нима, — деб гапни шарт кесди офицер. Машина жойидан қўзғалди.

— Соҳиб, бечорани шақоллар тириклайин еб кетади, — деб қичқирди солдат, куйиб-пишиб. — Йўлингизку, соҳиб. . .

— Чяқ машинага, — деб жаҳл билан бақирди капитан.

Солдат хурсанд бўлиб машинага чиқиб олди. У офицернинг табиятини биларди.

Разведкачи солдатнинг пишиб кетган кўзи ориентирни олди — шохи синган пальма дарахти, дарахтнинг сершоҳ учини бўрон учириб кетганди. Машина тормоз бериб тўхтади.

Бир минутдан кейин капитан чўнтак фонарининг нурини Кажоли устига йўналтирди-ю, чўчиб тушди.

— Замбил келтиринглар! Дарров! — деб буюрди у.

Қизни машинага олиб ўтишди. Қон жуда кўп кетган эди. Сепсиз бўлиб қолиш хавфи бор эди, Кажолининг ҳаёти қил устида турарди. Капитан ишга киришди.

Шофер солдатга папирос тутди; иккаласи машинадан бир неча қадам берида туришарди.

— Очдан ўлаётганларни ҳам кўп кўрдик. Эркаклар ҳам, хотинлар ҳам, кексалар ҳам, ёшлар ҳам ўлиб кетяпти. . . — Шофер аттанг дегандек танглай қоқиб қўйди. — Бошимизга қандайдир бир бало ёғилди, — деб у яна бир марта танглай қоқиб қўйди. — Мен яқинда ҳали ҳеч ким кўрмаган уруш гувоҳи бўлдим. Уч-тўртта қузғун бир мурдани талашиб, бир шақол билан жанг қилди. Шундай қаттиқ жанг қилишдики, асти қўяверасиз! Бунга икки ой бўлди. Ҳозир ундай жанг қилишга ҳожат ҳам қолмади — қузғунларга ҳам, шақолларга ҳам етади, яна ортиб ҳам қоляпти. Қузғунлар осмонда булутдек учиб юришади, шунча қузғун қаердан тўпланиб келаркин, катта йўлдан юз қадам четга чиқишинг билан эса, албатта шақолга дуч келасан.

Бу гаплар солдатнинг кўнглига ёқмади. У атроф-те-варакка аланглаб, бир неча қадам нарига кетди. Қизнинг укасиман деган бояги бола қаёққа йўқолди экан? Кичкинагина, очликдан бир бурда бўлиб қолган, қараб турсанг, юрагинг ачийди киши. Армияда нон билан гуручни шундай исроф қилиб ишлатишаётган бир вақтда, нима сабабдан ҳеч гуноҳи йўқ одамлар очдан қирилиб кетяпти экан-а? Бу гуручни ким етиштирган — деҳқонлар-ку, ахир, полковник ҳам эмас, бригадир ҳам, бош қўмондон ҳам эмас. Бутун деҳқонларни ер юзидан йўқотиб юборсалар, ейдиган ҳеч нарса топилмай қолади-ку. Бундай ўйлаб қарасанг, бу урушда деҳқонлар йўқ-ку, аммо снарядлар етиштириб бераётганлар ва уларни отаётганлардан кўра кўпроқ иштирок қилмоқдалар, — оч қорин билан ҳеч ким урушга кирмайди. У-чи, ўзи деҳқон бўла туриб, меҳнат қилиб топмаган бўлишига қарамай, нонини мана шу оч, бунинг устига ҳомиладор деҳқон қизига ёмонлик қилиш учун ишлатди.

Хаёли шу ерга келганда, бирдан ўзидан йигирма қадамча жойда келаётган бояги йигитча билан кекса бир хотинга кўзи тушиб қолди. Онасимикан? Солдат енгил

нафас олди. У она-бола қаршисига юрди ва бидиллаб, тез-тез гапира бошлади:

— Онажон, унинг тоби қочиб қолди, аммо қўрқманг, қизингиз ишончли қўлларда. Уни бизнинг капитан-соҳибнинг ўзлари даволайдилар, — деди-да, югурганча машина олдига келиб: — Соҳиб, қизинг онаси келди, — деб қичқирди.

Эшик олдида капитан Баннержий пайдо бўлди.

— Фақат шовқин қилманглар! — деди у, овозини пасайтириб. — Унга укол қилиб, ухлатиб қўйдим. Ухлаб, дам олиши зарур.

Солдат одеялига ўраб қўйилган Кажоли роса тўполон қилиб чарчаган боладек қотиб ухлаб ётарди, фақат юзи яна ҳам оқариб кетган, қовоқлари яна ҳам кўкариб кетганди. Она индамай унинг ёнига чиқиб, қизига тикилиб ўтириб қолди. У йиғламади. Бир оғиз ҳам сўз айтмади. Она қимир этмай ўтирарди — унга қараб туриб, инсон гамини акс эттирмоқчи бўлган ҳайкал деб ўйлаш мумкин эди, ўшанда ҳам лойи тамом бўлиб қолган ҳайкал-тарош ишлаган ҳайкал эди.

Капитан унга ҳайрон бўлиб қараб-қараб қўярди. Шок ҳолатими? Беҳисоб азоб-уқубатлар оқибатида эси оғиб қолдими? Ёки чинакам меҳрибон онанинг битмас-туганмас меҳр-муҳаббатими?

— Ҳеч қандай хавfli жойи йўқ, — деди у, мулойимлик билан. — Лекин бир неча ҳафта касалхонада ётиб чиқиши керак бўлади. Уни Калкаттага олиб кетаман. Калкатта бу ердан бир соатлик йўл, холос, аммо жуда секин юрмасак бўлмайди — машина силкитса, унга зиён қилади. Биз билан бирга кетасизми?

Она дарров жавоб бермади. Унинг киприкларидаги кўз ёшлар юмалай-юмалай деб турарди. Дунёда яхшилик йўқ, деб ўйлаб юрган она бирдан шунча яхшиликка дуч келди.

— Илоҳо умринг узоқ бўлсин, ўғлим, — деди зўрға, хириллаб. — Илоҳо умринг узоқ бўлсин.

Капитан шофер ёнига чиқиб ўтирди. Мотор тариллаб кетди.

— Бизни дуо қилинг, она, — деб қичқирди солдат. Унинг юраги ўлгидек ғаш эди.

— Барака топ, ўғлим, — деди у ва ичида: «Бизга яхшилик қилганларнинг ҳаммаси ҳам барака топсин, илоҳо», деб алқади.

Ону ҳаяжон билан онасининг тирсагига ёпишди. Ум-рида биринчи марта автомобилда юриши эди. Нима тез юраркин — гилдиракми, ё шамолнинг ўзими? Шу тўғрида ўйлаб, онаси ёнига ётди, бошини унинг тиззасига қўйиб, бирпасдан кейин қаттиқ ухлаб қолди.

Она ўз ғами билан ўзи бўлиб, сўз билан айтиб бериш ёки кўз ёши билан ифода қилишнинг иложи бўлмаган даражадаги катта ғамига берилиб, қаддини тиж тутиб, жим ўтирарди. Кўзлари қизига тикилганди, аммо, унинг юзи билан ёнма-ён қамоқда азоб чекиб ётган эри билан ўғлининг юзини ҳам кўриб турарди. Қизиги шуки, Қану тўғрисида хавотир олиб ўйлар экан, ҳозирги онда ўғлини озодликдан маҳрум қилган қамоқ тўғрисида ўйлашдан ҳам кўра кўпроқ унинг оғриқ қулоғининг ташвишини қиларди; қулоғи ҳали ҳам оғриётган бўлса керак, оғриқни енгиллатиш учун ҳеч ким ҳеч нарса қиздириб қўймаётгандир, албатта. Қамоқнинг қаттиқ интизомига биноан жим ўтиришга мажбур бўлган эрини айтмайсиэми! Унинг жони-тани ашула эди — у ашуласиз қандай чидаяпти экан? Бу ғамгин ўйларга ҳаммасидан ҳам катта, янги ғам ва ташвиш ортди: боласининг тушиб, нобуд бўлганини Кажоли қандай қабул қиларкин? Бирдан Кажоли ўлиб қолса-я? Она қизининг юзига жонсарак бўлиб тикилди. Ўзи эса, узоқ чидай олмайди; у ўлимининг яқинлашиб қолганини бутун борлиғи билан сезиб турарди. Унда Онунинг ҳоли нима кечади? Она ғамга тўла кўзларини ухлаб ётган ўғлига тикди.

Тўсатдан кўз ёшлари дувиллаб оқиб кетди. Бегона одамнинг меҳрибонлик қилгани юрагини бўшатиб юборди. Тош юрак дунёнинг бераҳмлиги тўғрисидаги фикр кўз ёшларини юзидан оқишга олиб келди. Чуқур-чуқур, хўрсиниб йиғлаганидан кўкраги кўтарилиб туша бошлади.

Машина Ганг-стрэнд-родга қурилган кўприкка кириб келар экан, юришини секинлатди... Мана Дальхузи-хиейбони... Шаҳар қоронғи кеча қучоғида яшириниб ётарди, автомобиль ва трамвайлар ўт кўзли ҳайвонлар сингари улар ёнидан ўтиб турарди. Бау-бозор-стрит... Машина касалхона дарвозасидан ичкари кириб кетди.

Кажолини замбилга солиб, машинадан олиб чиқиб кетишгандан кейин, капитан онага юзланди:

— Бу ерга сизларни фақат маълум соатларда кирги-зишади, — деди у. Бир нарса демоқчи бўлди-ю, айтолмай ийманиб қолди: қўлида беш рупияли қоғоз пул ушлаб ту-

рарди. — Мана буни олинг. . . борадиган жойингиз йўқ, ахир. . .

Лекин она бош чайқади.

— Бу қилган яхшилигингдан бошқа ҳеч нарса керак эмас, ўғлим. Биз тиланчилар эмас, деҳқонлармиз. Бу йил биз учун жуда оғир келди.

Капитан ичкари кириб кетди. Шофер машинани касалхона ҳовлисида кўчага олиб чиқиб, дарвоза олдида тўхтатди.

— Хўп, она, энди машинадан тушмасанглар бўлмайди. . .

— Ону, — деб ўғлини уйғотмоқчи бўлди она. — Қалкаттага етдик. Тур, ўғлим.

Лекин бола ухлаб ётаверди.

Кўчада мотоциклнинг тариллагани эшитилиб қолди. Шофер хавотирга тушиб қолди.

— Капитан-соҳиб қайтиб чиққунча сизларни ҳайдамаган бўлардим-у, аммо, граждан аҳолининг ҳарбий транспортдан фойдаланиши тақиқланган. Ҳарбий полиция ҳар қадамда изғиб юрибди. Сизларга ёрдам қиламан деб, капитан-соҳиб қондани бузди.

Полиция! Қўрқиб кетган она ўғлини қўлига кўтариб олмоқчи бўлди-ю, аммо кучи етмади. Ёрдамга шофер келди.

Машинадан олиб қўйилган Ону тош кўчада ётар, аммо ўзи боягидек қаттиқ уйқуда эди. Она унинг тепасида ҳайрон бўлиб, тўрт тарафга аланглаб турарди. Чор атрофдан осмонга қараб катта-катта иморатлар бўй чўзган; уларнинг ҳар бирига бутун Баруни аҳолиси жо бўлиб кетган бўларди. Ўғли билан икковига шу орадан бирор бошпана топилиб қолар — кузги намгарчиликда очиқ ҳавода ётиб юришга ортиқ чидай олмасалар керак. Қорин тўйғазиш билан бошпанага етишиш учун тинмай ишлашади—ахир улар гадолар эмас-ку. Кажолини олиб кириб кетишган касалхона қироллар саройидек улғувор эди. Ҳа, бу муъжизалар шаҳрида муҳтож ва оч-яланғочларга ғамхўрлик қилишади. Бунинг нимасига ҳам ҳайрон бўлардинг? Шаҳарда пул кўп, ҳар бир шаҳарликнинг чўнтаги пулга тўла. Одамлари ҳам анави ҳарбий форма кийган врач йигит сингари ҳолингга ачинадиган, яхши одамлар. Оч қолишмайди. Кўп ўтмай Кажоли касалхонадан чиқади; бу орада юзлари тўлишиб, рангига қон югуриб қолади, негаки касалхонада у оч қолмайди.

Қалбининг чуқур бир ерида ҳали ҳам, Деотанинг набираси ҳам мана шу катта шаҳарнинг бир бурчагида туради-ку, деган умид учқуни бор эди. У булардан юз ўғирмас, албатта. У буларни бутунлай унутиб юборган бўлиши мумкин эмас. Йўқ, йўқ, унутиб юбормаган. Ахир она унинг оқ кўнгиллик билан кулишини ўз кўзи билан кўрмаганмиди? Ахир у Деотанинг набираси эмасми?

Деҳқон она шу хаёллар билан ёлғиз ўзи нотаниш шаҳар кўчасида турар, боши тепасида йиғилаётган қалин булутларни кумушдек ярқираётган нур деб ўйлар эди.

### УН ТУРТИНЧИ БОБ

Кўлбўйи маҳалласидан келган биринчи автобус Ҳовра товар станцияси дарвозаси олдида тўхтади. Роҳул хавотирда юрагини ҳовучлаб автобусдан тушди. Гуруч етиб келмаган бўлса-я? Омбор фақат бир соатдан кейин очилади, уйда минг хаёлга бориб хавотир олиб ўтиргандан кўра, омбор очиладиган вақтни кутиб, шу орада кезиб юргани яхши. Хавотир олиб, шундай ҳам деярли тонг отгунча кўз юмгани йўқ. Кечаси Бомбай аҳолисининг софаси — бир вагон гуруч етиб келган бўлиши керак эди. Ҳиндистоннинг ҳар тарафидан оч қолганларга ёрдам учун йиғилган пуллар келиб турарди. Ҳа, фалокатга учраган Банголни қутқариш учун бутун Ҳиндистон отланганди. Лекин, фақат пул йиғиш билан масала ҳал бўлмасди. Қаердан бўлмасин бу пулга гуруч сотиб олиш ва уни олиб келиш учун вагон топиш керак эди. Бунинг учун эса, юзлаб тўсиқларни бартараф қилиш лозим бўларди. Граждан юкларини ташиш учун вагон етишмасди — вагонлар биринчи навбатда ҳарбий эҳтиёжлар учун олинарди. Темир йўллардан кўчириб олинган юз милаб рельслар ортилган бутун-бутун составларни Ўрта Шарққа ҳайдашарди. Ҳиндистон йўллари юкка тўлиб-тошиб кетган эди. Банголга гуруч ўрнига замбараклар келарди.

Гуруч эса, Банголдан жўнатиларди! Ҳеч нарсага қарамай, ҳатто очарчилик авж олган районлардан ҳам ҳамон гуруч ортиб кетилмоқда эди. Ун миллионлаб деҳқонлар очликдан тиришиб ётган бир пайтда, улар меҳнати билан етиштирилган гуруч олдиндан ишлаб чиқилган планга мувофиқ Банголдан олиб кетиларди.

Уша Бомбайдан юборилган вагон келмаган бўлса, аҳвол нима кечади? Бугун очларга ёрдам Маркази ўзининг

охирги жамғариқларини улашади. Хўш, эртага, индинга нима қилинади? Марказга боғланган, ҳаёти қил устида турган беш юз бечора очдан ўлиб кетади.

Барибир ҳам ўлиб кетишадиган кўринади. Худди шулар бўлмаса, бошқалари, биродарлари қирилиб кетадиганга ўхшайди. Шаҳарда ҳар хил шафқат ташкилотлари томонидан очилган кўпгина текин ошхоналар ишлаб турибди, аммо, ҳар куни юз минг кишини бундай ташкилотларнинг арзимас пули билан боқиб бўлармиди?

Очлар эса, тўда-тўда бўлиб ҳали ҳам тўхтовсиз келиб туришибди. Очлик уларни қишлоқдан Калкаттага ҳайдаб келарди. Кўп одамлар қаттиқроқ овқатни ҳазм қилолмайдиган бўлиб қолган эди. Бундай одамлар овқатни ерди-ю, ўлиб қоларди. Бундай кишиларга гуруч овқат бериш — ўлдириш деган гап эди. Уларга махсус парҳез ва глюкоза лозим эди. Роҳул ғамгин кулиб қўйди. Глюкоза-я!

Шундай бўлса ҳам, то ўлгунингча икки ҳафталаб, уч ҳафталаб, бир ойлаб кундан-кун секин-аста сўлиб боргандан кўра, қорин тўйғазиб олиб, бирдан ўлиб қўя қолган афзал эди. Қизиқ, одам организми унда ҳаёт сўнгунча қанчадан-қанча азоб-уқубатларга дош бера олади-я! Одам дастлабки кунларда жуда қийналади. Очлик уни ақлини йўқотишгача олиб келади. Кейин киши ланж бўлади. Ётиб олади, қимирлагани мадори қолмайди. Одамнинг ҳатто овқатланишга ҳам қуввати етмай қолади, у фақат бир нарсани — уни безовта қилмасликларини хоҳлайди. Кўзининг нури сўнади. Қоқ қуруқ суяк бўлиб қолади, суяк атрофидаги энг охирги гўшт ҳам қуриб кетади. Роҳул мана шундай қоқ суяк бўлиб қолган бир одам-кўланкани эслади; гўё бутун эти сидириб олиниб, суягининг ўзи яна терисига ўраб тикиб қўйилгандек, ҳатто думбасида ҳам ҳеч нарса қолмаганди. Бу одам овқат у ёқда турсин, ҳатто сувни ҳам ютолмасди. Шундай бўлса ҳам тирик эди. Аллаким унинг олдида битта идишда гуруч олиб келиб қўйди. Гуруч қандай қўйилган бўлса, шундай қолди.

Роҳулнинг ёдига яна бошқа бир ҳодиса ҳам тушди. Қуруқ суяк бўлиб қолган, одамга ўхшаш бир нарса, бошқалардан қолиб кетмаслик учун ҳарсиллаб эргашиб килиб келди. У ошхона эшиги олдида Роҳулни кўриб қолиб: — Тўғрими шу гап, отам? Бизларга егани овқат бера-санми? — деб сўради.

— Ҳа, тўғри, ҳозир гуруч беришади.

Унинг сўник кўзларида нур кўринди.

— Жуда узоқдан келдим. Барча дарёлар онаси Гангнинг нариги тарафидан келяпман. Беш кундан бери туз тотганим йўқ. Беш кундан бери, отам.—Кейин гандирак-лаб-гандирак-лаб ичкари кириб келди. Паст товуш билан:—Ҳозир сенга гуруч беришади, тентак, гуруч, билдингми? Оббо тентак-э, оч қолган тентак-э. . . — деб ўзича жаврар, ич-ичига ботиб кетган юзидан эса, хурсандлик ёшлари оқарди.

Қора тақдир ўша охирги бир ютим гуручни еб олишига йўл қўймади. Буғи чиқиб турган қозонни олиб келишганда, бечора ўзини сира тиёлмай, ҳаяжондан қалт-қалт титрай бошлади. Овқат тақсимооти бошланди. Унинг навбати ҳам яқинлашиб келаверди. . . У сабр-қаноат билан кутиб турди, овқат ейиш истаги азбаройи зўрлигидан фақат кўзлари косасидан чиқиб кетай-чиқиб кетай дерди—шу пайт бирдан ичига ботиб кетган кўкрагидан хириллаган овоз эшитилди-ю, гумбурлаб ерга йиқилиб, ўлди-қолди.

Роҳул платформада тез-тез у ёқдан-бу ёққа юра бошлади; нафас олиши тезлашди, ҳадеб ёпишиб келаверган хира пашшани, тўғрироғи, кўзига кўринаверган нарсани ҳайдаш учун икки марта қўлини силкитиб-силкитиб қўйди.

Тонг отарда Барунидан келган деҳқон онани кўча ҳаракатининг шовқин-сурони уйғотиб юборди. У чўчиб кўзини очди-ю, тепасида одатдагидек дарахт шохи ўрнида катта балкон турганини кўрди — йўлнинг анча орқада, аллақерларда қолиб кетганини, ҳозир муъжизалар шаҳрининг тротуарида ётганини ана шундан кейингина эслади. Гўё кўриб юрган туши бирдан ўнг келиб қолгандек эди.

У ерда, йўлда, тонг отганидан қушларнинг сайраши хабар берарди. Бу ерда эса, ўзларини бу ерга келтириб ташлаган машинага ўхшаган юзлаб машиналар шовқини хабардор қилар экан. Атрофдаги ҳар кунги манзараларга ўхшамаган янги жойларни кўриб туғилган хавотирлик шодлик аралаш умид ҳисларига қоришиб кетарди. Онуни четроққа олиб чиқмаса, машина филдираклари остида қолиши ҳам ҳеч гап эмасга ўхшайди. Она Кажолини олиб кириб кетишган баланд уйга қаради. Оналик ҳисси билан Кажоли у ерда тинч, ором олиб ётганини сизди. Кошки

эди боласи тушмаса, кошки эди боласини ҳомиладор хотинларга шаҳарчасига ёрдам кўрсатадиган мана шу катта саройда туғса!

Ону уйғонди. У ўрнидан туриб ўтирди-да, дам ўтмай:

— Ойижон, қорним очиб кетяпти! — деб ғинший бошлади.

Она ўғлининг чигал бўлиб кетган сочларини бармоқлари билан тароқлади, ўртасидан фарқ очиб қўйди: муҳтожликдан чурук-чурук кийимда юрсанг ҳам, шаҳарда саранжом-саришта бўлиб юриш керак.

— Ҳадемай овқат топамиз, қорнимиз тўйгунча еб оламиз, — деб она ўғлини овута бошлади-ю, қорнимизни ким тўйдиради, деб ўйланиб қолди. Улар олдидан ўнлаб одамлар ўтиб турар, аммо ҳеч ким, мутлақо ҳеч ким уларга қайрилиб боқмасди. Она аллақандай бир одам улардан беш қадамча наридаги пастаккина бир темир столба олдига келиб, ёнидан чиқиб турган дастасини босганини, ундан эса, шариллаб сув оқиб тушганини кўрди. Анави муъжизани қаранг-а, керагича сувни шундай эшигинг тагидан олиб кетаверасан! Бояги одам оғзини чайқаб, кичкинагина новда билан тишларини тозалаб ювди. Она-бола наридан туриб уни кузатиб турдилар, у одам кетгандан кейин, она ўғлига қараб:

— Юр, Ону, овқат ейишдан олдин ўша сувли машинада ювиниб олайлик, — деди.

Она юз-қўлини ювиш билан банд экан, Ону чорраҳада турган фонарни томоша қилгани кетди. Ўша ерга борди-ю, юзи ёришиб кетди. Югурганча орқага, онасининг олдига қайтиб келди.

— Ойи, анави ерда, муюлишда, одамлар бор экан, жуда кўп одамлар, бир хиллари ҳали ухлаб ётишибди, бир хиллари уйғонибди.

— Қандай одамлар?

— Бизнинг одамлар. Худди бизга ўхшаган одамлар. Оч-яланғоч одамлар.

Она ҳайрон бўлди. Эҳтимол, улар ҳам худди ўзи сингари шаҳарга энди келишгандир? Шаҳарда уларни ҳали жойлаштириб улгуришмагандир. Шу пайт муюлишдан бир одамнинг қораси кўринди, у одамни она дарров таниди, — у бу одамни илгари сира кўрмаган эди, аммо унинг қуруқ суяк бўлиб, саналиб турган қовурғалари, очликдан шишиб кетган қорни ва оёғини судраб босиши унга жуда-жуда таниш эди. Ўша одам ахлат яшиги олди-

да тўхтаб, унинг устига энгашди. Қоқ суяк бармоқлар ахлат орасини титкилаб, банан пўчоғини топди. У қаддини ростлаб, очкўзлик билан пўчоқни оғзига тикди.

— Менга қара, ўғлим, бу ерда одамларни боқишмай-дими? — деб сўради ачиниб ва хавотирланиб она, унга яқинроқ бораркан. У, бу кишининг деҳқон эканини сезиб, ундан ҳеч уялмай гап сўради.

У киши нурсиз кўзлари билан онага бир қаради-да, бош ирғаб қўйди.

— Боқишади.

У овқат ютганда ингичка тортиб кетган бўйнидан кекиролмаси юқори чиқиб, паст тушиб турарди.

Онанинг юзи ёришиб кетди. Ҳозир бирпаснинг ўзида у не-не ташвишларни бошидан кечирмади дейсиз!

— Биз ўғлим икковимиз шаҳарга жуда кеч келдик, — деб ўғлини чексиз меҳрибонлик билан бағрига босиб туриб изоҳ берди она, паст товуш билан. — Унинг қорни жуда оч. Овқат ейдиган вақтга ҳам ҳали эрта шекилли-а?

Ҳамсуҳбатлари бош чайқаб қўйди.

— Овқат ейишга ҳеч қачон эрта бўлмайди.

Онанинг хуноби ошди. Наҳотки у, она нималарни сўрамоқчи бўлиб турганини сезмаётган бўлса, ҳадеб сўрай-веришга мажбур қилмай, ҳаммасини ўзи айтиб бера қолса, нима қиларкин?

Бояги одам қўлидаги банан пўчоғини узатди.

— Олинг, унга беринг. Болалар оч қолмаслиги керак, — деб у суяклари туртиб чиққан қўлини пўчоқ топгани яна ахлат яшикка тикди.

— Бизни хафа қилма, ўғлим. Биз тиланчилар ёки ахлат ташувчилар эмасмиз. Бошимизга оғир кунлар келиб, қишлоқни ташлаб кетишга мажбур бўлдик.

Буни эшитиб, бояги одам ўгирилиб онанинг юзига тик қаради. Бирпас тидамай турди-да, кейин тилга кирди:

— Она, менинг ҳам ерим бор эди, икки бўлак, яхлит-яхлит. Болаларим ҳам бор эди. Йўлда нобуд бўлишди, тўртовидан ҳам ажралдим. Кўп милаб йўл юришга мажбур бўлдик. Болаларимнинг онаси ҳам йўлда қолди. Мен эса, ҳозирча тирикман. Тақдир ачиниш деган нарсани билмайди, суякларимда жон қолмаган бўлса ҳам, ҳамон судралиб юрибман. Бу ерда, шаҳарда ҳолимиз пария\*-ит-

---

\* Пария—ҳиндларда ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилган одам.

лардан ҳам хароб, — деб тамаки япроғидан ҳам бадтар-роқ қуриб, буришиб-тиришиб кетган деҳқонларга хос юзини ерга қаратди.

Бирдан онанинг аъзойи бадани титраб кетди; шундай қаттиқ қалтираб кетдики, ўзини эплаб ололмай, йиқилиб кетмаслик учун тротуарга ўтириб олди. Ўзини зўрлаб, хириллаган товуш билан:

— Демак, Калкаттада очдан ўлаётганларга ёрдам беришмас экан-да? — деб зўрға сўради.

— Ёрдам беришади. Гуруч бўтқа пишириб беришадиган текин ошхоналар бор. Лекин кам. Ҳар кун ҳам ҳаммага етавермайди. Гуруч кам, оғиз кўп. Мен билан бирга борсангиз, эҳтимол, илиниб қолармиз ҳам, она.

— Соат нечада, ўғлим? — Она, бир оз ўзини тутиб олди.

— Роса чоштгоҳда. Ҳали кўп кутиш керак. Болакай оч қолибди. Ҳозирча банан пўчоғини еб турсин. Ҳар ҳолда қорни тўлиб туради-ку.

Ону банан пўчоғини сувга чайган бўлиб, ея бошлади. Она юзини четга бурди. У бунга қараб туролмасди.

Овқат ахтариб, яшик олдига яна бир неча киши келди. Она шошиб-пишиб четга чиқди. Заифликдан оёқлари чалишиб-чалишиб кетарди, лекин чиқинди нарсаларни еб бўлармиди! Ундан кўра очдан ўлгани яхши.

— Манави тор кўчада бизнинг қаторимиздан жой олинг, — деб биринчи келган қочоқ онани дўстона таклиф қилди. — Бу кўчадан ҳайдаб юборишади. Бу кўчада афти-ангоримизни кўришни исташмайди — нима ҳам дердик, ўзимиз ҳам жуда кўрса кўргудек бўлиб қолганмиз! Ана шунинг учун бу ерда, ён кўчада ётиб юрибмиз; у чор атрофи баланд девор билан ўралган катта бўш майдонга олиб чиқади. Ўзимиз ҳам кўпмиз — меҳнат қилиб чарчаган бутун бир қишлоқ қўшиқ эшитгани тўпланган дейсиз!

Онанинг хотирасида таниш манзара жонланди. Қалин баргли анжир дарахти остида чордана қуриб ўтириб олиб, эри ашула айтяпти. Бутун қишлоқ эса нафасини ичига ютиб, унга қулоқ солиб ўтирибди. Ҳатто болалар ҳам ўйин ва жанжалларини унутиб, жим ўтириб ашулага қулоқ соладилар.

— Фақат ашула овози эшитилмайди, холос, — деб қўшиб қўйди қочоқ.

— Ашула овози эшитилмайди, — деб акс садодек жавоб қилди она. Улар ён кўчага бурилишди. Тер ва олиб

ташланмаган ифлосликларнинг сассиқ ҳидидан она қўли билан бурнини тўсишга мажбур бўлди. Аллақайси бир бурчакдан кимнингдир инграгани эшитиларди.

— Юракбуруғи бўлиб қолибди,— деб ҳамроҳи онага изоҳ берди.—Омади келди унинг. Энди уни касалхонага олиб кетишади,—деди-ю, ўйланиб қолди.—Олишармикин?

Она катта, чиройли уйда қолган Кажолини ўйлади, унинг мана шу тор кўчада туғаетганини кўз олдига келтириб, чўчиб кетди. Кажолининг бошига келган бахтсизлик энди унинг назарида унча катта кулфат эмасдек туюла бошлади. Ҳар ҳолда мана шу дўзахда яшашга мажбур бўлмайди — жуда бўлмаганда бир неча ҳафта тўғри келмайди. Бирдан кўнглида Кажолининг чала тушган боласига нисбатан меҳри қайнаб кетди. У билган экан; онасининг қорнида ётган бола ҳам, туғилгандан кейин қандай кунларга тушиб қолишини олдиндан билган экан. У онасини шаҳарга олиб кетишлари, касалхонага ётқизишлари, унда онаси қийналмай яшаши учун атайдан ўзини ҳалок этган. Авлиё бола! Ҳаяжондан онанинг ўпкаси тўлди. Қўли билан кўзларини артди.

У чорраҳа муюлишида шаҳар ажойиботларига индамай қараб турарди. Юзлаб рангдаги ва шаклдаги автомобиллар. Трамвайлар. Қичкинагина, пастаккина мотоцикл—у қаттиқ тариллаганидан қулоқни батанг келтириб, ўқдек учиб ўтиб кетди. Кўча ҳаракатининг тинимсиз шовқин-сурони она-болага оғир таъсир этди. Улар энди яхшироқ вақтлар келгунча бирдан-бир қароргоҳлари бўлиб қолган жимжит чет кўчага қайтдилар.

Бири устига бири тортилган икки қизил чизиқли кўк машина келиб, бурчакда тўхтади. Ундан замбил кўтарган одамлар тушишди, юракбуруғи бўлиб қолган беморни замбилга солиб, машина тарафга олиб кетдилар. Хўп бахти келди-да! Энди қироллардек яшайди!

Вақт жуда секин ўтиб борарди, чоштгоҳга бир соатча қолганда одамлар қимирлашиб, кўчада ҳаёт нишонаси кўриниб қолди. Одамларнинг юзида ҳаяжон бор эди. Нурсиз, лак-лак тушиб кетган кўзларда ҳаёт учқунлари кўринди. Мана ҳамма — эркаклар ҳам, хотинлар ҳам, болалар ҳам ҳаракатга келди. Овқат вақти келганди.

— Бўла қолинг тезроқ, она,— деди бояги дилкаш қочоқ.—«Ҳиндистон» газетаси биносида ҳар куни роса тўрт юз кишига овқат улашиб беришади — бу районнинг

текин ошхонаси ўша ерда, кунда роса тўрт юз кишига овқат тарқатишади. Оғир темир дарвозадан ичкари киролмай қолган киши овқатсиз қолаверади.

Ошхонага ҳар тарафдан худди шулар сингари очлар оломони йиғилиб келган эди. Оломоннинг жуда тез кўпайиб бораётганидан қўрққан она хаёлида Барунида қари анжир дарахти яқинида эҳроми бўлган худо Шивага ёлвормоққа бошлади: «Уч Иқлимнинг отаси, ўзинг раҳм қил, бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўйма. Темир дарвозадан кириб олишимизга мадад бер, отам».

— Бугун узоқ йўл юргандан кейин дам олдингиз, она,— деб гапини давом эттирди қочоқ ҳамроҳи,—эртага вақтлироқ туриб, ўғлингиз билан бирга бирон егулик нарса топиш учун ахлат яшикларини титкилаб кўришинглар керак.

— Банан пўчоғими?— деб сўради она, руҳсиз ва заифлик билан.

У бош ирғаб қўйди.

— Фақат банан пўчоғи эмас. Сабзавот пўчоқлари. Нушхўрд овқатлар. Ҳадемай ўрганиб кетасиз, ўзингиз уста бўлиб қоласиз, ҳали. Фақат бўтқа билан тирикчилик қилиб бўлармиди — кечқурун қорин яна ўзини эслатади. Ана ўшанда чириган сабзавотларингиздан тозалаб, пўчоқларни солиб, ёвгон қайнатасиз.— У бирпас жим турди-да, қўшиб қўйди:— Тор кўчамизда каламушлар кўп изғиб юради. Кўп одамларимиз уларни тутиб ейдилар.

Онанинг юзи буришиб кетди. У бир нарса демоқчи бўлгандек, томоқ қириб олди-ю, аммо ҳеч нарса демади.

— Ахлат яшиклар — бизнинг омборимиз, она. Шаҳар ахлатчилари машинаси билан етиб келгунча, биз ундан егулик нарсаларни териб оламиз. Баъзан кечаси туриб ахлат яшикларини айланиб чиқамиз. Тунда рақиблар камроқ бўлади.

Она ҳали ҳам индамас, фақат дилида ғамгинлик билан: «Ё Уч Иқлимнинг отаси, ўзинг бандам де. Оғир темир дарвозадан ичкари кириб олишга мадад бер», деб такрорларди.

Мана, ниҳоят — иссиқ гуруч бўтқанинг ҳаёт бағишловчи ҳиди ҳам келиб қолди! Ҳар бир қочоқнинг қўлида бирор сопол тақсимча ёки кокос ёнғоғининг пўчоғи бор эди: ўша идишларига ўлчоқлик миқдорда овқат солиб беришарди. Онанинг ҳеч қандай идиши йўқ эди — бор

қақир-қуқурлари ҳам катта йўл бўйида қолиб кетганди. Овқат тақсимловчи кишига у сорийсининг этагини тутди — сорийси унча узун бўлмагани учун кўкрак қисмидан бир оз ечиб, пастга туширишга тўғри келди, аммо, қочоқ-она энди ҳамма нарсадан ҳам уялаверишни ўйламай қўя бошлаганди.

У овқат ейиш лаззатини чўзишга ҳаракат қиларди. Оч қолган Ону она-бола икковига берилган овқатни бир неча ошаганда еб қўйиши мумкин эди. Лекин она уни аяб, оз-оздан еди.

Овқатни бир дона ҳам гуруч қолдирмай еб, сопол тақсимчаларини ялаб қўйганларидан кейин очлар ўзларини боққан шаҳар бойлари ҳақида дуо қилдилар.

— Илоҳо умринг узоқ бўлсин, отахон. Давлатинг зиёда бўлсин. Бизга бир берган бўлсанг, давлат маъбудаси сенга юзни берсин.

Аммо, бу овқатни ейишга тўла ҳақлари борлиги биттасининг ҳам хаёлига келмади. Кўча тошлари устида чўзилиб ётишларига рухсат бериб қўйганларини улар олий ҳимматлилиқ деб ҳисоблашарди, бир қошиқдан гуруч бўтқа улашганларини эса, ундан ҳам афзал ҳиммат деб ўйлардилар. Шаҳар бойларининг оч қолганлар билан нима иши бор? Модомики, булар тўғрисида ғамхўрлик қилишган экан, бу фақат ҳиммат қилганларидан, «Илоҳо умринг узоқ бўлсин, отахон. Илоҳо давлатинг зиёда бўлсин».

Қочоқлар ўз тор кўчаларига қайтиб келиб, боя санитар машинаси касалхонага олиб кетган юракбуруғи бемор яна ўз жойида ётганини кўрдилар.

Кўринишидан, шаҳар ишларига ақли жуда яхши етadиган дилкаш қочоқ онани сўзсиз саволига жавоб берди:

— Уни қайтариб ташлаб кетишга мажбур бўлганлар. Ҳамма касалхоналар лиқ тўла. Уни бутун шаҳар касалхоналарига бир-бир олиб боришган. Ҳеч қаердан жой топилмаган. Бечоранинг омади келмабди.

Она яна ўз Кажолисини ўйлаб, ич-ичидан хурсанд бўлди. Белгиланган вақтда уни кўргани касалхонага борганда айтмоқчи бўлиб ўйлаб қўйган гапларини ичдан яна бир карра такрорлади.

— «Турар жой топдингларми, ойижон? Энди оч қолмаяпсизларми?»

— «Яхши жой топдик, қизим. Энди оч қолаётганимиз йўқ. Менга иш беришди—ўзи унча қийин эмас, иш ҳақи-

си ҳам яхшигина. Шаҳар бизга ҳам худди сенга кўрсатгандек ғамхўрлигини кўрсатяпти».

— «Ону қалай, ойн? Хурсандми?»

— «Жуда хурсанд. У жуда шаҳарлик йигитча бўлиб кетди. Янги дхўтийсида шундай шаҳарлик бўлди-қўйди. . .»

— «Ўзингиз-чи, ойн? Ҳали ҳам эски сорийингизни ки-йиб юрибсиз-ку. . .»

Она ҳаммадан ҳам мана шу саволдан қўрқарди, негаки бу саволга ҳали дурустроқ бирор жавоб тополганича йўқ. Бунга нима деб жавоб қилсам экан деб бош қотириб ўтирар экан, шаҳарнинг аллақаерида бир нарсга ўкириб, шаҳар кўчаларини бошига кўтарди. Ону онасига ёпишди.

— Ҳеч гапмас бу, қўрқма,— деб унга тасалли берди дилкаш қочоқ.— Сирена бу. Шаҳарга бомба ортган япон самолётлари келаётганидан хабар қиляпти. Бунга эшитиб, ҳамма хандаққа яшириниши керак.

Бу ерга тўпланганлардан биттаси ҳам жойидан қўзғалмади. Фақат баъзи бировлар бошини кўтариб, осмонга қараб қўйди. Дилкаш қочоқ гапини давом эттирди:

— Биз камбағал-бечоралар японлар билан урушганимиз йўқ. Нимадан қўрқардик? Бомба остида қолиб ўлиб кетсак ҳам унча зарари йўқ. Бизга ҳаёт ҳам, ўлим ҳам бир эмасми?

Японлар? Осмон-фалакда, булутлар орасида-я? Демак улар ҳеч ҳам денгиз тарафдан келаётганлари, Барунидан уч кунлик жойда соҳилга тушмоқчи бўлаётганлари йўқ экан-да? Ўша ҳамма гаплар ёлғон экан-да! У гапларнинг ҳаммаси деҳқонларни алдаш учун, уларни қўрқитиб, алдаб-сулдаб шоли ҳосилини тортиб олиш учун ўйлаб топилган пуч гаплар экан.

Онанинг юзи ғазаб ва нафратдан қизариб-бўртиб кетди. Тоза, оппоқ гуруч доналари кўзига яққол кўриниб кетди.

У ўғли учун қўрқарди. Уни ўша хандақ деб айтишган бошпанага яширишни истарди. Лекин у хандақни қаердан топади? Дилкаш қочоқ, афтидан, у ерга қочишни ўйламас ҳам эди. У жойига чўзилиб ётиб олди-да, уйқуни уришга ҳозирлик кўра бошлади.

— Ўша сирена деганингизни қандай қилиб ясашадир?— деб қизиқиб сўради Ону.

— Жуда осон,— дарров жавоб берди уларнинг ҳар нарсадан хабардор қўшнилари.— Қалъада катталиги пальма дарахтидек келадиган юз трубади катта бурғу бор. Ҳар битта труба олдига биттадан оқ танли солдат туриб олиб, босқон билан унинг ичига ҳаво ҳайдайди. Ҳаво трубадар ичидан ўтиб бориб, энг учига улаб қўйилган яхлит битта карнайдан чиқиб кетади-да, ана шундай ҳайқириқ пайдо бўлади.

Уша куни ҳеч қандай душман самолётлари шаҳарга яқин келмади. Оддий машқ тревогаси кўтарилган экан. Сирена ўн минутча ўкириб турди-ю, яна бирдан жим бўлди.

Шаҳарда ҳаёт яна қайнай бошлади. Ресторанларда овқатга қарайдиган одам топилмасди. Кинолар одамга лиқ тўла эди. Кўчалардан эса, гусеницаларини шарақлатиб, катта-катта танклар ўрмалаб ўтиб турарди.

Кечаси тор кўчадагиларнинг ҳаммаси уйқуга кетди, фақат ифлосда чўзилиб ётган юракбуруғи бемор у ёқдан-бу ёққа тўлганиб, оғриқдан инграрди. Ухлаб ётганлар орасида катта-катта қора каламушлар изғиб юарди. Бит галалари янги меҳмонлар келганини сезиб, ўзларининг ўрганиб қолган эски жойларини ташлаб, она-боланинг сочлари орасига кўчиб ўта бошладилар. Мана шу тарзда, ҳар хил ифлос ҳидларни баданларига сингдириб ва битлаб қишлоқ қашшоқлари янги сифат орттирар — шаҳар қашшоғига айланардилар.

## ЎН БЕШИНЧИ БОБ

Монжу биров туртиб юборгандек чўчиб уйғонди, қўлини қовуштириб кўкрагига босганча диққат билан қулоқ солди. Гўё ярадор жонивор жон қийноғида азоб тортаётгандек юракни эзиб юборувчи ингроқ эшитилди. Ингроқ бир лаҳзага тинди, кейин яна эшитилди. Бунга чидаб туриб бўлмасди. Монжу ухлаб ётган эри устига энгашди.

— Туринг. Эшитяпсизми? Турсангизчи!

Роҳул кўзини очиб, маза қилиб керишди — худди шу пайт ингроқ овозини у ҳам эшитиб қолди.

— Оч қолганлардан биронтаси бўлса керак,— деди у, ўрнидан турар экан.

— Юрагим чиқиб кетяпти. Ярим кечада, яна келиб-келиб бизнинг эшигимиз тагида шундай инграса-я!

— Эшигимизнинг бошқа эшиклардан кам ё ортиқ жойи йўқ,— деб Роҳул чироқни ёқди.— Очлик эса, кечаси яна ҳам бадтар қийнаса керак-да. Ким билади дейсан.

У кўчага очиладиган ойнадан ташқари қаради. Ниқоблаб қўйилган фонарь ёруғида бировнинг қораси кўринарди. Роҳул кўчага диққат билан узоқ тикилиб қаради.

— Аёл киши,— деди-да, қаддини ростлаб, эшикка юрди.— Бу очликдан эмасга ўхшайди. Одам оч бўлса, ҳадеб инграмайди, жим ётади.

Монжу аъзойи бадани титраб, ўрнига ўтирди. Шипга ўрнатилган электр вентилятор дим туннинг иссиқ ҳавосидан оғир иссиқ тўлқинлар ҳосил қилиб айланарди. Монжу терлаб кетган юқори лабини артди. Кўчада нима гап бўлаётган экан? Қошки эди деразадан кўчага қарашга юраги бетласа! У мурдадан қўрқарди. Жон бераётганлардан ҳам. Роҳул бунча йўқ бўлиб кетди-я. Шошиб чиқиб кетганидан у эшикни зич ёпмаганди. Коридор қопқоронғи эди. Монжу қоронғиликка худди ўлим яшириниб оладигандек, қоронғиликдан қўрқарди. Ярамас ўлим ҳамма ерда ҳозир-нозир, у бутун шаҳарни қоқ суяк қучоғига олганди. Монжу Қалкаттадан кетиб қолмоқчи ҳам бўлди, лекин Роҳул очларга ёрдам кўрсатиш ишини ташлаб кетишни истамади. У Монжуга қизингни олиб, Симулга, ота-онанг олдига бора қол, деб рухсат берди. Лекин у қандай қилиб эрини бу ердаги даҳшатлар ичига ташлаб кетади! У шундай ҳам илмий ишдан ҳафсаласи пир бўлиб юрибди. На дам олишни билади, на тиниб-тинчийди. Кўпинча овқат устида, еяй деб турган луқмасига қараб қолади-да, бирдан юзи буришиб, ўрнидан туриб кетишларини унутиб бўладими? Кўзлари-да эса, қачон қарасанг чексиз ғам акс этиб юрадиган бўлиб қолди, шундай пайтларда унга қараб туришганини сезиб қолса, кулги билан енгиб кетмоқчи бўлади. Эрининг ўшандай қараши ва шундай кулгисини кўрса, Монжунинг доим йиғлагиси келади. Ҳа, у нима қилиб бўлса ҳам, эрини бу ердан олиб кетиши керак. Монжу касал бўлиб қолади, врач келиб унга денгиз ҳавосида дам олишни маслаҳат беради, ана шундан кейин Роҳул уни денгизга олиб кетишга мажбур бўлади. Вақтни қўлдан бериб бўлмайди. Қора тўлқин Қалкаттага тобора кўпроқ сурилиб келмоқда.

«Онахон! Раҳм қил, онахон! Ювиндингдан бўлса ҳам бир хўплам бер, онахон!» Бу кишини эзадиган нола-фигон ва тинимсиз йиғилар кўкракдан эмас, балки умидсизлик талвасасида бўм-бўш қориндан чиқаётгандек эди! Шу нолалар ҳеч вақт қулоғингиздан нари кетмайди, еган-ичганингиз заҳар бўлиб, томоғингизда тиқилиб қолади. Шу нола эртаю кеч, ҳар соат, ҳар онда қулоғингизга эшитилиб туради, қаерда бўлманг, қаерга борманг, шу нолани эшитасиз, шундай кўп эшитасизки, аввалига юрагингиз эзилади, уларга ачинасиз, кейинчалик эса, бу нолалар шундай жонингизга тегадикки, пашшанинг фингиллашичалик эътиборингизни тортмай қўяди. Доим бир оҳангдаги бу нола-фигонларни эшитгани тоқатингиз қолмайди. Безор бўласиз. Очлар дейсизми? Улар ҳар қандай ҳиссиётдан ҳам маҳрум бўлган алоҳида зотли одамлар. Уларга ачинишнинг ҳожати йўқ. Ачинишга арзирмиди улар? Битта оч қолган аёлга қўлида кўтариб юрган боласига деб бир тақсимчада қайнатирилган гуруч беришганди, у бирдан чийиллаб қолди? «Нима берган эдинг бизга, онахон? Қара, болам ўлиб қолди! Сенга нима ёмонлик қилган эдим, онахон, боламни нима хусуматда ўлдирдинг?» Уялганидан нима қилишини билмай довдираб қолган уй хўжалари бечора аёлни жим қилиш учун кўлига икки рупия бериб зўрға жўнатиб юбордилар. Улар бу хотин ўлик болани кўтариб олиб, уйма-уй юриб, одамларни алдаб пул йиғиб юрганини қаердан билишсин. Булар ана шунақа одамлар.

Монжу ва унинг доирасидаги кўпгина кишилар халқ бошига келган буюк фалокатдан, бизнинг бошимизга ҳам тушмасин, ўзимизни ҳам эзиб қўймасин деб, ўзларини четга олиб юриш билан қутулмоқчи эдилар.

Роҳул қайтиб чиқди. Шошиб стол устида турган телефон олдида борди-да, телефон қилди. Жавоб бўлишини кутар экан, Монжуга қараб:

— Эшик тагида бир хотинни тўлғоқ тутиб ётибди. Кўзи ёриши яқинга ўхшайди,— деди, унинг овози бўғиқ, қовоғи солиқ эди.

Монжу кўзларини катта очиб, ишонинқирамай:

— Тўлғоқ тутяпти дейсизми?— деб қайтариб сўради.

Лекин эри буни эшитмади. Унинг қош-қовоғи солиқ эди, трубкани жойига тақ этиб қўйди-да, яна қўлига олди, олдида турган справочникдан кўзини узмай, бошқа жойга телефон қилди. Кейин тобора жаҳли чиқиб

гаплаша бошлади, трупкага қичқириб берганида, Монжу унинг охириги сўзларини эшитиб қолди:

— Ўша қоидаларингиз билан гумдон бўлингиз! Жой йўқ бўлса, ерга ётқизиб қўяверинглар. Врач бўла туриб, наҳотки, хотин кишининг кўчада туғаётганига жонингиз ачимаса?

У трубкани яна тақ этиб қўйиб олди-да, яна янги номер терди.

Телефон қилишни қўйганда юзи ўт бўлиб ёнар эди.

— Менга ёрдамлашиб юборасанми, Монжу? Ҳеч қандай ёрдам кўрсатмай уни кўчада қолдириб бўлмайди. Уни ҳеч қаерга олишмаяпти. Ҳамма касалхоналар жой йўқ, деб жавоб қиляпти.— Қон миясига урди.— Ҳайвонлар! Аблаҳлар!

— Ойимни чақири қолайлик, а?— сўради шивирлаб Монжу, эрига қўрқа-писа қараб, лекин Роҳул тоқатсизлик билан жеркиб берди:

— Кейин. Олдин уни уйга олиб кириш керак,— деб у ўрнига ёзиб қўйилган чойшапни юлқиб олди-да, югурганича чиқиб кетди.

Ҳаяжонга тушган, қўрқиб кетган Монжу унинг кетидан чопди. Пастда, кўча эшик олдида тўхтаб, қўрқа-писа кўчага мўралади. Аёл энди инграмай қўйган эди. У, кўзларини юмиб, оёқларини кериб, чалқанча тушиб ётарди. Чурук-чурук латталар билан сал-пал ўралган озғин бадани ўртасидан унга сира ёпишиб тушмаган, катта қорни туртиб чиқиб турарди. Роҳул уни эҳтиёт билан ердан сал кўтариб, ёнига ёзилган чойшап устига олиб қўйди. Аёл кўзини очди, кўзларида қўрқув акс этди. Секингина инграб қўйди, худди шу ондаёқ: «Қўрқманг онахон», деб унга тасалли берган овоз эшитилди. Шундай деб, Роҳул ҳали ҳам остонадан мўралаб турган Монжунинг имлади. У шошиб эри олдига келди; иккаласи бир бўлиб хотинни кўтариб, ичкари олиб кирдилар ва меҳмонхонадаги диванга ётқизиб қўйдилар. Аёлнинг чигал бўлиб, кир босиб кетган сочи оппоқ пар ёстиққа ёйилди.

— Доктор чақириш керак,— деди Роҳул, ўзи эса бу орада кўзини юмиб олган, гўё уйқуга кетиб, оғриқ билан уятни унутгандек жим ётган хотиндан кўз узмай қараб турарди.— Унинг ёнида ўтириб тур, Монжу, мен ойимни чақириб тушаман.

Монжу диван олдида, унда ётган аёлга қараб турар-

ди. Юзи ва кўзи атрофини ажин босиб кетган деҳқон аёлнинг бети тортган азобларидан ўзгариб кетган эди, азоб тортганда ҳам шундай кўп тортган эдики, гўё ўша азоб-уқубатларни қўл билан ушлаб кўрса бўлгудек туюларди. Лекин Монжу бу азоб тортган хотиндан жирканмади, она бўлай деб турганини кўриб, унга юраги ачиди. Беозор сўзлар билан унга таскин бергиси келди. Кўнгил ойнаси бўлган кўзларининг ич-ичига тикилгиси, унда акс этиб турган даҳшат остида яшириниб ётган орзуларини кўргиси келди — ҳар ҳолда, Монжуга аёлнинг шундай орзулари бордек туюлди.

Ўзингни азоб чекаётган одам ўрнига қўйиб кўра олсанг, унга кўпроқ ачинасан киши. Қаршисида ҳолсиз чўзилиб ётган хотиннинг қуруқ суяк бўлиб қолган гавдасига қараб туриб, Монжу беихтиёр бир вақтда ўзи ҳам бошидан ўтказган туғиш азобини кўз олдига келтирди. Шундай заиф, ҳолдан кетган хотин тўлғоқ азобларига қандай дош беради? Бечора хотин ёлғиз ўзи кўча чангига беланиб ётиб, ярим кечагача тўлғоқ азобини тортибди, ёнида боласини кўтариб оладиган, ширин сўз билан далда берадиган на эри, на қариндош-уруғи, на бошқа бирон киши бор эди. Шуни ўйлаб, Монжунинг юраги ёрилаёзди. Кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Лекин дарҳол нафасини ичига ютиб жим бўлди: аёл қимирлаб қолди, секин-аста инграй бошлади, кейин аъзойи баданига титроқ кирди. Монжу юрагини ҳовучлаб, зинадан оёқ товушлари эшитилиб қолмасмикан, деб қулоқ солиб турарди. Ҳеч бўлмаса, ойиси тезроқ кела қолсаяди! Бирдан аёл кўзини катта очиб, Монжуга қаради, сабр билан оғриққа чидаб ётган аёл охири чидай олмай, беихтиёр қичқириб юборди. Гавдасида ҳаёт-мамот кураши борарди. Озғин қўли билан диван жилдига маҳкам ёпишиб олди; тишлари билан тилини шундай қаттиқ тишладик, оғриқдан қийшайиб кетган оғзидан қон оқиб кетди. . .

Монжу эшикка отилди. Даҳшатдан ўзгариб кетган овоз билан:

— Ойи! Ойи, тезроқ! — деб қичқирди-да, орқасига ўгирилиб қаради, кейин яна диван олдига югурди; аёлнинг иягидан секин-секин қон оқиб тушаётганини, катта очик кўзлари шундайликча қотиб қолганини кўрди.

— Ойи! — деб қичқирди ўзини унутиб Монжу, очик эшик тарафга қараб.

Роҳул билан она шошиб зинадан чиқиб келишаётган эди.

Роҳул турган жойида қотиб қолди. Она ҳам худди шу аҳволга тушди. Кейин—уларнинг назарида орадан жуда кўп вақт ўтиб кетгандек бўлди — она эгилиб, эҳтиёт билан аёлнинг нуруни мангуликка йўқотган очиқ кўзларини юмиб қўйди.

— Улди,— деди Роҳул, тескари бурилиб.

Улди? Шундай тез-а, шундай тўсатдан-а? Монжунинг кўзлари бирдан очилиб кетгандек бўлди. У кўзларини аёлнинг юзидан узолмасди. Шу пайтда Монжу бирдан уйғонди, чунки, доим юрагига ваҳима солиб келган қўрқув чангалидан қутулди.

Ҳа, худди шундай бўлди. Шу бугунги куз кечаси унга ҳаётга бошқача кўз билан қарашни, уни бошқача тушунишни ўргатди. У доим аччиқ ҳаётий ҳақиқатдан узоқда яшар, ундан қўрқар, унга дағал ва жирканч нарсалар ёмон назар билан қараб келарди, мана ҳозир ҳеч кутилмаганда ўша ҳаётнинг зўр тўлқини келиб, уни ўз қаърига тортиб кетди! Олдин у муҳтожликка тушиб қолган одамга ёрдам қилиши учун унга куч берди, шу вақтгача ҳали унга маълум бўлмаган хизмат кўрсатиш шодлиги кўнглини гул-гул яшнатди. Кейин қочоқ аёл унинг қарши-сида ўзининг асл инсонлик хислатларини очиб кўрсатди. У мунгли тиланиб юрган, куни зўрға ўтаётган бўлишига қарамай шу турмушга, ҳар қандай маънодан холи ҳаётига маҳкам ёпишиб олган гадоё эмасди. У ювинмай қўйган, сочларини бит босиб кетган кир-чир аёл эмасди. У янги одамни дунёга келтираётган ёш она эди, инсон раҳмсизлигига дуч келиб, охириги кучи етмайдиган курашда ҳалок бўлди.

Бир аёлни куйдириб кул қилган азоб алангасидан учқун учиб чиқиб, иккинчи аёл қалбида равшан ёна бошлади; Монжу умрида биринчи марта инсон бошига тушган азоб-уқубатларга тушунди, шундайларга кўнглида муҳаббат уйғонди, шундан кейин бошига ғам-алам тушганлар унга бегона, ёт, жонсиз одамлар бўлмай қолди—энди Монжу уларнинг ҳам жонли одамлар эканини кўрди.

— Зоти олий ва жаноб олийлар!— деди нафрат билан Роҳул, ўлганларни кўмиш бўлимида машинада келиб хотиннинг мурдасини олиб кетганлар орқасидан.—Бизнинг аёллардан яна бирини мана шулар ўлдирди. Аммо,

жавоб берадилар ҳали — қилмишларининг ҳаммасига ҳам жавоб берадилар?

Монжу эрига ҳайрон бўлиб қараб турарди. Унинг ҳаяжондан оқариб кетган юзида у шу маҳалгача сезмаган бир гўзаллик борлигини кўрди. У, эрининг асл руҳини, оддий кишиларга яхши ҳаёт орзу қилишини кўрди. Аммо, Монжу айни вақтда ҳозиргидек шафқатсиз бир замонда, ярамас инстинкт ва интилишлар ҳукм сурган бир дунёда у шу жиҳатдан ҳеч вақт бахтиёр бўлмаслигини ва тинчимаслигини ҳам тушунди.

У эрига илиқ назар ва меҳр билан қаради, ҳам ва меҳрга тўлиб-тошаётган юрагининг гупиллаб уришидан нафас олиши қийинлашди.

Чаурингҳи-род кўчасининг одам гавжум бўладиган муюлишида ботинка мойловчи эпчил болалардан бири ҳадеб ботинка мойламоқда эди. Унинг ёнида кўча фонари столбасига суяниб Ону турар ва боланинг ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатарди.

У, ботинка мойловчи болаларнинг ишини ўн марталаб шу тарзда кузатган, бу ишни энди ёд биларди. Ўнг оёқни қўйилади: чанги артилади, мой суркалади, тозаланади. Чап оёқ: чанг артилади, мой суркалади, тозаланади. Яна ўнг оёқ: энди оёқ кийим то ойнадек ялтиллаб кетмагунча бахмал билан артилади. Охирида пахтани қизил бўёққа ботириб, рантни артиб чиқилади. Тамом, вассалом — икки анна ишладингиз. Шунча пул топиш мумкинлигини ўйлаб, Онунинг ҳатто юраги ҳаприқиб кетди. Шундай арзимас меҳнатга икки анна-я! Тўғри, оғзингдаги нонингни тортиб кетиш пайида бўлган бошқа рақиблар ҳам кўп, ҳатто катта одамлардан ҳам бор. Шундай бўлса ҳам бир кунда тўртта одамнинг ботинкасини мойлаб қўя олсанг, ярим рупия ишлайсан.

Ярим рупия! Ўша ярқираб турган кумуш танга Онунинг кўзига кўриниб кетди. Ҳозир ёнида пули бўлгандайди, Ону дарров чўтка, яшик ва бири сариқ, бири қора икки қути ботинка мойи сотиб оларди-да, ишга киришган бўларди. Давлатманд одамларнинг ботинкасини мойлашга сира эринмаган, роса меҳнат қилган бўларди. Онаси билан иккови егулик бирор нарса сотиб олишга қурблари етиб қолган бўларди, қочоқларга очилган текин ошхона остонасида навбат кутиб ўтиришмасди ҳам.

Бугун Кажоли касалхонадан чиқади. Она учун бу катта хурсандчилик, чунки, бир ойдан ортиқроқ чўзилган жудоликдан кейин улар яна бирга бўлишади, лекин айни вақтда бу ғам ҳам эди — ахир энди Кажоли ҳам бошқалар сингари бир қочоқ бўлиб қолади, бошқалар қатори текин ошхонага қатнайди, кўчада тошлар устида чўзилиб ётади, унинг узун-узун сочларига бит тушади. Онаси бўлса, унга доим Қалкаттада аҳволимиз яхши бўлиб кетади, дерди. Ҳақиқатни билгандан кейин Кажолининг аҳволи нечук кечаркин? Шуларни ўйлаб онанинг юраги сиқиларди.

Эҳ, ботинка тозаловчилар қақир-қуқурини сотиб олиш учун қарзга бўлса ҳам пул тополса эди! Амалга ошмайдиган бу орзунинг кучлилигидан Ону ўзини қаерга қўярини билмасди. Боши эса, очликдан айланиб кетарди — текин ошхонадан олинган бўтқани еб олганига бир неча соат бўлганиди, унда бериладиган овқатнинг миқдори эса, кундан кун камайиб борарди. Яқин орада ахлат идиш турарди. Бола ўша тарафга қараб юрди. Ташландиқ нарсалар орасидан чала ғажилган егулик нарсалар ахтариб, ахлат титишга энди кўникиб кетганди.

Ахлат идишдан топ-тоза, ҳеч қаери доғ бўлмаган, фақат бир бурчаги сал синган ярқироқ расм чиқиб қолди! Ону уни шошилиб олиб, юзидаги ифлосларни кафти билан тозалаб артди. Унда қатор-қатор замбараклар ўрнатилган каттакон кема тасвирланганди, кеманинг тепасида эса, ҳозир Қалкатта осмонида кўп учиб юрадиган самолётлардан — етти, саккиз, тўққизтаси кўриниб турарди! Кеманинг тумшуқ тарафидаги замбараклар оғзидан ўт чақнаб, тутун чиқиб турарди. Кажолига берса, жуда хурсанд бўларди; у ярқироқ бўёқли расмларни яхши кўради. Ундай деса, у ҳозир расмларга унча қизиқмай қўйган. Олдин биронта янги расм тополса, қандай хурсанд бўларди! Шаҳардаги ахлат идишлардан бундай расмлар тез-тез чиқиб турарди, Ону ўшалардан опасига бир дастасини — йигирмата, эҳтимол, ундан ҳам ортиқроқ расм йигиб қўйди. Иккитами-учтасини унга касалхонага олиб борди; қолганларини касалхонадан чиқадиغان кунига атаб яшириб қўйди. Лекин Кажоли расмга бир қаради-ю: «Ҳали ҳам опангнинг кўнглини олмоқчисан-а, Ону бҳойи» деб, расмни бир четга олиб қўйди. Опанинг кўнглидан нималар кечаётганини Ону биларди.

Рост-да, осиб қўядиган жой бўлмагандан кейин чиройли расмнинг нима кераги бор? Лекин улар донм ҳам қочоқ бўлиб қолмайдилар-ку. Қачон бўлмасин, ахир бир кун даладаги шолнини ўриб-йиғиб олиш учун уйга қайтадилар-ку. Ана ўшанда Кажолиннинг расмлари гувалакдан қурилган уйларнинг кул ранг деворларини ясашига етиб-ортади.

— Қизиқ ишлар!— деб ўйларди Ону, ғамгинлик билан пешонасини тирштириб.— Расм керак бўлган вақтда биттасини ҳам тополмайсан. Мана энди кераги бўлмаганда, оёғинг остидан лоп этиб чиқиб келавсради. Қизиқ ишлар!

Ону бир хўрсиниб қўйди-да, янада ғайрат билан ахлат титкилаб кетди. Қиёми бўшаган банканинг бир учи кўринди. Боланинг юраги ҳаприқиб кетди. Ҳойнаҳой банканинг четида қиём юқи қолгандир, тагида битта-иккита донидан қолган бўлса ҳам ажаб эмас. Аммо, у банкани тортиб олиши биланоқ, унинг олдида ириллаганча катта бир ит келиб қолди. Ону қўрқиб кетди, тунука банкани ташлаб, бир четга чиқди. Ўлжани қўлдан бермаслик учун ит билан олишишга мадори йўқ эди.

Шу пайт бир каттароқ бола ўтиб қолди. У бир қарашдаёқ, аҳволни тушунди. Бола чопиб кела туриб, итга ташланди, оғзидан қиём банкани тортиб олди-да, ҳамлани қайтаришга ҳозирланди.

Ит ҳақиқатан ҳам ириллаб болага ташланди. Бу оч қолган бир қўтир ит бўлиб, бутун юнги тўкилиб кетганидан аллақандай қип-яланғоч бўлиб қолган, ҳатто итга ҳам ўхшамасди. Аммо, очлик унга жасорат берди, у ўз рақибини тишлаб олди. Буни кўриб турган Ону ерда ётган бир тошни олиб итнинг қоқ миясига туширди.

Ит ангиллаганича думини қисиб қочиб қолди.

Ҳозир бошидан кечирган ҳаяжон ва ҳолсизликдан катта бола оғир нафас оларди. Қўлидан қон оқар, аммо жанговар ўлжасини маҳкам ушлаб турарди. Ит устидан қсзонган ғалабасидан фахрланиб, у олдида банкага суқланиб қараб турган кичкина болани дарров кўрмади.

Катта бола банкага қараб, бирпас иккиланиб турди-да, хўрсиниб, қўлидаги хазинасини Онуга узатди:

— Ма, мана бу тарафдан ялай қол; бу тарафдан эса, мен ялайман. Ялай бер!

Бу жуда катта ҳиммат эди. Аслда бу ҳам яна бир катта ғалаба эди.

Ону қиёмдан ялай бошлади.

Шу кунларда бой шаҳардаги минглаб ахлат идишлари олдида ярми чириб кетган, моғол босган овқат нушхўрдлари учун оч қочоқлар билан итлар орасида бундай тўқнашувлар тез-тез бўлиб турарди. Бу тўқнашувларда қочоқлар доим ҳам устун келавермас эдилар, оч қолган одам ўзи устига ташланган ҳайвондан, айниқса, дилига кириб олган ҳайвондан доим ҳам устун келавермасди.

## ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

— Чу, отим, чу, тезроқ, дангасалик қилма!— деб қичқирар эди бобосига миниб олган кичкина Куку, бобоси эса, полга солиб қўйилган гилам устида боланинг кўнглига қараб, тўрт оёқлаб эмаклаб юарди.

Чолнинг бод оёғи оғрир, аммо у жонини аямай, йўғон гавдасини тебратиб уйнинг у бурчагидан бу бурчагига эмакларди.

— Яхши от!— деб отини мақтади хурсанд бўлиб Куку, от эса бундан ўзида йўқ суюниб, кишнаб юборди. Худди шу пайт остонада Монжу пайдо бўлди.

— Ота, битта аптекадан ҳам адекселин тополмадик...

Гилам устидаги чавандоз билан отига кўзи тушиб, гапи оғзида қолди.

Самарендро бир қўли билан устидаги чавандоз қизни тушириб қўймоқчи бўлди-ю, у оти устида маҳкам ўтирарди.

— Чу-у!— деб қичқирарди у, отини оёғи билан ниқтаб.— Чу-у, отим!

— Куку, туш ҳозир, ҳув уятсиз. Ёшинг тўртдан ошди-ю, икки яшар боланинг қилиғини қиласан. Туш ҳозир!

— Отим, қанақа кишнашингни ойимга кўрсатиб қўй,— деди Куку, лекин онаси улар олдига бориб, қизини оти устидан тортиб туширди-да, кетига бир урди.

Куку қовоқ-тумшугини осилтириб, жим бўлиб қолди. У кўпинча ҳўнграб йиғлаб юборишдан олдин мана шундай қовоқ-тумшугини осилтириб, жим турарди-да, кейин карнай чалиб юборарди — шунда натижа бутунлай бошқача чиқарди? Можаро томом бўлди, энди шу билан тинчидик деб ўйлашинг билан Куку йиғлаб юборарди. Самарендро неварасининг бу қилиғини биларди, шунинг учун дарҳол бунинг олдини олди. У қизчани бағрига босди:

— Йўқ, йўқ, Куку эмас, ойисининг ўзи уятсиз. Қани, қизим, кўзингни юм-чи, фақат иккаласини...

Бу гаплардан кейин нима бўлишини билган Куку олдин битта, кейин иккала кўзини юмди; маза қилганидан юмалоқ юзида чуқурчалар пайдо бўлди. Бир лаҳзадан кейин у кўзини очди, бобосининг қўлида аллақачон бир плитка шоколад пайдо бўлган эди. Куку шоколадни олди-ю, севинганидан қийқириб чопганича чиқиб кетди.

— Жуда талтайтириб юборяпсиз уни, ота!

Самарендро кулиб қўйди.

— Қизи тушмагур ёшига нисбатан жуда ақлли. Сен ҳам сезасанми шуни? Мен уни ҳозир ўттизгача санашни ўргатдим. Дарров ўрганиб олди, фақат бир ерда, ўн бешга келганда тутилиб қолади. Ҳар сафар ҳам албатта ўн уч-ўн тўрт — ўн олти бўлиб кетади... — Самарендронинг солқиган юзида мамнунликдан ажинлар пайдо бўлди.

— Врач унга адекселин беринглар деди, аммо ҳеч қаердан тополмаяпмиз. Нарх-навога назорат ўрнатилгандан кейин, ҳамма нарса ҳам енг ичида сотиладиган бўлиб кетди.

— Бунга менга қўйиб беравер,— деб Самарендро ёзув столи олдига келди. — Менинг Куку қизимга адекселин керак бўлса, албатта топиб бераман.

— Бизга ваъда қилганингиз чек-чи, ота?

— Ҳа-я! Бу сафар қанчага чув тушишим керак? — У бир хўрсиниб, чек дафтарчасини ёнидан олди.

— Вагон бугун ҳам келмабди, қўлимизда эса, мутлақо ҳеч нарса қолмади десак ҳам бўлади. Шунинг учун гуручни яшириқча сотадиганлардан олишга мажбур бўлиб турибмиз. — У, Самарендронинг чек ёзаётганига қараб тураркан,— кўпроқ ёзиб бераверинг, ота,— деб илтимос қилди.

Монжу кейинги кунларда очларга ёрдам кўрсатиш ишига боши билан шўнғиб кетди. У эри билан бепул ошхонада ишларди. У, тўрт яшаргача бўлган болаларга сут улашадиган бўлимда ишларди — бу ерда ҳар бир оч болага кунига бир пиёладан сут бериларди. Кўчадан топиб келинган болаларга етимхона ташкил қилиш ишига ҳам актив иштирок қиларди.

— Мана. Етадимми?

Хурсандликдан Монжунинг кўзлари чақнаб кетди.

— Етади, ота. Раҳмат.

У келинининг хурсандлигини кўриб завқланди. Эҳтимол, шу берган пулининг маълум бир қисми яширин савдо бозори ва ундаги «Арзон гуруч» акциялари жамияти билан боғлиқ бўлган ўз одамлари орқали яна қўлига қайтиб келишини хаёлининг бир чеккасидан ўтказиб ҳам қўйгандир, лекин ҳозир бу ярамас фикр миясида кўп тўхтамай, ўтиб кетди. У ҳозир, сахийлик билан қилган совғам бир неча юз кишини ўлимдан сақлаб қолади, деб ўзига тасалли берди. Самарендронинг кўнгли тинч эди.

Қизи шоколад совға олиб, қанчалик севиниб чиқиб кетган бўлса, чекни олиб Монжу ҳам худди ўшандай ўзида йўқ хурсанд чиқиб кетди.

Юмшоқ кресло суянчигига суяниб ётиб олган Самарендро табассум билан адекселин тўғрисида ўйларди. Ҳа, яхшиси бунини яхширин савдо бозорининг учари сэр Абалабандудан илтимос қилиш керак.

Сэр Абалабанду жуда қизиқ одам-да. Нафрат билан қараса ҳам, Самарендро шу Абалабандуга қойил қолар, ҳатто унга ҳасад ҳам қиларди. У «Арзон гуруч» акциялари жамиятининг директори ва илҳомчиси эди, фирмага алоҳида имтиёз ва эркинликлар берилиши учун бюрократик машинанинг ғилдирагини вақтида ёғлаган ҳам шу сэр Абалабанду бўлган эди; унинг уста ташкилотчилиги натижасида ғамланган донни сақлашдек қийин проблема осонлик билан ҳал қилинди—яширин омборлар очарчилик авжига минган районларнинг худди ўзида ташкил қилинди. (Самарендро ишнинг бу хунук томонидан фикран кўз юмиб қўя қоларди. Бу тўғрида очарчилик худонинг хоҳиши билан юз берди, деб сафсата сотиб, бунга сабаб бўлган воқиалар орасидаги энг оддий боғланишлардан ҳам кўз юмиб ўтирган Уайтхоллдаги олий зот ўйлаши керак. Шуниси ҳам борки, у, яъни Самарендро, мана шу жиддий мулоҳазаларга бориб, гуруч савдосидан воз кечганда ҳам, ўрнига ўнлаб бошқа одамлар топилган бўлмасмиди? Абалабанду асли бошқа вилоятлик бўлиб, Банголда жуда катта дунё орттирди. Маъмурлар унинг хизматларини тақдирладилар. Самарендро ҳали пайида юрган бойлик билан иззат-ҳурматнинг бутун даври-давронини Абалабанду сурмоқда эди. Лекин бу зотнинг ғалати жиҳати бор эди. У «менинг дўстим» деб гапирадиган бир одамнинг шаҳвоний саргузаштлари тўғрисида оғиз кўпиртириб гапиришни яхши кўрарди; Самарендро ва бошқа одамлар, гарчи ҳеч қандай гувоҳ-

исботлари бўлмаса ҳам, ўша «дўст»нинг сэр Абалабанду эканига, гап бутун табиати билан шундай бузуқликларга мойил бўлган ўзи устида бораётганига ҳеч қандай шубҳалари йўқ эди.

Сэр Абалабанду ёши элликка кирган бўлса ҳам, ёшроқ кўриниш учун кўп куч сарф қилар, ўзи ҳам ҳали анча бардам эди. Хитой сартарош унинг қоп-қора сочларига кўп оро берар, инглиз бичиқчи кийимларини тикарди. Унинг башанглиги кўзга яққол ташланиб турарди.

Хушмуомала, ширин сўз бу одам қилган иши гўё фақат ёр-биродарларга хизмат қилишдек, доим хизматингизга ҳозир эди. Талон билан бериладигандан ортиқ бензин керакми сизга? Магазинда топилмай қолган сигара керакми? Қизингиз иш тўқиши учун инглиз юнгидан лозим бўлиб қолдими? Немисларнинг уйқу дорисидан зарурми? Сэр Абалабанду нима десангиз топиб беради — бир оғиз айтиб қўйсангиз бас. «Биродари азиз, — дейди у фақат, сизни койиган бўлиб, — нега шу пайтгача менга айтмадингиз? Жуда зарур бўлса ҳам айтмабсиз-да. Афсус, афсус».

Шунинг учун бошқа директорлар унинг боягидек гапларига чидашарди, бу эса, афтидан, унга кўп ҳузур бағишларди. У ўзининг очиқдан-очиқ беҳаёлиги ва ҳатто дағаллигидан ҳамсуҳбатлари хижолат тортаётганларини сезмаганга оларди. Аслда эса, буни жуда яхши билиб турарди. Бу парса унга жуда ёқарди. Бу ҳам бузуқликнинг бир кўриниши эди.

Бир куни сэр Абалабанду «дўсти»нинг навбатдаги шаҳвоний саргузаштлари тўғрисида ҳикоя қилиб бераётганда, директорлардан бири:

— Дўстингизнинг аёл кишининг ноиложлигидан фойдалангани яхшими, ахир? — деб гап қистиришга жасорат қилди.

Сэр Абалабанду жуда ҳайрон қолган кишидек кўзларини чақчайтирди.

— Наҳотки тушунмасангиз, биродари азиз? Бўлмаса, бечора қиз очликдан бекорга ўлиб кетарди-да. Олдин чўпдек озиб-тўзир, кейин хазон бўларди. Менинг дўстим эса, унга меҳрибон ва сезгир жишилардек яхшилик қилган. У қизга сахийлик билан пул берган, лозимидан ҳам ортиқроқ берган, ишонаверинг гапимга. — Сэр Абалабанду оғзига пирожное тиқиш учун бирпас жим бўлди: — У қизни хор-зор бўлиб ўлишдан сақлаб қолди. Ҳаммангиз

ҳам шаҳар тор кўчаларида нималар бўлаётганини кўра-ётибсиз. Эркаклару аёллар, ёшу қари — ҳаммалари тўғридан-тўғри тош кўчада, ифлос, сассиқ ерларда ётиб юришибди. Кўрсанг кўнглинг айнийди! Ҳеч овқат емаслигининг ўзи бўладими! Ҳеч нарса емасдан, кўп кунлар мобайнида ҳеч нарса емасдан, оғзига ҳатто битта гуруч ҳам олмасдан чидаб бўладими? Ярим кун оч юриб кўринг-чи. Боринг, ана, чоштгоҳдаги иккинчи марта қилинадиган нонуштани қилманг.— У яна оғзига пирожное тиқиб, бирпас жим бўлди, аммо, бирдан шу пайтгача кулгидан ўзини ушлаб ўтирган бўлса ҳам, энди хохолаб кулиб юборди. Кулгиси ҳам ёқимсиз, аллақандай гўлдираб чиқарди. Хохолаб кулишини тўхтатмай, сэр Абалабанду қаҳқаҳаси орасида яна:— кун билан оғзингизга ҳеч нарса олмай юриб кўринг-чи, биродари азиз, ўшанда биласиз,— деб тақорлади.

У одамларга заррача ҳам ачинмасди. Шунга қарамай, у қўли очиқ раҳмдил одам деб ном чиқарганди. Унинг Ҳарбий фондга қилган шоҳона совғаларини ким эшитмаган дейсиз? Доим оғзидан тушмайдиган сигараси билан олинган расмлари ҳамма суратли журналларда босилиб чиққан. Қўлга киритган ютуқларининг ифодаси сифатида калта, йўғон бармоқларини юқори кўтариб кинохроника экранларида такаббурлик билан гап маъқулларди. Жаноб олийлари уни қабул қилар, у кишининг олий зот рафиқалари уни нонуштага таклиф қиларди. Рекламадан фойдаланишда унинг олдига тушадиган одам топилмасди.

— Фоҳишахоналар ҳозир жуда сердаромад жойга айланиб кетяпти,— деб бояги гапини давом эттирди у. — Ҳозиргидан ҳам қулай вазиятни кўз олдингга келтириб бўлмайди. Талаб билан таклиф ҳайрон қоларли даражада тўғри келади — талаб ҳам, таклиф ҳам урушдан бери жуда ошиб кетди. Шу кеча-кундузда капитал сарфлашга бу энг қулай жой деса бўлади.— Яна хохолаб кулиб юборди.— Сиз ўз шаҳрингизни яхши билмайсиз, биродари азиз.— Солқи қовоқлари кулгидан учиб турарди.

Ҳа, шу пайт Самарендро киши табиятини яхши билмаслигини иқрор қилишга тайёр эди. Ҳар ҳолда қарши-сида ўтирган мана шу одамни тушунолмай гаранг эди. Хотин, бола-чақали, туппа-тузук одам. Наҳотки, энг оддий инсоний хислатлардан ҳам маҳрум бўлса? Наҳотки, жуда бўлмаса, одоб деган нарсадан ҳам бўлмаса? Бу ҳеч ишониб бўлмайдиган гап эди.

Боя гап қистиришга журъат этган директор ўзини зўр-  
лаб бўлса ҳам ҳазил қилган киши бўлиб яна гап қотди:

— Ҳозир бизда хўжаликнинг ҳар бир тармоғига назо-  
ратчилар қўйилган. Энди янги лавозим — фоҳишахона-  
лар бўйича назоратчи деган лавозим таъсис қилинса ҳам  
бўлар экан.

— Ажойиб фикр!— деди сасиган оғиз хурсандликдан  
қийшайиб.— Лекин одоб юзасидан уни ижтимоий хаста-  
лик бўйича назоратчи деб аташ лозим бўлади.

— Бундай лавозимга бояги дўстингиз жуда боп ном-  
зод, нима дедингиз?

— Жуда боп. Ундан бопроғини топиб бўлмайди ҳам!—  
Сэр Абалабанду суҳбатдан очиқдан-очиқ ҳузур қилмоқ-  
да эди.

Ўлгидек оғзи шалоқ, ҳузурида бирпас ҳам чидаб ўти-  
риб бўлмасди, лекин дўст бўлсангиз, кўп фойдалар қи-  
лардингиз, бундан ҳеч ким бош тортмасди. У кўп компа-  
ниялар директори эди, шунинг учун ўша компаниялардан  
бирон биттасини баланси эълон қилинишидан олдин бир  
оғиз шипшитиб қўйиши билан биржадан бир нарсa орт-  
дириб олишингиз мумкин эди. «Арзон гуруч» акционер-  
лар жамиятига жон киргизган ва ишини ривожлантириб  
юборган шу одам эмасмиди? Самарендро қайнаб кетган  
нафратини ютиб, ўзини босди. У бой эди, аммо, яна ҳам  
бойроқ бўлишни истарди. Қаршисидаги ўтакетган бузуқ  
ҳамсуҳбати унга жуда зарур эди..

Фосиқ эса, қаршисида ўтирган хушахлоқ ҳамсуҳбат-  
ларига қандай таъсир кўрсатаётганини яхши кўриб ту-  
рарди. Шуни кўриб-билиб тургани учун ҳам тўхтовсиз  
хохолаб, қотиб-қотиб куларди.

Самарендро чек дафтарчасини ёнига солиб қўйди.  
Оч қолганларга ёрдам учун ажратиб берган пули деяр-  
ли дарҳол дивиденд келтирди. Самарендронинг кўнгли  
яна дарҳол тинчиди.

Адекселин? Доим башарангизга қараб хохолаб ку-  
ладиган ва «биродари азиз» дейдиган сэр Абалабанду  
суюкли Кукуга лозим бўлганича адекселин топиб беради.

Қасалхона дарвозасидан кўчага чиқиши биланоқ,  
Қажоли онасининг хурсанд эмас, балки хафа эканини  
кўриб ҳайрон бўлди. Онасининг кўзлари йиғлаган одам-  
никидек қизариб, шишиб кетган, овози бўғиқ ва хи-

риллаб қолган эди. Улар ён кўча бошигача жим юриб бордилар, шу ерга етганда она бошини қуйи солиб, тўхтади ва бирдан чакак-чакак бўлиб кетган ажинли юзидан кўз ёшлари оқиб туша бошлади.

— Ўзи нима гап, ойнажон? — деди қўрқиб кетган Кажоли.

Онаси бирпасдан кейин жавоб берди:

— Қизим, касалхонада сенга айтган гапларимнинг ҳаммаси ёлғон. Биздан хавотир олмагин, деб ёлғон гапирардим. Биз — бошпанасиз қочоқлармиз. Ҳеч қандай ишимиз йўқ. Кўчада ётиб юрибмиз. Ёрдам кутадиган еримиз, умид қиладиган жойимиз йўқ.

Бу гапларни эшитиб, Кажолини ваҳим босди, лекин бу фақат бир лаҳза давом этди.

— Ўзим ҳам билардим, ойнажон, — деди у.

Лекин Кажоли ёлғон гапирди. У онасига тасалли бериш зарурлигини, уят ва ғамдан қутқариш кераклигини ҳис қилди.

— Ҳаммасини билармидинг? — деб она довдираб, қўллари билан юзини беркитди.

Кажоли бош ирғади.

— Ҳа, билардим.

Онанинг елкасидан босиб ётган оғир тоғ қулагандек бўлди.

— Мана шу бизнинг уйимиз! — деб она қўли билан тор кўчани кўрсатди. — Йўлда ҳам аҳволимиз анча дуруст эди. Бу ерда молдан бадтар кун кўрамиз. Шаҳарнинг бадавлат одамлари бизга гўё бир вабога қарагандек қарайдилар.

Кажоли тор кўчага кирди. Даҳшатдан кўзлари катта-катта очилиб, тиниб кетди. Тиззаларидан мадор кетиб, букилиб-букилиб кета бошлади, лекин йиқилиб кетмаслик учун бутун иродасини тўплади. У касалхонада маза қилиб ётган бир ой мобайнида онаси билан Ону мана шу сассиқ ўрада кун кечиришибди. Бечоралар роса азоб тортишибди-да. Кажоли шу пайтгача уларнинг ғамига шерик бўлмаганини ўйлаб, қийналарди.

Муюлишдаги бир чодирда семиз бир кампир пон<sup>32</sup> барглари сотиб ўтирарди. У она-боланинг гапига қулоқ солиб, Кажолига жуда қизиқиб қараб қолди. Ёшгина, қадди-қомати келишган, ўзи ҳам чиройли, эгнида янгигина сорий. Кўзингни узолмай қоласан киши. Афтидан,

очлик азобини тортмаган кўринади. Лекин у қандай қилиб қочоқ хотиннинг қизи бўлдикин? Ёки... Шу пайт қиз ўгирилиб, олдиға қараб юриб келаверди, понфуруш хотин вақтдан фойдаланишга ошиқди.

— Пон баргидан берайми, онахон?—деб тарвақайлаган тишларини кўрсатиб, оғзининг танобини қочириб, ширин сўзлик қилди, у.

Она шошилиб понфуруш хотин олдиға келди. Оғзига пон барги олмаганиға жуда кўп вақтлар бўлган эди. Ваҳоланки у понни жуда яхши кўрар, бир вақтлар куниға ўнталаб пон баргини шимиб ташларди.

Понфуруш хотин ундан ўзига лозим гапларнинг ҳаммасини жуда осонлик билан билиб олди. Қиз касалхонада ётиб чиққан экан. Ундан хабардор бўлиб туришган, яхшилаб боқишган, қиз ҳатто бир оз тўлишиб ҳам чиқибди. Оқ кўнгил доктор унга янги сорий совға қилибди — эскисини у касалхонаға тушиб қолган кун ташлаб юборишган экан. Шундай қилиб, ҳамма гап равшан бўлди. Понфуруш хотин Кажолини суқланиб назардан кечирар, қисик кўзлари совуққина боқарди.

— Ҳар куни менинг олдимға кириб тур, онахон, иккита-иккитадан япроқ бериб тураман. Пул олмайман. Ёски, яхши замонлар қайтиб келгандан кейин — у замонлар албатта қайтиб келади — ўн ҳисса кўпроқ қарз тўлашға ҳам қурбинг етадиган бўлади. Ахир уй-жойинг ҳам, еринг ҳам бор-ку, биламан.

— Юринг, ойи,— деди секингина Кажоли. У кулиб қўйишға қанча тиришмасин, лаблари табассум қилиш ўрниға, гўё кўнгли айнаётгандек аллақандай қийшайиб-қийшайиб кетаверди.

— Бунча кўҳлик экан!— деди хўрсиниб понфуруш кампир.— Пондан ол, қизим,— деб кампир Кажолиға хушбўй зираворлар ўралган пон барги узатди-да, яна онаға юзланди.— Сени қовурилган гуруч билан меҳмон қилишға ижозат бер, онахон. Жуда кўп қовурганман. Гуручни қуруқ емаслигинг учун мана хурмо шинисини, янги олинган.

Бунча меҳрибон бу кампир! Она ҳаяжондан ўзини босиб ололмасди. Шинни билан қовурилган гуруч-а. У, Кажоли билан Ону қачон ширин овқат еганликларини эсдан ҳам чиқариб қўйган эди.

Уларнинг ерида, шарқий бўлагида, ажойиб, сермева дарахт бўлган хурмо ўсарди. Хурмонинг шарбати

ҳам жуда бўлакча, хушбўй эди. Ўша дарахт мевасидан ҳозирланган шиннини болалари шундай яхши кўришар эдики, асти қўяверасиз! Эри ҳам, Деота ҳам яхши кўришарди. Бу яхши дарахт, шунинг учун меваси ҳам ана шундай хушбўй, дерди Деота. Ёмон дарахтлар бор — улар аччиқ бўлади, яхши дарахтлар ҳам бўлади, уларнинг меваси ширин-шарбат бўлади.

— Ана, Ону ҳам келяпти! — деди Кажоли, бир тарафга ўгирилиб қарар экан, кейин: — Ону! — деб укасини чақирди.

Бола узун-узун чиллакдек оёқларини пилдиратиб улар олдига югурди. У устидан каноп билан боғланган қоғозга ўроғлиқ бир нарса кўтариб келарди.

— Булар расм,— деди у, шундай деяр экан озиб-тўзиб кетган боланинг юзи шодликдан ёришиб кетди. — Булар ҳамма уйларни ясатишга ҳам етади. Ҳатто Манголанинг оғилини ясатишга ҳам қолади. Қаранг, диди. Шундай расмларни кўрганмисиз ҳеч?

Кажолининг янги ҳаёти — очарчиликда қолган қочоқ аёлнинг ҳаёти ана шундай бошланди.

Кечқурунлари Кажоли тор кўчадан чиқиб келар экан, понфуруш хотин тилидан бол томиб, у билан сўрашишга ошиқарди. Лекин Кажоли бу хотиндан кўрқарди. У нимаси биландир бир вақтлар қишлоққа ёмон ният билан келган, шақолнинг вакили бўлган шаҳарлик семиз хотинга ўхшарди.

У кўрқинчли ва жирканч шақолни сира унута олмасди — шақолни ўйлаганда ёдига келадиган бошқа барча нарсалар ҳам Кажолини кўрқувга солар, кўнглини айнатарди. Бошидан ўтказган бу оғир кулфатлар бир-бирига қарама-қарши, ғалати бир из қолдирди: қизнинг кўнгли тош бўлиб кетди, аммо, айни вақтда кўп нарсадан жуда тез таъсирланадиган бўлиб қолди. Унинг таъби хира, кўнгли зимистон кечадек қоп-қоронғи, лекин баъзан унда ҳаёт тун қоронғисиди ёрқин ёнган алангадек лов этиб кетарди.

Понфуруш хотин киши табиятини яхши биларди. У шошилмасди. Кунлардан бир кун у Кажолини чодирига олиб кириб, ўтиргани жой кўрсатди.

Чодирнинг ичкарисиди пала-партиш қурилган павильонга ўхшаш парда тўсиб ажратилган алоҳида бир бурчак бор эди, ёнида эса, бир қатор қилиб жуда кўп расмлар осиб қўйилган эди. Ҳар битта фоторасмда бир

йигит билан бир қиз — ажнабий солдат билан унинг тиззасида тишининг оқини кўрсатиб ўтирган бир қиз акс этдирилган эди. Кажоли солдатлар ўша парда тўсиқ орқасига ўтаётганини, бирпасдан кейин хурсанд кулишиб, қўлида фоторасм билан қайтиб чиқишаётганини кўриб ўтирди. Кажоли: «Нима бор ичкарида?» деб қизиқиб сўраган эди, кампир тушунтириб берди. Хоҳлаган одам ўша чодир ичкарисига кириб, бирор қиз билан расмга тушиши мумкин — чорак соатдан кейин расм тайёр бўлади. Бундай расмни Ҳиндистондан эсдалик қилиб олиб кетиш мумкин, бу ғалати эрмак солдатларга ёқарди. Қизлар мана шу иш билан шуғулланадиган дўкон қарамоғида турадилар. Улар бир кунга икки рупиядан ҳақ оладилар, қиладиган ишлари бор-йўғи фотоаппарат олдида хоки кийган ажнабий солдат тиззасига ўтириб, кулиб боқиб туриш, холос.

Понфуруш хотин Кажолига тез, зимдан бир назар ташлаб олди.

— Сени олишмаган бўларди. Бу ишга чиройли инглизча кўйлак кийган метис қизларни олишади,— деб у дўконининг сувоқ қилинган деворига бошини тираб ҳиринглаб юборган эди, сочига суркаган мойи тегиб, девор парча-парча доғ бўлиб қолди.

— «Ҳиндистон» газетаси! Кечқурунги сони! деб чоп қиллаганча газета сотувчи бола ўтиб қолди.—Қалкатта ёнида япон самолёти уриб туширилди. «Ҳиндистон»нинг кечки сони!

Кажоли газета сотувчи бола орқасидан қараб турар экан, кўз ўнгидан бири кетидан бири тизилишиб, бир қатор нарсалар ўтди. «Ҳиндистон» газетаси редакцияси қошида очилган текин ошхона қозонини қочоқлар оломони ўраб олди. Баруни қишлоғи тепасидан ғувиллаб учиб келаётган самолёт пастлаб, тўппа-тўғри унинг устига бостириб туша бошлади. Қочоқ хотин билан унинг кичкинагина қизи бир товоқдан овқат ейишяпти, аммо иккаласи ҳам кўпроқ еб қолиш учун овқатни апиришапир оғзига тиқишга ошиқарди. . .

Кўчада иккита негр-америка солдатлари кўринди. Дарҳол улар олдига чопганича бурро кўча болаларидан бири келди. Кажоли юрагини ҳовучлаб, унинг инглиз тилини бузиб гапирган гапларини эшитди:

— Ҳей, Жим! Хоҳласанг бир қиз кўрсатаман сенга?

Новча солдатлар кичкинтой болага юқоридан қа-

рашди-да, оғизларининг танобини қочириб кулишар экан, йўқ дегандек қилиб бош чайқашарди. Шундан кейин бола қўлини кўтариб, солдатлардан бирининг орқасига бир уриб қўйди:

— Яхшимас, Жонни. Бормайсанми? Нега бормайсан?

Солдатлар ўтиб кетгандан кейин у ўзининг даллалликка оид сўзларидан бир нарсани эслаб, улар кетидан қичқирди:

— Кам пул. Яхши оқ танли қиз. Арзон.

Понфуруш хотин оғзини катта очиб кулиб юборди-да, жоҳил деҳқон аёли Кажолига гапнинг нимада эканини тушунтириб берди. Мана шу ерда, шундай муюлишда, фоҳишахона бор — янги очилган фоҳишахона, ундаги ҳамма хотинлар — очарчиликда қолган деҳқон аёллар. Улар жуда яхши туришади; очликнинг нималигини аллақачон унутиб юборишган. Ҳашаматли, ясатилган уйларда яшашади. Кўп-кўп пул ишлашади. Махсус агентлар шаҳар кўчаларини айланиб, чиройлироқ хотин-қизларни танлаб, уларга шу ернинг ўзидаёқ, олдиндан, олтин рупия, баъзан эса, ҳатто етмиш рупия нақд пул тўлашади. Фоҳишахонада эса тартиб мана бундай: меҳмон бериб кетган пулнинг ярмиси хотиннинг ўзига, ярмиси уй хўжайинига тегади. Ҳеч ким ҳам зарар кўрмайди. Хотинлар унда билқиллама қўлларига олтин билагузуклар тақиб юрадилар. Ваҳоланки у ерда ҳусн жиҳатдан Кажолининг олдига тушадиган битта ҳам хотин топилмайди. Тақдир экан-да! Ҳай, аттанг! Олтин нилуфар ифлосликлар орасида, қашшоқликда юрса! Бундай адолатсизликка чидаб туриб бўлмайди!

Ана шундан кейин Кажоли бу хотин ҳам шақолнинг вакили эканини билди. Қалтироқ босиб, дўкондан тезроқ чиқиб кетишга ошиқди. Лекин савдогар хотин хиралик билан унинг орқасидан эргашиб келаверди, қулоғига шивирлаб ўз гапини маъқулларди. Фаҳишахонанинг агенти Кажолини кўрган экан; қизни жуда диққат билан кўрибди. Олдиндан етмиш рупия бераман дебди-я, ахир, бу бутун бир давлат-ку! Борди-ю ўша хўппа семиз агенти бугун «хўп», эрта «йўқ» деб бир юз обора қилсак, яна ўн рупиясини ситиб олсак ҳам бўлади. Чиқиб кетишнинг иложи бўлмаган ўша сассиқ ўрада чириб ётишингдан нима фойда? Ўзингни ўзинг тириклай кўмиб нима қиласан? Бундан ташқари ёлғиз ўзингни ўй-

ламаслигинг керак-ку? Ахир, онанг, очликдан силласи қуриган кичкина уканг бор. Уларнинг қандай қийналаёт-нига қараб, одамнинг жони ачийди! Раҳминг келмайди-ми уларга! Ҳа, ҳа, раҳминг келсин. Саксон рупия пул-а, айтишга осон. Саксон рупия уларни ўлимдан асраб қо-лиш деган сўз. Бўлмаса улар очликдан ўлиб кетиши турган гап...

Кажоли индамас, шақолнинг бу ярамас вакилидан тезроқ қочиб қутулишни ўйлар эди, холос.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

Бир вақтда ёзилган икки хабарнинг газета саҳифаси-да, деярли ёнма-ён босилиб чиқишини бирон бир кимса жўрттага уюштирган деб ўйлашга ҳеч қандай асос йўқ эди. Газетанинг махсус мухбири Миднапурдан телеграф орқали хабар қиларди: оч қолган қочоқ хотин боқиш учун ҳеч нарсаси йўқлигидан уч боласини Ганг дарёсига чўктириб юбормоқчи бўлган. Рейтер агентлиги Австра-лиядан ёғ нормаси камлигига қарши норозилик билди-риб, иш ташлаш эълон қилганларидан хабар берарди.

Иккаласи ҳам бир дунё. Аслида бир давлат, дерди Роҳул ўзига ўзи. Ўша саҳифанинг юқори қисмида бир каррикатура босилган эди, унда очарчилик тўғри-сида берилган саволга жавобан Уайтхоллда истиқомат қиладиган олийзот қўл юваётгани, қўлига эса унинг бошлиғи, бош министр сув қуйиб тургани тасвирланган эди.

Роҳул лабини нафрат билан буриб, газетани варақ-ларди. Қочоқларнинг расмлари... Бир хотин кўчада ўтириб олиб, товоқдан овқат емоқда, ёнида эса қорни оч боласи қараб турибди.

Расм жуда яхши чиқибди. Иккаласи ҳам худди жон-лидай: териси бориб суягига ёпишган, азбаройи заифла-шиб қолганидан йиғлашга ҳам мажоли қолмаган бола кўзларини лўқ қилиб қараб турар, очлик туфайли ақл-дан озаёзган она оч кўзлик билан товоқдаги гуручни еярди.

Роҳул газетадаги кишининг юрагини эзадиган бу расмга қараб турар экан, юраги сиқила бошлади; очар-чиликнинг оқибатлари, мамлакат ҳаётида кўп жиҳатдан муқаррар из қолдириши ҳақида ўйлаганида, ҳар сафар ҳам юраги сиқиларди. Масаланинг фақат жисмоний

жиҳатидан ташқари маънавий томони ҳам бор эди. Икки миллион, эҳтимол, уч миллион киши қирилиб кетар. Бир неча миллион киши омон қолади, аммо улар, айниқса, тўқликнинг нималигини билмай, доим жазирама офтобда куйиб, ёмғирда ивиб ўсган рахит болалар ҳеч вақт соғлом, тўла қонли одам бўлмайдилар. Агар бирор маданий ҳукумат бу балонинг олдини олиш учун астойдил бел боғлаб курашмаса, Банголнинг тўқсон минг қишлоғида заиф, нимжон одамлар ўсиб етилади, ўз авлодларига мана шундай хунук совға қолдирадиган бедармон, чалажон авлод ўсиб етилади. Масаланинг жисмоний жиҳати ана шундай.

Аммо бошқа жиҳати ҳам — одамларнинг руҳий жиҳатдан ёввойилашиб қолишлари бор. Дастлабки вақтларда оч қолган ота-оналар бор топган-тутганларини болаларига берар эдилар — ҳаммага етказишнинг иложи йўқ эди; аммо очарчилик кучая борган сари энг яхши инсоний фазилатлар ўлиб, ўтмаслашиб борди.

Эҳтимол, бу турғунлик вақтинчадир? Эҳтимол, ҳамма ишлар ўз йўриғига тушиб кетгандан кейин бангол деҳқонининг юксак одамгарчилиги яна устун келар? Роҳул бундай бўлишига кўпда ишонмасди. Бундай даҳшатли, оғир кунлар одам кўнглида из қолдирмай ўтиб кетишига, бутун бир авлодни бутун бир асрга майиб қилиб кетмаслигига умид боғлаш жуда қийин эди.

Газета саҳифасидан қараб турган анави она-чи? Наҳотки у бундан кейин сира ҳам аввалгидек юмшоқ, меҳрибон она бўлмаса? Роҳул газетада босилган она расмига тикилиб қарар, қараган сари юраги меҳрга тўла борарди.

Бошқа бир она — барунилик деҳқон она тўғрисидаги фикр кейинги вақтда уни тез-тез хавотирга соларди. У қаердайкин, унинг қизи Кажоли қаердайкин? Кишор билан Ону қаердайкин? Боланинг бошмоғини ғирчиллатиб юргани ҳали ҳам Роҳулнинг қулоғидан кетмасди. Қани энди бир илож қилиб уларнинг қаердалигини билиб бўлса! Очлик тўлқини уларни ҳам ўз қаърига тортиб, суриб кетган бўлса-я? Бир кун ёмон тушлар кўриб чиққан эди. Деҳқон она кичик ўғли билан Калкатта яқинида, тош йўл ёқасида ўлиб ётган эмиш. Уларнинг мурдасини егани дарахтдан қузғун учиб тушган экан, Кишор уни тузоққа илинтириб олган эмиш. Кишор ўлимтик еб тирикчилик қиладиган бу қушни қовуриб, гўштини

ўлар ҳолатда ётган Кажолига тутган эмиш. «Еб ол, Кажоли. Шу гўшти еб олсанг, ўлмай қоласан». Ушанда Роҳул тушида овозининг борица: «Шошманглар! Мана сизларга гуруч — керагича олинглар, таги мўл. Шошманглар...» деб қичқирди. Худди шу пайт уни Монжу туртиб уйғотиб юборди, Роҳулнинг кўнгли ғаш, терга чўмиб кетган эди.

Борди-ю, улар шу ерда, Қалкаттада, шаҳар кўчаларини тўлдириб ётган ўн минглаб уй-жойсиз қолган одамлар орасида бўлса-я? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Кишор Роҳулнинг шаҳардаги адресини билади — шаҳарда бўлса, унинг олдига келган бўларди. Роҳул мана шундай деб ўзини қайта-қайта ишонтирарди, шундай бўлса ҳам, қочқинлар тўлиб ётган кўчалар ёнидан ўтар экан, автобус ёки трамвай ойнасидан, ё ўшандай кўчалар олдидан пиёда ўтганда ҳар бир бошпанасиз одамнинг юзига диққат ва айни вақтда қўрқув билан тикилиб қарарди.

Қунлардан бир кун чуриндиларга ўралиб олган, озиб-тўзиб кетган болалар ахлат титкилаётган ахлат яшиги олдидан ўтди, шу болалар орасида Ону ҳам бор эди. Ўз хаёлларига шўнғиб кетган Роҳул уларга паршонлик билан бир қараб қўйди-ю, аммо уни кўрмади.

Бошқа бир кун кўчадан кетаётган эди, кўчанинг нариги тарафидан, ундан бир неча қадам ерда қаршидан барунилик деҳқон она келаверди. Аммо иккаласи ҳам бир-бирини кўрмай ўтиб кетаверишди...

— Бўтқа тайёр бўлди, сэр.— Остонада Марказнинг ходимларидан бири — Оҳин турарди. Оҳин коллеж студенти эди. Қунлардан бир кун лекция пайтида у ўзидан кетиб қолди; шундан кейин Роҳул уни очларга ёрдам Марказига ишга жойлаб қўйди, бу ерда меҳнати ҳақиға овқатланиб юрарди. Уша кунларда камбағал табақалардан бўлган кўп студентлар очлик азобини бошдан кечирардилар. Инфляция ўзининг машъум ишини қилди, камқувват хонадонлар деярли гадо бўлиб қолдилар.

Роҳул ошхонага чиқди. Катта-катта қозонларда уч хил гуруч алоҳида-алоҳида пиширилмоқда эди. Ҳамма гуручлар ҳам паст навли эди, бунинг устига оғир бўлсин деб, уларга қум аралаштириб юборилганди, савдогарларнинг ўз ишларига суяклари йўқ эди! Гуруч пишгандан кейин уларни бир-бирига аралаштириб юборишарди. Роҳул бунга ёржиниб, кўнгли айнаб қараб турарди. Бу

«стандарт бўтқа»ни ҳазм қилиш қийин эди. Калориясига келсак, одам организми талаб қилгандан уч ҳисса кам калория берарди. Бундай бўтқа еган одам очидан ўлма-са ҳам, ўлай-ўлай деб юрарди. Марказ бундан ортиқ би-рор нарса қилишдан ожиз эди.

Руҳий ёввойилашиш — кундалик назорат ва кузатув-чилик ишини бажариш билан банд экан, мана шу фикр Роҳулнинг миёсидан сира нари кетмади. Аммо зулмат ўраб олган юраги энди бир оз ёришди. Қизик бир ишни кўрди; эҳтимол, бу ҳаётида кўрган энг қизик ишдир! Агар бу воқияни бошқа бирор одамдан эшитса, эҳти-мол, бўлмаган, уйдирма гап деб ишонмаган бўларди. Аммо ўз кўзига ишонмай иложи йўқ эди.

Бу воқияни кечқурун кўриб қолди. Кўча фонарлари туссиз қалпоқлари остидан кўчани сал-пал ёритиб турар-ди. Роҳул Чаурингҳидаги трамвай тўхташ жойига қараб Қизил Йўлдан ўтиб борарди. Ҳарбий қароргоҳ яқинида бир тўда оқ танли солдатлар йўл ёқасида, кўча фонари остида бошини паст эгиб ўтирган бошпанасиз бир қизни ўраб олишганди. Роҳулнинг юраги жиг этиб кетди. Ка-жоли! Аммо яқинроқ бориб, ўзининг адашганини билди. У нимаси биландир Кажолига ўхшаса ҳам, лекин у эмасди, Роҳул уни танимасди. Қизнинг эғнида йиртиқ сорийси бор эди, очлик ҳали унинг инсоний қиёфасини йўқотмаган эди. Пешонасида эрга текканини билдириб турувчи қизил белги бўлиб, жувоҳ ҳали ҳуснини йўқот-маган эди. Солдатлар гўё бирор нарса кутгандек, нафас-ларини ичига ютиб туришарди. Бунга қизиқиб қолиб, Роҳул ҳам тўхтади.

Бир солдат тўдадан ажраб чиқиб, бир қанча кумуш пуллар ётган хайр-садақа косасига бир рупия ташлади.

Қиз ҳеч нарса демади, аммо ўрнидан турди, ўзи оз-гин, қадди-қомати келишган, бўйи ҳам Кажолидан ба-ланд эмасди. Қўлларини кўксига қовуштириб, қоматини ростлади, чиройли бўйинини очиб, юзини осмонга, юлдуз-ларга қаратди. Лабларига кулги чиқди, аммо у кулгига унча ўхшамасди. Кейин у кўкрагини яшириб турган чу-рук-чурук латтани аста-секин тортганча қўлини пастга туширди. У осмонга тикилиб турган бронза ҳайкалдек фонарь остида ярим яланғоч турарди. Томошабинлар қотиб қолганди, ҳеч ким лом деб оғиз ҳам очмади, мас-хара қилиб кулмади ҳам. Шу тахлитда қиз бир неча лаҳза қотиб турди; кейин бошини эгиб, яна сорийси би-

лан кўкрагини ўради-да, тиз чўкди. У бошини ердан кўтармасди. Номус қилаётгани кўриниб турарди.

Идишга-жаранг этиб яна бир рупия тушиб. Қиз пулга узоқ тикилиб қаради, кейин ўрнидан туриб, тепасидан ёритиб турган фонарь нури остида яна ярим яланғоч бўлиб, қўлини боши тепасига кўтарганча боягидек, бронза ҳайкал тусида қотди, аммо бу сафар бошқа тахлитда турарди. Энди унинг баданида очлик қолдирган изларни очиқ кўриш мумкин бўлди. Қиз яна ўз жойига ўтириб, бошини эгиб олганида боягидан ҳам бадтар уялаётгани сезилиб турарди. Идишига учинчи рупия жаранглаб тушиб, у учинчи марта ўрнидан туриб, фонарь ёруғида қоматини ростлаганда, табассумга очилган лаблари титрар, киприкларида ёш терилиб турарди.

Идишга тушган танганинг алам берувчи жаранги эшитилди. . .

Шу ердан ўтиб кетаётган ҳарбий полиция сержанти бу манзарани кўриб қолди. У тўхтаб, солдатларга тарқалинглар, деб қисқа буйруқ берди. Бу ерга сал кечикиброқ келган бир томошабин қўлида бир рупия пул билан сал ўралашиб қолди, аммо пулини идишга ташлай олмади, чунки сержант унинг елкасидан ушлаб, шартта ўгирди-да: «Қани, жўнаб қол, марш!» деб буюрди.

Солдатлар хурсанд бўлиб тарқаб кетишди: Америка ё Англияга, уйларига қайтиб боришганда, гапириб беришга арзигулик томоша кўришган эди-да!

Қиз ердан идишини олди. Кўз ёшларини қўли билан артиб, пулларга кўз ташлади, алланарсаларни эслади шекилли, сезилар-сезилмас жилмайиб қўйди; кейин ўрнидан туриб, Стрэнд тарафга қараб кетди. Аллақандай тушуниб бўлмас истакка бўйсуниб, Роҳул қоронғи кўчада унинг орқасидан эргашди; жуда секин юришга мажбур бўлди, ҳатто икки марта тўхтаб ҳам қолди, чунки қиз бечора оёғини зўрға кўтариб босарди. Қизнинг нимасидир кишини хижолатга солар ва ҳайрон қиларди. Эҳтимол, бунинг сабаби юзида акс этган алам, ички кураш ифодасидир, бунинг ажнабийлар сезишмади, сезишган бўлса ҳам, қиз кўрсатган томошанинг бир қисми деб ўйлашгандир. Роҳул қизнинг киприкларида осилиб қолган икки ёш томчисини эслар экан, бу қизга уятсизлик ётдир, деб ўйлади. Шундай уятчан бўлишига қарамай, очарчилик қамчини остида хўрлик йўлига юришга мажбур бўлган эди. Мана энди бир неча ҳафта оч қолмаслик учун

етарли пули бор, шундай бўлса ҳам, шу ҳунарини давом эттирармикан? Ана шунни билиб олса, ҳақиқатнинг тағига ета олади.

Бу орада қиз бир арзон ошхона олдида тўхтади, Роҳул бу ерда у олти рупиянинг ҳаммасига нуқул оддий нон сўраганини эшитиб қолди. Шунча кўп нонни нима қиларкин? Роҳул қоронғиликда охири нима бўлишини кутиб турди.

— Афтидан, ишларинг ёмон эмасга ўхшайди, а?—деб дўкандор қизга маънодор кулиб, кўз қисиб қўйди.

Нон солинган саватни кўтариб олиб, қиз йўлда давом этди, ниҳоят бир тор кўчага бурилди. Шаҳардаги кўп кўчалардаги сингари бу кўчада ҳам бошпанасиз қочоқлар тўлиб ётарди. Роҳул ҳам қиз кетидан бурилди.

Қизни кўриши билан бутун тор кўчага жон кирди, ҳаракатга келди. Шу пайтгача қимир этмай ерда ётган одамлар туриб ўтиришар, ўринларидан туришарди, одамларнинг юзида хурсандлик, ҳаяжон ифодалари кўриниб қолди: «Онамиз! Онамиз келди!» деган овозлар эшитилди. «Онамиз! Онамиз яна қайтиб келди!» деган овозлар ҳар тарафдан такрорланарди. Шундай ёш бир қизни жон деб, хурсандлик билан она дейишлари кишига ғалати туюларди.

Саватни бир қўлига кўтариб олиб, қиз тор кўчани айланиб, ҳаммага нон улаша бошлади, буни кўрган Роҳулнинг ҳайронликдан бақариб юборишига сал қолди. У қизнинг одамларга меҳрибонлик қилаётганини, гоҳ бирига, гоҳ бошқасига ширин сўзлаб кўнглини кўтараётганини эшитиб турарди: «Йўқ, йўқ, отахон, оч қоринга бирдан бундай кўп овқат еб бўлмайди», «Нонни чайнамай ютиб бўлмайди, азизим, аввал яхшилаб чайнагин», «Яна бир бурда берайми, синглим? Бўлдими? Бир бурдаси ҳам бўлади дейсанми?»

Роҳул қизга сеҳрлаб қўйилгандек қараб турарди. Ҳамманинг олдидан бир-бир ўтиб бўлгандан кейин, қиз одамлар орасига ерга ўтирди-да, ўз улушини еди.

Энди унинг бошқалардан ажратиб турган ҳеч қандай сирли, ғалати жиҳати қолмаган эди. Жуда кўп қишлоқ қизларидан бири бўлди-қолди. Қизил йўлдаги бронза ҳайкални эслатувчи ҳеч нарсаси қолмади. Ўзига ўхшаган одамлар орасида у ҳеч нарсаси билан ажралиб турмасди.

Лекин у мардлик даражасига кўтарила олган эди. У қаттиқ уятни, бегона эркаклардан — ажнабий солдатлардан қўрқишни енга олди. Ахир мана шундай гадо, оч-яланғоч қизга қанчадан-қанча одамнинг ҳаёт-мамоти боғлиқ эди!

Роҳулнинг ўрнида бошқа бирон беақл, енгилтак йигит бўлганда, қиз ўз ҳаёсини сотди, инсон баданининг муқаддаслигини ҳаром қилди, деб аюҳаннос солган бўларди. Аммо Роҳул тор кўчадан қайтиб чиқар экан, назарида, ҳозир унинг кўзи ўнгида бир лаҳзага инсон қалбининг муқаддаслиги очилгандек туюлди, у ҳозир кўрганларининг гўзаллиги ва бебаҳолигидан танг қолган эди.

Ана шундай ёрқин хотиралар зулмат қучоғида кўнглини ёритган эди.

Шундай бўлса ҳам, ўша қиз тўғрисидаги фикрлар Роҳулни ташвишга соларди. У йигитни Қажоли тўғрисида ўйлашга мажбур этарди. Бу иккала қиз бир-бирига унча ўхшамасдилар ҳам, иккаласи ҳам шунчаки оддий деҳқон қизлари эди, энг оддий деҳқон қизлари. Кўринишдан, Банголнинг бутун деҳқон қизлари Қажоли сиймо-сида кўзи олдига келарди. Лекин Қажоли қаерда экан? Бошпанасизлар тақдири уни қайси бурчакка улоқтирди экан?

Ошхонадан чиқиб кетаётганида олдига ёрдамчиларидан Оҳин келиб:

— Анави ерда сизни бир чол сўраяпти, сэр. У дарвоза олдига кутиб турибди,— деди.

— Оч қолганларданми? Бундан ортиқ биронта ҳам карточка бера олмаслигимизни биласиз-ку, ахир...

— Унинг карточкаси бор экан. Карточкасини қайтариб бермоқчи эмиш. Нима эканлигига ҳеч тушунолмадим.

Ҳайрон қолган Роҳул дарвоза томонга ошиқди.

Қуруқ суяк бўлиб қолган бир чол карточкасини Роҳулга узатар экан:

— Отахон, мана буни олсанг,— деб илтимос қилди.— Мен икки ҳафта сизларнинг ошхонангиздан овқатландим. Энди бир қанча вақтгача бўтқа емай ҳам ўта оламан. Хайр-садақа сўрайман, бурда-сурда нон йиғаман, бир амаллаб кунимни кўраман. Менинг ўрнимга ёрдамга мендан ҳам муҳтожроқ бирор одамни олинглар. Бундайлар тўлиб ётибди, юзлаб, минглаб топилади.

— Йўқ, йўқ,— деб эътироз билдирди Роҳул.— Ҳали сизнинг куч-қувватингиз йўқ. Овқат еб туришингиз зарур.

Қарточкангизни олиб кетаверинг. Бўтқа бирпасдан кейин тайёр бўлиб қолади.

Аммо қоқ суяк бўлиб қолган чол йигит қаршисига тиз чўкди, бошини кўчанинг чанг-тупроғига теккизар даражада эгиб, таъзим қилди.

— Отахон, жуда олий ҳиммат йигит экансан. Сенга жонимни берсам ҳам арзийди. Миннатдорчилигимни билдиришга қўлим қисқа. Лекин бошига кулфат тушган, оға-иниларимга ёрдам бериш ҳам қўлимдан келмайди — фақат бир йўл билан, бўтқадан менга тегадиган ўз улушимни шунга ҳам зор одамларга бериш билан ёрдам қилишим мумкин. Сўрайман сендан, мени мана шундай хурсандликдан бебаҳра қилма,— деди, у узундан-узоқ гапирганидан чарчаб, оғир-оғир нафас оларкан. Чол нафасини ростлаб олиб, секин-аста, зўрға ўрнидан турдида, нари кетди.

Мана, киши қалбининг бебаҳолиги ана шундай бўлади! Роҳулнинг назарида уни хавотирликка солаётган фикрлар бирдан кулгили бўлиб туюлди. У секин-аста юриб кетаётган чолнинг ярим яланғоч, букилган қаддига қараб турар, қалби эса, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган шодлик ва ғурур билан тўлиб борарди, назарида гўё қаршисида бошига фалокат тушган Бангол халқи учун озодлик тонги отиб кела бошлагандек, бахт-саодатли кунлар яқин қолгандек туюларди.

— Бир бечора очга раҳмингиз келсин, соҳиб. Гуруч олишга бир пайса хайр қилинг. Оч бечорага раҳм қилинг, соҳиб,— деб жулдур-жулдур кийинган бир бола Метро-Синама-Хауздан энди чиққан, эгнига хоки кийган новча солдатга, бошпанасиз очларнинг одатдаги гапларини айтиб хиралик қила бошлади.

Солдат одимини секинлатиб, болага ўгирилиб қаради. Унинг кўк кўзларидан болага ачингани кўриниб турарди. Солдат кулиб қўйди-да, бола тушунмайдиган тилда алланарсалар деди, кичкина тиланчининг чанг, чигил сочларидан силади. Кейин боланинг қўлига ярим рупия тутқазиб, ўз йўлига қараб кетди.

Ону ҳайрон бўлганича туриб қолди. Шу пайтгача ҳали ҳеч ким унга бунчалик кўп пул бермаган, шу пайтгача уни биронта ҳам ажнабий солдат бундай эркалатмаган эди,— бир марта ҳам бундай бўлмаган эди. Шу пайт-

гача у ўша беғона солдатга ўхшаганлардан қўрқиш керак эканлигини, улардан нарироқ юриш, нафрат қилиш керак эканлигини билар эди, холос. Ону гўё солдатнинг меҳридан озгинаси ҳали ҳам қолгандек қўли билан сочларини ушлаб кўрди. Кўзлари пирпираб кетди. Упкаси тўлиб, йиғлагиси келди.

Қўлидаги пулни маҳкам ушлаб, Бентинк-стритдаги арзон баҳо овқатхонага қараб юрди; ўша ерда ўзидаги пулга икки товоқ тўла-тўла гуруч сотиб олиш мумкинлигини, ўшанда ҳам қуруқ гуруч эмас, балки лўя ё картошка ҳам қўшиб беришларини биларди. Бола жуда хурсанд бўлиб кетганди. У хаёлида ҳозир бориб еядиган ўша иссиқ гуручни ҳам кўриб турарди, кўзларини юмиб, унинг иссиғи ва мазасидан аллақачон лаззат ҳам қила бошлади. Яна бирпасдан кейин хаёлида кўраётган бу ширин таомни ўнгида ейди.

Овқатхонага анча юриш керак эди. Ону мадорсиз оёқларини зўрға судраб босиб борар экан, нозик, ориқ қўлини бўм-бўш қорни устига қўйди, қорни шундай қаппайиб кетган эдики, гўё ичи тўла овқатга ўхшарди! Жуда қизиқ-а, деб ўйлар эди Ону, қўлини қорни устига қўйиб, лабларини ҳайронликдан қийшайтирган ҳолда. Бир хил одамлар ҳар кун, ҳар ой, ҳар йили сира канда қилмай овқат ейди, шунинг учун қорни думалоқ, катта бўлади — ҳар бир бадавлат одамнинг қорни ана шундай. Бир хил одамлар эса, ойлаб оч қолади, оёқ-қўллари, юзи, кўкраги — ҳамма ёғи қотиб, қуруқ суяк бўлиб кетган, қорни эса, худди катта пуфакка ўхшаб шишиб кетган. Жуда қизиқ!

Лекин секин-аста унинг хаёли бошқа томонга қараб кетди: у бугунги тунда бўлган ишларни яна бошқатдан бошидан кечираётгандек бўлди. Кечаси олдин шаҳар кўчаларига қўрқув таратиб роса бир соат сирена увиллади. Ону уни дарҳол кўз олдига келтирди: пальма даррахтидек келадиган баланд труба ва юзта кичикроқ трубачалар, ҳар бир трубача олдида биттадан солдат турибди, улар зўр бериб босқон билан унга ҳаво ҳайдаш-япти, ана ўша ҳавонинг ҳаммаси йиғилиб, энг катта трубадан чиқиб кетади—увиллаган овоз ана ўшандан ҳосил бўлади. Кейин бирдан бошқа бир даҳшатли овоз эшитилди — баҳайбат қанотли бир нарса кўк қаърини ёриб, осмонни бўлак-бўлакларга ажратиб, қанотини қоқди. Ону кўпинча осмон бўлаклари нимага ўхшар экан

деб ўйлаб қоларди—кўм-кўк осмонга қараганида, у пишиқ қилиб тўқилган каттакон шойи матодан қилингандек туюларди, бошпанасиз қочқинлар тиқилиб ётган мана шу тор кўчага ўша шойидан бир парчаси узилиб тушса борми, ҳеч ким яланғоч юрмаган бўларди, лекин осмоннинг бир парчаси ҳам бу ерга узилиб тушмади, бунинг ўрнига осмондан япон бомбаси тушди, у тор кўчага кираверишдаги катта уйнинг бир бурчагини ўпириб тушди. Тонг отарда тор кўча одам билан тўлиб кетди—ярқираган яп-янги автомобилларда ҳаво ҳужумига қарши курашувчи қисмларнинг офицерлари билан солдатлари келиб тор кўчада худди қуртдек қуруқ ерда чўзилиб ётган, ювинмаганидан сасиб-бижғиб, кир бўлиб кетган одамлар олдига сира тортинмай, тўппа-тўғри кириб келдилар. Бу ишларнинг ҳаммаси икки-уч қочоқнинг япон бомбасидан ярадор бўлгани учун қилинаётган эди, бу ерда гарчи ўнлаб одамлар очликдан ўлиб кетаётган бўлса ҳам, бу серсовлат жанобларнинг биронтаси ҳам илгари келмаган эди; бу ердаги одамларнинг текин овқат улашадиган ошхонага бориб келишга ҳам қуввати етмайдиган бўлиб қолган эди, шунинг учун бир неча кунлаб бир лўкма овқатсиз ётишарди.

Бомбадан ярадор бўлганларни эшигида бир қизил чиқиқ устига тик қилиб иккинчи қизил чиқиқ чизилган машинага солиб, касалхонага олиб кетишди.

Бу чиройли машина бирор чиринди нарса еб қўйиб, кейин қорни оғриганидан дод деб, тиришиб ётган битта-яримта қочоқни илгари ҳам олиб кетган вақтлари бўлган эди. Лекин бундай одамларни орадан бир соат ҳам ўтмай қайтариб олиб келиб ташлаб кетишарди. Касалхоналарда ўрин йўқ эди. Аммо япон бомбасидан ярадор бўлганларга жой топиларди; ҳар бир касалхонада бундай одамлар учун махсус жойлар ажратиб қўйилганди—қочоқлар япон бомбаларидан қўрқмаслиги учун офицерлар жўрттага шундай дейишарди.

Бирдан Оунинг миясига бир фикр келиб қолди. У бу фикрини яхшилаб ўйлаб кўрди-ю, юзи ёришиб кетди. Бентинк-стритдаги овқатхонага етишига бир неча қадам қолган эди, аммо Ону у тарафга қараб бурилмади; тўғри ўтиб кетди. У бир тор кўчадаги чоғроқ ибодатхонага етгунча сира тўхтамай юриб бораверди. У тўппа-тўғри ибодатхона ҳовлисидаги худолар йўлига атаб тортиқ қилинадиган гуллар сотиладиган ерга борди.



203 бемга



241 6emza

волидан юраги орқасига тортиб кетди. Қўзларидан дув ёш тўкилди—анчадан бери йиғламаган эди! Қўз ёшлари юзидан оқиб тушаверди, Қажоли буни савдогар хотин сезиб қолмасин учун кўз ёшларини қўллари билан артиб, одимини тезлатди.

Аммо қанча тез юрмасин, отасининг: «Қажоли, сен жангчисан!» деган товуши қулоғи остидан нари кетмасди. Отасининг овози тобора қаттиқ жарангларди. Унинг овози қизнинг қонида қайнар, қулоғи остида жарангларди.

Жангчи! Лекин у тақдирга қаршилик кўрсатиб ҳам ўтирмай, бўйсунди-ку! Оломон орасидаги очликдан муҳокама юритишдан маҳрум бўлиб қолган кишилардан бирига айланиб қолди. Бепул овқат олиш учун навбатда турди. Ташландиқ, ахлатларни титкилади. Ожиз, ночор киши аҳволига тушиб қолди. Энг оддий тиланчига айланди. Мана энди унинг ўлиши — минг марталаб, ҳар куни бир ўлиши керак.

Дадү... унинг мағрурлигини ҳатто Империя Қуввати ҳам синдирилмади, у, дадунинг ўз набираси эса, унга қақшатғич зарба беради.

Дадү... У ҳатто мана шу ердаги қочоқлар орасида бў... анда ҳам, маҳкам ва содиқлигича қолган бўларди.

Мана бу понфуруш — мана шу ярамас хотин нима бўлади! Энди оғир босиб ётган юкдан, уни таслим қилиб қўяёзган юкдан бирдан халос бўлиб олган Қажоли илгариги аҳволига қайтди, қилган ишидан шундай уялиб кетдики, аъзойи бадани ўт бўлиб ёниб кетди, ҳатто қўллари ни тер босди. Уни ўз йўриғига солиш учун понфуруш хотин айтган сўзлар энди баданида чаёндек ўрмалаб юра бошлагандек бўлди.

Қутулиш керак! Ҳар нима қилиб бўлса ҳам қутулиш керак—у ўжарлик билан иягини юқори силкиб қўйди. Қўллари ни гоҳ мушт қилиб қисар, гоҳ очарди.

Шу пайт нима ҳам бўлди-ю, умрида ҳеч кимга яхшилик қилмаган понфуруш хотин ўзининг ожиз қурбонига бир хизмат кўрсатди. Ўзи ҳам сезмагани ҳолда қизга ғалат бир фикр айтиб қолди.

— Бундай ҳодисалар — газетчилар учун ҳудонинг бергани. Газеталар ярмаркада ёнгоқ сотилгандек дарров сотилиб кетади. Ҳар дюжина сотилган газета учун икки анна тўлашади.

— Мен бир кунда неча дюжина газета сота оларкинман?— деб сўради Кажоли, гўё овоз чиқариб ўйлагандек бир оҳангда, ҳайрон бўлганидан оғзи ярим очиқ қолди.

Понфуруш хотин кулиб қўйди; унинг эс-ҳуши Кажолини топиб келгани учун оладиган катта пулда эди.

— Сендан ҳар қандай эркак ҳам жон деб газета сотиб олган бўларди, айниқса, бунинг устига яна бир жилмайиб қўйсанг борми!

Кажоли индамади. У қошларини чимириб, зўр бериб ўйларди. Бирданига кўзлари чақнаб кетди.

Орадан ўн минутча ўтиб, улар икки кўча чорраҳасига келишгач, понфуруш хотин:

— У ёққа эмас, мана бу ёққа. Биз тўғрига юрамиз,— деди.

— Менинг йўлим бу тарафда,— деди Кажоли ва оддини тезлатди.

— Қаёққа кетяпсан?— деб сўради хотин, шубҳа билан.

— «Ҳиндистон» газетасига,— деб қисқа жавоб берди қиз.

Понфуруш хотиннинг юзига кулги чиқди. У «Ҳиндистон» газетаси чиқадиган ерда текин овқат бериладиган пункт борлигини биларди.

— Оғир кунларда сени боқиб туришган жойни яна бир кўриб келмоқчимисан? Топган тапингни қара-я! Бҳагвон!— деб у бош чайқаб қўйди: бу оч-яланғочлар жуда ғалати одамлар бўлади-да! Тилсиз ҳайвоннинг ўзи дейсан!— Шошма, шошма!— деб қичқирди у, ҳарсиллаб, чунки Кажоли тобора қадамини тезлатиб борарди.— Қаёққа, бунча шошмасанг.

Лекин қиз оёқлари ва дилига янгитдан куч-қувват киргандек, тобора тезроқ қадам ташларди. У ўзининг ярмаркадаги ёнғоқ сингари тез сотилиб кетадиган бир даста газета қўлтиқлаб олиб, муюлишдан югуриб чиққанини кўриб турарди. Бундан ташқари яна: «Конгресс арбоби очлик эълон қилди!»—деган ўзининг жарангдор овозини ҳам эшитди. Бирдан қараса — қаршисидан Ону-бҳойи келаётган эмиш, у ҳам қўлидаги бир даста газетани силкитиб: «Охирги сони!» «Ҳиндистон!» деб қичқармиш.

Кажоли оғир чўян дарвоза олдига келиб тўхтади.

— Пулингни қайтариб бераман, бир рупияси ҳам куймайди, ҳей хотин, бундай ҳурматга лойиқ одам эмаслигинга худолар шоҳид, шундай бўлса ҳам қайтариб бераман.— Бирпас тўхтаб яна давом этди:— мен газета сотиб олиш учун лозим бўлганича — озроқ пул қарз олиб тураман.

Понфуруш хотин нима қиларини билмай бир нафас анграйиб қолди. Кўзлари ола-кула бўлиб кетди.

— Нималар деб алжираяпсан!— деб қичқирди у ниҳоят жон аччиғида.

Қиз унга қараб қўйди. Бирдан озғин аянчли юзига ширин табассум югурди.

— Сира ҳам алжираетганим йўқ. Мана ўзинг бир кўз олдинга келтир — қўлтиғимда уч дюжина газета. «Газета! Сўнгги янгиликлар! Конгресс арбоби турмада очлик эълон қилди!» Энди тушундингми?

— Вой, тентак! Эси паст!— Энди савдогар хотин овозининг борица аюҳаннос солиб қичқира бошлади.

Қиз дарвоза олдида орқасига ўгирилиб қаради. Бошига тушишига сал қолган шармандаликлар кўзига кўриниб кетди, юз-кўзлари қип-қизил ловлагига айланди.

— Шақолвачча!— деди Кажоли нафрат билан, кейин қўшмачи хотиннинг юзига шундай тарсаки тортиб юбордики, унинг юм-юмалоқ юзида қип-қизил бўлиб қўлининг ўрни қолди.

«Ҳиндистон радиосидан гапирамиз. Сўнгги ахборот эшитдирамиз».

Самарендро сўзларни сал-сал чўзиб ўқиётган дикторнинг овозини сира эшитгиси йўқ эди, лекин ўрнидан туриб, радиони ўчириб қўйишга дармони қолмаганди. Эрталаб хизматкори ҳар кунгидек унинг хонасига кириб, сўнгги ахборот эшитдирадиган вақтда радиони қўйиб қўйганди — Самарендро ўрнидан кеч турар, ётган жойида радио эшитишни яхши кўрарди; оғиз очиб бир нарсаси дегунича, хизматкор чиқиб кетиб қолди.

Самарендро бир хўрсиниб қўйди-ю, чор-ночор радио эшита бошлади. Унинг бўладигани бўлиб қолган эди. Бугун кечаси бирданига аллақанча қариб қолди. Гўё боши тепасида бомба ёрилгандек бўлди.

Биринчи зарба тун алламаҳал бўлиб қолганда бошига тушди. Телеграмма хунук хабар келтирди. Ишга оид телеграммалар ҳар вақт ҳам келаверарди, шунинг учун Самарендро уйқусираб секин-аста сариқ конвертни очди. Телеграммани ўқиди-ю, бирдан нафаси тикилиб қолди. Юзи мурданинг юзидек оппоқ оқариб кетди.

Мудофаа министрлиги чуқур қайғу билан ҳинд артиллериясининг капитани Кунал Басу бедарак йўқолганлар рўяхатига ёзиб қўйилганини хабар қиларди.

— Нима гап ўзи? Нима бўлибди?— деб сўради ўз хонасидан чопганича чиқиб келган хотини. Унинг овози титрар, юзидан довдираб қолгани кўриниб турарди. Самарендро ҳеч нарса дегандек бош чайқаб қўйди, тажанглик билан йўталди. Хотини бунга эшитмаслиги керак. Эшитса, ҳоли хароб бўлади. Яхшики, инглиз тилида ўқишни билмайди.

Ҳеч нарса. Шунчаки ишга оид бир хабар.

— Нега бўлмаса рангингиз ўчиб кетди?

— Рангимга нима қилибди? Бир хунук хабар келибди, холос. Нимасига тушунмайсан? Бир иш чатоқ бўлиб қолибди.

— Иш чатоқ бўлибди? — У ростдан ҳам шундайми-кан деб эрининг юзига шубҳа билан қараб турарди. Иши ёмон бўлса, садқаи сар. Унга бойликнинг зарурлиги йўқ. Улар эскичасига, оддийгина яшаб юришганда ҳам турмушидан мамнун ва бахтиёр эди. Ишқилиб болалари омон бўлсин. У кафтини кафтига қилиб, худоларга сизгинди: «Болаларимни ўз паноҳингда асра, эй меҳрибон она!»

Самарендро хотини кетиши биланоқ, жойига чўзилиб ётиб олди, бошига тортган кўрпа бетиним титрарди. У худди болалардек ўзини тутолмай, силкиниб-силкиниб йиғлар, фақат овоз чиқармай, унсиз йиғларди.

Ўғлини ўйлаб, кечаси билан ухламай чиқди. Куна-нинг қандай ўсганини, мактабда қандай ўқиганини, қандай мукофотлар олганини эслади. Кейин коллежда ўқиди, спорт мусобақаларида ғолиб келиб кумуш кубоклар олди; ўша кубоклар ҳозир ҳам онасининг хонасида, тоқчада, ойна тагида турибди. Ниҳоят артиллерияга қизиқиб қолди. Олифта қилиб тикилган ҳарбий форма кийганда қандай чиройли йигит бўлиб кетганди! Энг кейин қисмимиз фронтга, денгиз орқасига кетяпти деб, рухсат олиб уйга бир келиб кетди. Охири оғир хайрлашув соат-

лари келди. Онаси соғинди. Икки йил-а, ниҳоят, мана... Дараксиз йўқолибди. Дараксиз.

Дараксиз йўқолди. Бу нима дегани? Эҳтимол, асир тушгандир? Унда муҳтожликда яшаётган бўлади, аммо хавф-хатардан холи бўлади. Ўт остида бўлмайди. Ўтакетган оптимист Самарендро мана шу арзимас умидга ёпишиб олди. Бу умид орқасида қўрқинчли шарпалар кўзга ташланиб турарди-ю, аммо Самарендро уларга қарамас, улардан юзини тескари бурарди. Унинг Роҳул билан гаплашгиси, ундан куч-қувват олгиси, ишончини орттиргиси келиб кетди. Аммо Роҳул уйда йўқ эди; у, кўринишдан, очларга ёрдам бериш Марказида тунаб қолган кўринарди; баъзан ишга берилиб кетиб, Қўлбўйидан ўтадиган охирги трамвай ва автобусдан ҳам кеч қолиб, кабинетидаги сафар каравотида ётиб ухларди.

Дараксиз... дараксиз... унинг кўзига шундай манзара кўринди: артиллерия капитани душман қароргоҳига снаряд кетидан снаряд отиб турибди. Душман ҳам узлуксиз ўт очиб турибди. Капитан охирги снаряди қолгунча жанг қилди. Кейин ўз қисмидан ажралиб қолганини, чекинишга илож қолмаганини сезиб қолиб, спорт майдончасида рақибини кутиб тургандек эс-ҳушини йиғиб, хотиржамлик билан кутиб туриб қолди. Ниҳоят, қўлини кўтариб, итальян тилида: «Таслим бўламан!» деди. Қаттиқ қайғу ичида қолган бўлса ҳам ота ҳозир ўғли учун жуда мағрурланиб кетди.

Ал-Оламейндаги тарихий зарба. То Триполгача бўлган минг миллик жадал сафар. Саккизинчи армия сафида Тунис адирларида олиб борилган жанглар. Қунал доим жанг энг қизғин бўлган ерларда ҳозир. Икки марта ротага командирлик қилишга тўғри келиб қолди... Сицилия... Салернога тушиш. Қуналнинг охирги хатига Неаполь штемпели босилган эди. Самарендронинг бирдан ўша хатни жуда ҳам ўқигиси, таниш сатрларни яна бир кўздан кечиргиси келиб кетди, лекин хат онасининг қиммат баҳо зеб-зийнатларига қўшиб, қутичага қулфлаб қўйилган эди.

Қўрқинчли шарпалар эса, хунук-хунук тиржайиб, олға ўтиш учун интилишарди...

Иккинчи зарба уч соатдан кейин бошига тушди. Кечалик столи устида турган телефон жиринглаб қолганда, Самарендронинг юраги орқасига тортиб кетди, қандай

хабар эшнтишини кутиб қотиб қолди. Мана ҳозир Янги-Дехлидан «Бедарак йўқолганлар рўйхатига янглишиб киритилган артиллерия капитани Кунал Басу эсон-омон ўз қисмига қайтиб келди» — деб хабар қилишади. Телефон трубкасини кўтариб олар экан, унинг қўли титрар эди.

Телефондан Роҳулнинг овози келди.

— Ота, хайрлашиш учун телефон қилдим. Мени қамоққа олишди.

Телефон трубкасини жойига осиб қўйиб, Самарендро иккинчи марта ёш боладек ҳўнграб йиғлаб юборди.

У ўз ишида жуда катта муваффақиятларга эришди. Давлат эгаси бўлди. Буларнинг ҳаммасини шу болаларини деб қилди. Ўзи ёшлик вақтида муҳтожликни, хўрлик ва хорликни бошидан ўтказди, ўзини камситилганлар оламига мансуб одамлардан бири деб ҳисоблашга ўрганди. Ўзининг камбағаллигини шундай лаънатлар эдики, асти қўясиз! Худди ўша вақтда унда болаларим муҳтожлик хўрлигини сира билмаса эди, деган орзу уйғонди. Дунёнинг бутун лаззатларини уларга муҳайё қилади. Улар бой-бадавлат одамларга хос мағрурликни ёшликларида ноқ ўзлаштириб борадилар. Лекин у ўғилларим деб қанча захмат чекмасин, уларни деб қанча давлат тўпламасин, улар бунинг мақсадини ҳеч вақт тушунмадилар. Улар гўё ҳар хил тилда сўзлашар эдилар. Куналнинг армияга кетиши нимага зарур бўлиб қолди? Ёки Роҳулни олайлик — ахир у ўзининг илмий ишлари билан кўпроқ фойда келтиролмасмиди, айниқса ҳозир, буюк ихтиролар очиш арафасида турган бир пайтда. Мана шу ўйлар Самарендрога тинчлик бермасди. Қизиқ, унинг қари отаси набираларининг гапига дарров тушуна қоларди. Уларнинг учаласи уч хил одам бўлишига қарамай, учови бир оламнинг одамига ўхшарди. Отаси набираларида ўзининг руҳий мужассамини кўргандек туюларди. Иккала набирасини ўйлаб, қариган чоғида у ўзига далда берарди, улар қамоқхона оғирликларига (ҳозир эса, булар устига ўз ихтиёри билан қўшгани янги азоб — сиёсий маҳбуслар ҳуқуқи йўлида эълон қилган очлик) бардош беришга ёрдам қиларди. Самарендро Дера Дунга отасини кўргани борганда, у билан бўлган қисқа учрашувда темир панжаранинг нарёғида турган отасига

қараб туриб, унинг кўнглидаги гапларни шундай билиб оларди.

Ҳиндистон радиоси дикторининг юшоқ овози Самарендронинг жиғига тегиб ҳамон эшитилиб турарди.

Бугун янги йилнинг биринчи куни... Бу йил Самарендро учун жуда хунук бошланди! Жаноб олийлари одатдагидек баъзи одамларни мукофотга лойиқ кўрибдилар. Радио илтифотга сазовар бўлганларнинг номини қайд қиларди. Самарендрога таниш одамларнинг номи биринкетин эшитилиб турарди. Сэр Абалабанду, гўё ўзининг мол-дунёси камлик қилаётгандек, яна катта мукофот олибди. Бирдан Самарендро сакраб тушди. Диктор унинг номини тилга олганди! Уни Империя мукофотлаган эди. Унинг ўғилларидан жудо қилган Империя! Самарендро ўрнидан сирғаниб тушди, приёмник олдига келиб, шартта ўчириб қўйди. Хонада унинг бўғиқ йиғи овози эшитилди. Мана шу мукофотни у узоқ йиллар кутди, мана орзусига эришди, лекин мукофот унинг бошига бир фалокатдек, бир балодек бўлиб тушди.

Телефон яна қаттиқ жиринглаб қолди. Телефон ярим минутча жиринглаб ётаверди, кейин Самарендро мадорсиз қўллари билан трубкани олди. Яна қандай зарба кутиши мумкин?

«Арзон гуруч» акционерлари жамиятининг иш бошқарувчиси телефон қилаётган экан. Анчадан бери кутиб юришган катта олди-сотди бўлай деб турибди, дарҳол бирор кўрсатма берилиши керак. Сэр Абалабанду шаҳарда йўқ экан.

Трубка ушлаб турган қўлга жон кирди. Тинимсиз йиғлаб ўтган тундан кейин сўниб қолган кўзлар чақнади. Самарендро мана ҳозир азоб чекаётган тирик одамдан бутун иродасини йиғиб, ўз синфининг иродасига, янгитдан катта ижтимоий механизмнинг кичкина бир винтига айланадигандек туюларди.

Лекин бу бир лаҳзалик кўтаринкилик эди. Чарчоқ кўзлар юмилди. Дармонсиз қўлдан трубка тушиб кетди. Трубка каравотда ётарди, ундан иш бошқарувчининг зўр бериб: «Алло! Эшитяпсизми? Алло! Алло!» деб бақираётгани эшитилиб турарди.

Тонг ғира-шира отиб келаётган бир пайтда полициянинг қора машинаси очларга ёрдам Марказий биноси

олдига келиб тўхтади, унда келганлар ташкилот секретарини сўрашди.

Роҳул сира ҳам ҳайрон бўлмади. Унинг илмий текширишлари унга узоқ вақтгача қалқон бўлиб келди, аммо у қалқонини ўзи уриб синдирди. Кейинги икки ой ичида у эҳтиёткорликни унутиб, лабораториясида сира ишламади, ҳатто ўзини ишлаётган киши қилиб кўрсатишга ҳам уринмади. Бунинг устига у студентлар билан тез-тез суҳбатлашиб турарди, ҳар сафар ўзининг аччиқ, ғазаб билан тўла гапларини тобора кенгроқ доирада гапираверди. «Бу уруш,— деган эди у,— тарихда маълум бўлган кўп урушларнинг яна бир такроридир, холос. Тўпос снесь арбобларнинг дабдабали шиорлари ҳам фашистлар ўйлаб топган гаплар сингари мутлақо пуч нарсалардир. Тўрт Озодлик қаторига озод бўлиш озодлиги кирмайди — ҳар ҳолда осиеликлар учун ҳеч қандай озодлик берилмаган. Бангол шу пайтгача кўрилмаган даражада террор остида инграмоқда. Очлик, бу даҳшатли офатлар ажнабий ҳокимларнинг қилган ишидир. Ҳар хил олий мартабали ва олий ҳурматли қўғирчоқ ҳокимлар очликнинг мавжудлигини умуман инкор этдилар. Улар очлик мавжудлигини яшириб кетмоқчи бўлдилар. Очлик тўғрисидаги хабарлар дунёга тарқалгач, улар ҳар хил сохта декларацияларга зўр бердилар... Икки миллион инглизнинг очликдан ўлиб кетаётганини кўз олдингизга келтиринг, бундай очлик юз беришига йўл қўймасликнинг иложи бўлсин, контролдан холи, беғам, уятсиз ҳукумат бунга мутлақо эътибор қилмаётган бўлсин. Яланғоч қолиб шарманда бўлишдан кўра ўлимни афзал кўрган хотин-қизларни айтмайсизми — ахир ҳинд фабрикаларида ишлаб чиқарилаётган матоларнинг ҳаммаси армияни кийинтиришга кетяпти, халққа тегмаяпти! Худди мана шундай жиддий бир пайтда халқ томонидан йўлбошчилар сифатида танилган ҳинд ватанпарварлари, халқ дардида куйиб-ёнадиган, халқ бошига келган балонинг олдини олиш учун ҳеч нарсадан ҳам тап тортмайдиган ватанпарварлар турмаларда ётибдилар. Банголнинг олий мартабали ва олий мансабли ҳокимлари хотиржамлик билан ўлдириб юборган икки миллион шўрпешоналар гўрдан туриб: «Ҳиндистондан йўқолинглар!»— деб қичқирмоқдалар,— Роҳулнинг овози ғазаб билан жарангларди, у ўзини сал босиб олиш учун бир оз тўхтади.— «Йўқолинглар! — деб

бутун Ҳиндистон қичқирмоқда.—Энди сизлар билан баҳслашиб ўтирадиган гап қолмади! — демоқда бутун Ҳиндистон. Сизлар бизга унча-мунча яхшилик ҳам қилдинглар-у, аммо қилган ёмонликларингиз беҳад. Бизга қилган яхшиликларингиз учун ортиғи билан ҳақ олгансиз. Орамиз очиқ. Энди эса, худолар ҳақи, йўқолинглар!»

«Мақсадимиз зулмдан холис бўлишгина эмас,— деб давом этарди у.— Бу янги кураш ва ҳаёт йўлида қўйилган дастлабки қадам, холос. Очликнинг ўн йилларсиз тугамайдиган қўрқинчли, даҳшат тўла оқибатларини йўқотиш йўлидаги курашда бир қадам. На очлик, на қўрқув, на эксплуатация бўладиган ҳаёт йўлидаги дастлабки қадамдир. Истибдод зулмидан қутулиш — оқилона ҳаёт тузумини яратиш йўлида, инсониятнинг бешдан бир қисми одамдек яшаши учун шароит ҳозирлаб бериш йўлида кенг имкониятлар очадиган омил бўлади».

Роҳул студентлар билан мана шу руҳда бир соатча гаплашди. Шунинг учун ҳам уни Ҳиндистондан четлатиб қўймоқчи бўлганлари табиий бир ҳол эди.

Уйдагиларга телефон қилиши учун унга беш минут вақт бердилар. Уларни уйғотишга Роҳулнинг кўзи қиймас эди. Монжу кичкина Кукуни маҳкам қучоқлаб, қаттиқ ухлаб ётган бўлса керак, шундай бўлса ҳам уни уйғотишга тўғри келади. Ахир унинг овозини яна бир марта эшитмай кетиб бўлармиди? Эҳтимол, энди унинг овозини узоқ вақтгача эшитмас? Аммо олдин отаси билан гаплашиб олиши керак. Отасининг ўз хонасида алоҳида телефони бор.

Отаси, кўринишдан, уйғоқ экан, чунки трубкини даров олди.

— Ота, хайрлашиш учун телефон қилдим. Мени қамоққа олишди.

Отаси томоғига бир нарса тикилиб қолгандек бўлди:

— Демак, сен ҳам, Роҳул?— у бирпас жим қолди.— Роҳул, онанг гапимизни тушуниб қолмаслиги учун инглизча гапираман. Хунук хабар олдик. Қунал бедарак йўқолибди. Янги-Дехлидан телеграмма олдим.— Кейин ёлворгандек қилиб сўради.— Роҳул, сенингча Қунал...— отасининг телефон трубкасидан эшитилаётган овози узилиб қолди.

Роҳул қотиб қолганди. Лекин тилга кирганда овози хотиржам ва жиддий эшитилди:

— Жуда кўп солдат ва офицерлар бедарак йўқолади, ота, кейин улар эсон-омон қайтиб келишади. Хавотир бўлманг, Қунал асир тушиб қолгандир.

— Эҳтимол, ўз қисмига ҳам келиб қолар?

— Шундай бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳодисалар тез-тез бўлиб туради. Ота, менга жуда оз муҳлат беришган. Телефонга Монжуни чақириб берсангиз...

Шундан кейин отаси синиқ товуш билан:

— Худо ўз паноҳида асрасин, ўғлим,— деди.

Монжу телефон трубкасини олганда воқнадан хабардор эди — қайнотаси тўсатдан эшитиб қўрқиб кетмасин деб аввалроқ билдириб қўйганди. У хотиржам ва аллақандай янги, яширин кучдан мадад олгандек ўзини бардам ҳис қиларди.

— Демак, яна сафарга отланибсиз-да?

— Монжу,— гап бошлади у,—ахир бир кун шундай бўлишини билар эдинг-жу. Мен бунга интилганим йўқ, албатта, аммо ўз истагимга қарши чиқа олмас эдим.

— Азизим,— унинг ёқимли овози Роҳулни эркаларди.— Кўп ўтмай мен ҳам сизнинг йўлингиздан кетаман...

— Сен-а, Монжу?

Монжу дарров жавоб бермади:

— Мен энди илгариги эси паст Монжу эмасман, ўзингиз ҳам биласиз-ку бун.

Ҳа, бун у биларди. Монжу тез ўсди. Аёллар ўса бошласа, эркалардан тез ўсишади. Янги Монжу шубҳа нималигини ҳам, қўрқув нималигини ҳам билмасди. Роҳул хотини билан мағрурланарди.

— Куку сизни жуда соғиниб қолади-да, дадасини чақириб, йиғлайвериб эси кетади ҳали...

Полициячи иккита сўз айтди, Роҳул трубкани қулоғидан олди. У Қукунинг пиқиллаб йиғлаётганини эшитгандек, ёшли юзларини кўргандек бўлди; қизини эркалатгиси келиб кетди.

Қора машина ҳали жуда ҳам ёришиб кетмаган ғирашира кўчалардан учиб борарди. Унда Роҳулдан ташқари яна ўн киши бор эди. Маҳбуслар темир панжара ўрнатилган кичкинагина деразадан дам-бадам ғазаб билан кўчага: «Банде матарам!» деб жанговар чақириқ таш-

лардилар. Машинадан ташланган чақириқни эшитиб қолган ўткинчилар ҳам тўхтаб, машина кетидан: «Банде матарам!» деб қичқириб қолардилар.

Роҳул ўзини жуда хотиржам тутди. Ўзи босиб ўтган бу узундан-узоқ изланиш йўлларининг аллақайси бир бурчагида ёлғизлик ва қўрқув деган ҳисларни йўқотиб қўйган эди. Айрим бир шахс сифатида шахсан ўзининг бошига тушган ишларнинг асло аҳамияти йўқ эди. Халқи бошига тушаётган ишларнинг аҳамияти зўр эди. Ҳозир уни озодликдан маҳрум қилганларга нисбатан на ғазаб, на нафрат ҳис этарди, уларга нисбатан мутлақо бепарво, бефарқ эди, гўё бутун вужудини аллақандай бир мавҳум ҳузур чулғаб олгандек эди.

Машина Ганг дарёси устига солинган кўприкка кириб келди. Роҳул дарёни яна бир марта кўриб қолиш учун темир панжарали деразага яқин келиб, пешонасини панжарага тиради.

Тўсатдан у чўчиб кетди. Автомобиль чироғи ёруғида у кўприк панжарасидан ошиб ўтишга уринаётган бир аёлни кўриб қолди.

— Тўхтанглар! Қаранглар! — деб қичқирди у, соқчиларга, совуқ юз ва бемаъно кўзларни кўрди, холос. Дилхасталик билан яна деразага отилди, худди шу пайт ўн киши бараварига: «Банде матарам!» — деб қичқириб қолишди.

Хотин иккиланиб қолди, осилтириб олган оёғини қайтиб ерга қўйди. Роҳул унинг қўлларини пешонасига яқин келтирганини ва алланарса ахтаргандек бошини секин-аста бурганини кўрди. Ўзини енгиб қўяёзган аламдан ўзига келдимикан? Қутулиб қолдимикан? Роҳул машина кўприкдан ўтиб кетгунча хотиндан кўзини узмай қараб турди.

Очлик мамлакатидан қочишни мўлжаллаган яна бир маҳбус деб ўйлади чуқур хўрсиниб Роҳул, омма у хотин ўзи ҳамма ёқдан ахтариб тополмаган барунилик деҳқон она экани унинг хаёлига ҳам келмади.

У ўзининг одатдаги кулгиси билан оғзини очмай ва овоз чиқармай кулиб қўйди, — шу пайт Учинчи Озодлик қандай ифода қилиб берилганини эслади. Муҳтожликдан қутулиш озодлиги; ҳа, очлик замонасининг ҳушқўқлари хартиясига, яъни машҳур тўрт Озодлик ҳисобига кирган, у ҳақиқатан ҳам мавжуд, аммо бунга озодликдан фойдаланиш озодлиги кирмайди, холос.

Аммо унинг лабидаги аччиқ табассум йўқолди, унинг ўрнида беҳад-беҳисоб бахтсизликларни кўраверганидан чарчаган кўзларида ғам кўринди. Миллионлаб кишилар қўрқишиб ёрилган лаблари нон деганча ўлиб кетдилар. Миллионлаб одамлар касал, яқин орада ўлиб кетишга маҳкум этилган. Миллионлаб одамлар ҳаёт учун энг асосий нарсадан маҳрум бўлиб қолди, улар ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан майиб бўлиб қолдилар, уларнинг энди фақат кўриниши одам, холос. Турмалар одамлар учун яхшироқ ҳаёт талаб қилган маҳбуслар—эркак ва аёллар билан лиқ бўлиб кетган. Душман бостириб келса, бу мамлакатда бундан ҳам ортиқ қирғин бўлиши мумкинмиди?

Олдинда турма деворлари кўриниб қолди. Турма дарвозаси олдида яна битта худди мана шундай машина турарди. Унинг катафалкка ўхшаш қора кузови ичидан қўшиқ эшитиларди. Қўшиқни турма дарвозаси очилиб, уларни ўз қаърига тортишини кутаётган маҳбуслар айтишмоқда эди. Қўшиқдан мағлубиятга учраган кишиларнинг ғами эмас, яширин тантана қилган кишиларнинг шодлиги сезилиб турарди.

Улар кўзи қанча кўп қонга тўлса,  
Каттароқ очилар бизнинг кўзимиз;  
Кишанимиз қанча қаттиқ қисилса;  
Шунча тез биз ундан озод бўламиз.

Бу халқнинг юраги нима билан тегишини яхши билган шоир Тагорнинг ҳаммага маълум сўзлари эди. Қўшиққа қулоқ солар экан, Роҳулнинг ғами секин-аста нари кета бошлади, чунки ҳозир у ғам булутлари тарқала бошлаганини — уфқда янги тонг отиб кела бошлаганини кўриб турарди. Озодлик осмондан тушмайди, океаннинг у томонидан келмайди; озодлик шу ерда, ғам-алам ва кураш маконида гуллайди, ҳинд халқининг тўрт баргли нилуфардек оппоқ руҳи уруғларидан ўсиб етилади.

Роҳул душманлар ҳукми остида бир ўзи эди. Аммо у ёлғиз эмасди. У тўлқиндек кўтарилиб келаётган миллионларнинг бири, ўша тўлқиннинг бир зарраси эди, лекин ўша миллионларни сиғдира оладиган турмалар ҳам қуриб бўлмайди, ҳаммага кишан уришга кишан ҳам ет-

казиб бўлмайди. Шуларни ўйлар экан, Роҳулнинг кўз-  
лари шодликдан чақнаб кетди, ғалаба ғуруридан юзи  
ёришди, у ҳам умум қўшиғига қўшилди:

Кишанимиз қанча қаттиқ қисилса,  
Шунча тез биз ундан озод бўламиз.

---

## ИЗОҲЛАР

- <sup>1</sup> *Сорий* — Ҳинд аёллари бошидан-оёқ ўраб оладиган мато.
- <sup>2</sup> *Қатта қирғин* — Биринчи жаҳон уруши—1914—1918 йиллар назарда тутилади.
- <sup>3</sup> *Дада* — ақа.
- <sup>4</sup> *Деота* — Худо, худога тенг киши.
- <sup>5</sup> *Заминдор* — Қатта ер эгаси, бой.
- <sup>6</sup> *Кисон* — Ҳиндий тилида «деҳқон». Банголда ерсиз деҳқонларни ҳам кисон дейилади.
- <sup>7</sup> *Анна* — Майда чақа пул; бир рупиянинг ўн олтидан бир қисми.
- <sup>8</sup> *Дхўтий* — Эркаклар белидан тиззасигача ўрайдиган мато; лунги.
- <sup>9</sup> «*Британия савдо компанияси*» — 1600 йилда ташкил қилинган *Ост-инд компанияси*. XVIII асрнинг иккинчи ярмигача бу компания савдо компанияси бўлиб келди. «Етти йиллик уруш суронлари *Ост-инд компаниясини* савдо компаниясидан ҳарбий ва территорияль компанияга айлантириб юборди. Англиянинг Шарқдаги ҳозирги ҳукмронлигига худди ана ўшанда асос қўйилган эди» (*Маркс — Энгельс*, Асарлар, IX том). *Ост-инд компанияси* амалда Ҳиндистоннинг хўжайини бўлиб қолди. 1858 йилда «Ҳиндистонни яхшироқ бошқариш тўғрисида» деган қонун чиққандан кейин *Ост-инд компанияси* тугатилиб, «Ҳиндистон Британия тахти ҳокимияти остига ўтди».
- <sup>10</sup> *Бизға* — Ер ўлчови бирлиги,  $\frac{1}{4}$  гектарга тенг.
- <sup>11</sup> *Диди* — Опа, опагон.
- <sup>12</sup> *Роебаҳодур* — Ҳукуматга хизмат кўрсатган ҳинд амалдорлари ва айрим кишиларга инглизлар томонидан бериладиган унвон.
- <sup>13</sup> *Биринчи Гуруч Кун* — Боланинг эмчакдан айрилиб, овқат ейишга ўтган кун ҳисобланади.
- <sup>14</sup> «*Миллий ҳаракатнинг энг йирик арбоби*» — Миллий конгресс ўнг қанотининг етакчиси бўлган Маҳотма Гандий (1869—1948) назарда тутилади.
- <sup>15</sup> *Лотҳий* — ҳасса, таёқ.

- 16 *Ҳинду* — Ҳиндунзм мазҳабидаги кишилар.
- 17 *Бхайиё* — Ака, акажан.
- 18 *Вишна* — Ҳиндларнинг худоларидан бири.
- 19 *Сер* — Ўлчов бирлиги. Бир сер тахминан 900 грамм.
- 20 *Ман, маунд* — Ўлчов бирлиги. Ҳиндистоннинг ҳар ерида ҳар хил: стандартний ман-37,824 кг.
- 21 *Тарихий август қарори* — Миллий конгресс томонидан вице-корол ҳукумати билан ҳамкорлик қилмаслик тўғрисида 8 август 1942 йилда қабул қилинган қарор.
- 22 *«Банде матарам!»* — «Салом сенга, она-Ватан!» — Ҳиндистоннинг миллий гимни. «Банде матарам» ни Б. Ч. Чаттержий (1838 — 1894) ёзган. 1905—1907 йиллардаги революцион ҳаракатлар даврида гимн бутун Ҳиндистон бўйлаб кенг тарқалган.
- 23 *Уч рангли байроқ* — Сариқ-оқ-кўк рангли матодаги чарх — миллий конгресс билан Ҳиндистон иттифоқининг байроғи.
- 24 *Пронам* — Таъзим, ҳурмат билан қаршилаш.
- 25 *Оҳимса* — Гандий таълимотининг принципларидан бири — «Куч ишлатмаслик».
- 26 *Рамаяна* — Афсонавий қаҳрамон Раманинг қаҳрамонликлари-ни тасвир этган қадимги Ҳиндистон эпик асари. Рамаянинг айрим эпизод ва образлари ҳинд шоирлари асарларининг сюжети бўлган.
- 27 *Бҳойи* — Ука, укажон, биродар.
- 28 *Сатияграҳ* — Луғавий маъноси: «Ҳақиқатда маҳкам туриб олиш Маҳотма Гандий томонидан уюштирилган кампания. Куч ишлатмай инглизларнинг ҳар қандай фармонларидан бўйин товлаш кампанияси
- 29 *Тҳона* — полиция идораси.
- 30 *Сандеш* — яхна гўшт.
- 31 *Палтан* — қўшин.
- 32 *Пон* — Барглари хуштаъм ўсимлик. Бу баргларга ўчган оҳак ва хушбўй зираворлар ўраб чайналади.
- 33 *Бҳагвон* — Ҳаяжонни билдиради. Ўзбекларнинг «Ё худо-эй» иборасига тўғри келади.

ЎзССР

Дарғон

30.6.

Сре

22.20.2

П. Кокан

108167

304



*На узбекском языке*

*Б. Бхаттачария*

**ГОЛОД**

*Гослитиздат УзССР — 1960 — Ташкент*

Редактор *Т. Иброҳимов*  
Рассом *Л. Абдуллаев*  
Рассом-редактор *Г. Остапенко*  
Технич. редактор *М. Парпихужаев*  
Корректор *И. Қобилов*

\* \* \*

Босмахонага берилди 17/XII 1959 й. Босишга  
рухсат этилди 15/II 1960 й. Формати 84×108/<sub>32</sub>  
босма лист 7,75 шартли босма л. 12,71 нашр л.  
13,5+8 вклейка индекс ш/а Тиражи 15000. УзССР  
Давлат бадий адабиёт нашриёти Тошкент,  
Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 112—58.

\* \* \*

ЎзССР Маданият министрлиги Ўзглавиздати-  
нинг 3-босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўча-  
си, 15. 1960 й. Заказ 9. Баҳоси 9 с. 15 т.